

Ушум Юлдузи

2002

Учинчи фасл

71-йил чиқиши

Муҳаррир Омон МУХТОР

ТАҲРИРИЯТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Раҳбар Ўткир ҲОШИМОВ

Ҳумоюн Акбаров
Бойназар Йўлдошев
Бахтиёр Карим
(муҳаррир ўринбосари)
Қуронбой Матризаев
Холмуҳаммад Нуруллаев
Абдулла Орипов
Икром Отамурод
Ихтиёр Ризо

Муртазо Султонов
Вафо Файзулло
Юсуф Файзулло
(масъул котиб)
Ислом Шоғуломов
Тўлепберген Қаипбергенов
Тоҳир Қаҳҳор
(адабий котиб)
Рустам Қосимов

МУАССИСЛАР:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАМФАРМАСИ**

* *
**Кейинги сонларда журнал куйидаги
асарларни нашр этишни мўлжаллаган:**

Ойдин ҲОЖИЕВА. «Хотира». Достон.
Хусниддин ШАРИПОВ. «Қайнарбулоқ». Достон.
Маъруф ЖАЛИЛ. «Афросиёб». Достон.
Шукур ХОЛМИРЗАЕВ. Янги ҳикоялар туркуми.
Тоҳир МАЛИК. Рисола. Жиноятчилик тарихи ҳақида асар.
Номаълум МУАЛЛИФ. «Панжара». Роман.

**«Шарқ юлдузи» журнали
2003 йил учун обуна давом этапти.
Йиллик обуна баҳоси — 12.000 сўм.
Индекс — 911.**

* * *

Китобхонада ўтирган одам,
Китоб — хаёлинг тахти.
Ҳақ чашмидин сув ичган чидам,
Сен — эзгулик дарахти.

Китоб қидирасан, китоб титасан,
Ўзгарган имлолар мағзини чақиб.
Сарғайган варақлар чангин ютасан,
Фақру фано мақомин тақиб.

Сен — элатсан, сен — халқсан,
Сен — миллатсан, сен — Ватан.
Рухида хурлик балққан
Соибназарсан зотан.



Сен — ғурурсан, сен — қадр,
Сен — номуссан, сен — орсан.
Ботини — нурга адр,
Зоҳири — дилга ёрсан.


Сен — хотирсан, сен — қадим,
Сен — бугунсан, сен — эрта.
Сен — узук, юлуқ одим —
Йўллар чизган харита.

Сен — армонсан, сен — умид,
Сен — ўзликсан, сен — ўзсан.
Сен — англаш деган вужуд
Англаган улуғ Сўзсан.

Китобхонада ўтирган одам,
Китоб — хаёлинг тахти.
Ҳақ чашмидин сув ичган чидам,
Сен — эзгулик дарахти.

* *ЮРТ ЖАМОЛИ* *





Омон Мухтор

ГУЗАЛЛИК ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

БУ СЕНИНГ ХАЁТИНГ

Ойнаи жаҳонда ҳар куни фильм кўрсатилади.

Турли каналда. Кўп.

Барчасини бўлмаса-да, маълум қисмини томоша қиласиз. Бу кунги Голливуд қайси аҳволда-ю, дунё киноси қандай? — беихтиёр ўйлашга мажбур бўласиз.

Ҳозирги фильмлар аксари «олди-қочди», «ур-йиқит»дан иборат... Бизнинг «Ахборот» эмас, йўқ, бошқа турли «Ахборот»ларни эшитиб-кўрганда ҳам шундай таассурот уйғонади. Ҳар куни деярли бир хилда бино қўпорилгани, поезд ағдарилгани, самолёт портлагани, қаердадир ўт чиққани-ю, қаернидир сув босгани ҳақида «хабар» берилади. Наридан, бунга алабир сиёсатчининг ўзини ҳам, бировларни ҳам алдаб, муғомбирона иш тутаётгани қўшилади. Биронта кишини суюнтирадиган яхши хабар йўқ! Наҳотки, бутун дунёда ЁРҚИН, ГЎЗАЛ бир воқеа, бир гап бўлмаса?! Наҳотки, инсоният XX асрдан XXI асрга кириб келган пайтда, биз яшаб турган шу кунларда ҳаёт манзарасини ҚАБОҲАТ ташкил этади?! У ХУНУҚДАН-ХУНУҚдир?!

* * *

Фильмлар ҳақидаги фикрга қайтсак, бу ўнлаб, юзлаб киноасар қизиқиб томоша қилинади. Воқеалар шиддатли, актёрлар маҳорат билан ўйнайди. Бундан ташқари, улар асосан эртакни эслатади, барчасида Эзгуликнинг Ёвузлик устидан ғалабаси кўрсатилади. Лекин бу фильмларни томоша қилаётиб, сизни хавф-хавотир чулғайди. ДАҲШАТга тушасиз. Гап шундаки, ҳозир кўрсатилаётган фильмларда бировларни отиш, осий, уйда ўлдириб кетиш, болаларни, аёлларни ўғирлаш, ожиз, кекса кишиларни уриш, топташ акс этади. Қахрамонлар эски, анъанавий шаклда олижаноб (ижобий) ва тубан (салбий)-га ажралган. Миршаб, терговчи, изқуварлар бир томон, жиноятчилар иккинчи томон. Аммо иккала томоннинг хатти-ҳаракатлари бир. Улар КУЧга, қўл (мушт)га, қуролга суяниб, бир-бирини маҳв этиб кетаверади. Уларнинг иккисида ҳам одамни ОДАМ деб билиш, шафқат кўринмайди. ЁВУЗЛИКни оддий ҳол, деб қабул қилиш бор. Бировнинг юз-кўзида (энг оғир ҳолатда ҳам) зигирча ачиниш сезилмайди. Фильм кўраётиб, кишига дунёда ЗЎРА-ВОНЛИК қонуният бўлиб туюлади. Қисқаси... бу фильмларда:

Ҳаётнинг мураккаблиги йўқ.

Инсоннинг мураккаблиги йўқ.

Одамлар аро муносабатнинг мураккаблиги йўқ,
Энг муҳими, —
Гўзаллик ва Хунуклик орасида чегара бузилган!

* * *

Сўнги пайтларда «11-сентябрдан кейин дунё ўзгарди» деган гап юради.
«Энди мамлакатлараро уруш хавфидан кўпроқ ЗУЛМ (ТЕРРОР) хавфи бошимизда муаллақ турибди», деган гап ҳам бот-бот эшитилади.

Албатта, ташқи ЗУЛМ (ТЕРРОР)га қарши кураш олиб борилади. Бироқ «кўзга ташланмайдиган» ички ЗУЛМ (ТЕРРОР) ҳам учрайдики, унга қарши кескинроқ курашиш керак.

Тасаввур қилинг. Фақат ойнаи жаҳон эмас, дискотекаларда, ҳаммаёқда бояги «қизиқарли» фильмларни «оғзини ланг очиб» кўраётган — суяги қотмаган ёш нима сабоқ олади?! Айниқса, ҳозирги билим-савод даражаси пасайган, ўқишга иштиёқ кам бир шароитда, у шундай «кўрсатилаётган» ҳаётни чинакам ҳаёт, деб тушунмайдими?! Мушоҳада юритадиган «ақл» бўлмаганидан, менга кўрқмай ҳар иш қилиш мумкин экан, деган фикрга келмайдими?!

Лоқайд-бепарволик ШАФҚАТСИЗЛИКка имкон яратади.

ЁВУЗЛИК — юқумли илат.

У — ёввойи ЎТ. Гуркираб ўсади.

Ёш бир вужудни қўйинг, катта кишилар ҳам бу касалдан «оғриши» мумкин.

Тўғри, дунёда ЁВУЗЛИКни юқтирмайдиган одам кўп. Инсоният асосан, ЭЗГУЛИК йўлидан боради. Унга хизмат қилади. Бунинг устига, ЭРКИНЛИК дунёнинг муроди. ЭРКИН ҳаётда инсон дунёда юз бераётган аҳволни билишга ҳақли. Кўз олдига «парда» тортадиган замонлар ўтган. Дунёдан ҳарҳолда ФОФИЛ яшаб бўлмайди! Лекин барибир, ҳаётда ҳар нарса сарак-пучакка ажратилади. Инсоният ҳозирга қадар қандай яшади?! Бу кун қандай яшайпти?! Эртага қандай яшайди?! Буни у ўйлашга мажбур.

* * *

Энди қаранг. Оддий мисол.

Сўнги асрларда шармандали, уят сўзларни баъзи бир мамлакатларда адиблар китобларга бемалол кирита бошлашди. Ҳозир ҳам Олмониядан Россиягача айрим китобларда «яланғочлик» кўзга ташланыпти. Экрандан, сахнадан беҳаё сўзларни айтавериш ҳам расмга айлана бошлаган! Бу «роя» тарафдорлари, ҳаётда ҳамма нарса бор, биз ҳаётга яқин санъат яратаяпмиз, нимаси ёмон, дейишади. Бу «янгилик» аслида сийқаси чиққан эски ҳолатдир. Қадимда, ЖОҲИЛИЯТ даврида одамлар яланғоч сўзлашган, адабиёт, санъатда ҳам у маълум даражада акс этган. Динлар пайдо бўлиб, маданият, маърифат юксала бошлагач, ИНСОНИЯТ ОНГЛИ РАВИЩДА беҳаёликдан чекинган. Ўзи ва сўзини «либос ичида» тутишга одатланган.

ЭРКИНЛИК баъзан ЁВУЗЛИКка (шафқатсизлик ва бошқа бемаъниликларга) йўл бериши бу кун инсон қисматида учраган фоже бир манзарадир. Дунёда ҳаёт қандай шаклланиши бундан сўнг ИНСОНИЯТ касб этадиган ҚИЁФАга боғлиқ.

* * *

Олимлар орасида, дунё янгиланиб, ҳаёт шакли ўзгариб борар экан, фақат ОДАМ ўзгармас экан, қабилида гап бор. Илк қарашда, шундай. Дунёда оқ ва қора бўёқ мангу алмашинади. Шунинг баробарида, ўйлаб кўрсангиз, бутун тарих:

**ҚУЛЛИКдан ЭРКИНЛИК,
ЁВУЗЛИКдан ЭЗГУЛИК,
ШАФҚАТСИЗЛИКдан МАРҲАМАТ,
ХУНУКЛИКдан ГЎЗАЛЛИК**

сари юришдир! Аниқроғи:

**ИНСОНИЯТ тарихи
ГЎЗАЛЛИК ЯРАТИШ тарихидир!**

Биргина МУАЛЛИМ юзлаб бузғунчи-безори болани бағрига олиб, йўл кўрсатиб, уларни чинакам ОДАМ қилиб тарбиялагани китобларда ёзилган.

Биргина КИТОБ юзлаб эгри йўлдан бораётган кишини тўғри йўлга солиб юборгани ҳам тарихдан маълум.

«Ўзимдаги энг яхши (гўзал) хислатлар (фазилатлар) учун китобдан мин-натдорман», дейди машҳур бир адиб. Гапнинг бошланғич қисми сал эриш. Лекин китоб ОДАМни тарбиялаши айна ҳақиқат.

Биз Гарб ҳаёти, фалсафаси, маданияти билан қанчалик танишмайлик, бизнинг онамиз Шарқдир. Шарқ тафаккури, одоб-ахлоқига суянамиз.

Биз бу кун «енгил-елпи» фильмларни (ёки, олинг, арзон рекламаларни) кўриб (китобларни ўқиб) юрган эканмиз, демак ҳали даражамиз шунга яраша. ГЎЗАЛЛИК ОЛАМИга кириб боролмаяпмиз.

* * *

Ўйлаб кўрсангиз, ГЎЗАЛЛИККА ИНТИЛИШ инсон учун туғма ҳолат.

Бешиқдаги бола ҳам чиройли ўйинчоққа қарайди.

Кексалар ёш йигит-қизларнинг ҳусни-тароватини кўриб, ўз ёшлигини эслайди, ҳавас қилади.

Ҳар бир одам уйи, кўчаси кўркам (гўзал) бўлишини истайди. Боғлар яратиб, дарахтлар гуллаганида кўзлари чақнайди (қувнайди).

Уй қуриш — ўзи бир санъат.

Уйни безаш — иккинчи санъат.

Уйдаги тартиб-интизом — учинчи...

Бухорода оёқларини урушда йўқотган бир киши галтак ўрнатилган тахта устида ўтирар эди. У баҳор пайтлари варрак ясаб учирар, варрак ортидан ўз «аравачаси»да судралиб, осмонга жилмайиб тикилар эди.

Ер — гўзал. Осмон — гўзал. Унинг ўзи-да қандайдир гўзал.

Бир пайт устод Абдулла Қаҳҳор мушак ва гулни қиёслаб, мушакнинг гўзаллиги пуч, гулнинг бағрида ҳаёт бор, деган эди.

Сирасини айтганда, мушакнинг ҳам «бағрида» ҳаёт бор. Варракнинг ҳам.

Андижонда Султон Жўранинг опаларидан бири, Фотима ая яшар эдилар. У кишининг қаҳрамон—шоир укасини эслаб, айрилиқ ҳақида тўқиган қўшиқлари кўзларингга ёш келтирар, бироқ бу кўзёшлари ГЎЗАЛ эди; сени ҲАЁТ-НИ ҚАДРЛАШга, СЕВИШга ўргатар эди.

* * *

Гоҳида ўйлайман: уйга эшик ўрнатишдан мақсад кириб-чиқиш, холос. Шунчаки бир тахтани илгак билан илинтирса ҳам, эшик вазифасини бажа-раверади!

Лекин эски шаҳарлардаги ҳовлиларда, музейларда кўрганмиз: ота-боболар қанчалик кўркам, нақшинкор эшиклар ясаган.

Ҳўп, бу майли. Кўзалар, қумғонлар-чи?!

Бошимиздаги дўппига ҳам «гул солинган».

Чироқдан мақсад уйни ёритиш. Аммо қошоналардаги қандилларда юксак бир санъат кўринмайдими?! ГЎЗАЛ эмасми?!

Межелайтиснинг бир шеъри бўларди. «Кўзларимни очинг» деб номланган.

Оғир қатагон йиллари кўзлари боғланган, отишга олиб келинган киши милтиқ ўқталиб турганларга мурожаат қилади:

**Кўзларимни очинг.
Сўнг бор осмон қандайлигини кўрай.
Ерни оёқ остимда ҳис этай.**

**Кўзларимни очинг.
Нима гўзал, нима хунук эди, тушунай.
Гўзалликни кўзларимга жойлай.**

**Кўзларимни очинг.
Сизнинг кўзларингизга тикилай.
Кимнинг кўзлари чиройлироқ эканлигига
қаноат ҳосил қилай.**

Бир донишманд айтган экан: «Инсон ҳар қандай шароитда ҳам ГЎЗАЛ бўла олади!»

* * *

Ҳаётда ХУНУК нарса (ҳолатлар) учрайди.
Санамайман. Кишининг таъби қайтади.
Лекин ГЎЗАЛ нарса (ҳолат)лар кўпроқ.
Ой, юдузларнинг соҳирлиги ИНСОНни бир умр маҳдиё этади.
Осмондаги турли шаклга кирган ҳатто булут ҳам ўзича ГЎЗАЛ.
Тоғлар. Даштлар —
Ҳар бир сўқмоқдаги ранг. Ҳар бир гиёҳнинг ҳиди.
Тонгда қушлар сайроғи.
Дарёлар. Денгизлар —
Жўн айтганда, шунчаки тўпланган сув. Аммо бири-бирига ўхшамайди.
Соҳилларидан сатҳигача бошқа-бошқа.
Шамол. Ёмғирлар. Қорлар.
Нақадар ГЎЗАЛсан, ҳаёт!
Ижодкорлар орасида ГЎЗАЛЛИКни чуқур ҳис этадиган ва чуқур ҳис этмайдиганлар бор.
Чуқур ҳис этганлар дунё мулкига айланиб қолган ГЎЗАЛ бир тасвирлар, оҳанглар, китоблар яратган.
Ҳоди Тоқтош шундай ижодкор эди.
Эҳтимол, шу боисдан ёзган эди:

**Дунё гўзал.
Лекин сизнинг учун
Кўп кўнгилсиз бўлур, мен ўлгач.**

Аслида, бундай инсонлар ўлганидан сўнг ҳам бизга ДУНЁНИНГ ГЎЗАЛЛИГИНИ эслатиб туради.

ДУНЁни ГЎЗАЛ қилувчи ИНСОН! Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жульетта муҳаббатини асрлар бўйи асраган — улар орасида МУНОСАБАТ ГЎЗАЛ эканлигидир.

Ёрнинг юзи, кўзлари, қош-киприклари, қомати, нозик бармоқлари ҳақида Шарқда қанча латиф сўзлар айтилган. Бугун Шарқ шеърияти ўзининг маҳзунлигига қарамай, ГЎЗАЛЛИКни УЛУҒЛАШга бағишланган.

Дарвоқе, биздаги обидалар ҳам оддий, совуқ тошнинг ўтга айланиши, ГЎЗАЛ намоишига киришидир!

Бутун дунё янги тараққиёт даврига кириб, ўсиш, ўзгариш катта, шаҳар-қишлоқлар бовларга кўмилиб, ГЎЗАЛ (обод) бўлиб борапти.

Айниқса, бизнинг мамлакатимизда бу яққол кўзга ташланади. Ойдин, кенг йўллар, янги бекатлар, кўприклар... Бир жой ГЎЗАЛ (обод) бўлгач, унинг олдин ХУНУК (фатарот) бўлганини яхшироқ ҳис этасан! Шаҳарларимизда ҳеч қачон ҳозиргидек бинолар тикланмаган... Аллабир мустабидлар ҳайкали пойига гул қўйиб юрган эканмиз! Бу кун аждодлар томон юз бурдик.

Наманган, Андижон, Фарғона Гул Шаҳри эди. Самарқанд, Бухоро, Термиз энди Гул Шаҳрига айланяпти.

Қамчиқ довони СОВУҚ БИР ҲАЙБАТга эга эди. Бу кун ГЎЗАЛ БИР УЛУҒВОРЛИК кўринади.

Юртимизда ГЎЗАЛ инсонлар сон минг!

Улардан ҳар бири ўз касб-корида ГЎЗАЛЛИК яратяпти!

Лекин умидли ХХI аср бошланишида Фарангистонми, Ҳиндистонми, бутун дунёда ГЎЗАЛЛИКка эътибор сусайгандек. Дунё умуман у тўғрида ўйлашни унута бошлагандек. Дунёда бўлган-бор бу кунги жиноятлар, жаҳолат, локайдлик, ҳатто табиий офатлар, тўфонларга Бош Сабаб эҳтимолки — ИНСОНИЯТ ГЎЗАЛЛИК ТУШУНЧАСИДАН бироз узоқлашиб, у ҳақда деярли сўзламай ҳам қўйганидир! Менга ҳарҳолда шундай туюлади.


Инсон!

ГЎЗАЛЛИК ҳақида қўшиқлар куйла!



Жанубий Корея давлатининг адабиёт вакилларида бир гуруҳи республикаимизда меҳмон бўлиши. Мамлакатимиз ҳаёти билан танишиб, бадиий сўз ижодкорларининг турли мулоқотларида иштирок этиши. Шундай учрашувлардан бирини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов бошқарди. Корейс халқининг таниқли шоири ва таржимони Ким Хён Цо юртимизга «одамлари ва урф-одатлари худди иқлимидек иссиқ мамлакат» деб баҳо берди. Учрашувда Жанубий Кореянинг «Адабиёт олами» журнали билан «Шарқ юлдузи» журнали орасида ижодий ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида сўз юритилди.

Суратда: учрашув пайти.



Нигора Усмонова

БАҒРИМДА ИМЛАДИ АФСОНАВИЙ ИШИҚ

Бир лаҳза кўзингга сифмайди осмон,
Рухинг тархларига руҳинг бўлар лол.
Мушфиқа суманлар тўлганган замон
Олис юрагингга уммон бўлиб қол,
Унда гул очмоқда буюк Истиқлол!

Хазоний боғларга қайтди баҳорлар,
Сурмаранг шомларни қийнайди савол.
Саҳарлар роҳида синса озорлар,
Озурда юракка оҳанг бўлиб қол,
Унда жаранглайди буюк Истиқлол!

Румий хаёлларга инмоқда кўнгил,
Улуғ руҳлар бунда бўлгайдир тимсол.
Сужудий охлардан ёнар экан дил,
Озод юрагингга самар бўлиб қол,
Унда яшамоқда буюк Истиқлол!

Хаёт сени севгум сокин, осуда,
Яшил нафасларинг кучгим энтикиб.
Соғиниб яшадим тўққиз ой бунда,
Дилим чаманларга қолди кўз тикиб.

Ҳақдир, майсаларинг куйлаганим оз,
Кўп-да сарғиш тортиб кетди ранларим.
Билмам, нечун дилга ёқади бу саз,
Таратса эзгину ғам оҳангларинг?!

Баҳорим, сийратинг ям-яшил маҳзан,
Гарчи улгурмасман барисин териб.
Умримнинг энг азиз лаҳзаларини
Сарғайган кўзларга қўймасман бериб.

Сенинг хаёлларинг кезинган хона,
Астагина тутаб, тугаётган шам
Ва яна қандайдир руҳ бор, бегона,
Ёлғизликка ўхшаш: сокин ва беғам.



ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР

Нигора Усмонованинг шеърларида мусаввирана руҳ бор. У Сўзларни ушлаб кўради ва ҳароратини сезади ҳамда ўз руҳияти рангларига мослаб теради. У ёзмайди, балки чизади. Бу чизгилар ичидан сиз ўзлигини излаётган ва ўз кўнглига мустаҳиқ Аёл тасаввурини илғайсиз. Бу ичкилик сизга ёқади. Сўзлар ҳароратини ҳис қиласиз. Бу ҳарорат тобора оловланиб бораётганини-да туясиз. Ўз кўнглида ёнаётган Аёл сўзлари юрагингизни уйғотиб юборади. Нигора Усмонова ўз юкини кўтаришга чиққан йўлчига ўхшайди. Ҳали олдинда узоқ йўл бор. Унинг мақсади бу оғир юкни кўтаришга қодирлик туяётганига ишонгимиз келади.

Зебо МИРЗАЕВА

Гулдонда қуриган бир жуфт атиргул,
Фунчалик чоғига қайтолмас сира.
Сарғайган япрогин ҳидлайди ҳурдил —
Ранглари униқиб кетган хотира.

Ким эди, бахтиёр табассум ила
Сенга шу гулларни айлаган тортиқ?
Наҳот, туйғулари эмас бокира,
Наҳот, энди сени йўқламас ортиқ?

Рўпарангда турган муғомбир жимлик,
Уйларинг тинглайди гўё вафодор.
Кўнглингда ярқ этиб ёнган бир зумлик
Ахир, қайтар деган ўжар илинж бор.

Кўчанинг авзойи аёздан совуқ,
Ногоҳий қадамлар солиди таҳдид.
Бу туннинг шарпаси, ўзга ҳеч ким йўқ,
Адашдинг, адашдинг, беҳуда умид.

Ҳорғин нигоҳингда синиққан маъво,
Бу рангни чизолмас ҳеч бир мусаввир —
Англовсиз ҳолатда ёйилган маъно
Ва яна армонга ўхшаган тасвир...

* * *

Саҳарларда қуёш нурларин
Шуъласига рақс тушса шабнам,

Япроқларнинг яшил ғурурин
Синдиrolмай шамол чекса ғам,

Ишқнинг туйғулари ҳурланиб,
Қафасини узиб ўтган дам,

Кўзларига тўлган сурурдан
Юрак-бағрим ёниб кетса ҳам,

Ҳали кўпдир номсиз дурларинг,
Дунё сенинг берганларинг кам.

* * *

Самодан бир парча узиб тонготар,
Кўксимга жойладим уфқ рангин жўшиб.
Боғ аро бир ғунча юлдим муаттар
Ва бўса боғладим завқимга қўшиб.

Тунда юлдузлардан тердим бир ҳовуч,
Ёноғимга, дилга, хаёлга қордим.
Қалбимдан уфуриб елларга соғинч,
Саҳар салқинлигин ўзимга олдим.

Бағримда гуллади афсонавий ишқ,
Бир дўниб энг гўзал гулга айландим.
Гарчи хаёлларим ёйик, қоришиқ,
Лаззатландим, кулиб нурга бойландим.

Кўнглимни алқадим, кўнглимни суйдим,
Ишондим, энг гўзал, энг нафис ўзим.
Ҳаётни сипқордим, бир ором туйдим,
Олам қиёфасин таниди кўзим.

Англадим, ўзимдан яхши, ёмоним,
Хоҳи дўст орттирдим ё ғамга ошно.
Тиниқликка шайдо бўлди бу жоним
Ва мени таниди муаззам дунё.

* * *

Инсон қисматиға йиллар хошия,
Ҳилқати ягона бу даҳри дунда.
Бахтига қайғуси бўлар қофия,
Ҳаёт тарозиси тортилган кунда.

Унга кўз берилмиш, кўксига кўзгу,
Гоҳ кулиб, гоҳ ёшга тўлиб турсин деб.
Яна не ҳам берсин кўнгилдан ўзга,
Бир-да ғариб, бир-да шохдек юрсин, деб.

Қувончлар тўлдирар олам камларин,
Тақдир сочқиларин бирдек терсин деб.
Елкалари тоғдек, дунё ғамларин
Ортиб ўтмоқликка чидаб берсин деб.

* * *

Наҳот сени унутган эдим,
Қайдан чиқиб қолди бу сурат?
Кўзларимга термулганча жим
Рўпарамда сен тикладинг қад.

Шунча йиллар изсиз, хабарсиз,
Ўз ҳолингча яшаб бетаъна,
Хотиранинг эски дафтари
Учраштирди бизларни яна.

Мана ўтмиш, ўтли фарёддай
Куйлаб берди олис қўшигин.
Шунда беҳос тушди ёдимга
Бу дунёда энди йўқлигинг.

* * *

Бир кун қайтганимда азиз қишлоққа,
Мени билмай кўплар бўлишар ҳайрон.
Бегонадай қарши оларлар қувноқ,
Ўйинқароқ жажжи болалар у он.

Қафтларини осиб қошлари узра,
Сукланиб боқишар ой келинчаклар.
Яқин олгилари келмайин сира
Лаблари бурилиб кетар чечаклар.

Кўшни кампирларнинг сарғиш нигоҳи
Эслолмас зангори япроқларини.
Хазондай ҳилвираб қолган оҳлари
Тигсиз азоблайди қароқларимни.

Мен тентиб бораман, қишлоқ кўзлари
Жимгина кузатар қадамларимни.
Ногоҳ еллар туртиб сўрар: «Ўзингми?»
Тўзғитиб юборар аламларимни.

Тилсиз ҳаяжоним чопиб бораркан,
Қирғоқ ёноқларин ўпади излар.
Шунда мени таниб, йиглаб юборар
Бағри тўлиб турган ғариб ялпизлар.





Буюк Шайх Хожа Аҳрор Валий ким бўлганлар?! Мана, беш юз йилдан зиёд вақтдан бери унинг ҳақида афсонавий-илоҳий ҳикоят-ривоятлар кўпайса кўпаядики, камаймайди.

Шўро даврида дурустгина қаламкашлар ҳам калтабин атеизмнинг худбин манфаатларидан келиб чиқиб, ул зоти шарифни қоралаб «улгурдилар».

Бугун Ҳазрат Алишер Навоий ибораси билан айтганда, бу уфқлар ичра тоқ пири ҳақида аста-секин бўлса ҳам муҳим аниқ сўзлар айтилмоқда. Мавзу бирми-икки камтарин олимларимизнинг изланишлар доирасидан чиқиб, халқимиз эътиборига тушмоқда.

Омон Матжоннинг ушбу «Халоскор руҳ» қиссаси ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан янгилик, шайхга бағишланган дастлабки бадий асарлардандир.

ТАҲРИРИЯТ



Омон Матжон

халоскор руҳ

Хожа Аҳрор Валий зиёратлари

Бадиҳа қисса

Ғалати зилзила

ШАХС ОЛАМИ

1490 йилда Самарқандда зилзила содир бўлди. Мушоҳидлар хабар берадиларки, «ер оёқ остиндин қочур эди...» Демак, тупроқ шунчаки силкинмаган, ё чайқалиб, ё ларза билан зарб урмаган. Аммо оёқлар тагидан қочган, ўзини пастга урган.

Мавжудлик муаллақ қолган.

Қизик ҳодиса.

Сейсмолог олим: «Ҳа, бир жойда ғовак ер ўпирилиб, сатҳ пасайгандир-да!» дейиши мумкин.

Ҳа, сатҳ пасайган! Мезон чалкашган.

Демак, уфқ ўлчови юқорилаб кетган. Офтоб тепада анча вақт якка туриб қолган.

Нима бўлган ўзи?!

Зилзила!

Асли, бу — руҳлар саросимаси, ақллар парокандалиги, тафаккур оламининг фарёди, ҳайрат ўзи икки ёқасини ушлаган пайт.

Ер юзининг сайқали бўлган, Хожа Аҳрор Валийнинг ўз иборалари билан айтсак, «улуғлар роҳат оладиган шаҳар» Самарқанд азалий сокин, устувор салобатини анчагача йўқотди. Чунки бу ҳамма замонларнинг пойтахти бўлмиш масканга «сайқали рўйи замин аст» деган илоҳий шукуҳ ва ёруғликни қўша олган Инсоннинг ўзи ҳам оламдан ўтди!

Мусулмон дунёсининг улуғ олими, мутасаввуф донишманди, нақшбандий пирларидан яқтоси, исломий фидойилик ва фақирлик, хокисорлиги бадавлатлик, ғарибпарварлигу сарварлик, инсофу тавфиқ, мунғулийлар истибодига қарши фарёд ила халқ руҳини уйғота билган паҳлавон — ШАЙХ ҲАЗРАТ ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР ВАЛИЙ дунёдан кўз юмган эдилар!

Ернинг саросимага келгани шундан: «Ҳой, мени яратган Тангрим! Бул инсоннинг

ҳам тупроғи менман. Аммо бу зот ҳали замон Ўзинг, малоикларинг қўлловида ҳечса халқига хованд назарини солиб туриши, яшаши керак эди!»

Ер — ифода.

Ирода — Яратувчидан.

Зиёрат:

*Воҳ-воҳ, не қиёмат — замин қўзғолди,
Не бўҳрон оламни ларзага солди?!
Аммо ҳақиқатчи Ўлим бу гал жим,
Чек кимга тушганин билгач, уялди!*

«Қанча одамларни ўлдирган киши»

Валийнинг душманлари тарқатган иғво: «Э, бу Хожа Аҳрор жуда кўп одамларни ўлдириб, гум қилиб юборган-да! Қирғин қилган, қирғин! Уста жаллод, бундан ўтади-гони йўқ!!!»

Даҳшат!

Ҳам Валий, ҳам жаллод!

Ҳей, халқим, халқим! Содда шўрлигим-а!

Аслида, нима бўлган ўзи?!

Хожа Аҳрор Валий қайдир бир издиҳом чоғи: «Қабристон ёнидан ўтсам, юрагим орқамга тортиб кетади, гоҳо изга қайтиб, олисроқдан йўл солиб кетаман...», деган эдилар. Турфа иғволарга, ўнгариш-тўнгаришларга сабаб бўлган гап асли шу!

Ахийран, шогирдлардан бири: «Ўстоз, ҳу «одам ўлдирганингиз» борасидаги сўзингиз халқда носоқи йўқловлар содир этмакда...» деган.

Валий кулиб: «Жаллод — менми, мен!» деганлар. «Шунча молу давлатим, тақдир ато этган илму имтиёзим, Ҳақ берган моддий имконларим бор!

Дунё айланаман, юрт кезаман, ўлканинг олис-яқинларини кўраман. Ҳамон шунча эл хору зор, шунча мусулмон бурда нон гадоси, болалари шўрликларга қаранг, ҳатто ҳафтиякни ҳам билмайди. Қани ҳар бир фарзанд олдида ўлтирсам, ҳечса бир ҳарф ўргатсам, бу олам бахтга — инсон ўзини илоҳий нурга озода солсин учун яралган, десам, уйғотсам!»

Шогирдлар ҳайрон.

Бу тенгсиз бойлик, шон-шухрат, маърифат соҳиби бир ўзи фақат Самарқанд — Қарши — Тошқанд ҳудудларида камбағалу етим-есирга кўрсатган сахову марҳамати, солғутлардан халос қилиши, очган сон-саноқсиз мактабу мадрасалари, кечаву кундуз қайнаб турган қозонлари учунгина «Олам фақирлари ҳимоячиси унвонига етишган зот яна орзудор экан-да?!»

Шунча хизматкор, шогирду мурид, сон-саноқсиз қарвонлари эл-юрт бўйлаб хайру садақа тарқатса, илм-маърифат...

«Ҳаммасига улгурмайдирман!..

Имконим минг, аммо жоним бир!..

Қаровимчалик қамровим йўқ, армонимчалик фармоним!..»

Хулоса шартми?! Ул Валийнигоҳ зот мунғулзодалар зулмидан зада юртни кезади: ҳали не гўшалар ташландиқ, не-не инсонлар камхарж, на еяр-ичари, киярининг тайини... Ҳеч нимарса миршабу марказу ҳокимидан ортмайди.

Маърифат-чи, маънавият?!
Илму амал не аҳводда?!
Дунё беҳабарчилик-чи?! Ҳаётсиз — ҳаёт.

Бу — ўлим! Ахийран ижтимоий тафаккур, руҳ ўлими...

Фоний дунёда ярқ этган нурни ҳам кўрмай ўтаётганлар ўлимига ким айбдор?!
Бу бўҳрон сабаби нимада?
Ким масъул?!
Ким қотил! Ким жаллод?!
Бирон жавобгар борми, ахир?!
Валийнинг умиди ўз мактубларида: нуфузли, ҳукмфармо жонларга етиб борармикан? Ўқирмикан, уқармиканлар?

Буюк Хожа Аҳрор Валий бунимконича ўз бўйнига олган эдилар!

Зотан бебаҳра, хор-зор, ноҳақликлар гирдобида, қашшоқликнинг қора сукуна-тидан чиқолмай йитаётганлар — унинг, ўз она халқининг бир қисми эди...
«Улгуролмаяпман...»

У — биргина одам эди, холос! Бутун эл қайғуси унинг вазифасига ҳам кирмасди, зотан.

Аммо халқининг аҳволи гўё кўзгудек унинг виждонида акс этарди. Виждон — ойина!

У — Ҳақнинг дарвешси. Дарвешлик — ойнанинг юзини ойлантиришдир.

Бу — ҳукм!

Кимга?!

Зиёрат:

Хожамиз Қаршидан Тошкентга қадар

Фақир авом халққа ёр бўлди магар.

Аммо Ватан — бийик, хожа шоҳ эмас,

Қолганлар ҳолидан ким олар хабар?!

Валий кимларни ёмон кўрган?

Валий кимнидир ёмон кўрармиди?

Яна қандоқ?!

Қандай даҳшатга тушар эдилар Валий баъзи ҳолатларни кўриб?! Жунбуш ич-ра — намоз вақтини ҳам ўтказиб, қаттиқ сўз айтиб юборишларига бир пичоқ юзи қоларди.

Чингизий тархонлар-султонлар даврида Самарқандда, бошқа кентларда сарой базми расмга кирган, шакланганди. Меҳмонлар — маърифатли кишилар, фикҳ, фалсафа, шеърят, санъат намоёндалари.

Гап базмда эмас, бу майхўрликларда, шоҳона машваратларда, мушоираларда нима сўзланади, мавзу қандай танланади?!

Мавзу?!

Гап шунда!

Гап мавзуда!

Мунгул доруғалар саройида базмда мавзу, соқий бошлиқнинг кайфиятига қараб белгиланган. Дейлик, бугун (кайфи боис) бош мерганнинг ўқи кийикнинг оёқлари орасидан ўтиб кетган, бундан улуғ мерган ўзи маза қилиб кулган.

Соқий йиғилганларга шуни кийик ови санъати сифатида сўзлаб берар ва зиёфат қатнашчилари шу мавзуга сайқал беришлари шарт!

Шундай йиғинларни кўрган Валий даҳшатга тушар, бир неча кун ўзларига келмас, ҳатто эрталаб боғбон ё сайисларга ҳам шу гапни такрорлашдан тинмас эдилар.

Эрка тулпорнинг сағрисини силай туриб давом этардилар Валий:

«Ҳой, Худойим-ов, сен исқиртга шунча нуфуз, мақом берибди, шоҳларнинг ёнидан жой олибсан, балли! Шундан эътиборли олим, шоир бўлибсан!

Аммо, энди сен «кийикнинг оёқлари орасидан султоннинг ўқидан бошқа яна нималар ўтиши мумкин», деб жумбоқ қўясан! Куйлайсан! Эндиги зиёфатгача мавзунинг ҳам, мундарижанг ҳам шу!

...Суф сенга! Лаънат етишган мавқеинг, эришган нуфузингга!

Дарди-касалини, орзу-армонини кимса эшитмай қўйган бахтиқаро халқинг, бугун ногоҳ, бирдан, биргина оғиз сўз айтиш имконини олса, биламан не деярини!»

Сайис ҳайрон.

«Ҳей, подшонинг ҳузурига кириш мавқеига етган одам!. Оддий фуқаро манфаати учун бир гап айт, ахир, биргина гап, битта... Ҳей... ..»

Валийнинг қўлларини туйган тулпор кўзларидан учқунлар сочилади.

Валий — лабларини қон чиққудек қимтиб олган.

«Ҳа. Бизга қадар нуфузли одамлар оддий фуқаролар манфаати йўлида амирлар ва подшоларга мурожаат қилмаганлар. Лекин биз, ҳа, биз бу ишни қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз... Ҳозирги бу алғов-далғов даврда Оллоҳ таолонинг иродаси билан му-сулмонларнинг ҳимоячиси биз бўлдик...»

Зиёрат:

Инсон мудом излар орзу юлдузин,

Тонг отмай уйғониб, кучоқлаб тизин.

Қани «элим, юртим, ватан!» деб шундоқ,

Ҳамма бир вақт барвақт очолса кўзин.

«Улуғбекни ўлдирғон Хўжа Аҳрор, расадини буздурғон Хўжа Аҳрор»

Қаердан келяпти бу жазавакор тухмат, писанда?!

Тарихданми? Атроф-яқиндан-ов?! Йўқ!

Ичимиздан! Ўзимизнинг ичимиздан!

Ўзимиздан ўзимизни қандоқ асраймиз?!

Энди даврий фарқни кўринг:

Улуғбек ўз ўғли Абдуллатиф томонидан 1449 йилда ўлдирилган.

Хожа Аҳрор Валий эса Самарқандга 1451 йилда келган, холос. (Султон Абу Саид тахтга чиққач, Валийни кўчириб келтиради.)

Расадхона! Ким уни бузди, ахир?!

Бобур (XVI асрда Самарқандга келади): «Яна бир олий иморати Пуштайи Кўҳак доманасида расаддирким, зич битмакнинг олатидир.

Уч ошёналиқдир...»

«Уч қават!» деяпти Бобур. Расадхона бутун!

Кўриб айтаяпти, ҳайратланиб айтаяпти шоир.

XVIII асрдаги ички урушлар оқибатида нафақат расадхона, юзлаб бошқа азиз мазгиллар, Хожа Аҳрорнинг мадрасалари ҳам вайрон бўлди.

Қайсидир ҳукмдор «мухолифлар расадхонани «кузатиш нуқтаси» қилмасин», деб икки қаватини бузиб олдириб ташлатади.

Садриддин Айний ёзади: «Расадхона қайси бир хон даврида «остида олтин кўмилган» хаёли бирлан буздурилғон эди... Замонанинг кечиши билан у тупроққа кўмилиб, кўздин йўқолди...»

«Кўздин йўқолди...»

Расадхона кўздин йўқолдими ё Улуғбекми? Ё юдузларими?!

Хожа Аҳрор Валий Самарқандда Мотуруд қишлоғида яшаганларида замонанинг орифу шоирлари унинг ёнида эди. У барчасига олам-олам моддий, молиявий, маънавий кўмак берар, қўллар ва йўллар эди.

Алишер Навоийдек ҳазрат тан бериб, бош эгиб, хатларига жавоб ёзганига фахр этиб: «ҳатто подшолар, амирлар ҳам бот-бот келиб Валийдан дуоғина эмас, қарз ҳам олиб кетардилар...» дейди. Бу азизлик, элға-райятга қалқонлик, ҳатто зиёлилар учун гўё ҳомий қоядек турган буюкликка қарата, мана, маликушшуаронинг эътирофлари:

*Улки бу офоқ ичра тоқ эрур,
Тоқ неким, муршиғи офоқ эрур!*

(Бу 1465—69 йиллар орасида битилган. Ўшанда шоир 24—28 ёшларда бўлган.)

Ҳа, у «уфқлар салобатида ягона, битта ўзи! У ҳатто уфқлар силсиласининг пири, маънавий раҳбари ҳамдир!»

Бир хил қораловчиларга Бобур на, Жомий на, Алишер Навоий далолати ҳам бир тийин. Чунки бундайларга ўтувчи, бир лаҳза манфаати ҳар недан устун! Ўз «адолат»часи тарих ҳақиқатидан кўра «тутум»лироқ...

Шамол йўналишини ўзгартирса, дарҳол шу ёққа кетувчи, бир мирилик нафи учун, яқинлари тугул элини-юртини сотувчи кимсалар учун азиз жой, табаррук нарсалар борми?

Азиз ўқувчигадир бу савол...

Зиёрат:

*Шўро замонида даврон сурган зот
«Ул қонли тузум», деб солаётир доғ.
Фараз не: у энди Бугунни мақтаб,
Кўнгли яна тусар иззат, муқофот!*

Халоскор руҳ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530).

Фарб олимлари айтганидек, «бийик мунғул империяси асосчиси», шоир, олим. Умри «Ватан» деган фарёдни бошга кўтариб ўтган, яна ўша ўзаро биродаркушлик урушлари юртига сиздирмай «Ҳинд сори» кетган шох, саркарда, шоир!

У Ҳиндистонда пайти оғир касалга чалинади.

Халоснинг бир учкуни-да кўринмасди.

Кундан-кун тубанга тортарди вужуди, руҳини кўринмас дард, хаста офат...

«Кўнглимга нечундирким, соҳиби «Қасидаи Бурда»нинг қасидаси мақбул тушиб, ўзи ахлат маразидан халос бўлди, мен доғи бу аризадан қутулиб, назимнинг қабуллиги далил бўлгусидир...»

(«Қасидаи Бурда» пайғамбаримиз С. А. В. га маъқул тушиб, муаллифи Кааб ибн Зухайр ҳам дардан фориг бўлган!)

Валийни Жомий «Каъбаи мақсуд» деса, Алишер Навоий «Тариқат қутби!» деб улуғлайди. Бобур мирзо уни фарзанддек, набирадек суюб, меҳр ила «Мулла бобо» дея алқайди.

Валий Бобурнинг кўп ғалабаларига йўл кўрсатади. (Юқорида «Уйғонинг!»).

Бу коинот миқёсида фикрлаб, ғайб оламини кафтида кўрувчи зот яна «Рисолайи хавория» («Хурлар рисоласа»), «Фақират ул офарин» («Донолар фақирлиги») кэби асарлар муаллифидир. (Булар ҳали нашр этилмаган!)

Намоз вақти бошини муножотга қўйган чоғи «кўзи уйқуга борибдур». Тушида Хожа Убайдуллоҳнинг набиралари «аблақ от миниб» келади ва хабар беради: «Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарга келтируб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурмиз. Холо ушқ соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридир. Бош кўтаринг, уйғонинг!»

Бобурдан бошқа қанча шоҳу саркардаларга тушида аён бўлиб, тўғри йўл кўрсатгандир бийик Валий.

Бобурга «Волидиййа»ни туркийга ўгириш гоёси аини шу касаллик — иситма хуружи асноси келади. Каромат кўп куттирмайди.

«Одина кун сафар ойининг йигирма учида ҳарорат баданимда зоҳир бўлди. Андоқки, жума намозини масжидда ташвиш билан ўтадим... Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг «Волидиййа» рисоласини назм қилмоқ хотиримга кечти». Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, Самарқанд шаҳрининг жанубида — Қарши томон кетадиган йўл устида сокин гўшада Шайх Хожа Аҳрор Валийнинг қабрлари осуд бир сукунатга чўлғониб ётибди. Бу осойиш файз неча чоғ абадий ҳаракат оқимида эканини зиёратга борсангиз, бир лаҳза лиммо-лим ҳовузни қоплаб ётган чинорлар соясида жим хаёл сурсангиз, сезасиз.

Ватан ҳаритасини дарёлар, саҳрову тоғлар бўртма сатҳигина безамайди. Бу харитада гўё руҳоний нур манбалари каби ёруғ нуқталар бор. Кўнглим ҳар гал халоскор руҳ илинжида самимий тиловатларни такрорлар экан, ўларнинг руҳларига камтар тилақларимни йўллар эканман, гўё бир-бирларига кўринмас қудратли ипак нур ўтказгичлари билан боғланган, шу ила юртимни яхлит маҳобатда тутиб турган сиймоларни кўнгили кўзгусига соламан: Яссавий, Занги ота, Шайх Хованди Тахур, Хожа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд, Султон Увайс, Юсуф Ҳамадоний, Шайх Нажмиддин Кубро...

Космос қоронғилигидан (бизгагина шундайдир балки) она ерга қаралса, юқоридаги бийик сиймолар боис, Ўзбекистоннинг харитаси фосфор товланиши каби нурланиб ётганини кўриш мумкин, деб ўйлайман.

Зиёрат:

Вақти намоз — кўзлар уйқуга борди:

Ғафлатким муҳитни ғуборга қорди!

«Уйғон! Уйғонинглар!» — роз қилди Валий

Ва Дину иймонни бирдан Кутқорди!

Тамға

Икки юз йил Мавороуннаҳрни мунғул жорий этган «тамға» солиғи бирданига икки қуллик, уч асоратга солиб келди.

Бу — Илгиз қавмига тааллуқли бўлмаганлар учун) «остона ҳатлаб» сиртга чиққанинг, юрганнинг нимаики қилма, бари назоратда, нафас олганинг ва чиқарганинггача — солғут!

1460.

Валий бир жаҳд билан Ҳиротда пайдо.

Айтадиларки, зарур дамларида, эл оҳи-зорига жавоб истаб, Валий «тўрт»га бўлиниб, дунёнинг тўрт ҳудудида бирданига тўрт муаммони ечув била машғул бўла олар!

Султон Абу Саид бу ноёб муборақ ҳодиса — Валийнинг ўзларини ўз саройида кўриб, эҳтирос олами шарорга киради. Аммо...

Тамға солиғини бекор қилмоқ?!

Йў-ўқ, хонлар, султонлар, амиру доруғалар нима билан кучли-қудратлидирлар?
Не ҳикмат уларни ҳар лаҳза юз минг суворийни майдонга соларга (уруш-саваш
чингизийлар учун энг олд номус-ор ҳозирлиги) тайёр тутади?

Тамға — каноридан ошган дарё янғлиқ хазина!

Аммо... Тамға бекор этилса...

Валий шуни сўраб келибдилар. Ўзлари! Султон ҳузурига шахсан келиб...

Тамға бекор қилинди!

Камбағал, бева-бечора, уста-косиб, ҳунарманд, тужжор — савдонинг ҳамма тури,
бозорлар икки юз йилдан узоқ истибод бўғовидан худди узун қаҳратон сўнгида
бойчечак кўргандек қутилиб, енгил тан олдилар!

Шарқнинг буюк шоири, Валийнинг дилхоҳ биродари Абдураҳмон Жомий шид-
даткор илҳом ила «Тухфат ал-аҳрор» достонида ёзади:

*Валийнинг қалами озог гур тўқди,
Чингиз зулм ясоғин чокигин сўқди.*

Тамға!

Аммо ҳали-ҳамон қайдадир яшамайяптими бу солғут асоратлари?!

Қалбимиз, озог лафзимиз, кўнглимизга соя, ҳамла солиб турмаяптими у? Қул-
лик, қарамлик, тил-забонсизлик, қўрқув, ўз-ўзинг ич-ичингга бекинувинг, сал бош
тиклашга шахдинг етмаслиги...

Ўша! Ўша тамға бу!

Ялқов рафлатни ётоқ, тепса-тебранмас боқимандаликни ясоқ, «менга тегмасанг
бас»ни байроқ этиб, сал кўкарган гиёҳга тишини қайроқ этиб...

Бутун Мавороуннаҳрни човутли қопқоқ киби босиб-эзиб турган у тамға озроқ
кўтарилиб, на ҳур бир ҳаво кирган эди юраклар, кўнгиларга!

Тўртга бўлинган шахднинг бир парча ёлқин, озог истаги темир ўров қасрларга
кириб борса! Токи савдо-сотик, борди-келди, ишбилармонлар оёғи-қўлига тамға уриб,
порахўрлар нафсидек ёпишиб, қопқон солиб, юртимизни йиллаб жойида тахтакач
каби топтатаётган таъмагирилик, тўра-калондимоғчилик тамғаси парча-парча бўлса...

Зиёрат:

*Ҳожамдек, тараққий сори юз бурки,
Ўзгарсин ҳокиму ҳукмнинг турқи.
Озог, аҳрор сўзган то чил-чил ўлсин:
Эркин руҳ ғовлари, тил-забон қулфи.*

Сулҳ

Сулҳ нима ўзи? Кимлар, қачон тузадилар уни?

Сулҳга ким вакил қилинади, қандай сифатлари, имкону нуфузи бўлмоғи лозим
сулҳкорнинг?!

Низо недан чиққан эса, томонларда ким турган эса, уларни тинчитувчининг
салоҳияти баридан устун кўринмоғи шарт.

Ўҳ-ҳў! Валий яраштирган, тинчитган, сулҳга келтирган уруш ҳолатлари саналса,
шажарага солинса, залворли бир савоб қомуси бўлгай!

Валий тушларида Самарқандда шарият пешволарини қўллаш, қувватлантириш
подшоҳ иродасисиз бўлмаслигини кўради ва Султон Мирзо Абдулла Иброҳим Шоҳ-
руҳ ҳузурига боради.

Аммо Султоннинг амирларидан бири Валийнинг бу учрашув истагига монелик
қилади.

Валийнинг жаҳллари чиқади:

«Подшоҳлар билан мулоқот бизга Тангри таолодан буюрилгон, ўзимизча келган
эмасмиз! Агар мирзоингиз парво қилмаса, парво қилатурғони топилиб қолар...». (Ўз
оёғи била келган сулҳдан Султон Мирзо ғофил қолди. Бир йил ўтар-ўтмай подшоҳ-
лик ишлари ҳам буткул паторот топди).

1454. Абулқосим Бобур Мовароуннаҳрни босиб, Самарқандни қамалга олади.

Валий унга пешвоз чиқиб, халоскор руҳи шиддати ила қирғин-баротни тўхта-
ди.

1460. Муҳаммад Жўқий (Абдулатифнинг ўғли) Амир Нурсайдбек билан тил
бириктириб (Нурота, Шохруҳия қошида) Султон Абу Саидга қарши кўзғолон кўтара-
ди. Можаро чалкаш, оғир. Ҳатто ярашганларни-да комига тортудек гирдоб канори...

Валий, яна Валий аралашуви!

1463. Учта, ниҳоятда, катта, деярли тийиқсиз куч — 200000 дан ортиқ қўшин, беомон жаҳд билан уруш ҳолатида туради. Султон Аҳмад (Самарқанд ҳокими), Умаршайх мирзо (Андижон-Фарғона ҳокими) ва Султон Маҳмудхон (Тошкент ҳокими) Ховос (Хўжаңд) ёнида жанг бошланмоғига бир ёй ўқи масофаси қолган вақтда... Валий омонлик хитоби билан ўртага чиқади!

Ногоҳ Валий истиқболига энди уч ҳоким ҳам тенг, бегараз ташриф ила келиб унинг этакларини ўпадилар... тинчлик сулҳи тузилади!

Уч ҳоким... Кўзларида ёш билан хушроҳ омон-омонликка биродарликка қасам ичадилар!

Уруш бўлса, ахир, кимга дастлаб балолар тўфони тушади?!

Қурбон бўладиганлар кимлар? Кимларнинг шўри қуриydi энг аввал: бечора авом, қашшоқ халқ. Уруш — солиқ! Урушнинг зардобли, залворли юки кимнинг бўйнида?

Бир халқ, бир эл, бир хонадон! Оға билан ини, ота билан бола, тоға билан жиян урушяпти! Хонадон остин-устун беэга!

Бутун Мовароуннахрни — манаман деган салтанатларни чипта чўпидек ситиб ташламадими бу биродаркушлик урушлари?!

Бир қараганда кўп хотинлилик, амирларнинг оилавий низолари ҳам лаҳзада давлат миқёсидаги қатағонларга айланмаганми?!

Валий!

Мовароуннахр нечоғлик ночор, ўксук қолди унингсиз!

Асрлар яна Тошкент, Қўқон, Бухоро, Хива хукмдорлари урушдан тинмадилар. Бас, деб паргор айлантирадиган халоскор руҳ йўқ эди...

Яраштирарға бир Валий топилдими шунча йиллар?!

Чор Русияси босқини даврида нақадар зор бўлди бир Валийга бу Ватан!

«Оға-ини ярашмас-ов, худойи ҳам қарашмас-ов!»

«Подшолар билан сўзлашишга вакил қилинғонлар» қолмадими юртда буюк шайх Хожа Аҳроп Валийдан сўнг?

Нега сарой мулозаматига борганлар ҳам ўз манфаатлари зиммасидан чиқа билмадилар?!

Нечух тарихий жазо бу, ким жавоб беради бу саволга?! Имдодга ким келади?!

Ўз ҳолидан ҳар лаҳза хабардор халқгина ўз дарди касалларига тез чора топиш имконига эга бўлади.

Бошқа йўл йўқ!

Вассалом!

Зиёрат:

*Миршаб бир йигитнинг ичарғи қонин,
Олиб ҳаммоликдан топган бир нонин.
Ҳар бир фуқоросин ёқлай билмаса,
Надир давлат, надир асосий қонун?!*

Ота илтимосига биноан...

Ҳа, Валийнинг оталари шайх Маҳмуд сўровига биноан битилади «Оталик рисо-ласи» («Рисолайи волидийя»).

Падари бузруквор ўтинчи?!

Ота ўғилга мавзу бермоқда! Қандай нозик ҳолат тақозоси бу?!

Ўғил ота олдида, ёшлари фарқидан қатъи назар, ҳамма вақт — бола.

Мовароуннахр аҳлининг неча авлоди ҳаёти ва эътиқоди шаклланишига мезон бўлган илм, ижод, амал соҳиби энди ота талаби билан рисола ёзяпти.

Бир пайтлар «Қасидайи Бурда»ни минг бор ўқиб, такрорлаб дарддан фориг бўлган эсалар, энди Бобур каби зот «Волидийя»ни туркий назмга солиб, тану рудҳияти узоқ беморлик хуружидан волиб чиқади:

*Отаси қилғон учун тақлифе,
Қилди онинг отиға таълифе.
Толиб эли тилига мазкурдурур,
«Волидийя» била машхурдурур.
Ҳар сўз андаки, мен анга етсам,
Етти кўнглимга ани назм этсам.*

*Токи бўлғай менга хушёрлиғи,
Уйқулиқ кўнглима бедорлиғи.
Яна бу назм ўқуса ҳар толиб,
Кўнглининг рағбати бўлғай ғолиб!*

Бу — хушёрлиғ китобими?! «Кўнгли рағбати»га зафар келтирувчи рисолами бу?!

«Сўз бугур, иш бугур, бугур йўл!»

Бу — инсон феъли, амали, йўли учун дастур китоби.

Ахийран, Улуғбек вафотидан кўп ҳам ўтмай теурийлар хонадонидида — бутун Мовароуннаҳрда бирдан кўпиги зирҳидан ошиб кетган қозон мисоли, ўчоқ бошида хушёр одам йўқлиги, оташ посбони қолмагани ошкор бўлди. Энди бири қозон остидан кўрни тортишга шошилса, бири чўмич, бири чанчқи, бири човли билан, ҳар ким бир сўнғак илинжида ўчоқ бошида кул топтар эдилар.

«Оталик рисоласи» шу давр учун ғоят зарур эди бутун мамлакатни омонга келтириш учун!

Ота билар эди: фарзанди шу замин тотувлиги, бу эл осойиши учун бедор! У Мовароуннаҳрнинг бош сулҳпарвари бўлди! Энди кексаю ёш, деҳқону, косибу туж-жорга Хожа Аҳрор Валийнинг биргина сўзи ҳам малҳам! Эл, райият бугун унинг оташин шиорларига, йилдиримлар яширин кўзларига, осудлик гул очган изларига мунтазир!

*Табийят негурур феълда? Бил:
Зоҳиринг шаър ила ораста қил.
Тарк қилма адабу суннатлар,
Ҳар не миқдордаки тарк этсанг агар.
Онча нуқсон санга бўлғай воқийъ,
Қилмағайсен амалингни зойийъ.
Яна мўмин ишида ёрлиғ эт,
Элу тил бирла мадагдорлиғ эт...*

Мана, инсон камолот йўлининг бир босқичи. Ҳа, «расад», «зич», «тузук» атама-ларига кўниккан халқ биродарқушлик урушлар, ўч, адоват, жаҳолат дўзахи ёқасида. Илинж қайда, имдод қани, эй Тангрим?!

*Маънавий мартабасини баркамол,
Киши билмас, мун сен кўнглиннга ол!
Анга ўхшарки фатила тутуни,
Жазб этар ўтни кўрибсенму мун?!
Сифатидин нечаким жазб этар,
Онча чоғлик бу тараққийга этар!*

Тараққий! Валий бу атамани худди неча замон ўз ҳаёт йўлида синаб кўрган каби, унинг ҳосиласи хушнуд фаровонлиқдир, дея жар солади.

Ким эшитади уни?! Валийнинг шахсий тажрибаси балки бу ўзгарган замонда бесаранжом авлодни тинчитар, муросага келтирар?!

Валий назарида, ибрат машғали муҳаббатдир! Бу нур одам қалбида бўлсагина ишқи илоҳий сари бир қадам ота билади.

*Филҳақиқат, бу севукулг ойиг,
Ул ҳабибига-гурур, эй обиг.
Ҳосил ўлди анга чун васфи набий,
Билки, улгур бу муҳаббат сабабу!*

Чуқур ижтимоий силжишлар даври даврон алмашуви айёмида ҳаракатдаги фаол авлод учун, унинг суюнмоғи учун абадий ҲАҚИҚАТ тимсоли зарур! Янғроқ, қудратли, мафтункор МИЛЛИЙ ҶОЯ зарур!

Ўт била сув каби ҳаёт эҳтиёжи бу! Бу улуг илоҳий, маънавий таянч бўлмас экан, авлод парокандалиги юз беради. Бу бир ёнда нотавон авом халқ ўз дарди касали билан, бир ёнда мунғул-кўраганзодалар, уларнинг кўп сонли хотинларидан дўраган «меросхўр» шаҳзода ва маликалар салтанатнинг ҳар гиштини бир-биридан қизғонч юқилаб асрни, дақиқани, мамлакатни уруш ва зиддиятлар олов чархпалаги олдига судраб келиб туришибди! Фағвосиз бирон кун, бирон қавм йўқ...

Инсонга Ҳақдин ўзга, Яратган эгамдан ўзга суюнч, овунч, инонч мақоми борми?!

Аммо бу уруғбоз қавмқувдилар тўймас нафс ила ҳеч қачон инонмайдилар бир-бирларига!

Биродаркушликнинг қонли машғулоти — худбинлик мактабидан неча бор ўтган бу туйғулар! Неча юз йиллар...

*Ҳар нафасни дами охир билибон
Анда бу навъ тааллуқ қилибон,
Зикри мазкурга бўлғил машғул
Бу ўйсинлуққи гегумдир сенга йўл.
Нафўдин сўнграки бир иллоллоҳ,
Мунда етканда эшит будгур роҳ;
Билки маҳбубила маъбудулдур,
Бари эл сожигу масжудулдур.
Анга етарки бўлур, эй толиб,
Тенгри ёди — бори ишга ФОЛИБ!
Ўзни сен РОСТ ИТОАТ била қил,
Ҳамнишинлик бу жамоат била қил...*

«РОСТ ИТОАТ...»

Мана «Рисолайи волидиййа»нинг энг кескин юксалиш, қайрилиш чизиги. Худди шу сатҳда, мақомда ажралади эл била тилнинг фарқи!

Шу чизикда ижтимоий, сиёсий, амалий ишлардаги рост-ёлғон фарқланар!

Шу чизикда келажақ умиди, халқнинг сўнги илинжли назари!

Шу чизикда эл-юрт қурч жиқлиги синови! Садоқат-фидойилик қасамёдлари рентгенга солингандек кўриниб турадиган нуқта худди шу ерда!

Бу қўйдек юввошлик, «қур-р, ҳайт» деса югургилайдиган подабозлик, итоаткор гумашталиқ... бари бир сўзда портлаб сочилиб кетади: «РОСТ ИТОАТ...»

Ростдан ҳам итоатдами ҳу аनावилар! Мен-чи, мен, нега, кимга итоат қилишим керак ўзи?!

Улуғ гоё, барчага тенг тотийдиган дастур, озода сўз, эркин амал учун имкон қани?! Ушбу мен итоат этадиган меҳроб.

Ҳар инсон табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Худди шу бир инсон кўнгили гавҳарида миллионлаб фуқарога малҳам бўлғувчи истеъдод нурдастаси ботиқдир!

Ҳар кимнинг эл орзуларига мос кўнгили тааллуқлиги — бутун элнинг тортилувчи, мафтункор оҳанрабосидир!

Валий!

Хожа Аҳроп Валий:

*Одамий кўнгли тааллуқсиз эмас,
Ғайр-чун қолмаса, ул қолғаю, бас.
Беиноя-ти Ҳаққу хоσει Ҳақ,
Ғар малакдир, қорагур анга варақ.*

Ҳа, зуваласига Оллоҳ руҳоний нуридан юқтирган инсонларни қадрла эъзоз эт, юртим! Асра...

Алардаги чимдим нур — минглар учун шарму ғурур!

«Беиноятлар»дан сақдан, элим, барака-ризиқ, мавқе, руҳ тараладиган остоналарга уларни йўлатма!

Валийни такрорлаймиз:

«Беиноятлар, гарчи малак бўлсалар-да, аларга варақ ҳам қорадур...»

Муҳтарам ўқувчи!

«Рисолайи волидиййа»дан бир неча сатрларни ҳаяжон билан ўқидик, холос.

Минг шукр, илоҳий овунч бор, халоскор руҳ бор!

Бу дафъа биз Валий билан бирга ул кишининг оталари руҳлари зиёратларида бўлдик.

Насаб силсиласи

Шажара. Насаб дарахти.

На улуғ, на салобатли дарахт бу?!

Томирлари теран, ер ости тинмас дарёлардан сув шимади. Шохлари фазо жимлиги сари тиклангани тикланган. Томирларига гоҳ ер устида сувга аралаштирган захарлар ёпишади. Шохлари йилдирим, бўронлар забтига дош беради.

Зулм-истибод даврида, қатағонлар амрида инсон ўз насл-насабини яширади, чунки туғилган еридан қочиб улгуролмайди. Бир ҳукмдорга беклар ёқмайди, бири-нинг саййидлар жигига тегади, яна, яна ва яна... Бири «қора оломон»га ёв, бири оқсуякларни қирғин этса...

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Убайдуллоҳ — исмлари. Лақаблари Насриддин Аҳрор. Аҳрор пок кишилар лафзида «хур», «озод» маъноларини беради.

Туғилган жойлари Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги Боғистон даҳасидир. Туғилиш санаси 1404 йил, рамазон ойна (март ёки 18 феврал), Шош — Тошкент.

Отаси. Хожа Маҳмуднинг аждоди Муҳаммад Номий Бағдодийга бориб тўхташади. X аср. Номий Шошнинг машҳур олими Абу Муҳаммад Қафзол овозасини эшитади. Бағдоддан Шошга келиб турғун бўлади. Хожа Убайдуллоҳнинг отаси шу хонадон фарзандларидан. Бир манбада «ота томонидан улуғ болolari Хожа Муҳаммад Номий бағдодлик бўлиб, аслан Хоразмдандир...» дейилади.

Онаси Хожа Довуднинг кизи. Хожа Довуд эса Шайх Хованди Тахурнинг (Шайхонтаур) ўғлидир. Шайх Хованди Тахурнинг отаси Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳурмат, эҳтиромига эришган номдор шайх Умар Боғистонийдир.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг болалик ва ёшлик йиллари Тошкентда ўтади.

Унинг қариндошлари орасида каромат эгалари хушахлоқ, кашфиётчи руҳ, соҳиб тафаккур зотлар кўп бўлган. Хусусан, катта оталари Хожа Шаҳобиддин барча хожалар жамоаси намояндалари каби доим аниқ, фаол меҳнат билан шуғулланганлар. Унинг бебаҳо маслаҳатларини «қийинчиликлар қалити» демишлар.

Кексайиб қолган пайтлари учта набирасини ёнига олдиради, Убайдуллоҳга наза-ри тушган заҳоти унинг «улуғ келажиги»дан башорат қилади.

Она томон — Шайх Умар Боғистонийнинг фарзанди Шайх Хованди Тахур му-сулмон оламида улуғ шухрат мартабаларига, зоҳир-ботин илмларда олий даражага эришган аллома.

Шайх Хованди Тахурнинг нафаслари «овқат пишадиган мақомда» кучли бўлган, лекин ўзларини ниҳоятда ҳалим, камтар тутганликлари боис, бу оловнинг ёғдусини кўпчилик кўра билмаган. «Шайх бошларини оташдонга сал яқинлаштирсалар, олов кучайиб, шуъласи зўрайиб кетар эди...».

Мана, улуғ шажарадан жажжи ҳикоятлар. Бу қандай нурафшон файз ҳавзасики, асрлар оша, ҳатто энг камтар мушоҳидлар, энг ростгўй ровийлар ҳикоялари қаноти-да бизга ҳам ета келиб, хаёлот оламимиз, кўнглимиз уфқлари, тафаккур оламимизни равшан торттирса!

Шайхнинг насиҳат, ҳикматларидан Хожа Аҳрор Валий кўп баҳраманд бўлган, амал қилган.

«Юзингни душмандан ўтиргин, қўлингни назру ниёз сўраб чиқишдан зинҳор сақла! Уларга не ҳожат, ахир?! Қара, маърифатга чорловчи хитобу шиорлар нақадар кўп. Ушбу маориф ва маърифатдан фойдалан!»

Шайхга таянч, қалқон, ҳамроҳ, елкадош бўлган бийик қариндош раҳнамолари, уларнинг саховати, кароматли дониши тасаввуф чўққилари сари йўловчи, мангу даъват бўлганлар.

Валий «илми ладун», яъни, илоҳий зоҳирликдан завқу ҳузур олиш шарафига Боғистонда ўтган ёшлик йиллари эриша борди.

Авлоқларидаги поклик, зоҳидлик ҳосиласи ўлароқ, илоҳий қиёфаларни кўриш, бу шараф қаноати, миннатдорлиги юзасидан дуои ибодатга киришиб, бундан илоҳий лаззат-ҳузур топадиган бўлди.

«Рашахот»да таъкидланганидек:

«Ул ҳазрат саодат юзини ва Яратган эгамнинг бахт юлдузли жамолини ўша ерда, Боғистонда кўрдилар. Ҳақ таолонинг инояти ҳақлигига шунда аниқ ишондилар. Ул зот кўзи олдида Илоҳий тажаллиёт рўйи рост кўринди...»

Валий бу илоҳий рўёблиғдан мутаасир бўлиб, дуо қилдилар.

*Юлдузнақш хаттингиз ўқиб
санолар айтдим,
Фаришта чехрангиз кўриб,
дуолар айтдим.*

Биз эса ул зотга абадий дуода бўламиз, янги бир мужда, иқтибос, тумордек мўъжаз мактуб, ҳечса бировлар орқали замонлар, давронлар оша фурсат кабутари етказадиган лутфларига муштоқмиз. Кутамиз, мўъжиза юз беришига ишонамиз.

Зиёрат:

*Ай гарахт, таништир юлдузинг билан,
Ерган не излайсан илгузинг билан?!
Хўбдир еру кўкдан чин хабардорлик,
Қачон сўзлашасан, айт, бизим билан?!*

Ажойиб зиёратлар

Мен уни қачондан танийман! 1961 йилда Самарқанд Давлат университетига ўқишга кирганимдан бери. Самарқанд тумани маркази.

Хожа Аҳрор Валий қўйимгоҳи — қабрлари шу манзилда.

Қирқ йилдан бери деярли ҳар йили зиёрат қиламан, кўпроқ якка, гоҳо уйимдагилар, қариндошлар, дўст ё меҳмонлар билан.

Кейинги зиёратим 1999 йил ноябрида бўлди. Биродарлар билан аввал Имом Бухорий, кейин Хожа Аҳрор Валий зиёратига мушарраф бўлдик.

Бу табаррук зиёратгоҳ мутасаддиси кўп маълумотларни айтди — асосийси 2004 йилда бийик устод таваллудининг 600 йиллиги!

Бу ҳақда Тошкентда кўп одамлардан сўраб кўрдим. Ҳали эрта.

Кейинги зиёратим 2000 йилнинг 1 январида содир бўлди.

Тушимда Хожа Аҳрор Валий зиёратгоҳи. Нимагадир кейинги уч-тўрт асрда Хожанинг мол-мулкининг талон-тарож қилиниши лаҳзалари аён бўлади. XX асрдаги тортишувлар. «Ҳой, ҳой, дейман, битта риштига ҳам, синиқ сополига ҳам тегмайсанлар, бўлмаса даҳшатли уруш бўлади», дейман.

Кейин, нурли сиймо тажаллийси тиниқ кумушранг ёғду оғушида... ул зот! Уйғониб кетаман, бу тарихни, қалам билан, ҳижжалаб, ўқишга киришаман...

Шундан сўнг бу мавзуда кўп-кўп одамлар билан гаплашдим.

Фақатгина 2001 йил 12 январ куни ишда, уйда Валийимиз хусусларидаги сўзлашувларимнинг баъзиларини келтираман.

Эрталаб Зокиржон Қутибоевнинг телефонини топдим. Бир кун бурун Андижон университетига уланиб, у кишининг манзилини аниқлаган эдим.

Андижон — симда. Зокиржон Қутибоев.

Нега Валийнинг икки қўлёмаси ҳамон чиқарилмагани, Шарқшунослик институтида ётгани тафсилотларини сўрайман. «Хожа Аҳрор Валий» рисоласи учун миннатдорчилик билдираман. Олим бу эътибордан ҳайрон. Озгина тадқиқ-тахрир ила бу китобни оммабоп роман-хроника қилинсами, дейман...

Тушдан кейин Маҳкам Маҳмуд келади. Андижон билан сўзлашувни айтаман...

Маҳкам ака Ботур Валихўжаевнинг «Хожа Аҳрор тарихи» китобини келтирибдилар. Бу китоб «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган. (1994) Уч кун бурун бу нашриёт омборхонасини директор Маҳмуд Тўйчи билан бирма-бир текшириб чиққандик. Эски Жўвада бир дўқондан иккигина нусха топдик. Тушдан кейин, ҳофиз Шерали Жўраев билан сўзлашдим.

«Нима қияписиз, келинг!» «Касал» бўлиб қолдим — Хожа Аҳрор Валий севгиси билан», дейман. Шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда оғир дардга чалиниб, тушида бир дарвеш келиб, Хожамизнинг «Рисолайи волидиййа» асарини таржима қилишни тавсия қилганини айтаман. Ҳофиз бу воқеадан хабардор — ўқиган эканлигини билиб ҳайратга тушаман. Суҳбат у кишининг уйида давом этади.

«Валийнинг зиёратига дўстни кўргани боргандек, яъни, ҳеч бир таъма-талабсиз бориш керак, — дейди ҳофиз. — Шунда у озод — бу тирикликнинг эҳтиёжларидан юқори, икки дунёнинг ўртасида малоик мавқеида руҳ мужассамига айланади. Бу ҳолий эрк бир дам эса-да, у кишига ҳам, зиёратчига ҳам кўнгул ҳурлигини бахш этади... Бобур ушбу таржимаси билан Валийни ўзи ҳам тошқин руҳ билан зиёрат этди, таржимани тугатган куниёк, соғайиб, давлат, тахт ишлари билан машғул бўлди...»

Валийнинг буюк сулҳпарварлиги, Улуғбекдан кейин талотум, қирғин даврида чингизийлару темурийларни муросою мадора мавқеига келтира билганини айтаман.

Дарвоқе, шу куни Зокиржоннинг сўрови ила Шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасанийни топдим. Телефонда Валий қўлёмалари тақдири, улар ўзлари ўн йиллар саргардонлик сўнгида ҳамон Хожамизнинг ўтган асрда Хоразмда таржима қилинган бир асарини рўёбга чиқаролмай юрганини сўзлайди.

Бу олим ҳам худди Зокиржондек, Маҳкам Маҳмуддек, менинг йўқловимдан ҳайрон, хусусан, бу шоир «реакцион, зулмкор адоватчи эшон, молу давлат, бойликка ружу қўйган руҳоний амалдор» билан нечук юрак ютиб қизиқиб юрибди, деб ҳайрон эдилар чамаси.

Бу — менинг бир кунлик зиёратларим.

Хожа Аҳрор Валийнинг яқин сафдоши, дўсти, «Силсилат ул — орифин» асари муаллифи эслайди: Хожа бир учрашувимиздаги суҳбат давомида «Агар ҳеч нарса ёзмасанг ҳам лекин орамизда бўлган ҳар воқеани албатта, ёзгил» деб мурожат талабин кўйди. Муҳаммад қози шу истақдан келиб чиқиб, бу китобда Хожа билан бўлган барча зиёратларидаги фикру мулоҳазалар, ўзи шоҳид бўлган воқеалар ҳақида батафсил ёзиб қолдиради.

Хожа Аҳрор Валий ҳали болалик давридаёқ тошкентлик улуғ алломалар Абу Бакр Қаффоли Шоший, Шайх Хованди Тахур, Зайниддин Кўйи Орифонларнинг ҳаёти — фаолиятлари билан қизиққан, асарларини ўқиган. Шунингдек, бу буюкларнинг мақбараларини доим зиёратлар қилиб турган.

Зиёрат. Ким нима илинжида? Талаб не? Беғубор қалб, тиниқ хаёл бола. Унинг нурдаста каби қалби буюклар қабри қошида — беҳадик.

Шайх Хожа Аҳрор Валийнинг ўз ҳикоялари: «Ёшлигимда Ҳазрати шайх Абу Бакр Қаффолининг нурли мазорини зиёрат қилганимда Ҳазрати Исони туш кўрдим... Ул Ҳазрат илтифот қилиб менга шундай дедилар: ғам ема, сенинг тарбиянгни биз ўз зиммамизга олганмиз. Ҳазрати Исо каминани ўз тарбиятлари остига олганликлари туйғайли бу фақирда (ўзимда) ўлган қалбларни тирилтириш сифати аён бўлди...»

Зиёрат.

«Ўлган қалбларни тирилтириш» сори илк қадам...

Мунғулзодалар бу маънавий ҳикматларга беписанд! Уларнинг нафс эҳтиёжларига бегона тирик туриб «ўлдирилиб», четлаб, топтаб, хор ташлаб кўйилган истеъдоод соҳиблари қанча?! Беписанд, калондимоғ, худбин, тўймак «тўра»...лар, аркони давлат номидан дам урувчилар, зиё аҳлини хор-зор тутганлар қанча?!

Бийик ҳофиз таъкидлайди: «Зиёрат — бизни ул зотнинг кўз ўнгига олиб чиқади! Ўзингни ўзингга кўзгу этади. Саҳву хатолардан покланиш ҳаракатини беради...»

Зиёрат:

*Зиёрат вақти де саҳарни, тонгни,
Гуллар нур шаънига очилган онни!
Тушларингга йиғлаб чиқмасин Ватан,
Йўқлаб тур ундаги ҳар азиз жонни.*

Оқ чавандоз

Ана у, оқ отда, бошдан-оёқ оқ ридо кийган баҳодир! Кўйлагининг чап ва ўнг елкаларида кўк-яшил рангда «N» ҳарфи тикилган.

Бу — 1453 йилнинг 29 май — жума куни Истамбул остоналаридан туркий қўшинлар босқинчи кофирлар билан жанг қилиб галабага эришган, Истамбулни озода этган кун содир бўлди.

Турк султони Муҳаммад II ўз ҳужумларининг фойдасиз бўлаётганидан хуноб — шаҳарни узоқ қамал этишга ҳам тайёр эди. Аммо... шу соатда оқ отли, оқ ридоли, афсонавий келбатли жангчи... қайдан келди?! Унинг «Хур қавм! Зафарга бир қадам! Ханжар дастаси — ғаним қабзасида!» ҳайқиригидан Султон кўшинида гўё қанот пайдо бўлади...

Баҳор гулдираги, кескин эпкин чавандоз юзидан ҳижобни парпиратиб очади. Ҳушёр Султонни бу файзиёб сиймо — шу қадар ларзага келтирадики, тасаввурида ўрнашиб қолган илоҳий чеҳрани рассомларга обдон чиздиради ва бошқа юртларга очиқ-пинҳон чопарлар йўллайди.

Самарқанд. Жума. 29 май. 1453 йил. Валийни тонгдан ўз ҳужрасида тополмаган мурид-шогирдлар ҳайрон — чор тарафга от суриб кетадилар.

Қарши йўлида — чап томондаги тоғлар тирсагини айланиб ўтаётиб, Жом қишлоғи жанубида баландликда, кунботарга қараб бирданига икки қўлида қилични ўйнатиб, кимлар биландир жанг қилаётган Шайхни кўриб қоладилар.

Шайхнинг «олишув» ҳаракатлари шу қадар шиддатли эдики, ҳойнаҳой, неча юз минглик ёв билан эътиқод-иймон йўлидаги жиҳодга кирган эди! Аммо ёв кўшини кўзларга кўринмасди.

Бу — Валийнинг ҳатто яқинлашаётган муридларини ҳам пайқамай киришган тилсим муҳорабаси эди.

У бирдан ўзига келди, отдан тушиб бир тошга ўтирганча, толиқиб узоқ ўйга толди. Икки қилични ерга шундай қўйдик, араб алифбосида «N» ҳарфи ўқилди. Бу — нақшбанд тариқати Фидойилик зикри — Ҳақ суврати дилда, иш, ижод бунёдкорлик учун имкон аснолари эди.

Самарқандга қайтдилар. Мотуруд қишлоғига яқинлашиб, Абулайс маҳалласидан эндигина ўтганларида Султон Муҳаммад II нинг махфийи Валийни кўриб, ҳайрон қотиб қолди.

Қўлтиғидан Валийнинг сиймоси шарҳини чиқаришга уринди.

«Кўябер, — жилмайиб чопарни тўхтатди Валий. — Сен излаётган одам — менман! Зарур асно Султон лашкарининг илғорида мен бордим! Энди Султонингизга навбат — халқининг ҳимоясига кўкрак кериб, бори хунарманд, косибу тужжор, бунёдкор элга ҳимоятда бўлсин! Тараққийнинг бош меъмори, устувор таянчи ўзи бўлсин! Келтирган қимматбаҳо ҳадаингизни қайта олиб кетинг! Кимки Худонинг хоҳишига кўра бажарган ишига мукофот талаб қилса, у Худонинг бандаси эмас...»

Зиёрат:

*Мингтадан бир жонни ул доно Ҳакам
Истеъдог нури-ла этар мукаррам.
Инсон бу неъматни муҳтарам айлаб,
Баҳраманд этса шарт бошқаларни ҳам!*

Алишернинг дуогўйи

Энди биз яхши биламизки, Ҳирот, Астрободдаги мунғулзода шахзода, доруға, жангари саркардаларининг тинимсиз талашларидан безор бўлган Алишер Навоий йигитлик қудратига бурч излар, Самарқандда эса унинг доимий қўлловчиси Хожа Аҳрор Валий бор, Абдурахмон Жомий ҳам шу ерда эди.

Алишер ва Валий неча ўнлаб хатлар алишишади. Мактублар кечиккан пайтларида Валий соғинчдан кўнгли бесаранжом бўлади.

Валий қудратли руҳонияти ҳар икки шоирнигина эмас, юзлаб зиё аҳлини — куёш сайёраларни теграсига йиққандек, Шарқда бир-бирига оҳанрабодек тортилган илм одамларини жам этган эди.

Алишер бу даргоҳда илму маънавиятгина эмас, иқтисодиёт, сиёсат, савдо, ишбилармонлик сирларига ҳам ошно бўлди.

«Шоҳлар Валийдан ҳам маслаҳат, ҳам қарз сўрар эди», деб ҳайратга тушган шоир, Бойқаро ҳузурига қайтгач, ўзи шоҳлар қарз сўрайдиган даражада бойиб кетди, бор мулкини фақир камбағаллар таянчи, омонлиги, кафолати деб эълон қилди. «Фақирлигим — фаҳрим!» унинг ҳам рамзий шиорига айланди.

Дарвоқе, 1466—1469 йилларда Абулайс мадрасасини тугатганидан кейин, Ҳусайн Бойқаро: «Тахтга чиқдик, ёнимизда бўлинг, қанча бийик қилсангиз сўзингизни, андин бийик қилгаймиз ўзингизни», деб неча чорласа ҳам вазирликка — саройдаги мансабга қайтмаслигини билдиради Алишер Навоий.

Шу пайтда, Алишер Навоий истиқболи — Валийнинг қатъий йўллови, маслаҳати боис ҳал бўлади. «Эшитишимча, баъзи ҳодисалар... туфайли Султон Бойқаро мулозиматида бўлишдан малоллик чекаётган эмишсиз. Илтимос шулки вазирликдан қочмай, мусулмонларга ёрдам кўрсатиш учун хотири шарифингизни саройда мулозимат қилиш учун қаратсангиз...»

Умидимиз шулки, бирон фақирнинг хотири бирон қийинчиликдан нажот топиб, унинг кўнгли хурсандчиликка етиши эвазига дилингизда шундай равнақлик зоҳир бўлсаки, дунёвий паришонликка қарамай, Ҳақ таолога етишиш завқи ортиб...»

Ҳа. Деярлик 38 йил Султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга Алишер Навоий Ҳирот ва Астрободни осойишта ободлик сари йўналтирдилар. Алишер кўп бор такрорлайди. Валийнинг сўзларини: «Одамни азиз қилган минбар (мавқе) эмас, балки минбарни азиз этган — одамдир...»

Султон Бойқаро шоҳлигининг иккинчи даври фожеа сари кетади. Сурункали базми жамшидлар, кўп хотинлилик офати, фарзандларининг ўз кўз ўнгидаги қилғуликлари Алишер Навоий ҳаётини ҳам кунидан бурун интиҳо томон итара борар эди.

Фалакким, яхшилар базмида қадримни баланд этмас...

Алишерга Валийдан нафақат нажиб руҳонияти, нафақат нақшбандийларнинг тижоратчилик «маҳорати», балки башоратгўйлик хислати ҳам ўтди. Сулҳпарварлик сиёсати эса, мамлакатга деярли қирқ йиллик мурсо иқлимини бахш этди.

Ўгли Мўмин мирзога мастликда ўлим фатвоси бергани учун Бадиуззамон ўз отаси Бойқарога неча марта қўшин торта келди?! (1497—1498 йил.) Неча бор Алишер

Навоий худди устода Хожа Аҳрор Валий сингари ҳар икки томонда отлар тизгинини тутиб, икки найза ўртасида турди?!

Навоийнинг мана биргина тарихий каромати ва башорати: «Мўмин мирзонинг ўлими худди Чингиз босқини олдидан Шайх Кубронинг шогирди Маждиддин Бағдодийнинг сарой фитналари боис Хоразмшоҳ томонидан қатл этилиши оқибатларини келтирмаса деб кўрқаман... У фитна Куброни, шоҳнинг ўзини ва Хоразмни қора қонга ботирди...»

Султон Ҳусайн Бойқаро ўзи ҳам оқибат тириклай (ўлим уйқусираши маҳали) кўмиб юборилди. Алишер Навоий орзу қилган Мовароуннаҳр жонсарақ ер парчин бўлди, неча юз йиллар яна изи-туби йўқ бўҳроннинг қопқоғини тирмалаб, юз тубан ётганча қолди...

Зиёрат:

*Бу жаҳонга келдинг-ай — кўзгудасан.
Қанча ҳушёр бўлдинг — ёғдудасан.
Кулли ёрқин эрмаса мақсуд йўлинг,
Бил, уёнмабсан — ҳали-уйқудасан.*

Халоскор руҳ кўринишлари

Оллоҳни ёдловчи қалб — огоҳ қалб.

Огоҳ қалб — Ҳақ таолонинг моддий-руҳоний ҳудудларини илғай билувчи қалб!

Бу дастлабки мавқе.

Ҳақ йўлида, демак, мансабнинг катта ё кичик мавқеи йўқдир.

Бу интилишнинг нимадан қувват олаётгани, кучи қанчага етиши билан боғлиқ-дир.

Булут неча денгизлардан куч йиғиб, неча тоғлар-қирлардан ошиб, неча шамоллар уюримидан ўтиб келди. Аммо бағрини уйғониш шавқи, мақсад йилдирими «қарс» ёриб ўтмагунча — марварид доналар ерга тўкилмади, камалак пайдо бўлмади.

Хожа Аҳрор Валий инсон қалбини тириштириш — ғафлатдан уйғотиш мавқеига эришади.

Зоҳири ва ботини ҳам нуқсонсиз зотлар бу тариқатдан сўз айтсалар мумкин...

Илоҳий қудрат — Халоскор руҳнинг бир қабати кўриниши, нурга интилтирувчи кучининг расми!

Жон нима ҳисобига бой?!

Жонда асосий жавҳар — беҳаловот тириклик ёғдусидир.

Ёғду қайда, қайси шаклда, қандай куч, қандай мақсад билан зоҳир бўлмасин,

Илоҳий қудратнинг қувват томирларидан бири.

Уни гоҳ кўлга ўргатиб, бўлак мақсадларга ишлатувчи тўдалар ҳам бор.

Халоскор руҳ — ҳушёр.

У огоҳлантира билади.

Ҳақ ёғдусининг ҳар бир толасига боғлан, у сени қайси издиҳомда бўлма, ҳолинг-ни аён этиб, юксак мақомдаги дарчани кўрғазиб туради.

Биргина сувга у неча тарз ва мавқе бериб қўйибди?! Бизга оддий кўринган сувга! Сувни турли шакл-ҳолатларида кўринг-чи?! Сананг... Сувни!

Валий айтадилар: Инсонга аҳли илм либосидан ҳам яхши либос бўлмас...

Ҳазрат Саййид Қосимий: Эй шайхзодаи Туркистоний, тез бўлурким, сенинг дунёнг сенга қабоб (либос) бўлур...

Инсон ҳам зоҳиран, ҳам ботинан илоҳий мавқега мансублигини унутмаслиги лозим. Шу мақомгина унга ўз инсоний сифатларини ўзи таниши, шундан гурурланиши, оқибат шу гурур илоҳий мавқега бир зина бўлажагини англатади.

Англаш, тушуниш қобилияти! У ўзи озода ҳаракатланмаса — ҳеч не! Тушуниш ҳаракатни жунбушга келтирса, огоҳлик уйғонади.

Огоҳлик — мавқега хизмат қилиш.

Хожа Аҳрор Валий: «Замон саҳнасининг гуноҳлар ботқоғидан оғирлашган оёқларимни халос қилишга интилар эдим.

Оёғимни ғафлат лойидан тозалаш учун янада огоҳ бўлишга интилиб, ҳаракат бошладим...»

Бийик шайх, башоратчи авлиё (боринги «қишлоқи бир мулла») нинг илк қадамларини тасаввур қилинг.

Охир ундан энг нуфузли зотлар келиб «қарз» сўрайдиган саховатий бой мавқеига етишди.

Қарз нима, уни сўраш нима? Олиш нима?

Валий дарвешларни ўз асрининг фидойи маърифатчилари, эркин маорифчиларига ўхшатади.

Улар ўзларини фақат идрок юки билан машғул этиб бошқа эҳтиёжларидан кечганлар.

Аниқ (реал) дунёдан қочиш ва кечиш дарвешлик мавқеига кирмайди.

Одамларга хоҳ моддий, хоҳ руҳий фойда келтириш олий фазилатдир.

Эй фаол дунё мусулмони! Боқимандаликдан халос бўл!

Фақат Оллоҳдан руҳ улушинг (илинжинг) тиламчиси бўл!

Бошқаси текинхўрликдир!

Демак, битта нафасингни-да ғафлат ичида олма! Биринчи қадамнинг қаерга тушувидан хабардор бўл!

Руҳинг Ватан истаб (соғинчи ила) сафардадир, Ватан — Инсоннинг Ҳақ дийдори сари ҳаракат йўли!

Дарвеш! «Ё Худо!» деганинда, сездингни кўнглинг янада ёғдуланиб, файз кашф этиб, энгил шавқ топганини! Сез! Кузат! Қувон!

Энди чин дарвеш бўлдинг!

Дарвеш мансаби — вужудни атроф-муҳит рутубатларидан юксалтириш! Тан — муҳит бандиси, муҳит ҳар доим руҳга осила-соллана қолмасин! Энг жазавакор муҳитда ҳам хаёлингдан бохабар бўл, бошқар, йўлла!

«Сенга сўз айтмоқ шу вақтдагина мумкинки, эл ҳолидан сўзласанг! Тилинг кўпчиликнинг ноиби бўлсин, ўзинг Ҳақ субҳонаҳунинг ноиби бўл...»

Деворда дарвешнинг расмини кўрсанг, тагидан эгилиб ўт...»

Зиёрат:

*Орзуим — ағлу илм конини кўрсам,
Ватаннинг эркин ҳур тонгини кўрсам!
Элин очиқ-пинҳон хўрлаганларнинг
Тавбага йиқилган онини кўрсам...*

Оллоҳга шукроналик

Ҳақ таолога шукроналик фақат ибодатдан иборат эмас. У инсонни борликдан, тоза турмуш тарзидан узмайди, тирикликнинг лаззатларидан бегона этмайди.

Модомики, Оқ билан Қорани таниш Озодлик билан Қуллик ўртасидаги фарқни англашдир.

Ҳар жой ва ҳамма ерда фойда кўзлай бериш, ўз асли хизматингга келадиган фойдангнинг ҳам йўлини тўса бошлайди.

Таъмининг «ёқимтой» лаззатидан жирканиш, кишида эрлик туйғусини мустаҳкамлай боради...

Шукр қил, шукроналик, бу — (пастга) чекиниш эмас!

Шукр — «Ҳаққа яқинликка илтижо», холос!

Дил билан тилни яқин эт, шу тахлитда ўзинг-ла битта (уйғун-яқдил) бўл. Бу робита — Оллоҳ ёдидир!

Шукроналик айни замонавий киши бўлишдирки, бундай одам ўз умр «асри»нинг барча лаҳзалари кечишидан хабардор! У — умри маромидан хотиржам.

Бу хотиржамликнинг фаол юрагига қаранг:

Хожа Аҳрор Валий агар қайдадир таълим берган бир устозининг ночор қолгани, ё унинг оиласида бир кор-ҳол бўлганини эшитса, ёрдамга қанот чиқариб учар, бир не имдод йўлини қилар эди!

У ҳар қандай шароитда энг шошилиш, пайсалга солмай иш кўргани ё бемор инсон зиёрати, ё камхарж бир толиби илмдан бохабар бўлмоғи!

Хожагон тариқатига мансуб мавлоно Аҳмад Коризий Валийга, суюб-соғиниб, махсус оқ жунли сарупо тайёрлатиб юборади...

Валий: «У-ув, бундан дўстлик ҳиди гуркираб турибди... Аммо, афсус... «Ҳада олмаслик...» деган умр тамойилимга зид...»

Зиёрат:

*Бир арбоб, сал бир денг учраб кулфатга,
Тош отди ўзи шу мансуб миллатга!*

У билмас: қанча жон қандоқ кун кўриб,
Шунга яна қанча турар навбатга...

Шоҳга мулозимат зарурми?

Ҳа, замирида эл манфаати, нафи бўлса!

Ҳа, шоҳни ҳатто Ҳақ таолодан ҳам, боринги, элу юртдан устун қўйиб, ажратиб қўймаса!

Ҳа, агар шоҳнинг гарчи минг қулоғи бор дерлар, (булар «махфий»лар эмас) эл-юрт дарди гамини кўпроқ, тўлароқ тингламоғи учунким, токи шоҳ элга соме бўлур, эл ўз шоҳини тинглай билур!

Шоҳ эл, Ватан манфаати йўлида, улур го, эътиқод учун элу халқни бирлаштиради!

Ҳа, бу миллат равнақи, Ватан тинчлиги, озод, эркин фикр ривожига восита — муҳолиф, низолашувчи томонларни муросага келтиради.

Ҳа, Бойқаро қошида Алишер Навоий каби, буюк «Хамса»лар яратилишига сабаб бўлса, ижод аҳли дорилмомонликда яшаса, буюк Хожа Аҳрор Валий каби ҳам моддий, ҳам руҳан аҳли ижодни, истеъдод аҳлини қўллагувчи кишиларни ҳимоя этса!

Аммо шоҳ асло «қанча бийик этсангиз сўзингизни, андин бийик этгаймиз ўзингизни» деган йўриғидан тонмас ва шоир ҳам ўзининг бари мусулмонлар манфаати юзасидан саройга вакил қилинганини унутмас!

Бийик Хожа Аҳрор Валийнинг Алишерга «бизгача бундай тамойил йўқ эди, Ҳақ таоло мусулмон, оддий фуқаролар манфаатини саройда — шоҳ ҳузурида ҳимоя қилишни бизга юклади!» деган йўриқ, талабнома, топшириғи мангу хитобдир!

Ҳа, нарса-ҳолат, ҳодисалар хусусидан шоҳнинг ўз фикридан бошқачароқ, ҳулоса-мулоҳазаларга, уларни айта олганларга омонлик бўлса!

Ҳа, «Қасидайи Бурда» (Кааб Зухайр)ни ўқиб, Пайғамбаримиз С.А.В бу дoston муаллифига ўз эҳтиромини билдириб, сарпо кийдириб, авваллари бир-бирларини эътироф этмай, низолашиб, ҳатто «олишиб» юрган эса-да, энди ажралмас дўстликни пайдо қилса!

Ҳа. Маҳдуми Аъзам: Агар подшоҳ одил бўлса, унинг қарамидаги раият уни васф қилур, агар бу васфлардан ўзидан кетгудек бўлса, ўз фуқароси ҳамда ўз бошига ноҳушликлар йўлини очур!

Зиёрат:

*Тожу тахти эпкинин ўтқаринг жондин,
Подшоҳ хабар топсин ҳар мусулмондин.
Ҳаққа этиш завқин қай юмуш берса,
Ондин кўнгил узманг, қўл тортманг ондин.*

Ҳолат сари

Унинг ёди-ёд.

Хотира — уни ёдлашимга устувор куч. Чунки хотира иморати пойдеворидан то тикланган ушбу ҳолатигача унинг ёди қирпичлари ила тикланган.

Сув — муҳит лойларидан оёқни поклаш учун.

Булут — шубҳа, ғараз, иштибоҳ қоронғулигини йилдирим хуружи билан парча-парча этиш, ёритиш учун.

Қуёш — инсонни Ҳақ таоло яратган маконлари узра машғал бўлсин учун, одам ўзига берилган ақлу идрокни тартибга келтириш учун.

Теграмиздаги тўққиз жонсиз сайёра, уларнинг йўлдошларининг огоҳлик манзараси — ерни ҳам асрамасаларинг бошингга не ҳолат тушишини билишимиз учун.

Ерни тилкалашни тўхтатинг, замин қаъридаги ёнар тоғ — қуёшнинг қайнар бўлағи, ундан отилиб чиққан лавалар Ернинг совиб бориши учун.

Наботот дунёнинг минг фусункор рангга кириб, тўрт фаслни маънолар ила жаннат ва дўзах асрорларига ошино этиш учун.

Озуқанинг юз миллион тури киши ўз тани-вужуди енгиллатиб, ортиқча ғуборлар чирки-оғиридан қутултиришини биддириш учун.

Махлуқот — номукамал тириклик борлиги, аммо табиатда наботот ва махлуқот бир-бирининг ҳамшираси эканлигини тасдиқлаш учун.

Севги уни яратувчининг комил ҳаракатларини англаш, инсон ўзи ҳам нурнинг, илиқлик-оташнинг, меҳрнинг, халоскорлик, бунёдкорликнинг ижодкори бўла олишини англаштириш, яшашга абадий иштиёқ туғдириб туриш учун.

Барча кўнгил туйғулари бошқарилиши фақат ёруғлик — олий вужуд сари йўналтириш, бир-бировни асраш учун.

Камолот ноқис тана ва нафс таъминоти илагина машғул қолиш зарар эканини англаштириш учун.

Кун ва тун икки олам — фано ва бақо элчилари эканлигини танитиш учун.

Бойлик — руҳни камолга етқуриш учун.

Хор-зор, камхаржлик — ўз ҳақ-ҳуқуқининг бошқалар олдида англашинг, етук турмушга интилишинг, мен — кимман дея савол беришинг учун.

Илм — Олий Ҳақ сари масофа, мақом, бу йўлдаги ҳолатингни ҳисоб-китоб қилишинг учун.

Шоирлар халқнинг хабар-сўзларини илоҳий бўёқлар ила атрофдагиларга етқуриш учун.

Тан тарбияси — руҳ эртароқ, кучлироқ, ишончлироқ, парвоз этишини таъминлаш учун.

Фарзандлар улуғ мақсад йўлида ишончлик ҳамроҳ, таянч бўлмоғи, Ҳаққа ишончлиги ижтимоий мавқега кўчириш учун.

Уйқу бедорлик, ҳушёрликка вақтнинг озлигига ибрат учун.

Ҳар соҳада алдаб кетувчилар, энг яқинини ҳам сотувчилар, сидқ ва вафога тупурганлар — туғилишидан олдин ўлимга, руҳий паторатга, маънавий қашшоқлик қамоғига ҳукм этилгандир.

Кўнгил кўзгусини ғуборлардан тозаласа — соф кўзгудагина Худо висолига имкон бор.

Ҳақ таолога ишончлиги майдалаштирувчилар ҳар кимни ўз ишончига эришиш йўлидан чалғитувчилар, бир-бирига мансаб ҳасади ила ҳарб қилувчи, уруш эълон қилувчилар мақсади: яна, янада кўпроқ одамлар устидан ҳукмронлик, хўжайинлик қилиш.

Инсон юрагини Ҳақ таолога кўзгу этиб, инсонни бир-бирига рўбарў этиб, Унинг дийдорига эзгу туйғулар ила, қисқа умрида илоҳий нурдан ҳечса бир лаҳза баҳра олсин, шу билан ўзи бу мангу уйғониш, бунёдкорлик ҳаракатини ичидан кўрсин деб, ёлғизлик фақат Унинг мавқеи эканини билсин учун Яратдим, демишлар.

Унинг овози сенинг овозинг ичида.

Унинг назари сенинг нигоҳингга оғушт.

Унинг сифатларини эса олийжаноб мақсадларинг, парвоз лаҳзасини ҳис қилган онларингдан изла, топ, комиллик мақомини ҳис эт!

Бу мавқега эришиш учун, энг аввало, одамий комиллик, инсоний мавқе касб эт! Ҳа, энг аввало, ҳечса, Валий каби дастури умр ҳолатига етиш!

Алишер Навоий:

Иймон бу — уч қабат бино деб билгил.

Биринчисин унинг Ҳаё деб билгил.

Иккинчи қабати Вафодир сўзсиз,

Учинчи мавқеин Саҳо деб билгил.

Пири Тошкандий

«Қутбул ақтоб...». Бу сифат билан мусулмон дунёси тарихида 356 авлиёдан фақат учтаси эътироф этилган...

Учтадан биттаси Хожа Аҳрор Валийдир!

У Бағдоддан Амирал мўминин Усмон Мусҳафини Тошкентга келишига йўл очган.

У болалик чоғида бир ўзи бобоси Шайх Хованди Таҳур қабри зиёратига келади. Кўнглида ёруғлик ошиб, руҳ хуружи йўлга бошлаб, бир кечада Тошканддаги бари азиз мазоратларни зиёрат этиб чиқади!

У Бағдодда асли хоразмлик Хожа Мусофир билан танишади. «Соз билан суҳбат»ни инкор қилмайди. Базмдан кўнгли куй каби балад оҳанг топангани сезади, мусиқа билан инсонларни хасталиқдан қутқариш фикрини айтади.

У Тошканд тарихини кўп ўқийди. Бунда валати изчил мантиқни кузатади. Ғарбдан Шарққа ё Шарқдан Ғарбга ўтган баъзи босқинчилар нечундир бир ён юришда

бу шаҳарни хонавайрон этди, қайтишда яна ҳимоячиларнинг кўпайганини кўриб жангга киришиб, тезда жангни тўхтатиб, Шошни обод қилишга кириша бердилар. Сабаб — энди Шош аёллари ҳам эрлари, ака-укалари сафига туриб, эркакча совут қалқон кийиб, сочини дубулға остига тутиб, жангга тушаберган!

Бу — қадим «амазонка»лар кимлар?

«Ҳур қизлар салтанати» — «бокиралар мулки» — «Диёрбакир» — Кўҳна Урганч атрофларида ҳам бўлиб, у ерда тасаввуфнинг бизга ҳали балки нотаниш оқимини қабул қилиб, ҳарбий, фидойилик, сидқ хислатларини ўзларида жам этиб, турмуш қурмай яшаган бу «ожизалар» ўз қисматларини кимга боғлаган, нимага бағишлаганлар?! Тошканд тупроғидаги бу жасураларни Диёрбакир ҳурлари билан қандай сир ва тилсим ришталари боғлайди?!

Тошкентда йигитлик камолига етишган Хожа, дин камоли — эътиқод нуфузини «барча динлар асосида бир Худо тимсолини тан олмақ, барча динларнинг мақсади инсонларни тангрига яқинлаштирмақ, бир-бирига сабрли, барча миллат-элат вакилларига тенг хизмат этувчи, инсон камолига хизмат этувчи олтин равишни топмақ», деган хулосага келди, бош йўлни топди. Нақшбандия тариқати ўз даври учун тараққийнинг юраги, дориломон турмуш, турли фикр соҳибларининг тенг мубоҳаса, озод рақобат йўли эканига амин бўлди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Аҳрор Валий катта хонадонининг азиз меҳмони бўлган! Бу азиз даргоҳ устодлар руҳи — маърифатнинг хос маркази эканини туйган!

Бу устоз ва шогирд садоқати, орзуларининг амалга ошаётганини кўриш бахти — барча башоратчиларга ҳам насиб бўлган эмас!

Фаркат (Паркент) билан бийик Валийни нималар толе туташ этган, нега кўп бора ё руҳий ҳомийлик истаб, ё нотинч хаёлига ботин сокинлик истаб, бу гўшани кўп бор зиёрат қилди?

Фаркатлик муриди Мавлоно Қосим деярли эллик йил бирга бўлиб, гоҳ Хожанинг шохлар истиқболидаги элчиси, гоҳ бир ютим тансиқ таомининг моҳири, оташ посбони бўлиб, ниҳоят, пирига ёпишган дардни ҳам Яратгандан «ўзига ўтказишни» сўраб, устод вужудини беморлик хилтидан фориг этиб, ўзи мардона жон омонатини топширган.

Мундоқ қараганда, ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ бу фидойиликнинг илдизи, манбалари қаерда, тасаввуф қабатларидами ё исломни Осиёнинг ушбу қисмида янги мақомга кўтара билган халқнинг мислсиз жасоратларига мукофотми?

Ҳар ҳолда бу мустаҳкам, бокира эътиқод саройининг энг салобатли, собит бир устуни Тошқанда юксалганини, асрлар боқийлигини таъмин этганини кунба-кун аён кўрмоқдамиз.

Пири Тошқандий — энди ХХI аср мустақил Ўзбекистоннинг, соат сайин улурворлиги ошаётган Ватанимнинг йирик юлдузи эканлигини сезиб, кўнглимда фахр ва гурур туяман.

«Шайхзода Туркистоний...» деган таърифлари-чи?

Уни ҳар бир зиёрат этишимда, у ҳақда ҳали, ниҳоятда, оз билишимни биламан!

Пир зиёрати Нури аввалнинг энг яқинидан кўриниш берган лаҳзасидир!

Алишер Навоий Валийнинг ҳар бир сўзини Коинот орзуйи **зиёратига** тенг тутлади:

*Ҳар сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўруниб олдида шоҳу гадо.
Ҳар бири олам элига раҳнамо,
Дема жаҳон аҳлини, аҳли само!*

Жаҳон тадбиркорлари пири

Бир қарич Ерга оч нафс амалдор эгалик қилганидан кўра экин-тикинни билган ва зироатда истеъдоди бисёр бир киши бошқариши афзал. Саъдий айтганлар: «Мулкни эгасига топшир, мулк эгаси бирла кўркамдир».

Тарихда ер (мулклар) олий табақага мансуб кишиларга ижарага ҳам берилган.

XV асрнинг II-ярмида Хожа Аҳрор Валийнинг одамлари бу борада фавқуллодда ҳуқуқларга эга бўлганлар. Боис, бу хонадонда ҳар қадам томорқа эътиборда турганидан.

Хожанинг эшигида хизматкорларга нисбатан озгина одобсизлик, беписанд катталик содир қилган киши қарғишга учраб, молу давлатидан, тириклик ва соғлигидан ажраб, замонага хунук ибрат бўлар эди.

Хожа ўз қарамоғидаги кишиларни ҳар қандай ички-ташқи тазйиклардан ҳимоя қилган. У оддий меҳнаткашни ҳатто саройга яқину элга нафи йўқ мансабдор зотдан кўра устун кўрган.

Хожа Аҳрор Валий ишбилармонлар, тадбиркорлар, тижоратчилар пири, раҳнамоси бўлган! Мовароуннаҳрда, Шарқий Туркистон, Хуросон, Кичик Осиёда ички ва ташқи савдонинг ўрта асрда ривожланишига бевосита катта ҳисса қўшган.

У ҳалол, ишончли тижорат тарафдори, ҳимоячиси, айниқса, мамлакат йўллари-нинг осойишта бўлишини ёқлаган. Буюк устозидан таълим олган Алишер Навоий сўнграқ, «Хамса»сида Султон Ҳусайн Бойқарога: «Қишлоқнинг шаҳардек обод бўлишини истасак, мамлакат йўллари турли таъмағир миршаблар — қароқчилардан тозалаш керак», деб қатъий талаб ва маслаҳат қилган.

Йўллардаги қароқчилар кимлар?!

Бугун бу райят офати — муаммо ҳал бўлганми? Ўқувчига изоҳнинг кераги борми?

Хожа Аҳрор Валийнинг бойишига ўзи ва замондошлари таъкидлашича, файзу барака сабаб бўлган! Барака файзи замирида минглаб сидқидил инсонларнинг юксак қадрланган меҳнати туради.

Қадрланмаса — дарё тупроққа татимас!

Қадрланмаса — қадрият, ният бир пул!

Хожа Аҳрор Валий бойлиқдан киборларча мақтанганлардан огоҳ этган!

«Бизнинг молимиз фуқаролар учундир!» У ўз бош шиорига ўзи бўйсунган, бу — баракали турмуш тарзи, қондаси эди.

Бу — мулкнинг оқилона тақсимоти, шафқат ва мурувват устун хонадон рамзи, меҳнатга тўғри баҳо қўйилганидандир.

Хожа Аҳрор Валийнинг андижонлик тадқиқотчиси Зокиржон Қутибоев фикр қилади: «Қуръони каримда «Инно аътойнака калкавсар» — «биз сизга кавсар (жаннатдаги буюк неъмат — Кавсар ҳовузи)ни ато этдик», дейилади. Ақлу заковатли меҳнат Оллоҳ инояти ила Кавсар булоғига муяссар бўлар...

Мунгулзода хонлар-амирлар, тархону доруғалар «ижод» этган сонсиз солиқлар исканжасида қолган деҳқонларнинг ерларини Хожа Аҳрор Валий уларнинг сўрови бўйича вақф ҳудудига кўшар, бу билан уларни солиқлардан озод қилар, деҳқонлар эса экиш-тикиш, сотишда эркин қолар, ерларини ўз болаларига васият қила билардилар.

Модомики, бу даврда йигирмага яқин йирик солиқ тури мавжуд эди.

Ҳатто Валий вафотидан кейин ҳам узок замонлар деҳқонлар вақф ерлар ичида эмин-эркин тинч тирикчилик қилиб келган. Туркистон ўлкасини «қайта тузувчи» фон Кауфман мусулмон руҳонийлари муассасаларини инкор этишга ўтди ва Хожанинг муқаддас мероси сўнги оғир зарбага учради.

Зотан, энг ашаддий ўғри ҳам вақф ерларда ўз «мангу» касби билан шуғуллана олмаган эди.

Шўролар тузуми бу жиноятни «колхозлаштириш» йўли билан одамларни уларнинг аниқ меҳнатини «юзсиз ва туссиз тенглаштириш»га ўтди. Модомики, «тўданинг меҳнати — поданинг меҳнати...»

Дахлсиз азиз мулк тугул, оддий инсоний ҳуқуқ, озод танлаш қоидалари топталган замонларда, деҳқонга ер берилиб, аммо «Сен буни экасан», деб елкасига миниб ўтирилган даврда энди кимлар бою, кимлар хор-зор қолиб кетиши ҳеч кимга сир эмасдир. Бу зўрлик билан амалга оширилган тадбир, юзаки қаралса, мамлакатда руҳонийлар, мачитлар нуфузини пасайтиришгагина қаратилган кўринади. Аммо, ерга жамоа ҳўжайинчилиги, халқ иқтисодий-маънавий қудратининг синдирилиши — миллатнинг ўша даврдаги маданий-маърифий, эркин танлов, маънавий салоҳияти илди-зига ҳам урилган болта эди.

Ҳа! Шўро ҳукумати малайларининг анча осон вазифа — Хожа Аҳрор Валийнинг баланд номини булғаш, унинг мол-мулкидан кўра бойроқ илмий-руҳоний меросини, издошларининг халқ ичидаги юксак мавқеини «реакцион», «қотил хунхўр», «зулмкор жаллод», «қулдор» тамғаларини босиш юмушлари то истиқдол эпкени юрт буржида байроқ кўтаргунча давом этди.

Афсуслар бўлсинким, миллат гурурлари устидан шўро мафкураси миршаблари ўтказган жисмоний қатафонлар қатори «янги социалистик реализм даври» ўзбек совет адабиётининг «кўзга кўринган» намоёндаларининг «салбий образ яратиш» хизмати ҳам ўз фожеавий ролини ўйнади...

Зиёрат:

*Озод сўз, кагхудо элат хор қолмас,
Дерлар: «Кенгашли тўй зинҳор тарқалмас!»*

Туйнукдан тушган нур

Буюк ҳажв устаси, насримиз «ҳужумчи»ларидан бири, лутфи била ёруғлик ҳосил қилувчи устоз Саид Аҳмад Валий ҳақида сўз кетганда айтдилар: «Эсла, эски замонларда деразалар бўлмасди, уйларнинг шифтида бир туйнук (тунлик) қолдирсалар, бундан ўртада ёнган ўтдан — танчадан тутунлар чиқиб кетса, қуёш тушдан оққанда уйга қоронғуликни, олтин найзадек ёриб, нур тушар эди. Бу нур миллиард-миллиард шуъла зарралар ҳаракатидан иборат эдики, қанчаси кўринмай ҳар ёнга тарқалар ҳам эди.

Валий жанобларининг ҳам руҳоний, ҳам моддий бойликлари шу қадар кўп, ҳадсиз, сонсиз эдики, худди шу нур зарраларидек миллат хонадонини ёруғ этар, айниқса, бир ҳокандоз чўғга илҳақ, меҳрга зор, эътиборга муштоқ фақир элнинг бир ҳаёт илинжи эди...

Ҳа, буни билишимиз керак!»

Менинг ёдимга Валий кўрган туш таъбири келди. У киши тушларида Рисолат паноҳ С.А.В. ни тоғ тепасига олиб чиқиб кўйдилар. Ҳазрат атрофдагиларга эшиттириб: «Сенда бундай салоҳият борлигини билар эдим, бошқаларнинг ўмганини-ғурурини тиклай биласан, аммо хоҳлардимки, бу сифатингни бошқалар ҳам билсин, кўрсин!»

Бу нима?! Бошқаларни ҳам имкон қадар кўтариб, тиклаб қўя билиш саховатми, санъатми, ҳикматми?! Ҳотамтойликми?!

Нега Бобир мирзодек одамга тушида дарвеш келиб, китоб топшириб кетади. Хожа Аҳрор Валийнинг китобини! Оғир бетоб ҳолида зўрға бориб кутубхонасини пайпаслайди...

Ва китоб... Ватан зори бўлиб юрган шоирни, саркардани ҳам руҳан, ҳам жисмонан тиклайди...

Валий ҳазратлари «қийинчилик чоғи мени эсла — ҳозир бўламан» дедилар...

Фалак, Яратган эгам Валийда гўдаклигиданоқ огоҳ нурларини жам этган, буни назар, дейдилар.

Зиёрат:

*«Хаттин ўқиб бори юлдуз сано айтдилар,
Юзин кўриб фаришталар гуо айтдилар».
Ичдан-сиртдан ғафлат зуғм этар қалбларга
Валий Аршнинг туйнугидан зиё айтдилар!*

Қисқа бир сура

Бир олам маъно... Тарихий. Ижтимоий. Ҳатто... сиёсий-фалсафий.

Неча йиллар бурун менга бу сурани такрорлаб юришни тавсия қилиб, нотаниш бир инсон тумордек қоғоз бериб кетган эди.

Дастлабки мазмун: Сенга жаннат боғидан, илҳом булоғидан тотимоқ ато этилган. Аммо буни кўролмайдиганлар, қасдан ёмонлик, тухмат ташкил қилиб, пайинига тушувчилар кўп бўлади. Улар ўзлари (хатто яқинлари ҳам!) ахийри мислсиз хонавайронликларга дуч бўладилар... Йўли, ризқи, думлари тугилади... Лекин сен эҳтиёт бўл, қурбонлик қилиб тур!..

Хожа Аҳрор Валий бу ояти каримага қанчайин улуғ икром, эътибор ила қараганини, қандай хулосага келганларини билиб, ўзимиз ҳам у кишига илоҳий сирга, Халоскор руҳга эргашгандек эргашамиз.

Муҳаққиқ (текширувчи)лар бу оятнинг тафсирида шундоғ дерлар: «Бердим сенга Кавсарни (Инна аътайнака-л-кавсар), яъни, аҳадиятни касратда (Худо бирлигини — кўпда) мушоҳада этишни бердим».

Шундай мақомда фикрлаган киши: «Ҳар ойна зарралари Коинотдин ва ҳар зарраки онга ойна турур, онда важҳи боқий (Худо)нинг жамоли»ни мушоҳада қилишга муяссар бўлади.

Шундай фикрловчи, яъни, қалбида мақсад жамолига шаҳодат ва жило уйғонган кишига дунёвий, турмушавий ашё-илинж, сабаблар парда сола оладими?!

Бу Валий мушоҳадасининг дастлабки сатрлари... Бу ёғини англаш, қамраш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Худди шу ўринда Жомий ишоратларини кўринг:

*Убайдуллоҳнинг фақирлик юлдузи —
Жаҳон шаҳлигига етишди кези.
Чун Хожа Аҳрор Убайдуллоҳдир,
Фуқаро ҳурриятидун огоҳдир,
Дили — аҳадият денгизин қаъри,
Унда бир ҳубобдир фалак буржлари...*

Нега уни «Поклик шоҳи!» дея улуғладилар?

Нега фақат инсонгагина Илоҳий руҳдан ёғду улуши ҳада этилди? Инсон вужудидаги кўринишдан жон — моҳиятан ниҳон бу қувват нимага қаратилган?!

Нега бу иноят муваққат тан ичига беркитилди?! Ўзидек абадий ва узилмас йўлнинг доимий ҳамроҳлари бизга нима абадийлигини очиқ билдирса бўлмасми эди?!

Бу — энди Асилнинг фақат ўзига маълум.

Аммо ҳар ким шуни билиши керак, одам ҳам бевосита узоқ узилмас йўлнинг йўлчиси! Одам ҳам абадият сари кетаётган карвоннинг иштирокчиси. Аммо муваққат ашёлардан яратилган вужуди йўлда, узун ё қисқа умр сўнгида йитади, титилади, муваққат кукунга қўшилиб кетади.

Аммо жо этилган руҳ — абадий! У муайян лаҳзада бизнинг танимиздан бошқа вужудга — навбати келган танага ўтади. Худди шунингдек, биздаги руҳнинг бир қисми, тирик пайтимиздаги ҳаракатларимиз кўприк бўлиб, ёнимиздагиларга, фарзандларимизга ё бунёдкорлик ишларимиздан шакл олиб, жамият ичига сочилиши, бошқа қалблардаги руҳлар оқимига парча-парча қўшимоғи ҳам мумкин! Улар энди биз ҳақимиздаги ҳар қандай хабарни олға ола кетишади!

Демак, руҳ — тойрилмас. У ўзини тушда, ўнгда, ғайба нозилликда аён этиб, умр давомида бизни адил, хуш, барқ белгилари ила бойита борар экан, мақсад — Илоҳий руҳ атосини асраш, унинг абадийлигига, яратувчининг ўзигагина тааллуқли эканига имон келтиришдир.

Халоскор руҳ — қалбимизда, у атрофимиздаги муҳитнинг баъзи қусурлари орқали, фитнакор, худбин, очофат, хасис каслар иғволари туфайли озор ютиши, ўз руҳий ночорлигидан қўрқиб, ўзидан катта тезак филдираги ғоваги ортига яширинибгина «йўл юрувчи» қўнғиздек, шуни иш деб кўрсатувчи амалдорчаларнинг иғволари боис, заха топиши аниқ!

Бизга, биз орқали қалбимизга жо этилган Ҳақ ёрлигига «дахл» этиб, топтаб кетмак истаганларнинг куни қурсин, биз қарғагучилардан эмасмиз! Уларга жазонинг минг-минг ноаниқлари ҳам борки, туяқушдек бошини қумга тикиб қутиламан десалар ҳам, қутилолмайдилар!

Аммо инсонга яна Одил сўз ҳам Халоскор руҳнинг ифодачиси сифатида берилганки, сўз ишсиз қолса, ғофил ётса, сўзбозликлар тўфонидида чуваланиб қолса, гуноҳ. Чунки руҳ асил сўз айтилгани сайин ўз туб жилоларини кўргуза боради.

Эл салоҳияти ҳам мавқеланиши учун йўл очилади!

Сўз — фикр, эркин мувоҳаса, ҳур ифода, айрим бир жоннинг ва миллат руҳининг юксалишига сабаб бўлади.

Одил сўз, тик фикр, бохабар нутқ, огоҳ мушоҳада, уйғоқликка чақирувчи ваъз, маърифий булоқларни очадиган хитоб миллат учун ҳар тонг, ҳар соат, ҳар қадам, ҳар минбардан янграб туриши мумкин.

Буни тўсгучилар, бунга ниқоб, ранг чаплаб маънисини ўзгартирувчилар кимлар?!

Турли соҳа сўзлари алоҳида ҳикмат.

Дейлик, касб кишисининг, борингки, деҳқоннинг сўзи (у кўп гапирмайди ҳам) ҳечса бир бор эшитилмаса, бўғиб қўйилса, миллат фарзандининг оғзидан бир ҳалол лўқмасининг ерга туширилгани — насибаси бўғилгани-ку!

Истиқлол боис, сўзни шўро давридагидек масал, афсона-асотир, рамзга солиб эмас, очиқ дил ёрадиган замонни, балки охирги имконни Ҳақ раво кўрибди! Ҳақ раво қилганни ким ман этса, унинг ким эканини ўзингиз айтинг? Айтинг? Айтинг?!

Истиқлол туфайли қадим боболаримизнинг сўзларини излаб, топиб айта бошладик. Уларнинг ҳар бир саъйи ҳаракати, тадбирларидан маъно излай бошладик.

Бари хайрли бўлади, фақат биргина шароитда — яъни, бугун жамият ўзининг асл ҳолидан хабардор бўлса! Очиғини айтса, камини тўлдирса.

Етти киши ўзига бошчи сайлайолмай гаранг эдилар. Буни кузатаётган донишман айтди:

— Биринг ҳам бошчи бўлолмайсан...

— Нега?

— Ҳеч ким ҳеч кимни эшитмаяпти, тингламаяпти!

Барчанинг сўзини эшитадиган, шунга қараб иш тутадиган киши — бошчи.

Ахир, фалак ҳам булутни гапиртириб кўради? Ҳечса, баҳорда чақмоқ чақиб, зилзила солиб ерни, тўлқин уриб уммонни, шамол кўзгатиб ўрмонни сўзлатади фалак...

Сўз.

Мана Хожа Аҳрор Валий эътирофлари: «Ғайб (руҳ) ҳақиқати ғайбдин жуда узок йўлни ўтиб келурки ва тилга кирурки, оқибат сўз шаклини қабул этиб олур!..»

Сўзда гўзаллик бордир. Ҳақ иродаси ерга Пайғамбар С.А.В. га сўз орқали юбориди!

Ул зот не ёзсалар янги эди, ғализ эмасди, не десалар мақбул эди, рад эмасди...

Зиёрат:

*Асил поклик шоҳи Хожа Аҳрордир
Инсоний ғам-ташвиш унга ҳам ёрдуир!
Аммо унда миллат, эл-юрт қайғуси
Барча қайғулардан кўп устувордир!*

Пурёйвалий зиёрати

Вақт (давр) азиз этганларнинг суҳбати ҳам ғанимат.

Авлиёларга эмас, уларнинг парвардигорларига топин!

Хатгин ўқиб юдузларким сано ёғдирди, фаришталар юзин кўриб дуо ёғдирди...

Ким ҳақида Валийнинг ушбу шижоатли ва қатъий ҳукм ва насиҳатлари?!

Тўғри, одамзод устида, гирди-теграсида (оёғи остида) ғафлат навбатчи — бир онлик фаромушлигинга жазо бор. Ғафлат (шаробми, сулуви шўҳми, улфати жамми, тўлқин алласидаги уйқуми) энгинга илашса бўлди, ажрими кўп узок бўлар.

Пурёйвалий — Паҳлавон Маҳмуд Хожамиздан деярлик юз элик йил олдин яшаб, мунғул босқинининг бори хонавайрон манзарасини обдон кўрган, бу офатга зид ўлароқ жавонмардлик ҳаракатини тиклаган, Шайх Кубро баланд кўтарган оловни янада осмонолуд этган баҳодир: Хожа Аҳрор Валийнинг бир оғиз ҳукми мени ларзага солди.

Бир одамга ҳар ким ҳам баҳо бера билмайди. Аввало, уни яхши билиши керак, маънавий-моддий далолатларга эга бўлмоғи керак! Лекин...

«Паҳлавон Маҳмуд ҳақиқати ҳеч бир қайдга гирифтор эрмас экан ва тажаллийи зотий (Аллоҳ тажаллийси)га мушарраф экан!»

Тажаллийи зотийга мушарраф экан Паҳлавон Маҳмуд!

Худди шу яқин кунларга Хожа Аҳрор Валий ҳақида нақадар оз билсак, эшитсак, бийик жавонмардий қаҳрамонимиз ҳақида, ундан-да кам дарақлар эшитганмиз. У-бу изланишларимиз фақат «Анави қалъайи муборак сари чамаси манови, йўқ-йўқ анави йўл олиб боради-ёв...» тарзидаги мойил-маслаҳат беришга ўхшайди, холос.

Ҳа, Валий олти юз йил оша яна бизга бир зотни эслатиб, дарҳол хатти ҳолию мангулик ҳужжатини ҳам қўлимизга тутқазяптилар.

Такрор ҳайратимни айтаман: Мукамал қониқш, ғурур билан таъкидлаб айтяптилар қаҳрамон шоир номини!

Нега худди шу рубоий мисолга келади: яъни, ёр, қачонгача бу маст-аласт қиморхонада қолади, нега, ҳечса, комил инсонларга бир имо қилиб қўймаяпти?! Демак зарурат бор ёрнинг биргина парвойига! Буёғи эса насияву нақднинг олди-сотдиси!

«Дарвеш бозор шовқин-суронида ҳам ўзига тегишлигина овозни эшитади...»

Тариқатнинг икки бийик пири! Бирининг устози — Шайх Нажмиддин Кубро! Бириники — Баҳоуддин Нақшбанд! Ҳамма нарса гўё аён! Барчалари тажаллийи зотийга мушарраф қаҳрамонлар!

Биз киммиз, нимани эшитяпмиз, қаёққа қараяпмиз?! Бу барқ, бу жилоланишни кўряпмизми?!

Халоскор руҳ! Зиёратингни дариф тутма биздан, ҳечса зиёратингни!

Зиёрат:

*Юришга юрсангу билмасанг қайга,
Сўзларинг етмаса энг зарур жойга.*

Хожа Аҳрор Валий мактублари ёш авлодга

Бу нечук мўжизалар олами?!

Нақадар рангин ўхшатиш, инжа такаллуфлар, қойим мулозаматлар, аниқ талаб, ҳатто кескин таънао дашномлар!

Ишбилармонлар, тадбиркорларнинг ушбу мураккаб асрининг хос ёрлиқлари!

Бугуннинг ёзишмалари.

Нечаларини ҳазрат Навоий, қанчаларини мавлоно Жомий кўз қорачуғида асраб, тумордек авайлаб, келар асрларга чирк текизмай, гард юқтирмай олиб ўтишган! Гўё ҳар бири ўз юрак уришларини тирик варақларда жонли кўргазма каби иштиёқманд толибларга дарсга олиб кирган!

Нечук эҳтирос, нечук илмий далил, маърифий устқурма сабоқлари!

Буёғи, аввало, мутахассисларнинг теран ва нозик тафтиш, холис илинж, ётиқ тушинтириш лавҳалари бўлсин!

Ҳар сатри эҳтирос дарёсига бир ирмоқ, адолатли назарга қойим нишон. Боринг-ки, қайси даврда яшамасин, ўқувчининг ўз ҳолига тиниқ кўзгу.

«Ичимдан сир, жумбоқ ахтардинг, менинг сиррим — менинг ғамларимдан йироқ эмас...»

Ул зотнинг ғамлари!

«Ичингда Ҳақдин бир нимарса бўлсагина Ҳаққа интилсанг бўлур!»

«Совуган кулдек кўринсам-да, қаъримда чўғ бор!..»

Ишроқи иттило — фикрни тўлиқ ўқиш! Ҳа, ҳеч бир ҳарфига беписандлиғ этманг... «Нафсу ҳаво тақозаси билан беадаблиғ этманг!..»

Валий — бировларнинг дил оғриқларини узоқдан ҳам билади. Бу атроф-муҳит, даврни, халқнинг аҳволини ҳис этиш мартабасидир!

Валий муридларини кузатиб юради ва ҳар бирининг саёҳат, илм сори юриш хоҳишларини диққат билан кузатади. Ўз ҳисобидан йўлланма беради. Аммо сўрайди: «Мақсудинг саёҳатми, илмми?!»

Тиришқоқ мурид «Саёҳат..» дейди истиҳола бирла. Устодга бу маъқул. Чунки дарвешлик мавқеида, ул асрларда маърифат тарқатиш юклама қоидаси ҳам бор эди, тариқат элчиларининг илмдан бўлак илинжи йўқ, дунёси ҳам, молу мулки ҳам маориф эди!

Валий муриддан нега айнан Бухорони танлаганини синчиклаб билади. У ердаги ўз шогирдига мактуб ёзиб, албатта, бу янги толибдан ҳар соат хабардор бўлиб туришни, бошқа оқимларга қўшилиб кетмаслигидан огоҳ бўлиб туришни қатъий топширади! «Ўзини ғайрга қойим этмасин!»

Бу — башоратгўй Валийнинг, улуғ мураббийнинг бугунги ёшларга ҳам кескин йўл-йўриғи эмасми?!

Бола агар Хожа Аҳрор Валийдан хат келтирган бўлса-да, қара, кузат, нимани ўқияпти, нимани уқяпти, ким билан тиллашиб, кимларга диллашувга мойил...


Модомики, ёш юрак — тиниқ ойна, атрофдаги ҳар нарса акс этади, бойланади, айланади, ҳар бир довдир капалак, ҳар қисқа ёмғирдан қолган камалак, ҳар ярқирок-мусиқий унли варрак...

Тарбия бу! Миллат келажаги, ғурур ўрин алмашинуви бу! Зотан, ўз йўлига қистаб, мажбуран қайирувчи кучлар қанча...

Алишер Навоий ўғитларидан бир **зиёрат**:

*Ишга сол истеъдог фатиласини,
Ёрит илму-ҳикмат силсиласини.
Миси чиксин бидъат, соя ўйиннинг.
Асра аслиятнинг ҳар тилласини.*





САҒИНАС РҶҲИМИЗДА
МАСТОҶАҶИ АСЛО

ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ

Рауф Парфи

* * *

Осмон ўзгариб кетди,
Ўзгариб кетди Осмон, бугун,
Ҳеч нарсани англамай қолди
Булутларми бу, тўзонларми бу,
Кўзларига кираётган?!

Ғимирлаб қолди ҳамма нарса Осмоннинг тагида,
Хушомад қила бошладилар майсалар,
шамоллар,
булутлар,
чанглар,
яна аллақандай нарсалар.

Осмон ёвуз ўзгариб кетди.
Бўзариб кетди Осмон, бугун,
Ўзлигини унутди Осмон,
Ўзининг йўқлигини ҳис қилди бир вақт,
Барибирлик ўрнашиб олди унинг чексизлигига.

Шунинг учун ҳам хўмрайиб туришлик энди
Шарт эмаслигини тушунди.
Мана сенга, мана сенга, ма-на-сен-га, деб қўйди
Одамларга ўхшаб.

1979

Тҳакурга иқтибос

Суйганларинг ташлаб кетсалар,
Ҳеч гап эмас, қайғурма зинҳор.
Армонларинг қонлар ютсалар,
Балчиқларда ётсанг хоруздор,
Ҳеч гап эмас, қайғурма зинҳор!

Сўлғин куннинг, ойнинг ҳузуни,
Олис йўлда совуқ куз туни,
Зулмат ичра ёлғиз ва ночор,
Аччиқ селлар қақшатса сени,
Ҳеч гап эмас, қайғурма зинҳор!

Товушингни тинглаб қушлар ҳам,
Ҳайвонлар ҳам келсалар, агар
Келмас бўлса дўсту биродар,
Яқинларинг келмаса бир бор,
Ҳеч гап эмас, қайғурма зинҳор!

Ўқлар учар, чинглар шамширлар,
Атрофингда соқов бир девор.
Боғлаб олса сени занжирлар,
Йўқ бўлсанг-да йўқликда агар,
Бор бўл дўстим, қайғурма зинҳор!

1988

* * *

Сўнмас руҳимизда матонат асло.
Аждодлар шарафи абадий яшар.
Мукаррам зиёсан, эй Туркий Дунё,
Қўллагил Аллоҳим, қўллагил Башар,
Сўнмас руҳимизда матонат асло!

Ёлғиз Аллоҳимиз, чорлар Истиклол,
Муборак сиймолар, ботирлар чорлар.
Ёлғиз паноҳимиз, чорлар Истиклол,
Жаҳонга, инсонга муҳаббат порлар.
Ёлғиз Аллоҳимиз, чорлар Истиклол!

Уйғон Турк Дунёси, муқаддас Турон,
Куёш, бошимиздан сочгил қутлуғ нур.
Асл Турк юрти бу, қадим, навқирон,
Темур умиди бу, Туркистон мағрур.
Уйғон Турк Дунёси, муқаддас Турон!

1991

Адашган Рух

1. Куёшнинг ёғдуси қорадир,
Юлдузлар музлардир тўкилган.
Бу дарё — узанган ярадир,
Дарахтлар эгилган, букилган.

Юлдузлар музлардир тўкилган,
Тошлардек қотмишдир тумонлар.
Ерларга тиканлар экилган,
Экилган ёлғонлар, гумонлар.

Бу дарё — узанган ярадир,
Ҳасратдир тинмаган ҳеч қачон.
Жимирлаб қайларга борадир,
Борадир безабон, бемакон.

Дарахтлар эгилган, букилган,
Ер тишлаб ётибдир япроқлар.
Тошларга михланган, чекилган,
Лочинлар, каптарлар, чорлоқлар.

Куёшнинг ёғдуси қорадир,
Куёшнинг сочини ўргайман.
Наҳотки, энг сўнги чорадир —
Адашган Рухни мен кўргайман?!

2. Тошлардек қотмишдир тумонлар,
Булутлар — фалакнинг оҳлари.
Кечмақда эронлар, туронлар,
Тубанда қоронғу чоҳлари.

Булутлар — фалакнинг оҳлари,
Ингроги, сингроги учадир.
Тубанда мусибат тоғлари,
Қора қон ичиндан кечадир.

Кечмақда эронлар, туронлар,
Судраниб, пайпаслаб, итариб.
Кечмақда буронлар, суронлар,
Энг гўзал, энг бағал, энг ғариб.

Тубанда қоронғу чоҳлари,
Қаърига чақирар, ялтирар.
Итлари, отлари, доғлари
Харсангга айланар, қалтирар.

Тошлардек қотмишдир тумонлар,
Билгисиз очуннинг асари.
Тубанда гуноҳлар, иймонлар,
Адашган Рух кезар сарсари.

3. Ерларга тиканлар экилган,
Тошларга, харсангга санчилар.
Туркистон туғлари тикилган,
Бетлашган жони бор янчилар.

Тошларга, харсангга санчилар,
Чеки йўқ йўқликнинг ноласи.
Дийдалар томчилар, қамчилар,
Сабрнинг, одамнинг боласи.

Туркистон туғлари тикилган,
Ватансиз касларнинг йўли берк.
Зорланган, зўрланган, тўкилган,
Эркидан айрилган кутлуғ эрк.

Бетлашган жони бор янчилар,
Туёқлар остинда бўзлайдир.
Жангчилар, пулчилар, танкчилар,
Ёгийлар ёлгонни сўзлайдир.

Ерларга тиканлар экилган,
Дов учун, ов учун, ғов учун.
Туркистон туғлари тикилган,
Ёв учун, ёв учун, ёв учун!

4. Экилган ёлгонлар, гумонлар,
Тарихнинг темирдан девори.
Аққадлар, сумарлар, юнонлар,
Билингиз, бу Турон диёри.

Тарихнинг темирдан девори,
Йилт этган бир зиё кўринмас.
Мозийнинг кўмилган мозори,
Атрофда тирик жон уринмас.

Аққадлар, сумарлар, юнонлар,
Туркийлар, наҳотки, кечмишдир?
Кетмишдир, титмишдир жаҳонлар,
Йўқликнинг заҳрини ичмишдир.

Билингиз, бу Турон диёри,
Қонлари кўкларга сочилган.

Йўқ эрки, йўқ дўсти, Ҳақ ёри,
Боблари кенгликка очилган.

Экилган ёлгонлар, гумонлар,
Бергайдир абадий мевасин.
Бу тунлар, бу кунлар, бу тонглар —
Мен ва Сен, Мен ва Сен, Мен ва Сен.

5. Ҳасратдир тинмаган ҳеч қачон,
Манглайга ёзилмиш бу оят.
Муҳаққақ ёзмишдан ким қочган,
Ким кўрган? Ким билган, ниҳоят?

Манглайга ёзилмиш бу оят,
Хукмдир, муҳрдир, ўчмасдир.
Зулматда йўқ эрур ҳидоят,
Зимистон ранглари кўчмасдир.

Муҳаққақ ёзмишдан ким қочган,
Барини маҳрига олажак.
Тириклик тилсимин ким очган,
Кулфига ким калит солажак?

Ким кўрган? Ким билган, ниҳоят?
Қорайиб ялтирар ложувард.
Шоирда бормидир риоят,
Кўзида, сўзида аччиқ дард.

Ҳасратдир тинмаган ҳеч қачон,
Йилт этган зиёдан йўқ асар.
Ул мавжуд, номавжуд, жон-бежон,
Адашган Рух кезар сарбасар.

1991

* * *

Қирқ йил қораладим қоғозни,
Бошимни оққа бўядим қирқ йил;
Қўлимда кўл,
Оёғимда оёқ қолмади,
Кўзим оқиб тушди изингга.

1993



Шоҳни ҳам армони бор...

Жон Ватан деб, жон берар
ҳар кимки, танда жони бор,
Ўзга юртда кўзни юмган
шоҳни ҳам армони бор.
Андижон деб, узди жон,
бир парча юрт хокига зор,
Мирзо Бобур, гарчи улкан
мулки Ҳиндистони бор.
Ўтса ҳам юз йил, элим
йиғлар фироқ заҳрин ютиб,
Ёт заминда мангу қолган
неча минг Усмони бор.
Ўзбекистон кўксида
беҳад жудолик доғлари:
Қабр эмас, қалбида кўмган
Фитрату Чўлпони бор.

Ўз элида бўлса қурбон
элсеварлар элни деб,
Эл зиёрат этгали
на қабру қабристони бор.
Не жазо бу қасди қисмат
деб, фалакка дод десам,
Сас келар: «Ҳар бир замоннинг
шумният шайтони бор».
У, адолатни адоват
аждариға ем қилиб,
Чақтирар фитна-чаёнға
кимники иймони бор.
Ё Худо, асра замондошни
замон шайтонидан,
Ҳар киши қабрин насиб эт,
қайда киндик қони бор...

Қанча жон куйдирдиму...

Жон куйдирмасанг, жонона қайда...

Мақол

Қанча жон куйдирдиму
жон битди, лек, жонона йўқ,
Шамъи сўзондир вужуд,
ҳолим сўрар парвона йўқ.
Бахт қушин излаб югурмас
орзулар уфқи томон,
Бош ёрар девори бисёр,
бош кўяр остона йўқ.
Бу жаҳон майхона деб, аврашди,
кўрдим айланиб,
Маст-аласт ҳар ён тўла
кўнглимга мос мастона йўқ.
Дарс эмиш Фарҳоду Мажнун
қиссаси кўпларга, лек,

Менга ишқ бобида дарслик
қисса йўқ, афсона йўқ.
Ишқ аро дил булбули
излаб висол кошонасин
Тойди ҳолдан, жон узар дам
бош паноҳ вайрона йўқ.
Ёшлигимда тўғри фол
очган экансан, лўли қиз:
«Аҳли ишқу аҳли шеърда
бахт ёзиқ пешона йўқ».
Ҳасратимдан бездими,
қонлар қусиб ёзди қалам:
«Эй Самандар, сенга ҳамдам
мен каби девона йўқ».

Омонатда бақо йўқдир

Ишонма кўшқу қасринга,
нечунким у омонатдир,
Омонатда бақо йўқдир,
бақо қасри диёнатдир.
Дема: «Кошона бағрида
бақо топгай бу умрим», деб,
Сағона қаърида беайб
макон топсанг ғаниматдир.
Неча шоҳ қасрини кўрдим,
завол билмай яшар, аммо,
Қаср соҳибининг қабри
оёқ остида ғоратдир.
Баланд эрмас эди томи
валийларнинг, вале, номи —
Фалак тоқига буйлашгай,
куёш пастда хижолатдир.

Тирикликда улар кулба
қуришга қилмади рағбат,
Қадамжойи бугун дунё
учун қасри саодатдир.
Улар аҳли башарни то ҳануз
ҳиммат била сийлар.
Азал хислатлари ҳиммат
абад хислати ҳимматдир.
Шарофатли боболардан
ҳамон топгай шарофат эл,
Уларнинг ҳимматиға бу
Худодан нури раҳматдир.
Ҳалолга хуш назар айлаб,
ҳаромдан алҳазар этгин,
Мусулмон аҳлиға ибрат
Расулуллоҳ Муҳаммаддир.

Қалам

Хар дамеки, сенга бўлдим
хамдаму сирдош, қалам,
Айладик бирга жаҳоннинг
дардига бардош, қалам.
Хар қачон қалбда баҳор кулса,
изингдан унди гул,
Хар қачон қор ёғса дилга —
тўкканинг кўз ёш, қалам.
Бу ҳаёт йўлида тош,
қўлида тош бисёр экан.
Қолмади мен бирла сенга
тегмаган бир тош, қалам.
Дўсту душман қошида
йўл бермадинг бош эггали,
Жойнамоздек оқ қоғозга
сажда қилди бош, қалам.
Рашк этибми давраи
улфатларим тарк этдириб,
Гоҳи ёр васлидан айру
айладинг кундош, қалам.
Гоҳи бағрингдан кечиш
қасдида юз бурсам, ажаб,
Дўстларимдай қилмадинг сен
тарки тақдирдош, қалам.
Мунггайиб қоғоз юзида
дош бериб қаҳримга сен,
Интизор кутдинг келар деб,
шоири бебош, қалам.
Ўтди ёшлик, ўтди ишқ,
тарк айлади ёр, жўралар,
Битта сен бўлдинг суянч,
бир жойга етгач ёш, қалам.

АДАБИЁТ АБАДИЙ

Бундан 90 йил (1912) муқаддам улкан шоир, маърифатпарвар инсон, устод Абдулла Авлониининг «Биринчи муаллим» ва «Иккинчи муаллим» деб номланган мактаб дарсликлари ёзилган эди.

* * *

Кўплаб шеърлар, дostonлар, драмалар, айниқса машҳур «Ҳалима» асарини яратган, адабиёт ва маданият тарихида номи қолган адиб Фулом Зафарий бундан 90 йил (1912) бурун ўз туғилган шаҳри Тошкентдан Ўшга бориб, бу ерда муаллимлик қила бошлаган.

* * *

Бундан 80 йил (1922) муқаддам Ойбек домла Тошкент таълим ва тарбия техникумига ўқишга кирган. Ўн йил кейин (1932) унинг қатор янгича руҳдаги дostonлари-дан бири «Ўч» яратилган эди.

* * *

Ватан, Она сўзи нақадар лазиз,
Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, азиз...

Бундан 40 йил (1942) бурун устод Уйғун «Она» деб номланган саҳна асарини яратган.



Хуршид Дўстмуҳаммад

ЖИМ ЎТИРГАН ОДАМ

Ҳикоя

1

Қирқ йилдан буён ишлаётган идорасига борар-келар йўл Қурбоналига ёд бўлиб кетган: уйдан чиқиб, бир юз ўттиз қадам ташласа катта йўл ёқасидаги бекатга етади, автобусга миниб, у ўн иккинчи дафъа тўхтаганида — тушади, тушган жойидан етмиш-етмиш тўрт қадам одимлаб серкатнов кўчани кесиб ўтса, жонажон идорасининг бўсағасида турибди-да!

Қирқ йил бир жойнинг тузини тотигани, бир тус-бир тоифа нусхалар билан нафас-банафас ишлашининг касофатими, Қурбонали ўзининг одам-овилигини шундан кўради. Авлиёсифат билармонларнинг айтишича, ҳар қандай одамовидаям бир шингил шинавандалик бўлмай иложи йўқ. Қурбонали феълидаги шинавандалик қитмирлик, ҳатто писмиқликка вобаста бўлиб кетганини ҳам яхши билади. Қитмирлигими, писмиқлигими тутганида у ҳеч бир мўминнинг етти ухлаб тушига кирмаган қилиқларни ўйлаб топади. Дейлик, уйдан чиққач, рўпарасидан таниш-билиш яқинлашаётганини кўрган заҳоти кўзини чирт юмиб, йўлида давом этаверади. Йўл беш қўлдай маълум — на қоқилади, на суқилади. Бетма-бет келган таниш эса ҳайрон — саломлашайми-йўқми, дея бир қарорга келгунича Қурбонали бекатга етиб улғуради. Қилиғидан ўзи мутаассир бўлиб мириқиб... ичида кулади. Ҳа, бу инсон ичида кулиб, ичида қувониб, ичида хуноб бўлишни, нимаики бўлмасин, барини ичига ютиш санъатини мукамал эгаллаган. Сиртига сув юқтирмайди. Автобусда бораётиб бирорта таниш башарага кўзи тушса, одамовиликка пайванд боягиндақа писмиқлиги қўл келади, яъни у ҳеч бир истиҳолага бормай, кўзини юмиб олади. Чала-ярим кўзтаниш билан энсақотирар суҳбат қуриб кетишдан кўра шуни аъло кўради. Йўловчи тирбанд, улов қай манзилни ортда қолдираётганига кўз қирини ҳам ташламай, ичида чамалаб кетаверади. Автобус ўн иккинчи тўхташида тушсаки, заррача адашмабди-да!..

Бундай дамларда Қурбонали ич-ичидан ха-холаб кулади. Кулади-ю, сиртига чиқармайди, шундай шодумон ҳолатида ҳам қовоғи солиқ, сипо, вазмин ва беозор қиёфасига содиқ қолади. Қиёфа қан-

АСРЛАР, АСАРЛАР

чалик тўнг бўлса, ҳуда-беҳудага гаплашаверадиган, отамлашаверадиган кимсалар шунча камаяди. Қурбонали елимдек ёпишқоқ таниш-нотанишлардан етти газ нари юради, «Би-ир отамлашмаймизми?» деб қўярда-қўймай улфатчиликка судрайверадиғанларни-ку, кўрарга кўзи йўқ. Шу ўринда бу қадар нодир нуёб фалсафанинг бир илдизи қаҳрамонимизнинг қиблагоҳига бориб тақалишини хотирлаб қўймасликнинг асло иложи йўқ. Аллоҳ раҳматига олгур падар ўттиз етти ёшида маҳалла чойхонасида оғзининг бир бурчидан сирғалиб чиқиб кетган уч оғиз жумла «шарофатига» ўн икки йил ўтириб келган, ақли кириб, кўз мошдай очилиб ҳарчанд лабини лабига елимлаб юрмасин, нақ элик бирга чиққанида ҳе йўқ-бе йўқ, бўрининг емасаям оғзи қон, қабилда шекилли, яна беш йилга кесилган, энг яқин жигарлари ҳам «Ҳа, энди қуловини ушлаб кетди-и!» деб тақдирга тан бериб қўйишганида яратганининг Ўзи нажот қўлини чўзиб, унинг сингари беайбларнинг жонига оро кирган, ўша тўлқинда қиблагоҳ ҳам муҳлатнинг ярим-ёртиси ўтмай болачақанинг бағрига қайтган, қайтгану кап-катта эркакнинг дунёга келиб ортирган бор-йўқ бисоти битта шўртумшук ҳикматдан нарига ўтмаган. Буёғини сўрасангиз, ола тушмагурнинг топқирлигини қаранг — икки қиз, бир ўғилни йиғиб эмас, уларнинг учовини уй ичкарисидаги бешам-бечироқ хужрага битта-битталаб чорлаб, фарзандларнинг қуловига қуйган: «Худо душманни ҳар банданинг оғзига жойлаб қўйибди. У душманнинг оти — тил, забон!.. Ёруф дунёда эсон-омон яшаб, ўз ажалинг билан ўлмоқчимисан — тилингда тугун солиб юр!» Қиблагоҳ икки қизига айтмаган васиятини арзанда ўғлига асраган: «Сен ботиргапчидан хавотирдаман. Муртингни мўйчинак тишламасидан бурун кўзингни оч, мен сени турмада чириб кетишинг учун эмас, қариган чоғимда суянчиғим бўлар деган умидда ювиб-тарадим... Яна бир гап қуловингда бўлсин: биззи халқ отамлашиш деса томдан ташлайди, илло йиллаб оғиз-бурун ўпишган улфату шинавандаларнинг отамлашиши замон ўзгариб, отишмага айланганини кўп кўрдим. Так што, қуловингда бўлсинким, зинҳор-базинҳор!..»

Хуллас... Қурбонали ўз саноғига биноан ўн иккинчи бекатда автобусдан тушиб кўчанинг ўтиш жойига келганида қандайдир нотаниш нусха ўзига мўлтайиб қараётганини сезди. Қурбонали муомала маданиятига тааллуқли китоб кўрганлардан эмасми, нотаниш кимсага ним табассум аралаш бош ирғади. Қурбоналидан ҳамон назарини узмай турган кимса фурсатни бой бермади:

— Танимадингиз-а?

Муомала маданиятининг кўчасидан ўтган инсон, нима, йўқ, танимадим дермиди! Қурбонали бу сафар сезилар-сезилмас бош ирғади. Одатича кўзини юмиб олмоқчи, йўлида давом этмоқчи эди, нотаниш одам дурустгина сур экан, унинг нигоҳини «қўйиб юбормади».

— Куни кеча Илёсвойникида ўтиришдик-ку! — деди кўзини лўқ қилиб, томдан тараша тушгандек.

Қурбонали дабдурустан Илёсвойнинг кимлигини эслолмади.

— Илёсвой?.. Қайси...

— Э-э, яшанг! — деди нотаниш таниш. Ҳақиқатда у икки оғиз гапдан сўнг нотанишдан танишга айланиб улгураётган эди. — Хотира чатоқми дейман? Қўшнингизни эслолмаяпсиз-а?

Қурбоналининг чехраси ёришди. Хижолат чеқди. Дарҳақиқат, икки кун бурун рўпарадаги қўшниси худойига айтганди. Таклиф этилган пайти Қурбонали Илёсникига чиқди. Бир уйгина одам йиғилибди. Қурбонали хонага кирган заҳоти катта чорбурчак хонтахта теварагида тизилишиб ўтирган ўн беш чоқли меҳмонга зимдан кўз югуртирди-ю, кўнглидан «мошкичири» деган сўз ўтди. Учтаси таниш, тўрттаси кўзтаниш, беш-олтитаси фирт нотаниш. Ёшини айтмайсизми — мункиллаган мўйсафидлар қаторида мурти ниш урмаган зумрашалар ҳам елкама-елка дастурхонга кўзини лўқ қилиб, безрайиб ўтирибди. «Мошкичириям эмас, нақд винегрет!» деди энсаси қотиб Қурбо-

нали. Энасиси қотади-қотмайди, қўшничилик, онаси омонатини топширганига ўн кун ҳам бўлгани йўқ, Илсвой арвоҳ хотира ён-атроф қўни-қўшнилardan, яқин жигарлардан териб-термачлаб айтган экан.

— Э, шундай демайсизми! — деб юборди Қурбонали бирдан хотираси тиниқлашиб. — Илсвой денг!.. Онасини бериб қўйди бояқиш. Чикдик, ҳа, худойига чикдик. Эсладим.

Нотаниш таниш тўсатдан гапни қисқа қилди. Қурбонали бундан ажабланиб улгурмаган ҳам эдики, у шоша-пиша хайрлашди-да, узоқлашди.

2

Қурбонали автобусдан тушиб, кўчани кесиб ўтган эди ҳамки, рўпарасида пешвоз чиқиб, кучоқ очиб турган нотаниш танишни кўрди. Унга бош иргаш билан кифояланиб, йўлида давом этмоқчи эди, бўлмади.

— Қўшнилари тинчми? Хафа бўмай ўтиришибдими? — деб савол қотди нотаниш таниш.

Қурбонали ўша камтарин худойидан буён Илсвойни учратмаган эди, шунчаки айтди-қўйди:

— Ҳм, ўтиришибди...

Кампирнинг қазосини эшитган заҳоти Қурбонали қўшниникига чиқди, улардан кўнгили сўради. «Қаричилик, ака, онамиз ёмон яшамадилар...» деди Илсвой ўшанда. Нафсиламбрини айтганда, тўқсоннинг бўсағасидаги кампирнинг сал кам ярим йил кўрпа-тўшак қилиб ётиб, бандаликни бажо келтиргани фавқуллода айрилиқ эмас, Қурбоналининг назарида Илсвой бир оғиз шу гапи билан дунёнинг паст-баландини тушунган одам бўлиб кўринди.

— Ҳар қалай худойи қилгани дуруст бўлди, — деди нотаниш. Қурбоналининг назарида у ўсмоқчилагандай туюлди.

— Албатта, нимасини айтасиз... — дея гўлдиради у.

— Қўни-қўшнилари анча аҳил экан, — деди нотаниш дабдурустан.

— Аҳил?! — Қурбонали беихтиёр шундай деб юборди-ю, азбаройи оғиздан бепарда сўз чиқиб кетган одамдай тилини тишлади. — Ҳаммалариям қўшни эмас...

— Калта соқоли ота қўшни эди, шекилли?

— Ҳа, — деди Қурбонали суҳбатдошининг синчковлигидан ажабланиб. — Калта соқоли?.. Қайси бири?..

— Исми нимайди бобойнинг?..

Нотаниш таниш савол қотганича Қурбоналининг афтига анграйди.

— Қайси бобой? Бобойлар кўпчилик эди, чамамда?

Қурбонали ўзини гўлликка солаётгандай туюлди суҳбатдошига. У писан-да қилди:

— Улар мендан кўра сизга танишроқ... Сиздай тушунган-нетган одам қўшни чолнинг исмини билмаса...

Гап шу ерга етганда Қурбоналининг чапақай жаҳли чиқди. Бу таъвия ким ўзи? Унинг йўлини тўсиб, сўроққа тутишга нима ҳаққи бор? Қўшнисининг худойисида учратган бўлса учратгандир, нима, шунинг учун ҳар сафар рўпара келганда у билан ош-қатиклашиб гурунглашиши шартми?

Нотаниш таниш ҳушёрликда Қурбоналидан ўтиб тушди. У рўпарасидаги кишининг авзойига кўчиб улгурмаган норозиликни шу қадар нозик илғадики!.. Илғади-ю, ишни бузиб қўймадимми деган хавотирда дарҳол суҳбатга яқун ясади;

— Хизматга шошаётган сиздай одамни йўлдан қолдириб туришимни қаранг. — У хижолат чекаётганини сездириб қўймоқчидек лабининг бир чеккасида кулимсиради. Сўнг йўл қўйган номаъқулчилигини хаспўшлагандай ўзини оқлашга ўтди: — Жуда ғалати чол экан-да ўзиям. Қурбонми, Қурдошми дейишдию. Ҳай, майли, ҳозир жудаям шарт эмас, узр...

Нотаниш танишнинг бефаросатларча йўл усти гапга тутишидан Қурбон-алининг ёмон жаҳди чиқди. Жаҳлдан тушганида, «Бечора, овсарроқ шекилли» деб унга ачинди. Овсар бўлмаса, Илёсвойникида зумда ўтган-кетган тиловати Қуръон деганларидек камтариндан-камсуқум маъракада учратган — Қурбонали ўша хонада ўтирганлар орасида бу нусхани кўрганини сира эслолмади — етти ёт бегона одам билан шу тахлит гапни чувалатармиди?!

Қурбонали беихтиёр хаёлига тирғалган шу ўйлардан ажабсиниб автобусдан тушди-ю, таниш нусханинг саломини эшитди. Пакана, новдадеккина нотаниш худди туғишган акасини туйқус учратиб қолган оқибатли укадек қаҳ-қаҳ отгудай қувноқлик билан Қурбоналига пешвоз юрди. Қурбонали бу ҳолатга ўзича баҳо беришга улгурмади. «Овсарроқ дедим-ку!» дея олди... ичида.

— Илло, қойилман, ака, — деди нотаниш овсар кўришиш учун қўл чўзиб. — Сиздақа батартиб одам кам бўлади. Оғзига кучи етмаган лодонлар дунёда батартиб инсон қолмади деб вайсаётган бир замонда... Мана, сиз! Электр қувватида юргич соатга ўхшаб... ишга ҳа-ар куни бир вақтда келиб, би-ир вақтда кетаркансиз-а!..

Қурбонали бу гаплар ўзининг шаънига ёғдирилаётган мақтовлар эдими ёхуд?.. Ёхуд бошқа нима бўлиши мумкинлигини у сира ақлига сиғдиролмади. Таъби тирриқлашаётганини сездирай деса, бу етти ёт бегона... Ким ўзи у? Исминиям айтмади... Илёсвойнинг қариндош-париндоши бўлгандаям Қурбонали учун ҳеч кимса-да! «Кимса бўлгандаям, овсар кимса, кимсанбой!» Қурбонали ўзи истамаган ҳолда нотаниш танишига ўхшатиб «исм» қўйиб олганига ич-ичидан кулди. Ўзи, асли овсар одамнинг ниятини билиш ҳам мушкул-да! Бу тоифа валакисаланг кимсалар оғзига келганини алжирайверади. Кечаги сафар хайрлашаётиб, нима эмиш, «ҳозир жудаям шарт эмас» эмиш. Нима, кейин шарт деганими, бу?! Бунча зарил экан ўша калта соқолли чолнинг исмини билиш?.. Қурбон?.. Қурдош?..

Қурбонали хаёлини йиғиб олгунича нотаниш таниш — ҳа-я, Кимсан, Кимсанбой билан қўл олишиб кўришди, омонлашди. Ҳатто кўчанинг ўтиш жойига ҳам бориб қолди. Шундагина Кимсанбой биқинига қапишган канадек бўлиб ёнида пилдираб келаётганини кўрди. Унинг заҳил башарасига, қоқ суяк яноғида гўдаиб қонталашган ҳуснбузарига бирров кўз қирини ташлади-ю, ичида ўзидан гаши келди. «Шу мишиқи билан пачакилашиб ўтираманми, — деди ижирганиб. — Тилим қисик жойи бўлмаса, бир овсар зумраша деб!..»

— Қурбон... Қурдош ота қайси касбда ишлаганлар?

Қурбонали бурнини жийириб йўлдошига разм солди.

— Қурбон эмас, Қурдош ҳам эмас, — деди у бошимни қотирвординг-ку, деган оҳангда. — Қурол, Қуролбой ота. Фирт қора ишчи. Умр бўйи қора меҳнатдан бошқасига ярамаган. Яқин-яқингача қаддини фоз тутиб юрарди, тўсатдан букилиб, букчайиб қолди.

— Соддароқ қарибдилар-да бобой...

Қурбонали луқманинг даромади қай томонга оғаётганини тушунмади. Қуролбой ота содда бўлса бордир, олтмиш йил юк ташиган одам етмишдан ошганда Афлотунга айланиб қолармиди?! Нима бўлгандаям, шахсан Қурбоналига бунинг қандай иссиқ-совуғи бор?.. Буёғини айтганда, Қуролбой отанинг соддароқ қариганини қаёқдан била қолибди бу тирмизак?! Нималар деди-я, ота, ўша куни?..

Қурбонали устма-уст саволларга жавоб топгунига қадар идора биносининг остонасига етиб қолди. Мармар зинадан беш одим ташласа, ичкарига киради-кетади.

— Ҳе, бунчалик оғир ўйламанг, — деди тўсатдан Кимсанбой, унга меҳрибончилик қилаётган оҳангда. — Арзимаydi. Фақат кўк дўппили бақалоқ чол аямади. Жиззакироқ экан, ёмон чақди.

Қурбонали кўк дўпили бақалоқ чолнинг қиёфасини кўз ўнгига келтиришга қийналди. Чунки у худойига йиғилган «винегерит»ни кўрганининг ўзидаёқ энсаси қотган, «худойиси тезроқ тугасаю чиқиб кетсам» деган хаёлда ҳеч кимга эътибор бермай ўтирганди.

— Ўша чолнинг исм-шарифи нимаиди? Қўшнингиз?..

Кимсанбой Қурбоналининг мармар зинага оёқ қўйганини кўриб таққа тўхтади, ўша заҳоти хайр-маъзурга кўчди:

— Майли, майли, ишингиздан қолманг. Жуда зарил нарсамас. Кейинги сафар...

4

Қурбонали ёмон жиғибийрон бўлди. Ахир, у умрида бундай мужмал ҳолатга тушмаган. Вой, сур-ей, вой, сўтаг-ей, деб роса сўқинди. Қурбонали ким-у, Илёсвойнинг худойисида танишган шу овсар-калаварам ким?! Ҳа-я, ким ўзи у? Қурбонали оғзига келганини қайтармай болахонадор қилиб «безаганча-безаяптию», лекин буни ўзидан бўлак бирор бандаи мўмин эшитгани йўқ. Нар и борса, умрида кўрмаган-учратмаган етти ёт, етмиш ёт нотаниш нусха... кимса-да!.. Фирт Кимсанбой!..

Қурбонали ҳарчанд хуноби ошмасин, шу исмни эслаганида қитиғи келган одамдек ичида қиқирлаб куладиган одат чиқарди. Қаёқдаги саёқ Кимсанбой деб шунча нотинч бўлаётгани ўзига нашъа қилди. Расво-ей, ўзиям, нари борса, икки мучалини кўрган ё кўрмаган тирмизак!..

Автобус ўн иккинчи бекатга яқинлашай деганда Қурбонали истар-истамас мана шундай хаёлларга борадиган бўлди. Ана, автобус тўхтамай бекатда шумшайиб турган Кимсанбойнинг қораси кўринди. Э, қоранг ўчгур, росмана винти кетган!..

Қурбонали автобусдан тушди-ю, хоҳиш-иродасига буткул зид иш қилди: у тў-ўғри Кимсанбой томон икки одим ташлади. Кимсан қадамни илдамлаштирди.

— Ҳозиргина келувдим. Кўнгил яқин-да, тавба, учрашганимизни қаранг!

Қурбонали обдан тўхтаб, у билан бафуржа саломлашмоқчи, ҳол-аҳвол сўрашмоқчи эди, Кимсан унинг билагидан қўлтиқлаб, йўлга бошлади.

— Хизматдан қолманг, тақсир. Юринг, гаплашиб бораверамиз.

— Нимани гаплашамиз?

Қурбоналининг овози дағалроқ чиқди. Кимсан буни сезди-ю, сезмаганликка олди.

— Бугунми? — деб сўрадию саволига ўзи жавоб берди: — Дунёда нима кўп — гап кўп, нима кўп — савол-жавоб кўп. Очиғи, сизга жудаям ҳурматим ортди. Инчунин, сиз билан ҳол-аҳвол сўрашишнинг ўзидаёқ бир дунё ишни битириб қўямиз, тақсир.

Қурбонали тушунмай елка қисди. Кимсан бугун анча вайсақилик қилди:

— Сиз ишли одамсиз, орамизда қолсин-у... мен ҳам бекорчи эмасман. Ишга, хизматга бош-оёқ шўнғиб юравериб, кўнгилга яқин ака-укалар, биродарлар билан ёзилишиб суҳбатлашолмаслигимиз оғир ботади, баъзан. Қаранг, Илёсов аканикида танишганимизга ўн кундан ошди, йўл усти — шу кўчани кесиб ўтиш асносидагина гурунглашяпмиз. Эт-бетда бемало-ол ҳангомалашсак ҳам бўлардию... биз — хизматда, келинг, шу ернинг ўзидаям ишимиз юришиб кетар деган ниятда... Бир чеккаси сизниям аяб...

Қурбоналининг боши гангиди. Қадамни жадаллаштира, мармар зинанинг беш поғонасини бир қилиб, ўзини эшикка урса!.. Лекин нимадан чўчийди? Шу валакисаланг вайсақидан қочадими? Ҳар куни эрталаб биқинига ёпишиб олаётган канадан кўрқадими?..

Улар биқинма-биқин бораётган ота-ўғилдек мармар зинага теппа-тенг етиб келишди-ю, иккалови таққа тўхташди. Қурбоналининг тили эшилди:

— Кўк дўпили, бақалоқ чолни сўраганмидийз? Биринчидан, у чолни эслолмадим. Иккинчидан, ўша худойига келган бир уй одамнинг кимлигини билишни истасангиз, яхшиси, Илёсвойдан суриштиринг, ҳаммасини айтиб беради, вассалом. Ҳар қалай, қийналиб юрмайсиз.

Кимсан кулди. Кулгандаям, ҳиринглаб кулди. Ипириққи-ей, деди Қурбонали унинг афтига безрайиб. Оҳори тўкилмаган қордек оқ кўйлак кийиб олганига ўлайми?! Кимсан туйқус кулишдан тўхтади.

— Сиздай кўпни кўрган олим одам...

Қурбоналининг энсаси қотди, кўпни кўрган олим бўлсам сенга нима, деб сасимоқчи эди, Кимсаннинг авзои ўзгарди.

— Кўк дўпили бақалоқ чол кўшни эмас дедингиз-ку! — деди безрайиб, пўписа оҳангида. Қурбонали бундай гапни оғзига олган-олмаганини дабдурустдан эслолмай шошиб қолди. Кимсан давом этди. — Қўшними-йўқми, илло тажангроқ экан. Қуролбой отани анча мулзам қилдимми, дейман-да?.. Буёғи, мен билмайман, фалончидан сўранг деб қутулишга уриниш ҳам дуруст эмас, назаримда...

Бу гап Қурбоналини тамом каловлантириб юборди. «Мулзам» деб нима-ни назарда тутяпти, бу ит? Илёсвойдан суриштиринг деган бўлсам, нима, ўзим нимадан қутулоқчиман?! Нимаси дуруст эмас экан?!

Кимсанбой Қурбоналини хижолатга қўйганини пайқаб, дарҳол гап оҳангини ўзгартирди:

— Майлию... Бобой тушмагурлар ёқалашиб кетадими, деб кўрқдим-да ўзиям!..

Қурбонали одатига зид ўлароқ ёйилиб, чеҳраси очилиб кулди.

5

Қурбонали бу қадар мириқиб кулишининг боиси иккита эди: аввало, шу гапни эшитган заҳоти кўз ўнгида — дарвоқе, у ўйлай-ўйлай дастурхон тева-рагида ўтирган таниш, нотаниш, чала таниш башараларни бирма-бир кўз олдига келтира бошлади — хуллас, Кимсанбойнинг гапини эшитди-ю, кўз ўнгида мункиллаган Қуролбой ота билан кўк дўпили ўша хўппа семиз чолнинг сурати гавдаланди. Қолаверса, Қурбоналининг тахмини икки ҳисса ортиқроқ тасдиқланди, яъни Кимсан овсарнинг овсари! Гирт туғма валакисаланг! Оғзининг станцияси йўқ! Фақат оғзи эмас, мияси ҳам бепаровоз! Топган гапини қаранг: бировнинг худойисида тасодифан ёнма-ён ўтиришиб қолган бир-бирига етти ёт мункиллаган икки мўйсафид ёқалашармиш!.. Мархума хотирасига ўтказилаётган маъракани жанжалга айлантитармиш!.. Нима, отасининг маҳрини талашадими улар?! Ярим соат, нари борса, бир соатга қолмай қуюқ-суюқни ейди, ичади — чиқиб кетади, вассалом!..

Қурбонали мана шундай таъна-дашномларни кўнглидан ўтказар экан, ҳар кун уни автобус бекатидан идоранинг остонасигача «кузатиб» қўяётган кимса ҳақида қатъий хулосага келди. У билан пачакилашиб ўтиришни бас қилади, шартта точка қўяди, тамом!..

Шу қарорга келди-ю, навбатдаги «гурунг»нинг бошланишидаёқ ҳайратдан оғзи ланг очилди!..

— Мени роса ваҳимачига чиқариб қўйгандирсиз? — савол қотди Кимсан салом-аликни қисқа қилиб.

— Йўғ-э, нега? — деди аввалига тушунмай Қурбонали.

— Мўйсафидлар ёқалашиб кетиши эҳтимолини айтдим-у, сўнг ўзимга нашъа қилди. «Эси жойидами, ўзи, роса ваҳимачи экан!» деб устимдан кул-мадингизми, ишқилиб?

Қурбонали сал иродаси панд берса ҳайратидан кўзларини ола-кула қилиб Кимсанга тиккасига бақрайишдан, «Тўғри топдингиз, шундай хаёлга боргандим!» деб тан олишдан тоймас эди. Ахир, у ҳо-озиргина автобусда келатуриб ўйлаган, дилидан кечирган гапларни ай-йнан такрорляпти-я! Қурмагур худ-

ди Қурбоналининг миясига жойлашиб олган-у, ич-ичида кечаётган нимаики мулоҳаза бўлса, барини кўриб-билиб-пайқаб тургандек!

Қурбонали зумда бояги қатъий хулосасидан қайтди. Ҳатто рўпарасида ишшайиб турган бефайздан-бефайз, кўримсиздан-кўримсиз ипириски тирмизак олдида ўзини жуда ожиз ва нотавон ҳис қилди. Шу кайфиятда унинг таъсирига лаққа балиқдек илинди-қолди.

— Йў-ўқ, нега бундай хаёлга бордингиз? — деди у Кимсанни қўлтиқлаб катта йўлни кесиб ўтар экан, ялтоқлангудай оҳангда. — Ваҳимачига чиқарганим йўқ... асло...

Унинг хаёли Илёсвойникида бўлиб ўтган маъракага кўчди. Ўзи, чол тушмагурлар нимани талашди-я ўшанда?.. Қурбонали ҳаммасини бир бошдан хотирасида тиклашга уринди: хонага кириб борди, хонтахта теварагида кексаю ёш тизилишиб ўтиришибди. Дастурхонга қўл урилмаган. Таниш, нотаниш, чала танишлар жамланган бундай давраларда суҳбат қийин қовушади. Гурунг одатда, «Олинглар, олинглар!»дан нарига ўтмай тугайди. Қурбонали-ку, бундай жойларда минг бир азобда ўтиради, мана шундай беўхшов одатлар кўплигидан, шу каби йиғинларга кўшилиб қолганидан аччиқланади, тишини тишига кўяди... Хуллас, у қисқагина салом берди-да, қуйроқдаги бўш жойга чўқди. Таниш-билиш, нотанишлар билан шунчаки бош ирғаб омонлашди. Кимсанбой тўғри айтди, Қуролбой ота тўрда эди, отанинг ёнидаги бақалоққина, кўк дўппили, кўзойнаги ортидан кўзлари чақчайганроқ чолни Қурбонали танимади. Ҳамма жим ўтирибди. Тўсатдан Қуролбой ота дўриллаб гап бошлади:

— Бизани мачитти имоми жа-а илми бола-да, барака топгур!..

Ўтирганлар Қуролбой отага бир-бир қараб қўйишди-ю, ҳеч ким чурқ этиб гап қўшмади. Ўшандаёқ Қурбоналининг энсаси қотганди. Қуролбой ота нима қиларди шу гапни кўзгаб? Маҳалладаги каталақдек масжиднинг имом хатиби ким, унинг илми қандай деб биров сўрадим, қизиқдимми?!

Орага тушган жимликни кўк дўппили мўйсафиднинг салмоқланиб ташлаган саволи бузди:

— Илму дедингизми?..

Мўйсафид савол қотди-ю, Қуролбой отанинг афтига бирров нигоҳ югуртириб, бошини тиззаси узра солинтирди.

— Илми бўлгандаки!.. — Яна дўриллади Қуролбой ота худди неварасини мақтаётган бободек талтайиб. — Қироатиям зўр!

— Ҳм-м, бародар... — деди кўк дўппили мўйсафид. Афтидан, у гапни узоқдан бошлашга шайланаётган, шунинг ўзиданоқ ёнгинасида ўтирган қарийб ўзи қатори Қуролбой отанинг мақтови унга ёқинқирамаганидан далолат бераётган эди. — Бирон кишини илму деб тан олмоқ учун, ўша инсон қандайин хосуятларга эга бўлмоғи керак? Қани, шундан келсунлар-чи?..

Қурбонали «Нима бало, муаллим бўлганми бу одам?» деган хаёлда мўйсафидга кўз қирини ташлади. Ёнида ўтирган Тўлаш тарашага зимдан мўралади. Тараша зийракликда тулкидан ўтадиган хиладан эмасми, ўша заҳоти «Чой қуяйми?» деб чойнакка қўл чўзди. Қурбонали эътироз маъносида бош чайқади. Шунга қарамай, чойнакнинг биқинига кафтини босган Тўлаш, «Ия, совуган чой киритишганми?» деганича «дик» этиб турди-ю, зипиллаб ташқарига йўрғалади.

Қурбонали тарашанинг иттифоқо жуфттак ростлагани сабабини талқин этишга ақли етмади. Балки бошқаларга қўшилиб, Қуролбой отадан тайинли жавоб кута бошлади. Бироқ бундай саволга отадан бамаънироқ жавоб чиқмаслигига у минг карра амин эди. Қуролбой ота эса ўз ожизлигини, яъни бу сингари саволларга жавоб қайтаришга ақли етмаслигиниям билмайдиган даражада гўл эди.

— Билмайдиган нарсаси йўқ, — деди Қуролбой ота. У киши темирчиларга ўхшаб бақириб гапирарди. — Қандай савол берилмасин, жойида қойиллатиб тушунтириб қўяди.

— Ота-бобосига раҳмат, — деди кўк дўппили мўйсафид.

Қурбонали «Меҳмон сал юмшади» деган ўйда хайрият деб қўйди ичида. Бироқ мўйсафид бир гапдан қолмайдиган, дурустига қайсар ва тажанггина чиқиб қолди.

— Иллоким, саволда ҳам савол бор... Аҳли авомнинг пайдар-пай ёғдирган саволига қайтарулган жавоб билан киши илму ҳисобланиб қолмас. Шундай тушунчалар касрига ким — китоб кўрмаган билимдон кўпайду!..

Қуролбой ота бўш келмадию, «авом» сўзини тушунмаслигини сездириб қўйди. Кўк дўппили мўйсафид шунини пайқадими, баттар ижирганиб, илова қилди:

— Уламоларни, имомларни асли машунақа чаласаводлик бузмоқда.

Қуролбой ота бу пичинга ҳам парво қилмади.

— Ана, мачитга чиқадиганлар кўп. Тўлаш, гапирсанг-чи!

Ота шундай деб пойгак томон чимирилиб қаради.

— Ия, Тўлаш қани? Ҳозир ўтирувди-ку! — деди гезариб.

Қурбонали шу аҳволда, етти ёт бегона, нотанишдан-нотаниш алакимса билан пачакилашиб катта кўчанинг ўтар жойида қирқ йиллик қўшнисининг қандай одамлигини туйқус англаб етди! Тўлаш тарашанинг қувлигини кашф этди! Демак... ундан чиқди, Қуролбой ота оғиз очиб гап бошлаганининг ўзида бир галванинг иси анқиганини тараша сезган, сезгану чойни баҳона қилиб, жуфтакни ростлаган! Қурбонали эса... Ху-у, қизиталоқ!.. Ўшанга эргашибми-илашибми, чиқиб кетганида манави даҳмазани ҳам орттирмасмиди?..

Кимсан бу сафар оз вайсади, Қурбоналининг етовида кўчани индамай кесиб ўтди. Унинг сукут сақлаши Қурбоналини гапиртириб юборди.

— Ўша аҳволда узоқроқ ўтирилса, ёқалашиш экану муштлашув чиқиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди.

— Нима?! — деб юборди Кимсан ғоятда муҳим гапни қулоғи дурустроқ илғамай қолган одамдек ва такрорланг деган маънода Қурбоналига ўтинч аралаш қаради. — Муштлашув, дедингизми?! Муштлашув, дегани тинч, осуда хонадонни жанжалхонага айлантириш дегани-да, шундай эмасми?!

— Ўзи, эътиқодга даҳлдор тортишув муштлашувга айланиб кетишидан осонроқ нарса йўқ, шекилли?..

— Э, яшанг! Э, баракалла! Э, офарин!..

Қурбонали неварачаси тенги боладан бундай олқиш олаётгани боисини фаҳмлашга шу қадар қаттиқ чирандики, азбаройи оғзи бир ёнга тортиб, пирпираб уча бошлади. Аллақасери симиллаб оғриётган одамдек гезариб илжайди. Кимсаннинг навбатдаги лутфи шундайига ҳам гангиб турган Қурбоналини баттар доводиратди:

— Икки мўйсафид жанжаллашай, бўғишай деб турганида кап-катта эркак жуфтакни ростлаб қолишига нима дейсиз?..

6

«Оббо, баччағар-ей!» деб юборди Қурбонали. Ҳар банда ўзича бир синоат деб бекорга айтмайдилар-да!.. Бола пақирни овсар, лақма, доводирга чиқариб, устидан йўқ ердаги мағзавани ағдариб юрганди, мишиқига чиқарганди уни... Тўлаш тарашанинг чой келтириш баҳона сирғалибгина чиқиб, тўғини шиқиллатиб қолганигача пайқаган, заметкага олган экан-у!.. Қайтага Қурбонали гўл экан. Маърака бўлаётган хонага кирган заҳоти ўтирганларга кўз югуртириб, «мурти сабза урмаган тирмизакка мўйсафидлар қаторида пишириб қўйибдими?!» деб ичида ижирганган эди, мана, ўша даврада биқинида ўтирган кўшнисини нима сабабдан тўсатдан қочиб қолганига фаҳми етмабди-ю, бу бола... Қурбонали автобусдагина эмас, ишхонасида ҳам, уйига борганида ҳам ўз-ўзидан Кимсаннинг айтганларини мулоҳаза, муҳокама қиладиган бўлиб қолди. Қаттиқ ўйга толган чоқлари тўсатдан тутақиб кетадиган, муштумдек йигитчага йўлиқиб бошига шунча ғавғо орттирганидан жигибий-

рони чиқадиган бўлди. Кимсаннинг тусмолларини рад этадиган далиллар ўйлаб топди. Аллакимсанинг тазйиқига учиб қирқ йиллик қўшниси, тобуткашининг шаънига маломат ёғдиргани учун ўзидан норозиланди. Тўлаш тараша чиқиб кетган бўлса, ундан нарига, қолаверса, маърақада иштирок этиш-этмаслик ҳар кимнинг хоҳиши. Чойни баҳона қилган бўлса қутулиб кетди, қандини урсин, эҳтимол, заҳар танг қилгандир... Икки мўйсафиднинг ёқалашини тушига кирибдими унинг?! «Икки мўйсафид жанжаллашай, бўғишай деб турганида» дедими Кимсан?! Ҳў, ўпкаси йўқ, жанжаллашмади-ку улар! Ваҳиманг қурсин-а!.. «Муштлашай деган»миш!.. Тўлашвой чойнакни кўтариб чиқиб кетаётганида Қуролбой ота э-эндигина бир оғиз гап очган, кўк дўппили мўйсафид билан ораларида ҳеч қандай гап қочмаганди. Ия, худойида, тагин мункиллаган чоллар бўғишганини, ёқалашганини кўз кўриб, қулоқ эшитганми ўзи?! Ҳа, энди, нари борса, икки чол тушмагур сал-пал қизишиб олди деса бўладиган бир ҳолатни жанжал, бўғишиш, муштлашиш орқали одамларнинг, хонадоннинг тинчини бузиш дея талқин этиш...

— Касб-кори нимаёкан? — ўсмоқчилади Кимсан эртасига эрталаб, Қурбоналининг пинжига кириб.

Тўғриси, Тўлаш тараша нафақа ёшига етмай ишни йиғиштирган, нима билан машғуллагани Қурбонали билмас, бунга қизиқмаган ҳам экан. Шу боис, жавоби мужмалроқ чиқди:

— Тадбиркор шекилли...

— Одамларнинг ўзи тугул, касби ҳам бетайинлашиб кетди.

— Йўғ-э! — деб юборди эътироз оҳангига урғу бериб Қурбонали. — Унчалик эмас-ов, овайни.

У неча кундан буён сурункасига давом этаётган отамлашувлар асносида Кимсанга биринчи бор «оғайни» деб мурожаат қилди. Кимсан буни сезди. Лекин сезганини сездирмади.

— Қиёматли қўшнининг касбини билмадингизми, унинг бетайинлиги шунда-да, демак, қўнимини йўқ одам.

Қурбонали жилмайди. Чамаси у хаёлига келган фикрни тилига кўчирса суҳбатдошини ҳанг-манг қилиб қўядигандек эди. Айтди:

— Ҳар қалай, Тўлаш тараша эҳтимоли туғилган низони олдиндан пайқайдиган касб одами эмас-да...

Қурбоналининг тахмини тасдиқланди, яъни Кимсан яйраб, мириқиб кулди. Кулаётиб, тўсатдан жиддий тортди-ю, асл муддаога кўчаётган оҳангда деди:

— Кам бўлманг, ака! Бор экансиз-у!..

Демак, забон бор, демак, ҳар қандай одамни гапиртириш мумкин...

Қурбонали катта ва серқатнов кўчани кесиб ўтишаётганига қарамай қадам олиши секинлашди, ҳамроҳининг оғзига анграйди. Назарида Кимсан шу сонияда нимадир дейди-ю, мана, неча кундан бери давом этаётган, уни хит қилиб жонига азоб бераётган мавҳумлик ойдинлашади! Қурбонали шунча кундан бери ўзини пичоқсиз бўғизлаётган азоблардан халос бўлади. Енгил тортади. Шу нусха билан эрталабки пачакилашишлардан халос бўлади. Уйдан бекатгача бир юз ўттиз қадам, бекатдан ишхонасигача етмиш-етмиш тўрт одимини ташлаб, истаса — кўзини очиб, истамаса — юмиб юриб ҳаётини сидқидилдан бахшида этган хизмати мударатини роса қирқ йилга етказди, ҳадемай қариялик нафақасини расмийлаштиради-да...

Кимсан ҳамроҳининг хаёли қочганини пайқаб, гапдан тўхтади. Кутди. Қурбонали эса мрамар зинага қандай етиб борганини ҳам сезмади. Ва ниҳоят, у зинага оёқ қўйган жойидагина Кимсан айтадиганини айтди:

-- Майлию... — деди у атайин тайсалланиб, сўнг баттар салмоқланиб лекин дона-дона қилиб деди: — Биров ўзини эшитмаганга олди, кимдир била туриб жуфтакни ростлади. Майли-и... бунисиям ҳар кимнинг хоҳиши. Лекин...

Кимсан гапининг давомини айтмаса ҳам бўладигандек алпозда бепарво-

ланиб, ҳатто ҳомуза ҳам тортди, лекин ҳомузаси беўхшов чиқди, шу аснода ўтган саноқли лаҳзалар Қурбоналининг ичини ўпириб юборди. «Айт, айтадиганингни!» деб бақриб юборишдан аранг ўзини тийди. Яхшиям, ўзини тийгани, Кимсан лаҳза ҳаялламай у зинҳор-базинҳор кутмаган гапни айтди:

— Лекин ҳаммасини кўра-била туриб, вазият хатарли тус олаётганига ақли ета туриб сукут сақлаган... жим ўтирган одам хавфли!..

7

Кимсан шундай деди-ю, Қурбоналининг кўзига қаттиқ тикилди. Қурбоналининг назарида ўзига неча кундан буён ҳар куни эрталабдан оғзидан бол томиб шакарғуфторлик қилаётган, отамлашаётган инсон боласи эмас, укки... бойўғли ўқрайгандек бўлди! Ўқрайгандаям... Қурбоналининг кўзи тешилиб кетай деди! Найзадай санчилган нигоҳнинг «зарби»дан унинг залворли гавдаси чайқалиб кетди!..

Қурбонали ичидан асабийлашганида лунжининг пириллаб учадиган одади бор эди. Бу сафар лаб-лунжи аралаш, аъзои баданининг алақаерларида қалтироқ турди. У сир бой бермоқчи эмасди, аксига олиб тили калимага келмади. Тили калимага келмаса-да, гапирмоқчи эди, қандайдир куч лабини икки бурчидан силтай-силтай жағи томон тортқилаб нафас йўлини тўсиб қўйди. Тил — одамнинг ўз оғзидаги душмани эканига Қурбонали шу топда яна бир қарра иймон келтирди, тил бесуюклиги, ваддирайвериши билангина эмас, зарур пайтида гапирмаслиги билан ҳам ғанимлики адо этиши мумкинлигига амин бўлди. Тилинг хиёнат қилиб турганида бирдан-бир чора жилмайиш, жила курси, ним табассум билан вазиятдан қутулиш деган ўй Қурбоналининг хаёлидан чақмоқдек ўтди.

Қурбонали буларни мутлақо ғайришуурий равишда ўйлаётган эди. Хаёлини жамлаб, тиниқиб ўйлай деса мияси ҳам ўзига бўйсунмади. Буни аниқ сизди. Тил калимага келмаганида, мия ҳам хиёнат йўлига ўтишини Қурбонали шу ёшда, шу топда билди.

Унинг шуурию вужудини қўрқув забт этган, қон томирларида қон эмас, қўрқув зир югура бошлаган эди!.. Нима, нима қилиш керак?!

Қурбонали ўзига шу саволни бера олганига қувониб кетди. Савол уни кўп азоблардан халос этгандек бўлди. Халоскор савол!.. Бирам енгил тортдики!.. Севинчдан лаб-лунжини қийшайтирмай жилмайди. Шундагина боядан бери мрамар зинага бир оёғини қўйганича ғўдайиб турганини фаҳмлаб қолди. Мрамар зина!.. Шу топда Қурбонали учун беш поғонали зинадан ўтиб ичкарига кириб кетишдан кўра саодатлироқ орзу йўқ эди! Зинага қопланган оқ мрамар кўзига садафдек, оёғи остига тўшалган кумуш пойандоздек кўриниб кетди. Сал кам қирқ йилдан бери чиқиб тушади Қурбонали бу зинадан. Бир замонлар оддий гиштин зина эди, чиқиб-тушувчи кўплигидан ҳар уч-тўрт кунда битта-яримта гишти ўйнаб кетарди. Қурбонали тилини тиёлмайдиган замонлар эди у пайтлар. Идора йиғинларида кўрилатган масалаларни нақ бўғзидан оларди. Унинг устидан кулишарди, уни тартибга чақирарди, ундан ранжишарди ҳам. Гиштин зина эпақага келтирилганича Қурбонали озмунча чакак қоқдимиз?! Маблағ йўқ дейишди, рухсат йўқ дейишди (зинани таъмирлашга ҳам рухсат сўралган!), маблағ топилишида ижроқўмга уч дафъа хат йўллаб тўрт қоп сиймон ундиришнинг эпини топишолмади ва ёруғ оламга қуёш беғубор нур сочган шодумон кунларнинг бирида... душанба куни эди, Қурбонали эрталаб идорага яқинлашиб не кўз билан кўрсаки, гиштин зина куёвболадек ясанибди!.. Қурбонали зинага оёқ қўйишдан бурун унинг ён-верини кўздан кечирди. Ҳамкасблар тўпланишиди, қувонишди, бир-бирларини табриклаган, қутлаган. Шунда Қурбонали зинанинг бир чеккасига кечаги кун санаси ўйиб битилганини кўрди. Яъни, тарихий сана!

Қурбонали қаттиқ тутақди. Шунчалик ношудмизми?.. Шунчалик бечора-

мизми?.. Қўлимиз шу қадар қисқами?! У шу таъна-дашномларини йиғилиш-да тўкиб солди. У ваъзхонлигини тугатгунича раҳбар неча гезариб, неча бўзарди. Сўнгра, ўзи сўз олиб, биз сизни қутламоқчи эдик, масалани қайта-қайта кўндаланг қўяверганингиз шарофати билан шу иш ниҳоят энгил кўчди демоқчи эдик. Ҳа, энди қурувчи усталари тушмагур зина сиймонланган санани чизиб қўйибди, қўйинг, шунга ота гўрини қозихонага айлантирмайлик деб уни юпатмоқчи эди, Қурбонали сўзидан қайтмади.

— Сиймон зинага санани ёзиш — биз бундан ортигига қодир эмасмиз, беш қарич чиқмайдиган зинани сиймонлашнинг ўзиёқ биз учун тарихий воқеа деган маънони англатади, — деди у йиғилиш аҳлига қарата. — Ваҳоланки, биз мрамр зиналар қуришга ҳаққимиз ҳам, қурбимиз ҳам етади!..

Шу жойига келганда жамоа орасида «пиқ-пиқ» кулги, кесатиқ ва пичингнамо луқмалар эшитилди.

— Қўйинг-е! — деб юборди раҳбар. — Ношукрчилик ҳам эви билан-да!.. Мусул... орзу-ният аста-секинлик билан-да!.. Шукр қилишни ҳам билайлик, ўртоқлар!..

Қурбонали кулиб юборганди ўшанда, айниқса раҳбар шошганидан мусулмончилик деб юборишига оз қолди, хайрият, жумласини охирига етказмай уни «орзу-ният»га алмашлаб улгурди.

Хуллас, ўшанда Қурбоналини роса изза қилишди. Раҳбарни ножўя ранжитгани туфайли ярим ой-бир ойгача у билан салом-аликни мухтасар қиладиганлар чиқди. Орадаги совуқчилик... қиш-қировли совуқ кунлар бошланган — зинанинг сиймон сувоғи палахса-палахса бўлиб кўчиб кетган кезлар илий бошлади. Қурбоналига ошкора ва хуфиёна тан берганлар кўпайди. Иттифоқо раҳбар уни йўлда тўхтатиб, ён-атрофга аланглаб олди-да, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, «Қандоқ қиламиз, оғайни, мрамр зиналардан чиқиб тушадиган дориломон замонлар ҳам кеп қолар» деб шивирлади...

8

Раҳбар одам шу бир оғиз надоматни минг истиҳола-минг хавотирда айтадиган замонлар ҳам Қурбонали кўрқмаган. Қўрқув нимаёқанини билмаган. Ботиргапчи дейишарди уни. Айримлар унинг кўрқув билмаслигига ҳавас қилишарди. Энди... қаёқдан пайдо бўлди бу туйғу?.. Наҳотки, раҳматли падар авайлабгина қадаб кетган кўрқув уруғи энди ниш уриб, униб чиқаётган ва Қурбоналининг умрини абгор айлаётган бўлса?.. Инсон дунёдан кўрқмай яшаб ўтиши керак, деганди отасига, отаси мум тишлаб ўтираверган, эҳтимол, отасига оғир ботгандир ўша гапи?.. Отасининг дили оғригандир?.. Қўрқиб яшашдан кўра оғирроқ кулфат, разолат йўқлигини, ҳойнаҳой отаси ундан кўра чуқурроқ ҳис қилгандир?..

Наҳотки, қиблагўҳига ўтказган ўша зулми эвазига ғойибдан қайтаётгани шу бўлса?! Қайси гуноҳлари учун путининг ярмича келмайдиган зумрашанинг олдида япроқдек қалтириб ўтирибди?! Суриштириб келганда...

Тўғриси-да, суриштириб келганда у нимадан кўрқиши керак? Бирон-бир гуноҳи азимга қўл урдимики?.. Кимсан ўқрайса ўқрайгандир. Ўқраймагандир? Қурбоналига шундай туюлгандир?.. Кўзинг тешилгур қирғийнинг, йўқ, лочиннинг кўзига ўхшайди-я! Одамнинг кўзи ҳам шунақа совуқ бўладими?! Кўз ҳам...

«Тўхта!» деб юборди Қурбонали, неча кунлардан буён бош қотириб ечолмаётган жумбоқнинг калитини топгандек севиниб. Шунча кундан буён кўришиб, суҳбатлашибману кўзига қарамабман-а! Кўзининг ранг-туси қанақайди ўзи аблаҳнинг?!

Қурбонали ётса ҳам, турса ҳам шуни ўйлайверди. Қай гўрдан шу балога гирифтор бўлди-я?! Аслида биринчи кўришган куниёқ гапни чўрт кесиши, пачакилашиб юришга йўл қўймаслиги керак эди. Аслида худойига чиқмаса, биров унинг гирибонидан олармиди?.. Маҳаладан сазойи қилишармиди?!

Асли... э, аслиниям отасига ҳазор лаънат!.. Жилла қурса, Тўлаш тарашачалик фаҳми йўқ экан-а!.. У чиқиб кетди-ю қутулди, Қурбонали бўлса...

Қурбонали «тутилди!» деган сўзни тилга олмади. Дилидан кечган шу сўздан вужудига қалтироқ югурди. Ўзини босди. Чалғитди. Узоқ чалғимай, хаёли яна зина томонга қочди. Кимсанбойнинг охириги илмоқли гапини қайта-қайта чигириқдан ўтказди. «Майлию...» деганича жим туриб қолди, сўнг давом этди: «Биров ўзини эшитмаганликка олади...» деди. Ким эшитмаганга олди ўша куни?.. Қуролвой амаки вайсашга вайсади, кўк дўппили мўйсафид уни тузлади. Қуролвой амаки ақли ноқислик қилгани етмаганига яраша тилини тия қолмади. Валдиради. Шунда кўк дўппили мўйсафид қизариб-бўзарди. «Илм бошқа, қироат бошқа» деди беш ёшли гўдакка уқдираётгандек. «Лоақал шунинг фарқига бормай, ҳар кимга уламолик мартабасини ёпиштирмаклик — гумрохлик!» Ҳа, шундай деди. «Асаби адош бўлган экан» деди ичида Қурбонали. Бир муддат суҳбатга қўшилиб иккала мўйсафидни ҳам беҳуда мунозарадан чалғитмоққа оғиз жуфтлади. Гапирса бўлар экан, гапиравериши керак эди!.. Ке, қўй, менга нима деди. Довдир Қуролвой амаки бир тишлам нонни пиёладаги чойга ивитиб кавшаниб ўтирганди. У «гумроҳ» сўзини дурустроқ тушунмаслигини Қурбонали сезди. Бир ҳисобда тушунмаганиям маъқул экан. Акс ҳолда иккала чол ёқаллашиб кетиши ҳеч гап эмасди. Ҳар қалай, худойида ўтирганлар луқма ташлаб, ҳай-ҳайлаб дастурхон тўри-ни эгаллаган икки гурбат мўйсафидни шаштидан туширишди. Зокир ёймачи, «Раҳматли дуруст онахон эдилар» дедию меҳмонлар қандай муносабат юзасидан йиғилишиб ўтиришганини эслаб қолишди.

«Кимдир била туриб жуфтакни ростлади» деди Кимсан. Ҳа, Тўлаш тараша искович итдек галванинг исини олди-ю, қуённи сурди, Қурбонали эса... Қурбонали ҳаммасини кўра-била туриб, вазият чатоқлашаётганига ақли ета туриб тилини ютиб ўтирди.

Кимсаннинг назарида бу оғир айб экан! Шунинг учун ҳам Қурбоналининг бетига солди шуни!

9

Қурбонали Кимсаннинг бу таънасига жавобни ўзича пишириб қўйди. Эртасига эрталаб бекатда учрашган заҳоти шартта-шартта айтиб кунда-шунда «улфати»нинг кўнглига инган шубҳа губорини тарқатиб юборишга шайланди. Шу ўйда автобусдан шошилиб тушдию... Кимсан кўринмади. Қурбонали атрофга аланглади. Тушунолмади, елкасини қисди. Ҳар сафар автобусдан тушишига пешвоз чиқадиған, бекатда ҳаялламай, дарҳол катта кўчанинг ўтиш жойига бошлайдиган Кимсанбой бутун йўқ эди.

Қурбонали нима қиларини билмай серрайганича туриб қолди. Яна бир карра бекатни, ундан нарини назардан ўтказди. Одам кўп эмас, ҳар ким ўз йўлида ошиқиб кетяпти.

Нима қилсин, Қурбонали, кутсинми? Унга айтадиган зарур гапи бор, ахир Қурбонали туни билан ўйловда ётди, дамо-дам уйқуси қочиб, хаёлан минг бир кўчада изғиб чиқди. Ором олиб ухлаш қатта, Кимсанга қайси гапини қай оҳангда айтиши лозимлигига тарози палласига қўйиб, мисқолаб ўлчади. «Кимсанбой ука, — деб оғиз жуфтлайди ҳозир унинг қораси кўринса, — кечаги гапингиз андек оғир ботди»...

Қурбонали бирдан тутақди. Туни билан неча ўйловдан кейин топган сўзи ҳам, сўзининг оҳанги ҳам энди бемаънидан-бемаъни туюлди. Нега энди оғир ботди дейиши керак? Нимаси оғир ботади?! Оғир ботадиган гап эмас, эътибор беришга ҳам арзимайди-ю, деса нима жавоб қилади? Қайтага... хўш, оғир ботган бўлмаса, нима қилиб Қурбонали тинчини йўқотди? Намунча юрагини ҳовучламаса?.. Нимадан тили қисикки, Кимсаннинг олдида ўзини оқлашга уринса?!

Нима, ҳаммасини кўра-била туриб сукут сақладингиз демоқчими? Авва-

ло, бир уй меҳмон-излом орасида ҳаммасини фақат Қурбонали билиб турган эканми? Бошқа ўтирганларнинг эп-песи паст эмасдир? Ҳаммасини бир чеккага суриб турайлик, Илёсвойнинг маъракаси чоғида икки тиррақи чолнинг қуюқ-суоқ гап талашганидан дунёга ўт кетмагандир? Кетганда-чи! Не боисдан бунинг овирлиги бориб-келиб Кимсанга тушяпти? Ким ўзи бу кимса?! Бордию, Қурбонали сукут сақлаган бўлса, забон ўзиники, истаса — гапиради, хушига келса, Қурол чаласаводнинг кўзини мошдек очиб қўяди, меҳмон эканига қарамай кўк дўпили мўйсафидни ҳам жуда қаттиқ кетманг, бобой, қаттиқ кетиш ҳам иймонга путур этказиб қўяди, деб уни тартибга чақирishi чўт эмасди. Лекин негадир ўша топда Қурбонали шуни хушламади. Шунчаки хушламади, холос. Таниш-нотанишни оғзига қаратиб ваъзхонлик қилишдан ўзини тийди. Қолаверса, Зокир ёймачи мархумани ёдга солиб ўртадаги ўнғайсизликни кўтариб юборди. Қайтиб гап чувалашмади, тамом-вассалом! Демак, Қурбоналини атайин сукут сақлаганликда айблашдан, бу етмагандай, «жим ўтирган одам хавфли!» деган маломат ёғдиришдан муддао нима?!

Таъна эмас, маломат ҳам эмас — пўписа! Иддао!

Қурбонали ҳозирок Кимсанни кўрмаса, у билан бафуржа гаплашиб орани очди қилмаса ичини ит таталаяпти! Ахир, у кеча кун бўйи, кун ўтиб тун бўйи, саҳармардондан бу ёғигача фақат шуни ўйлади. Аллақатдан жиноий жавобгарликлар китобини топиб, ундан жим ўтирганлик учун кўзда тутилган жазо моддасини излади... Шуларни айтишга чоғланди. Айтса, елкасидан тор куларди, қутуларди!..

Кимсаннинг эса қораси кўринмади!..

Қурбонали тарвузи қўлтигидан тушиб, шавиллаб қолди. Имиллаб, ўтар жойга келди. Икки томондан мўр-малаҳдай гувиллаб яқинлашаётган автоуловлар юрагига ваҳм солди. Бир неча кундан буён бу ўтар йўлдан Кимсаннинг етовида ўтаётганини эслаб, ёлғиз, яъни етовчисиз ўтиш хавфлидек туюлди. Ҳар қалай, қариган-нетган, ҳардамхаёл одам ўтиш жойидан йўлнинг нариги томонига эсон-омон етиб олиши учун бир етовчига муҳтожлик сезаркан-да...

У баттар имиллаб, кўчани кесиб ўта бошлади. Кутилмаганда ёнбошида бир шарпа пайдо бўлди, шарпа салом, деганча унинг билагидан тутди. Қурбонали «ялт» этиб ўтирилишга ҳам сабри етмай, «Э, Кимсанжон ука, қаерларда юрибсиз, нега ҳаяллагингиз? Кутавериб жоним ҳиқилдоғимга келдию!» димоққа оғиз жуфтлаган ҳам эдики, кўзойнаги ортидан ишшайиб турган Одилхонни кўрди. Ҳардамхаёл эмасми, узоқ йиллик идорадошини Кимсанга ўхшатиб юборди. Дарҳол ўзини қўлга олди. Одил ювошнинг иккала шишаси дарз кетган кўзойнаги идорадагиларга отнинг қашқасидек маълум ва таниш эди. Ўзи беозор, ювош, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган истеҳзо тўла мутуйибалар топиб юрадиган Одилхон Қурбоналининг пинжига киргудек яқин келиб, кўчани кесиб ўтгач, афти боягиндан баттар бужмайиб, ишшайди.

— Бир гап... эшитдйизми?.. — деди шивирлаб.

— Нимаикан? — ҳовлиқиб сўради Қурбонали. — Кимга тегишли гап?!

— Сизга, — деди Одилхон сирли равишда тайсалланиб. — Бутун идорада гап болаладию хабарингиз йўқми?

— Йўқ, йўқ дедим-ку! Таранг қилмай, айтақол, ука!

— Айтишга-ку, айтаман-а-а...

Қурбоналининг тоқати тоқ бўлганди.

— Болаласа ундан нарига!.. Ўзи-чи, ишлаш ҳам жонга тегди! Пенсияни кутмайман ҳам, кетаман-қутуламан!..

— Ия, йўғ-е, Қурбон ака, нимадан қутуласиз? Қочиб қутулмоқчимисиз? Сиздек вазмин, сиздек устоз одам-а!.. Буёғи унчалик ёмон гап эмас... «Қурбон ака телехронитель ёллапти» деган миш-мишни айтмоқчийдим-да!.. Ҳар куни етаклаб, эшиккача кузатиб келяптию, сиззи, ўшани айтишяпти!..

Қурбоналининг ичини лиқ тўлдирган кўрқув бирдан ғойиб бўлди-ю, у қаҳ-қаҳ отиб, яйраб кулгиси келди. Одилхон ўйлаб топган пичинг, киноя ўзига ёқиб тушди. Унинг кифтига қоқди.

— Об-бо, сиз-ей!.. Шундай олди-қочди тўқиб юришдан бошқа ташвишингиз йўқде-а?

Одилхон кекса ҳамкасбининг беозор иддаосига эътибор қилмай ҳиринглади.

— Қурбон ака, — деди кўзини чимириб. Кўзойнагига кўрсаткич бармоғини нуқди. Сўнг ғоятда махфий янгиликни ошкор қилаётган одамдек, бўзрайиб туриб шипшиди: — Зина қолиб, девору-томларгача мрамар қопланиб кетди-ю, саккиз йилдан бери ойнакни бутлолмаيمان!..

10

«Кўзойнагинга урай!» деб ичида ёмон сўқинди Қурбонали. Кўзойнагинг дарз кетибди-ю, мабодо кўзинг ситилиб оқсаям аравангни ўзинг судрайдиган замон келганига қанча бўлди, сўтак! Эпласанг — судра аравангни, кўчани бошинга кўтариб сурга, эпласанг — Эгамнинг даргоҳи бепоён!.. У шу важоҳатида, қадимги феъли бўлса, калакаси учун Одил ювошни би-ир таъзирини берарди-я!.. Эссизгина, Қурбоналининг ёши кетди-я!.. Ҳаётда бир оз йўлимни топиб олай, оёққа туриб олай, ўзимни ўнглаб олай, дунёни ағдариб ташлайман, деган не-не оламшумул хаёлларда яшамади, мана, ҳашпаш дегунча иш, хизмат, идора... идорадошлар иззатингиз битди, устоз, деб турибди. Нафақага чиқиш арафасида одам оламшумул ғояларга маст бўлиш у ёқда турсин, оёғининг остидан нарини кўрмай, ўлардай эҳтиёткор бўлиб қолар экан, бўлар-бўлмасга валдирайвермас экан. Илсвойнинг қайтмас сафарга равона бўлган онаси, худойи... мрамар зина, дарз кетган кўзойнак, телохронитель... Топган гапини қаранг, писмиқнинг! Телехро... Қани ўша, тан соқчи? Қайси гўрдан келиб ёпишди ўша ўлакса?! Шу-ку, Қурбоналининг бир маромда ўтаётган осуда турмушига раҳна солган. Шу-ку... Сўнги бор кўришган кунининг эртасигаёқ очиқ-ойдин орани очди қилмоқчи эди Қурбонали — Кимсан келмади. Қурбонали яна бир кечаю бир кундуз зилзамбил хаёллар остида эзилиб юрди. Ўзини ҳарчанд чалғитмасин, хаёлларини жиловлай олмади. Ия, насл-насаби бетайин бир кимса... кўчада тутиб олиб ҳе йўқ-бе йўқ, «Сиз хавfli одамсиз» деса, бу маломат, бу тухматни қандоқ қилиб ўйламайди?! Қанақасига ҳаловатини йўқотмасин Қурбонали?!

У умрида тонг отишини бунчалик бетоқат бўлиб кутмаганди. Кечаги бетоқатлиги бутунгисининг олдида қолва бўлиб қолди. Неча кундан буён қаторасига эрталабдан рўпара келавериш жонига теккан, қораси кўринди дегунча етмиш икки томири зирқираётган одамнухани, мана энди, шапалоқдек башарасига битта экану, мингта ҳуснбузар тошган бўлсаям, турқини кўришга зор бўлиб келяпти.

Автобус тўхтаб улгурмасидан Қурбонали бекатга олма-кесак териб аланглади. Икки-уч эркак, аёл турибди, ана, Кимсан!.. «Кимсан! Ҳо-ой, Кимсан-жон! Кимсанбек, ука!..» Йўқ, бошқа экан!.. Қоранг ўчгур!.. Бетайин. Тайинли одам қолмади дунёда деганди, ўзини назарда тутиб айтган экан!..

Қурбонали автобусдан ёш болалардай сакраб тушди, худди Кимсан уни кўриб қочиб қоладигандек, шоша-пиша атрофга аланглади. Йўқ, йўқ, келмабди!.. Келмаслиги мумкин эмас. Ўлиб-нетиб қолмагандир?! Ўладиган махлуққа ўхшамовди!.. Тирик бўлса, қайси лаҳадда ётибдийкин?!

Қурбонали ёмон тутақди, азбаройи тутуни чиқиб кетди. Телефон-пелефониниям ёзиб олмаганини!.. Қаерда яшайдилар, хизматлар қаерда, деб сўрамаганини!..

У миям айниб қолди деб ўйлади. Мияси айнимаса шунча кундан буён гурунглашиб, ўзига «тан соқчи»лик қилган нозандай йигитнинг исм-шарифини сўрамайдими?! Шу топда учратса айтардия-айтадиганини: «Ҳў, бола, ўзингдан ёши улўф одамнинг шаънига бир гап гапирганда кўзингни мулоиймроқ очиб, каллани ишлатибро-оқ...».

Қурбонали хаёлига келган фикрдан калласи чарақлади-ю, кўз ўнги қорон-

ғилашди. Шунча учрашган, сухбатлашган одамнинг бирор марта кўзига қарамабди!.. Қурбонали Кимсаннинг кўзини, кўз қарашларини сира тасаввур қилолмади. Кўзига қарадимми, ўзи?.. Ўша, охирги сафар уккидек дўлайиб, бақрайганини айтмаса...

Қурбонали ўтар жойдан майда қадамлаб бораётганди, кўчанинг ярмига етаётганди, назарида орқасидан кимдир кузатаётгандек, хуфёна пойлаб келаётгандек бўлди. Орқага ўтирилди, йўловчилар орасига, ундан бекат томонга қаранди. «Менга йўлиқмай, изимдан пушиб юрган бўлса-чи?!» Бу хаёл Қурбоналини тамоман ҳолдан тойдирди. У ўзини беҳад ожиз ва ёлғиз ҳис қилди. Қадам олиши жадаллашганини ўзи ҳам сезмади. Четдан қараган одамга у шиддат билан елиб келаётган автоуловдан қочаётгандек туюлар, аслида эса у Кимсандан қоча бошлаган эди!.. У энди топди, Кимсан у билан терговни битирди, энди у таъқибга ўтган, уч-тўрт кун, ҳойнаҳой беш-олти кун зимдан таъқиб этиб юради-да, сўнг... Қурбонали жон аччиғида югуриб борса, мрамар зинанинг беш зинасини бир қилиб сакраб ўтса, залворли эшикка ўзини урса қутулади!.. Ичкарида, идорада ҳеч ким уни таъқиб этмайди, Кимсан ичкарига киролмайди, қоровулар уни киритишмайди, Қурбонали қутулади...

Қурбоналининг ёмон хўрлиги келди. Неча кундан буён жонини жодига солиб азоблаётган шубҳа тўла хавотирини ҳеч кимсага оғиз очиб айтолмади. Бир кўнгли уйга бормай, идорада тунамоқни мўлжаллади, гап-сўз, шубҳа-гумон чунонам болалашини ўйлаб, ниятидан қайтди. Хавотирини бирдан-бир айтиши мумкин бўлган Кимсан эса, тўртинчи кун ҳам қорасини кўрсатмади. Қурбонали ўз ёғида жазиллаб қоврилаверди. Кечалари алағда тушларни қалаштириб ташлади. Гоҳ чўчиб, гоҳ босинқираб уйғонди. Қўли ишга бормади, егани — татимади. Адоқсиз ўйлар орасида яна бир нарсанинг фаҳмига етди: Кимсан бекатда салом-алик қилар-қилмас уни қўлтиқлаб кўчанинг ўтар жойига етаклашининг, кўчани кесиб ўтар-ўтмас, мрамар зинага етар-етмас гапнинг келган ерида чўрт кесиб, хайр-маъзурга кўчишининг сабабини, ниҳоят, топди. Кимсан шундай қилса кўз кўзга тушмаслигини, яъни нигоҳлар тўқнашмаслигини яхши билган, шунинг ҳисобини олган!..

Ҳуда-беҳудага кўчага чиқавермайдиган Қурбонали вақт-бевақт, ҳатто аллапалада сайр қилишга одатланди. Аксига олдимми ёхуд ҳаво совуқроқми, кўни-қўшнилари кўринмади.

— Ҳа, адаси, кўчага серқатнов бўлиб қолдир? — деб қизикди ҳеч нарсадан беҳабар хотини.

— Ўзим... — деди-қўйди Қурбонали. Шундай дедию, асли Илёсвойни қора тортиб кўчага танда қўйганини ўзи ҳам кейин сезди. У қўшнисига йўлиқса, ундан-бундан гап айлантирса, кишибилмас қабилда Кимсанни сўраб-суриштира... Чиқишга чиқди, қўшнисининг йўлини пойлашга пойлади... ундан Кимсанни нима деб сўрайди? Исм-шарифини билмаса!.. Нима, «Қариндошингмиди, ўша палакат?! Топиб бер!» деб қисди-бастига оладими? Илёсвойнинг ўзи ҳам овсарроқ. «Қайси, қайси меҳмонни айтиёпсиз?» деб туради-туради-да, «И-и-и, ҳа-а, у-ми? У холаваччам ёки аммаваччам, ёки...» Шунга ўхшаш бир нима дейди-да, ишқилиб!.. Э, холаваччангни уруғига!..

Қачон қараса, ёғи чиққан юпка, кўк тўнга ўралиб офтобга чиққан мушукдек қунишиб ҳурпайиб ўтирадиган Илёсвой атайин қилгандек шу кунларда кўринмади. Бир кўнгли Қурбонали бундан севиңди. Назарида Кимсан ҳам қайтиб қорасини кўрсатмайдигандек эди. «Қуриб-қирилиб кетсин-е!.. Кўзим учаётгани йўқ, келмаса — ундан нарига!» деди ўзини чалғитиб Қурбонали.

У шундай хулосага кела олганидан енгил тортди. Кўкси тўлиб нафас олди. Ҳаммасини унутади-да, ҳаётини доимий маромига солади, бекатгача юз ўттиз, бекатдан етмиш икки-етмиш тўрт одим... қадам-қадамлаб нафақага эсон-омон, бус-бутун етиб олади, сўнг... Нотаниш танишини йўқотиб қўйганининг бешинчи куни, эрталаб автобусдан тушди-ю, ўзи томон пилдираб

яқинлашаётган Кимсанни кўрди!.. Кўрди-ю, Қурбоналининг хотиржам тортиш ҳақидаги қарорию-хаёли тамакининг тутунидек тарқади-кетди, ўзининг эса... капалаги учди. Оёқ-қўлига қалтироқ югурди. «Ёнида шериклари йўқми-кан?!» деган таҳликада зудлик билан бекатда турганларга кўз югуртирди. Назарида бекатда қанча эркак-аёл турган бўлса, уларнинг бари Кимсанга тегишли, улар унинг ёлланма шотирлари-ю, ҳозир бир имо билан ёпирилиб, шу жойнинг ўзида — ҳа, қирқ йил хизмат қилган идорасининг ёнгинасида, ўтар йўлнинг ўртасида, касбдошларининг кўз ўнгида ерга ётқизиб, қўллари-ни орқага қайиришади, билагига темир кишан уриб, эшик-деразасига сим тўр қопланган улов-пуловга миндиришади...

Қурбонали бўзрайиб атрофига аланглади, пешонасида муздай тер томчилари чопқиллай бошлади. Оёқларининг ўзи юрмаётгандай, аллақачон жони тарк этган сумбати Кимсан қўлтиқлаб олгани учунгина ҳамон ўзини тик тутиб бораётгандай, изма-из қувишиб келаётган-ўтаётган посондан-посон автолар уни босиб, асфальт йўлга чалпақдек қапиштириб юборадигандек... Қурбоналининг кўз олди зимистонга айланди...

— Ия, намунча, ака? Элбурутдан-а?.. Ўзингизни қўлга оленг.

Бошини елкалари орасига тортиб, ёнида пилдираб келаётган Кимсан меҳрибонлик қилиб айтдимиз бу гапни ёки дўқ урдими — энди Қурбонали учун бунинг фарқи йўқ эди.

— Бунча ўзингизни олдириб қўймасангиз?.. Кўзларингиз киртайиб...

Қурбонали фарқ бўлаётган одам хасга ёпишади қабилида бирдан кўзини Кимсандан олиб қочди. Шундай қилса фарқ бўлмайдигандек, асов оқимни енгиб соҳилга — катта ва серқатнов йўлнинг у бетига бус-бутун етиб оладигандек сўнги илинжда уч-тўрт кундан бўён дилига тугиб, пишитиб юрган гапларининг бирортасиниям эслолмади. Бу уқубатдан уни яна Кимсан «халос» этди:

— Энг қийинидан ўтиб олдик...

— Ўт...дик... ўт-тиб ол-л-яш...м...

Қурбонали шундай деб катта, кенг, равон ва серқатнов кўча томон ўтирилди. Мармар зинага оёқ узатган чоғи чап кифти бирдан қўрғошин қоплагандай оғирлашди, бундай зил-замбил юкни кўтариб, қад тутиб туришга инсон боласи ожизлик қиларди...

* * *

Қурбонали касалхонада ана кетди-мана кетди бўлиб узоқ ётди. У хотин, бола-чақасига, ишига, ҳадемай кў-ўп яхши ниятлар билан расмийлаштиришни мўлжаллаган нафақасига ҳам бефарқ бўлиб қолганди. Уни жуда яқинларидан бошқа ҳеч ким йўқламади. Фақат касалхонадан чиққандагина — ўнг оёғини сургаб босадиган, чап қўлини қимирлатолмайдиган, тили гўлдираброк гапирадиган ҳолатда оиласи кучоғига қайтиб келгандагина қўшниси Қуролвой амаки вайсақилиқда, Илёсвойнинг олис қариндоши бўлмиш кўк дўппили мўйсафид мутаассибликда, Қурбонали эса муқаррар жанжал чиқишини била туриб сукут сақлаганликда айбланаётганидан хабар топди...

Яна бир омонат гап: кўни-қўшнилари Илёсвойдан, Илёсвой қариндош-уруғларидан сўраб-суриштиришмаган жойи қолмади, лекин камтарона худойидаги ўн беш чоқди меҳмон орасида келган Кимсан ким, қандай одам, кимга эргашиб-илашиб келган, исм-шарифи нима — ҳеч ким билмади...

Учинчи ё тўртинчи куни шекилли, Қурбонали гўлдиради:

— М-маҳалла-к-кўй, қ-қўшнилари м-майлию... лоақал девор-р дармиён Тўлашдан д-дарак й-йўқ...

Хотини жавоб бергиси келмай анча вақтгача кўзини олиб қочди, ниҳоят, хаста эри ич-ичига ботиб кетган кўзларини умидвор тикиб, мўлтираб ётганини кўргач, овозини ниҳоятда пастлатиб, шивирлади:

— Тўлаш йўқ... қидирувда эмиш...



Аъзам Қозихўжа

ҒЛИМДАН ҚУТТУЛИШ

Ҳикоя

Ўша тунда тўққиз кишидан иборат, тиш-тирноғигача қуролланган аскар Кобул дарёсидаги, яқиндагина аниқланган, карвон кечиб ўтадиган жойга кетдик... «Газ 66» елдек учиб борар, дўқирлар, машинани шафқатсизлик билан улоқтирар, биз қоронғи кузов ичида ярим газ-ярим газ кўтарилиб тушиб, бир-биримизга суяниб қолардик. Ён-веримизга қараб, фақат қорайган гавдаларнигина кўрардик. Юзлар кўринмас, шунга қарамасдан ич-ичимиздан эзилиб, эшак ҳайдагандек «ҳиҳ» деб кулиб кўярдик. Юзбоши¹ ҳайдовчи олдида. Тасаввур қиялпман, «секин, секин», деб ўтирибди. Икки кўзи йўлда. Ич-этини не таталапти, билмадим. Жасорат кўрсатиб, батальон командири бўлган акасидек қахрамонлик юлдузини тақишми ёки бойлик орттириб, шўролар юртига қуруқ кўл билан қайтмасликми?! Аввалги сафар, собиқ юзбоши билан карвон йўлига чиққанимизда, тинчилар ўлдирган мужоҳиднинг белидан юз минг афғони олганини айтганимдан бери ўзини кўярга жой тополмай қолди. Ҳозир ҳам юз мингни нақд чўнтагида ҳис этиб, орзиқиб-орзиқиб кетаётган бўлса ажаб эмас. Машина дўқирга тушди. Бу тупроқ бизни хушламаганини ошкор этиб гилдиракларни кўтариб солди. Мен кабинанинг орқа ойнасини қаттиқ уриб бақирардим: «Секинроқ ҳайда!!!» Ҳайдовчи озарбайжон йигит — Моҳир. У ҳақиқатан ҳам ўз ишига моҳир, лекин бугун негадир бошқача. Ойна ортидан, ташқарининг ёруғида мен унинг орқага кескин бурилиб қараганидаги ҳаяжонли юзини кўрдим. Яхши йигит, лекин ўлгудай нашаванд. Нашага ҳам қониқмай, ҳозир героинга ўтган. Ишқилиб чекиб олмаганмикан. Тоғлар оралаб кетган илонизи йўлдан елиб борар эканмиз, машина ерости йўлида бир неча дақиқа тўхтаб ўтди. Биз тушиб қолдик. Ерости йўлининг узунлиги юз метрча келар эди. Шамолдай учиб, зулмат қўйнида ғойиб бўлган Моҳир машинасининг овози

¹Юзбоши — рота командири.

Аъзам Қозихўжа 1963 йилда Андижон шаҳрида туғилган. 1981—83 йилларда Афғонистонда ҳарбий хизматда бўлган. 1990 йилда Тошкент Давлат университетини битирган. Ўзбекистон ФА тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлайди. Ҳикояси журналда илк бор эълон қилинмоқда.

ТАҲРИРИЯТ

тоғлар аро сингиб кетди. Кунни ўзига тенг тутмай, босиб келиб ерга киргазиб юборган тун лашкари қўйнида шовқин-суронсиз, ваҳимали қадамлар ташлаб, гор деворларига боқиб, гупиллаб ураётган юракларимизни ҳовучлаб, аста-секин олдинга қараб юрди. Аждарҳо оғзидан чиққандек ёпирилиб тоққа тир-машдик. Оёқларимиз остиде тошлар чириган мурдаларнинг суяклари каби шақирлар, пастликка сирғалиб кетар, қўлларимизга таянганча ҳар лаҳза елкамиздан тушиб кетаётган қуролларимизни орқамизга силтаб отиб, тепага чиқиб борар эдик. Баъзан автомат тушиб кетиб тош билан тўкнашганда, қарсиллаган овоз чиқарар, биз сукунатнинг чигирткадек чириллаган товушига бир дақиқа сабр қилиб ўтиришга мажбур бўлар эдик. Юзбоши сакраб кетар, шивирлаб ҳақоратлар ёғдирар, ке-йин шошилтирар эди: «Олға, олға!» Қаердадир эшак ҳанграб юборди. (Эшак шайтонни кўриб ҳанграши хусусидаги ҳадисни эсладим.) Бу овоз нақ ичимиздан келгандек ҳаммамиз ўзимизни таппа ерга ташладик. Хангроқ секин-аста ўлаётган одамнинг хириллашига ўхшаб тиниб қолди. Ўн қадамлар олдинда йўлга тошқин сувлар оқиб тушмасин учун киндик бўйи тикланган харсанг девор қорайиб кўзга ташланарди. Биз режадагидек ўша тош девор ортида ясоқ тортишимиз, тошқин сувлар ўрнига оқиб келаётган мужоҳидларнинг мадад карвонини тўсишимиз керак. Бу жойда икки ҳаёт йўли ажиб бир тарзда кесишган эди. Кундуз пастдаги ягона асфальт йўлдан шўравийлар ҳимоясидаги давлат колонналари ўтарди. Тунлари ерости йўли устидан юклар ортилган туя, от ва эшаклар дарёдаги кечувга қараб инарди. Сиҳат-саломат ўтиб олса, кўкка бўй чўзган баланд тоғлар ичра ғойиб бўларди-да, ҳеч қанча ўтмасдан, йўлларда шўравий колонналарининг белини уриб синдириш авжига чиқарди.

Биз тош девор ортига занжир ҳосил қилиб ёйилдик. Юзбоши менга ўнг қанотда туришни буюрди: «Сорокопудни ўзингдан нарига ўтказиб қўй! Сен командирсан!» дея қўшиб қўйди. Собиқ юзбоши мени яқиндагина ярадор бўлиб кетган ўттизбошига ўринбосар этиб тайинлаган эди.

«Аҳмоқ, карвон билан ҳазиллашяпти, — ўйлардим ичимда, — карвон бу карвон! Пайти келганда полклар ҳам ололмаган. Туянинг ўркакчага ўрнатилган ДШҚ билан бир солса, асфаласофилинга кетасан. Ҳаммасига ўзим айбдор, аввалги юзбошининг киссасини қаппайтирган юз минг афғонини айтаганимда, ўлақолса бизнинг ҳисобимизга жасорат кўрсатишни ҳаёлига ҳам келтирмас эди. Аслида, ҳамма айб анави махсус батальоннинг доводирларида. Дивизия танкчилари йўл-йўлакай ҳал этиб кетган карвон тутишни, ҳафталаб пашшаларга ем бўлиб ҳам уддасидан чиқиша олмади. Нима эмиш, бир марта қўл келган усул иккинчи сафар панд бериши мумкин экан. Уруш бу — доводирлик, бир марта эмас, ўн марта ҳам битта усул билан енгаверасан. Гап таваккалда. Мана, биз душман атайдиган мужоҳидларни олиб кўрайлик. Панжшерга борсанг, ҳар йили Рухидан ўтгандан кейин, Базарақда таъзирингни беришади. Нижробда бўлса, генералларнинг пухта ишланган режаларини чиппака чиқаришиб, ўтган йили ўттизта машина ёндирилган жойда қирқасини гумдон этишади. Ана шунақа. Ортиқча ақл бошингга бало. Яхшиси ҳеч нарсани ўйлама. Шунда ўлмайсан. Ўлим — совуқ ўй. Жонсиз жасадингни темир қутига солишиб, замбилда уйингга кўтариб боришса... даданг, бувинг, акаларинг... Эй, қўйсанг-чи, бундай бемаза ҳаёлларни! Ана, осмон, олис-олисларда юлдузлар ҳам хира нур сочмоқда. Ҳаво айниб қолибди. Бўлмаса бу пайтда юлдузлар чарақлаб кўриниши керак. Ой ҳам булутлар остиде. Недандир хавфсираб, қаергадир шошмоқда. Қулоқларим осмоний сукунатда ғалати садолар туяди. Қайсидир китобда ё журналда ўқиган эдим. Қуёш, ой, юлдузлар, ер ҳам, ҳамма-ҳаммаси аввалбошда қаттиқ битта жисм бўлган экан, кейин ташқаридан қандайдир куч таъсирида бу жисм портлаган ва портлаш ҳали-ҳанузгача давом этаётган экан. Юлдузлар, қуёш, ер мисоли бўмбанинг зарралари, бирон дақиқадан сўнг ҳаммаси шувиллаб тўкилади. Тоғу тошлар орасида ўлиб-тирилиб, асраб-авайлаётган ҳаётинг миллионлаб зарраларнинг биридаги маконда ҳечу замондаги умр ҳам ҳечдир. Дунёга нима учун келдинг қаерга кетасан? Қўлингга қурол тутқазишди, қандайдир ватан, бурч, қасам деган нарсаларни ўйлаб топишди. Сен уларга қулмисан?! Ким учун жанг қиляпсан?! Қулдорлик тузум сифатида аллақачон йўқ бўлиб кетган, дея ўқитишади. Қани, ҳозир кетиб кўр-чи! Бу ёғи энди оз қолди. Уч ой чидасанг буйруқ чиқади. Қандайдир йўлини қилиб полқдан эртароқ жуфтканг ростлаб қолиш керак. Қанча-қанча дембеллар буйруқдан кейин ҳам тўрт оёкли чўбин отга миниб кетишди...»

Девор ортида шитирлаган овоздан ҳушёр тортиб, қўлимга автоматни олдим. Ўқ тез тугаб қолмасин, деб илгакни битталаб отишга қўйган эдим. Нақ рўпарам-

да тун қоронғусидек қоп-қора соқолли юз пайдо бўлди. У мени кўриб-кўрмасдан тепкини босдим. «Воҳ!» деган садони эшитиб ўлди, деб ўйладим. Сакраб турдим-да, қочаётган иккинчи шарпага қарата ўқ уздим. Тегди, деб хаёл қилдик. Отганимни кўрган, девор бўлиб ётган саккизта шеригим бўшлиққа қарата бара-варига тепкиларни босишди. Ўқлар тошларни аёвсиз савалар, ёндирувчи ўқлар ҳавода турли шакллар ҳосил қилиб сўнарди. Ниҳоят юзбоши мушак отди. Буни кўрган танк ёрдамга етиб келиши керак. Мушак қарсиллаб ёрилганда, саратон иссиғида кўкатлари сарғайган кичик тоғлар ялтираб кўринди. Олислардаги улкан тоғлар эса хомуш соя ташлаганча турар, мушакнинг ёруғлик қуввати уларга етмас эди.

Ёнимда турган Назар:

— Ҳалиги ётиб олди, — деди.

— Отиб ташладим уни, — дедим мен.

— Нима бўлди? Ким отди?! — юзбоши, танк бошлиғи қаратэчи зобит билан халлослаб келиб сўради.

— Мен отдим. Шундоқ қаршимдан чиқиб қолди. Ана, девор орқасида ўлиги.

— Йўқ, ўлмади, ётиб олди, — деди Назар.

Шундоққина икки қадам жойдан, нақ пешонасидан отиб теккиза олганимга ишонгим келмас, бўлиши мумкинмас, дея ўйлардим ўзимга ортиқча ишониб.

— Йўғ-э, ростдана, эй бача!! — дея бақирдим.

У ўрнидан турди. Қўлида винтовка. Мен девор устига сакраб чиқиб милтиқни шарт тортиб олдим. У ўзини йўқотиб қўйган. Қоп-қора кўзлари тун қоронғусида йилтиллаб ёнар эди. Ерга қадам босиб улгурмасидан қаратэчи зобит ўхшатиб қорнига тепди. Энгашиб қолган тана устида голибона шижоат билан машқларда гишт синдирган каби гарданига арра қилиб урди-да, тамом дегандек ўзини четга олди. Спецназ Игор эпчиллик билан киссаларини титкилашга киришиб кетди. Назар мужоҳиднинг пешонасига снайперини тираб турибди. Мен асирнинг билагида йилтиллаб кўринган соатни ечиб олмоқчи бўлдим. Шунда бирдан осмонда фугас мина ёрилгандек момогулдурак гумбирлаб кетди. Назаримда, шундоққина орқамда бўмба портлади. «Аҳ!» деб юбордим. «Шериклари ёрдамга келдиёв», деган бир ўй шууримда ялт этиб ўтди. Ҳамма жуда қисқа бир дақиқа кўрқувдан эсанкираб қолди. Ана шунда кутилмаган бир ҳайқириқ жаранглади: «Аллоху Акбар!!!» Оний бир лаҳзада у мени четга суриб ташлади-да, Игорни тепди. Яна бир неча энгил ҳаракатлар билан эса қаратэчи зобитни ҳам, юзбошини ҳам чўрт кесилган дарахтдек ерга қулатди. Назар ҳам аллақачон тошлар устида ётар, қуроли кўлидан чиқиб кетган эди. Зарб емаган биргина Сорокопуд қолган, мужоҳид унинг ҳам қуролидан тутиб улгурган. Чап қанотдаги тўрт кишига юзбоши қимирламасликни буюрганлиги учун жойида қолишган эди. Сорокопуд ҳозир тушадиган зарбадан кўрққанидан энгашиб олди. Бир силтовда автоматини топшириб, ерга думалаб кетди. Бу ишлар шу даражада тез содир бўлдики, мен хизмати охирлаб қолган «қари аскар», икки йилдан бери урушнинг иссиқ-совуғини тотиб келаётган тажрибали жангчи ҳам эсанкираб қолдим. У автоматни айлантириб кўлтиғига қисгунча тепкини уч марта босдим. Шундагина у бир сесканиб менга қайрилиб қаради. Мен ён томонда автоматимни чангаллаб турардим. Оғир нигоҳи минг йиллар қаъридан тикилаётгандек хотирамга ўрнашиб қолди. Йиқилиш баробарида, то тили тутилиб қолгунча у бир калимани тинимсиз такрорларди: «Ла илаҳа иллоллох! Ла илаҳа иллаллох!..»

Одатда ўлаётган аскар онасини эслаб: «Онажон! Онажон!» дея жон беради. Бундай ҳодисаларга кўп гувоҳ бўлганман. Мен учун кутилмаган ҳол. Ўзимни ғалати ҳис қила бошладим. Шерикларим жонсиз тананинг киссаларини титкилашга ошиқишди. Улар менга қараб-қараб қўйишар, ўликнинг бисотини талашга кўпроқ ҳақли бўлсам ҳам жойимдан жилмай турганимдан ҳайрон бўлишар, лекин ўликни бошқа бирортаси илиб кетмасин, дея ўзларини мурда устига ташлашар эди. Сорокопуд автоматини мужоҳид чангалидан чиқара олмасдан инқилларди. Қаратэчи зобит бошини чайқаб деди:

— Ўзим ҳам ўйлаган эдим... Икки зарба бердим. Парвосига келтиргани йўқ. Тўққизаламизни тинчитарди... Яхшиям сен...

Мен... Ҳали-ҳануз ўйу хаёлларимнинг адоғи йўқ. Эслайману ўша ҳодисанинг шуқуҳи жисмимга титроқ солади. Арзу ҳолимни кимга ҳам айтай... Яратгувчи эгам билару бандаси билмас... Уялмай Ҳақни ҳам бу орага тикдинг. Аслида-ку бу вайрона юртда не-не телбаликларга қўл урдинг. Имон ганжларини топтаб, дилингни куфр елларига бердинг. Оқибат ранжу меҳнатларда, зулматларда неча йиллар сарсон-саргардон кездинг. Булар ҳам етмагандек, ўша тунда шундоқ бир ишга қўл урдинг. Юпанч бир сўз топаман: «Мен отмасам, мени отарди». Лекин

хануз тушуниб ета олмайман. У имконида бўлган ишга нега қўл урмади? Нега мени четга суриб қўйди? Бунда бирон пинҳон сир борми? Бор бўлса, у не? Ёки гавдамнинг кичиклигини назарга илмадими? Бўлмага нега ёш боладек четга суриб, қолганларга ташланди? Тақдир деганлари эҳтимол шудир...

Ўзбоши мужоҳиднинг киссасидан ён дафтарчага ўхшаш сиёҳ ранг китобчани олди, шириллашиб варақлаб кўрди. Куръон. Унга керакли ҳеч нарса йўқ. Шаҳид устига ташлаб қўйди. У ширин туш кўраётгандек ним табассум қилиб ётар. Бу пайтда Назар «Зеко 5» соатини ечиб улгурган эди. Спецназ бўлса ҳеч нарса топа олмаганидан аччиқланиб ханжарини чиқарди-да, ҳали ҳам қуролини ололмаётган Сорокопудга ёрдамлашиб юборди. Автомат стволига жон чиқарда пайвандланган қўлни харсанг тошга қўйди, ханжарни босиб туриб каттароқ тош билан урди. Билақдан узилиб кетган панжалар хануз қуролни қўйиб юбормас, силқиб чиққан қон томчилар эди.

— Ма, ушла, чума! Антиквар бўлади, — деди спецназ Сорокопудга мийиғида кулиб, кейин ортиқча нарсани кесиб олаётган қассобдай шаҳиднинг қулоғини кесиб олди.

— Нимага керак бу сенга? — дея сўради Назар ижирганиб.

Ўзбоши ҳам афтини буриштириб:

— Ташла! Аҳмоқ! — деб қўйди.

У бир зум иккиланиб, тиржайиб қолди-да, кейин ўзини оқлашга тушди.

— Биз доим душманларни қўлга туширсак ё ўлдирсак, мана шундай қиламиз. Комбатимиз мужик. Балли азаматлар, деб қўяди. Бундай ишларни кўравериш қотиб кетган. Тушган ўлжаларни ҳам, кўнгилдан чиқарганингизни ташланглар, дейди. Ташлаймиз. Катталарга олиб кириб беради. Тамом-вассалом. Шунинг учун ҳам герой бўлди-да, — Спецназ вайсар, қонли пичоқни қўлида ўйнатар эди. Буни кўрган каратэчи зобитнинг кўзи чиққудай бўлиб турарди. У ҳали бу ерларда янги.

Ўзбоши ҳозиргина еган зарбасини эслади шекилли, газаби жунбушга келди.

— Ўзи буларни ёндириш керак, — деди-да, атрофга аланглаб қаради. — Ҳамма ўз жойини эгалласин! Танк келгунча хушёр бўлинглар! Қани-қани! Тез-тез!

— Иккинчиси ҳов анави ерда ётибди, — дея шошиб хабар берди Назар. — Рухсат этсангиз тутиб келаман!

— Ҳей, йўқ! Нариги томонда кузатиб туришган бўлса... Танк келгунча кутамиз...

Биз тартибсиз ҳолда девор ортида яна ясоқ тортдик. Олисда танк ерни ларзага келтириб гулдирарди. Осмонда эса момақалдиروқ. Ич-этимизни «тезроқ келақолсайди», деган хавотир кемиранди. Ҳозир ёмғир қуйиб берса керак. Гулдиратган овоз борган сари борлиққа ваҳима солиб тошлар уйилиб ётган дарага яқинлашарди. Чироқларини биз томонга бурмасидан аввал иккинчи шарпа ўрнидан туриб қоча бошлади. Бирдан тўққизта қурол ажал уругини сочди. Шарпа дара ичига қочар, бирорта ўқ ҳам унга тегмасди. Ўқдонларимиз бўшаб қолаёзган бўлса ҳам ёндирувчи ўқларга учмасдан, бизнинг ажал тўримиздан чиқиб кетаётган кимсани кейинчалик ҳам ҳавас билан эслаб юрдик. Ўшанда эса шошапиша тепкиларни босар, тегмаган сайин ўзимизни баттар йўқотар эдик. Танкнинг бу қадар имиллашидан газабимиз бўғзимизга тиқиларди. Ниҳоят, чироқлар дара ичини ёрита бошлаганда шарпадан ном-нишон ҳам қолмаган эди. Ерга кирдимиз, осмонга чиқдимиз? Тополмадик. Биз энгларимизни шимариб юз-икки юз қадам атрофида, танк паноҳида кезинган бўлдик-да, орқага қайтдик. Дара ичкарасига киргани юрагимиз бетламади. Душманлар карвони билан юзма-юз келишга ҳеч кимда тоқат йўқ. Ҳамма эсон-омон юртига қайтишни ўйлайди. Темир қутиларда ириб-чириб боришни хаёлан тасаввур қилишдан ҳам юраклар безиллайди. Ана, девор ортида бир ўлик ётибди. Карвон бирдан хавфга рўпара келиб қолмасин учун илғор юборган. Нега у айнан менинг рўпарамдан чиқиб қолди, десам деворнинг бу томонида тошқин сувлар суриб келган кум, тупроқ, тошлар уюлиб қолган экан. Ўзимча тушунгандек бўламан. Лекин ич-ичимдан ҳис қиламанки, мана шу уюлган тошлармас, балки қандайдир куч-қудрат, бир ҳикмат сабаб бизни юзма-юз келтирди. У мени четга суриб қўйди. Эвазига баданини илма-тешик қилиб юбордим. Сўнги нигоҳ, ҳаммадан ҳам охириг қалима, эслаганим сари ақлим лол, ўзим ҳайрон бўламан. Момақалдироқ гумбурлади. Чақмоқ чақнади. Яқинлаб бораман. Барқи осмон тажаллиси қонли юзларига иниб қолибди. Кесилган қулоғини айтмаганда, ширин уйқуда. Олис, хайрли сафар олдидан йўл-йўлакай бир зум мизғиб олмоқчидай...

— Муслим, гугуртинг борми? — сўради мендан Игор. Сигарет чекмоқчи шекилли. Гугуртни олиб, чўнтак кавлаш ўрнига мурда томон қараб юрди. Танк гуриллаб бурилган пайтда аччиқ тутун юзимга урилди.

— Кетдик! Кетдик! — юзбоши шоширарди. Кимлардир танкка илашиб улгурган эди.

— Нега ёқдинг?! — Назар ишшайиб, битта-битта қадам ташлаб келаётган Игорни сўка бошлади. — Нега ёқдинг?! Сен ваҳший экансан, аҳмоқ! Ўлик-ку ахир!

— Бошимни қотирма! Бобойлигинг тутиб қолдимми?! Тупрогинг бир сенларни ўзи...

Бўғзимга нимадир тиқилиб қолди. Олдимдан ўтиб танкка чиқмоқчи эди. Елкасидан ушлаб тортдим. Ичимдан отилиб келган нидони ютиб гапирганимдан овозим ҳириллаб чиқди:

— Бор ўчир!

Спецназ кутмаган экан. Бирдан ярқ этиб қаради. Кўзларида совуқ юртнинг айёр шабадаси эсди:

— Кўйсанг-чи, Муслим, ахир улар бизникиларни бундан ҳам ёмон хорлаб ўлдиришади. Ҳалигидақаларини кесиб олишади. Қанча-қанча дўстларим ўлиб кетди. Биз нега энди уларга раҳм-шафқат қилишимиз керак?

Чақмоқлар осмон харитасидаги дарёлар мисол чарақлаб, тоғлар узра босиб келаётган девлардек қора булутларни ошкор қилди. Ёмғир ёвларга ўқлар отиб, тошларни савалай кетди. Уруш зардобларини ичавериб тош мисоли қотган кўнглим тошиб, селдай оқа бошлади. Бўғзим деворларини суриб-йиқитиб, кўлларимдан отилиб чиқди. Термизда, тайёрлов пайтида ўрис зобитнинг бизга айтган гаплари ёдимга тушди: «Эссиз, бечора рус халқи сен текинхўрларни боқиб ётибди».

Спецназнинг ёқасидан тутдим:

— Мен сени сўяман! Биласанми, менинг бобом ким бўлган?! Босмачи! Кўрбоши! Билиб қўй! Биз бобой бўлсак сен... оққулоқсан. Сен ўзингча бизга жанг қилишни ўргатмоқчимисан. Кўрганмиз, Панжшерда сенларнинг аҳволингни...

Ичимдан тошиб келаётган ҳақоратлар тўфонини тўхтата олмасдим. «Номларинг улуг — супранг куруқ, — ўйлардим. — Асл кийимлар, тоза овқатлар сенларга-ю, уруш бўлса орқада. Пиёдалар икки соатда кўтарилган тоққа бир кунда ҳам чиқмоқларинг маҳол. Фалон қишлоқни олиш керак дейилса, бирор тоғнинг ортига ўтиб, ухлаб-ухлаб қайтасизлар. Яна ҳамма нарсага балогардон биз — пиёдалар. Нега спецназда, десантда осиеликлар йўқ?! Улар бобойлар, ҳеч нарсага ярамайди-да, а?!»

Бўйим спецназнинг аранг елкасидан келар, унинг бойўғлинигига ўхшаш кўзлари ўйнар, кўлими ёқасидан олиб ташлашга журъати етмас, «кўйсанг-чи, кўйсанг-чи», дея ялинар, силтаб тортган пайтим қалпоғи учиб кетган, ёмғир пешонасидан оқиб тушиб кўзларига кирар, кафти билан сидириб-сидириб қўяр эди.

— Менга қўйиб бер! — деди Назар камаридан тортиб.

— Нима гап? Нима бўлди?! — юзбоши каратэчи зобит билан етиб келди. — Лочинлар, нега бир-бирингизга ташланиб қолдингиз?! Сенга нима бўлди, Муслим?

Овозига мулойим тус бериб менга қаради. Каратэчи зобит ҳам елкамга қоқиб қўйди. Мужоҳидни отганимдан бери уларнинг олдида обрўйим яна тоғдай баланд бўлиб кетган эди. Тап тортмасдан одамни отиб ташлаш аскарлар, зобитлар ўртасида одатда ғалати кўрқув ва ҳурмат ҳосил қилади.

Девор томонга кетдим. Атрофга нохуш ҳид таратиб тутаб ёнаётган ўтқириқчи бўлдим. Кенг либоснинг бир чети куйибди-ю, баданга ўтиб улгурмай ёмғирда ивиб қолибди. Юзидаги қонлар ҳам ювилиб кетибди. Бироз қирғийбурун, қошлари қора, кенг пешона, соқол сабабми юзлари тўлишган кўринади. Кимгадир ўхшаб кетади?! Ҳа, ҳа, топдим, қариндошимиз — амакимнинг ўғли Асадуллоҳ аканинг ўзгинаси... Тавба, инсон шунчалар ўхшаш бўладими?! Қаердадир хўроз қичқирди. (Хўроз фариштани кўриб қичқиради, деган мазмундаги ҳадисни эсладим.) Ёмғир тиниб, осмондан эшик очилгандай қора булутлар тарқади. Ой ҳам юзидаги ҳижобини ечди.

Биз постга қайтдик. Танк усти лой бўлиб кетган. Ўтиргани жой йўқ. Кўнглим беҳузур бўла бошлади. Устига-устак танқдан чиққан аччиқ, иссиқ тутун юзимга урилиб нафасимни бўғарди. Тезроқ манзилга етиб, жойимга ётиб олиш ўйидан бошқа ҳеч нарса ичимга сиғмас, шовқин-сурон, гаплар ғашимни келтирар, иложи борича кулоқ солмасликка ҳаракат қилардим. Жуда ёмон иш қилиб қўйганимда одатда шундай ҳолга тушардим. Дилхиралик узоқ вақт мени тарк этмасди.

Постга келасолиб хонага кирдим-да, қуролимни бош томонга ташлаб, жо-

йимга чўзилдим. Ошпаз, овқат ейсанми, дея сўраб келди. Сўкиб бердим. Аслида унда нима гуноҳ. Хизматига энди олти ой бўлган. Менинг кўнглимни олишга тиришади. Командир ўринбосари бўлганим учун ҳам ҳамма иш менинг қўлимда. Айтганим-айтган, деганим-деган. Шунинг учун бўлса керак, зобитлардан ҳам аввал менга егулик ташийди. Унга ачиндим. Кўзимни уйку элита бошлади. Алағ-чалағ тушлар кўриб уйғониб кетдим. Атроф зимистон. Ташқарида дарёнинг бир маромда шовуллаши эшитилади. Қўриқчилар тоғу тошларга қарата, ухлаб қолмаганини билдириш учун битта-битта ўқ отмоқда. Демак тинчлик. Мен яна ухлаб қолдим. Тушимда энам раҳматлини кўрдим. Чавра ортидан йиғламсираб, шалдираб оқаётган ариқдаги бир дона ўйноқлаб турган олмага қўл чўзарди. Мен далада, қуруқ чўп бўлиб қолган гўзапоялар ичида турибман. Энам менга ялинчоқ назар ташлаганда сесканиб кетдим. Кейин ҳовлига ўтдим. Лой томли уйлар ёнидан юриб ташқаридаги сайҳонликка чикдим. Опоқдадам садақайрағоч остида ҳассасига таяниб хомуш тикилади: «Муслимжон, нима қилиб қўйдиз, ўғлим?» Тол тагига ишора қилиб: «Ана, кўр!» дейди бирдан сенсирашга ўтиб. Битта-битта қадам ташлаб бораман. Бир пайтлар сумалакка ўчоқ қавланган жойда чуқур қазилибди. Ҳандақ ичида акам кўзлари олайиб, илонга ўхшаб вишиллади, озиб кетган. Мен кўркиб, опоқдадам олдига қочаман. Қора сигир турибди. Атрофида гўштлар... Колхознинг «Газ 53» машинаси. Орқасида оқ либосли оқсоқоллар. Анҳор олдида машина аравасидан тушишиб, опоқдадамни чорлашади. Опоқдадам хомуш, менга қарайди: «Биз боролмаймиз энди». «Қаерга боролмайди?» ичимда ўйлайман. «Ҳажга, ҳажга», дейди бир садо. Машина ўрнида қўқонарава бўлиб қолади. Чоллар чиқишиб, булутлар четлаб очган осмон дарвозаси томон кўтарилиб кетишади... Мен бошим оққан ёққа кета бошлайман. Тоғлар. Афғонистон тоғлари орасида ўзбекча тунука томли уйлар. Ўзимизнинг маҳалла. Уйлар ортида кенг бегона яйлов. Олисларда мол-қўйлар ўтлаб юрибди. Яйловга тушмоқчи бўлиб бир уй орқасига ўтаман. Уч киши йўлимни тўсиб чиқади. Улардан бири қирқма милтиқни қорнимга тираб «ханг» дейди. Ҳеч қачон эшитмаган сўзга ҳайрон бўламан. Чап қўлим билан айлантириб, милтиқни уриб юбормоқчи бўламан. Ҳар қанча шиддат билан урмай, рақибимнинг қўли тепкига яқинроқ. Совуқ қуролнинг оғзини киндигимдан тўрт энли четга суриб улгираман холос. Милтиқ отилиб кетади. Жигаримда бир нима жизиллаганини туяман. «Ялаб ўтди», деб ўйлайман. Йиқилсамми, йиқилмасамми?! Ўзимни ерга ташласам, ўлди, деб ташлаб кетишади. Ерга юмшоқ тушаман. Бир пайт ҳалиги башара устимга келди-да (қирқма милтиқ гранатамётга айланиб қолган бўлади), варанглатиб қўйиб юборади. Нафасим бўғилиб уйғониб кетаман. Жигаримда бир-икки санчик, ўнгу туш ўртасида бироз каловланиб ётаман. Ташқарида дарё шовқини эшитилади. Қўриқчилар уйғоқликларини билдириш учун битта-битта ўқ отмоқда.

Мана, бир ҳафтаки безгак тутиб қалтирайман. Марказий постдан доктор келди. Малерия ҳам гепатит, дея ташхис қўйди. Яна спецназ Игор ҳам сариқ касал бўлибди. Тўғри келган биринчи колонна билан Кобулга кетадиган бўлди. Хизматдош дўстлардан ажралгим келмайди, кетгим йўқ. Назаримда, дўстларимни бир умр кўрмайдигандек. Биз карвон туггани борган жойга яқин бешинчи постни мужоҳидлар бир кун эртадан кечгача минамётдан ўққа тутишибди. Ҳандақлардан бош қўтаролмай, тушлик ҳам қилишолмапти. Алоқада қанча тайёра чақиршишса ҳам келмабди. Шайтонкўприқда эса бир колоннадан атиги бешта машина қочиб қутилибди.

Бу хабарларни менга Назар етказиб турар эди. Ҳозир ҳам ёнимда ўтирибди.

— Энди, дўстим, худо хоҳласа, полқда кўришамиз, — Назар гапида давом этди. — Иккинчи постадаги сиёсий командир бор-ку, ўша, минага тушган икки машина билан битта БМПни бўлак-бўлак қилиб афғонларга сотиб юборибди. Олти ой аввал, эсингдами, бизга талончилик ҳақида қандай маъруза ўқиган эди. Уларга барибир, нима бўлса ҳам чўнтак қаппайса. Чамадон-чамадон четти молларини юртига олиб кетса. Уларга хоҳлаганича, кўнгиллари туслаганича руҳсат бор, бизга эса йўқ. Баҳорда келган Фазлидинни биласанми?! Онасига битта рўмол олган экан. Пулни қаердан олгансан, деб тортиб олишди. Бечора йиғлаб юборди ўшанда. Лекин мен йиғламайман! Тишимни оқиниям кўрсатмайман бу козёлларга...

Мен толиқиб борардим. Яна титроқ турди. Бошим карахт бўлиб оғрий бошлади. Доктор ташлаб кетган дорини бир амаллаб ичдим. Қалтираб турганимдан ютишга роса кийналдим. Ётиб олдим. Назар мени ўраб ташлади. Барибир титроқ босилмас, ич-ичимдан совуқ бир нарса келиб тишларимни такиллатарди. Ниҳоят, бироз вақт ўтгач безгак хуружи тўхтаб, қаттиқ бош оғриғи турди, чидаб бўлмайди...

Юзбоши остонада пайдо бўлди. Назар уни олқишлаб ўрнидан ғоз турди. У эркин бўлишга руҳсат этиб, эшик олдида табассумини қолдириб, дим хонадан ачиниш ҳиссини қарзга олиб, афтини бироз буриштирганча аҳвол сўраган бўлди:

— Тузикмисан? Лочиним менинг! Бу қандай ётиш?! Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади... Бир соатдан кейин колонна келади, тайёрлан! Ҳа, айтмоқчи, мен сени орденга ёздим...

— Керак эмас менга орден, дембелга биринчи жўнатсангиз бўлди...

— Жўнатамиз ҳам! Сен бу ёғидан хавотирланма... Ҳа, Назар, датчикни қабул қилиб ол! Мутахассис келгунича қараб турасан. Менинг хонамга киргин, сенда яна бир гапим бор.

— Ҳозирми? — Назар ўсмоқчилаб сўради.

— Ҳа-ҳа! Ҳозир!

Юзбоши кўзларини қаерларгадир олиб қочди, кейин чиқди. Назар ҳам ортидан эргашди. Ўн дақиқалардан сўнг қайтиб кирди-да, жиғибийрони чиқиб деди:

— Мараз! Козёл! Соатни сўраяпти. Катталар суриштириб қолса, нима дейман, дейди. Топган гапини қара!

— Нима қилдинг?

— Бердим. Фақат битта шартим бор, дедим. Нима шарт, деди. Мен айтдим: дембелга биринчи жўнатасан. Майли, агар хизматни шу тарзда давом эттирсанг, дейди.

У ўтирди. Чўнтагини кавлаб наша олди-да, ўрай бошлади.

— Чарс!¹ Зўридан! Кетиш олдидан бир тортиб қол... Ана шунақа, датчикни қабул қилиб ол, эмиш. Ўқув тайёргарликларига ўлиб кетса бизни олишмайди. Бир-икки ой Термиз ё Кушкада эшшақдек ишлатишади-да, Афғонга! Бу ерда бўлса суриштириб ҳам ўтирмасдан спецназларнинг махфий датчикларини ҳам топшираверишади. Биз шунақа жойда уларга керак бўлиб қоламиз. Ушла! Ўтат-бер!

Мен илк бора унинг қўлини қайтардим.

Назар нашани қуриллатиб тортар, тутунни ичида узоқроқ ушлаб туришга тиришиб нафас чиқармай оғзини шиширар, кейин бир қисмгина тутунни пуфлаб юборар, қуруқсирарган оғзини кафтининг орқаси билан артиб, яна чарсга ёпишарди. Мен бўлсам унга тикилиб ётиб, касаллигим сабабми, ғамгин ўйу хаёлларга берилардим. Эй дўстим, уларни ёмонлаймиз, хўш, ўзимиз яхшимизми? Мана, мен ҳеч иккиланмай отиб ташладим-ку! Нега отдим?! Нима учун? Йўқ-йўқ. Ўша дақиқадаги мажбурийликни айтаётганим йўқ. Дейлик, мен бошқачароқ одам бўлганимда, бошқачароқ тарбия топганимда, бошқачароқ ўйлаганимда, бу ҳодиса ҳаётимда рўй бермасмиди?! Билмайман... У мени четга суриб қўйган эди-ку! Унинг сўнгги қиёфаси ҳеч-ҳеч кўз олдимдан кетмаяпти. Айниқса сўнгги сўзлари...

Ватан, ватан деймиз, ватан дегани нима ўзи? Бировлар юртини топтаб, хорлаб, ўзимизникини улуғлаймизми? Бу бечора қонга ботган юртнинг ярмини кезиб чикдим. Бирон кун йўқки, ўз шаҳрим, уйимни эсламаган, эслаб, соғиниб эзилмаган бўлсам. Бироқ тоғу тошлар аро қай ерда манзил қурган бўлсак, бир тун бизни тинч-омон сақлаган жойга меҳрим тушиб қолган. Зулмат ёпирилиб келар экан, аввалига аллақандай хавотир, қўрқув қалбларни безиллатади. Не-не шубҳа-гумонлар ортида, ҳар бир тош, ҳар бир қоя даҳшат либосини кийиб ваҳима солади. Қуролингни чангаллаганча тунни яримлатасан, кейин секин-аста турли хил шубҳалар ўрнини енгил, ёлгончи орзулар эгаллайди. Ниҳоят, тақдир деган жоловни ўз эгасига топширмоқдан ўзга чора йўқлигини англайсан. Уйқу элита бошлайди. Хайр, бекорчи елларга согурилайётган умримнинг яна бир куни. Хайр энди, ёлгончи орзулар. Исиз йўлларга тушган чанг-ғуборлар мисол аччиқ ҳаёт отлиқ шамоллар сизларни тўзғитиб юборар. Орзулар чўққисидан тушлар жарлигига қулаб тушасан... Бир енгил уйғонасан. Тоғлар узра яккам-дуккам сузаётган парча-парча оппоқ булутлар қуёшнинг ҳали бош кўтариб улгурмасданок сочган нурларидан бўғоз сигирнинг елинидек қизариб кетган. Зангори осмон ювилган ойнадек тиниқ. Енгил тортиб кетасан. Қайтиш ҳақида буйруқни эшитасану шундагина мана шу ерда, заминнинг бир чеккасида юрагининг бир парчасини қолдириб кетаётганингни сезиб қоласан. Эҳтимол, Одам Ато ҳам жаннатни соғина-соғина ерни тарк этаётганида бу ҳолатга тушгандир. Орадан йиллар ўтиб ўша қўрқув, ваҳималарга тўла манзилни эслаб хомуш тортасан: «Энди ҳеч қачон кўролмаيمان». Ўшанда эса, гўзал, ям-яшил либос ичида буришиб-майи-

¹ Афғонлар нашани чарс дейишади.

шиб кетган арча танасига бир учи боғланган ёмғирпўшингни еча туриб ўйлайсан: «Бу дарахт минг йил яшайди. Неларни кўргану яна неларга гувоҳ бўларкин. Сўнги нафасини олаётган пашша учиб келиб, сенга ўзини уради. Тунда роса қонга тўяди. Қочмоққа ҳам мажоли йўқ. Бир урсанг ўлади, урмасанг ҳам. Арчанинг умрига нисбатан сенинг ҳаётинг ҳам пашша умрича бордир. Бу тоғу тошларда нега мен қурол кўтариб юрибман? Нега отишим керак? Мен отиб ташлаган инсон ким эди? Не билан машғул эди? Қай бир ота-онанинг суюкли фарзанди, болаларининг суюнчи эди? Нега у сўнги лаҳзада «Ла илаҳа иллаллоҳ» дея кўз юмди? Ушбу калиманинг маъноси не? Онадан-да азизроқ, эслашга лойиқроқ экан, демак зўр қудратга эга экан. Яна ушбу сўзни менга омонат қолдиргандек юзимга қараб айтди. Мана, киссамда китоб, Қуръон бўлса керак. Юзбоши ташлаганда олиб қўйган эдим. Ҳарфларга қарайману кўзим тиниб кетади. Ҳеч нарса ни тушунмайман, лекин ичимда бир қалтироқ туради. Бу каломни кўтариб юришга мен лойиқманми?! Опоқдадам тўрт ўғлига тўрт Қуръон сақлаб қўйган экан, уларни қамоққа олиб кетишгач, уйдагилар китобларни тупроққа кўмиб яширган. Ҳали ҳануз тополмаймиз. Илгари Қуръони йўқ уйни уй ҳисоблашмаган экан. Энди бўлса... Боболаримиз ўқиб-ўқиб келган китобларни мутолаа этмоқдан маҳруммиз. Оврүполик сюрреалистларнинг суратларини томоша этиб, недир маъно ахтариб топамизу ҳақиқат китоблари кўзимизни қамаштиради. Маъно уқмоққа ожиз ва нотавонмиз.

— Худди сени узоқ-узоқлардан кўраётганга ўхшайман, — деди Назар наша таъсирида туғилган ҳайратини ошкор этишга шошилиб.

Этибор берсам, у тинмай гапирётган экан:

— Қадим-қадимги одамга ўхшаб кетасан. Йўқ, роса, росаям яқин! Сенга қараб кўрқиб кетяпман. Ичимга кириб бораётганга ўхшайсан. Вуй-й! Даҳшат!..

— Сув ич! Кайфингни таркатади, — дея унга шишадаги муздек булоқ сувини узатдим.

У сувни саҳрода ташна қолган одамдек ютоқиб-ютоқиб ичди. Кейин чуқур энтиқди:

— Онасини эмсин, қолиб қолди... Ёмон кучли экан... Нақ шайтоннинг ўзия,— деди-да, ёстиққа бошини ташлади.

Ташқарида БМПларнинг занжирли филдираклари ерни титратиб, тийиқсиз шаршарадек гулдираб қолди.

— Колонна келди! — Назар ўрнидан сапчиб туриб кетди.

Мен ҳам турмоқчи эдим, иликларим қалтираб, кўзим олдида майда соққачалар жимир-жимир ўйнай бошлади, энтикиб қолдим. Ичимда бир нима узилибузилиб бораётганга ўхшарди. Амаллаб ўзимни тутдим. Тезроқ бирор машина десантига чиқсам, ётиб олсам деган қайғуга тушдим. Колоннани балогардон эттинчи рота кузатиб бораётган экан. Бу рота пистирмага кўп дучор бўлиши билан полкда машҳур эди. Бир сафар рейдда, ортиқча ўтказиб юборгани учун, юзбошиларнинг орқасидан ўқ қўйишган. Ҳазиллашиб «спецназ рота» деб кўярдиқ. «763»-машинага чиқмоқчи эдим, Назар қайтарди:

— «767»га чиқ! Бу икки марта гранатамёт еган, бир марта минага тушган, — деди.

Этим бир увишиб кетди. Сир бермасдан:

— Кўйсанг-чи, барибир эмасми, — дедим. Кўнглимдан, бир балони сезяптики, қайғуряпти, деган ўй ўтди. Бундан уч ой аввал содир бўлган ҳодиса эсимга тушди. Эргаш исмли ҳамшаҳрим томда турганини кўриб: «Ҳозир шунга ўқ тегади», деб кўнглимдан кечган, айтмоқчи бўлганману негадир чалғиган, ёдимдан кўтарилган. Беш дақиқа ўтмасдан унинг кўкрагини ўқ тешиб ўтган. Эшитган, югуриб томга чиқсам, Фазлиддиннинг кўлида хириллаб жон бераётган экан. Кейин кўп пушаймон бўлдим. Ҳозир ҳам эсласам, нега бир оғиз сўзимни аяганимни тушуна олмайман.

Назарнинг гапини олдим. «767»-машинага чиқдим. У кўзларида ёш билан хайрлашиб қолди. Менга ўз жонига қайғургандек қайғурадиган дўстим борлигидан ва у мана шу тоғу тошлар орасида қолиб кетаётганидан кўнглим бузилди. Термиздаги тайёргарликдан сўнг силламиз қуриб Қобулга келганимизда қисмат бизни бир ротага ташлаган эди. Ўшанда нозик, устида ҳарбий кийим шалвираб турган, арчилик кетган оғир кирза этигини судраганча бораётган ёшгина, чиройли йигитнинг орқасидан кузатиб ачинганим, ачиниш баробарида кўлимдан келганича уни ҳимоя қиламан, дея ўйлаганим, аксига олиб у мендан кўра чайирроқ чиққани, менга кўп ёрдамлар бергани ёдимга тушди. Хайр, дўстим! Кўп мутаассир бўлдим. Қалбимдан қуйилиб-қуйилиб шеърга ўхшаш бир нималар оқиб кела бошлади. Жанговар машиналар виқорли, тик тоғларга совуқ тўпларини ўқтал-

ганча, еру кўкни ларзага солишга чираниб, дарёнинг унини ўчириб қўймоқчидай шовқин солиб борарди. Мен ҳам шовқин руҳига жўр бўлиб, тилимга келганини қайтармай шеър тўқирдим. Тузукроқ мисра келса, қувончим оламга сифмай, эслаб қолмоқчи бўлардим у бир лаҳза ўтмай ёдимдан чиқар, қанча кўп алжирасам, суюнишга арзигулик мажозлар, ташбеҳлар ҳам ора-сира чақмоқдай ялт этиб қолишини билиб, шовқин руҳидан завқланиб-завқланиб борардим. Йўл-йўлакай уруш машиналари тўхтаганда битган кулоқларим очилар, шунда дарё сувлари тошларга урила-урила ўзгача бир оҳангда, ўзгача бир мақомда оқаётганини эшитардим. Сув жанубга оқар, биз бўлсак дарёнинг чап ёқасидан шимолга интилар эдик. Колонна шоша бошлади. Оддий юк машиналари жанговар машиналар олди ё орқасида юришга тириша-тириша бир-бирининг ортига суқиларди. Шайтонкўприкка яқинлаб қолдик. Бу ерда тоғлар янада тик, янада баланд бўлиб, йўл чап томондаги тоғлар тагидан ўнгдаги тоғ ёнбағирликка ўтиб кетарди. Ўртада оддийгина қора асфальт ётқизилган, икки четига бетондан панжара тўсиқ тикланган кўприк шарқираганча оқаётган дарё устида турарди. Мажолим қуриб, ётгим келарди, кўнглим ҳам айнирди. Десант ичида ўриндиқ барабар тикланган ўқ қутилар узра солинган, эски шинель билан фуфайка устига ўзимни ташладим. Қўлларим қалтирар, кўзларим ич-ичига чўкиб кетаётганга ўхшарди. «Ўлиб қолсам-а!» деган ўй чақмоқдай миямга урилди. Йўқ, дея ўзимни овута бошладим. Бир ҳафта илгари отиб ташлаганим ўлик кўз олдимга келди. Унинг сўнгги нигоҳи, ҳаммадан ҳам охириги сўзи...

Табиб берган гиштрангли доридан амаллаб оғзимга солдим. Филофга ўралган темир сувдондан бир култум оғзимга олдим. Сув илиқ эди. Амаллаб ютдим. Бошим оғрий бошлади. Шу билан бирга васвасалар ҳам мени тарк этмаётган эди. «Шайтонкўприқдан эсон-омон ўтолмасам-а. Ҳозир ўлиб қолсам-а. Ё Худо, ўзинг сақла! Сен бор бўлсанг, мен ўлмай ўтаман. Ич-ичимдан келган бу нидони бугун эсласам, уятдан қочгани жой тополмай қоламан. Сен кимсан ўзи, яратувчига шарт қўйишга нима ҳаққинг бор?! Ожиз, нотавон, гуноҳларга фарқ бўлган банда. Уялмай-нетмай «Сен бор бўлсанг, мен ўлмай ўтаман» дейсан. Бор-йўқлигини дунё учун заррача аҳамияти бормики, шарт қўясан. Яратган учун нима қилиб қўйдинг ва яна нима қилиб бера оласан. Ўйлайману Раббимнинг бандасига нақадар меҳрибон, раҳмли эканини туяман. Бўлмаса мендек куфр лашкарининг илғорида юрган, қанча-қанча жонларни қон қақшатган, ота-бобоси қўйган исмга хиёнат этган осийни ҳидоят йўлига етаклайдими. Иймон дея аталган улуг неъматини раво кўрадим. Абу Жаҳлдек, Абу Лаҳабдек хор этиб ўлдириши ҳам мумкин эди ва бу адолат тарозисида одил бир ҳукм бўларди.

Ўшанда бу каби пушаймонлиғ ва тавба мақомида Раббим қаршисида уятдан ерга киргудай бўлиб туриш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Олдимда ё касалдан сўлиш, ё мужоҳидлар ўқидан ўлиш кутарди. Мен эсам дунёи дундаги ғофил бандалигимга бориб, бироз ўзимга келгач, қалбим амал-тақал боғлаган илоҳий арқонни узиб юбордим. Ўрнимдан туриб, десант устига чиқиб ўтирдим. Колонна ўтиб кетишини кутиб турган афғонларнинг машиналарини томоша қила бошладим. Ҳайдовчиларни айтмаганда аксар аёллар, қариялар, болалар. Қизиқ халқ. Баланд юк машиналарнинг тепасига маймундай чўнкайиб ўтириб олишади. Олисолис масофаларга автолар ортидаги шотиларга осилиб ҳам кетаверишади. Йўлдан асосан дўкдорлар, савдогарлар ва яна дехқонлар ўтишади. Жалолобод билан Кобулни боғлаб турган ягона, доволар оралаб кетган илонизи йўлдан улар неларни олиб ўтмайди дейсиз. Шимолдан жанубга қовун элтишса, жанубдан ошқовоққа ўхшаб узун-узун тарвузлар ташишади. Ажойиб ҳинд чойлари, бананлар, апельсинлар, майизлар, яна аллақандай оғзимизнинг сувини келтирадиган нарсалар. Хуллас, ўтаётган машиналарнинг адоғи йўқ. Биз бўлсак қуролимизни елкага ташлаб йўлга чиқамиз-да, дуч келган машинанинг йўлини тўсамиз:

— Бахшиш давай!

— Бахшиш, бахшиш! Чи бахшиш?! — дейди ғазабланиб йўловчи. — Наригида бахшиш, наригида бахшиш, бунда бахшиш!

— Бахшиш давай! — автомат балонга тиралади. Йўловчи не деярини билмай қолади. Шунда йўлдан ўтавериб, бунақа ишларнинг пири бўлиб кетган ҳайдовчи қўлимизга ўн-йигирма афғони ёки чарс суқади. «Буро бахай!» деб қўямиз. Улар ҳам «Буро, буро!» дея йўлга тушишади. Эски фургонли «Тайота»да таниш дўкончи келиб қолади. Йигилиб қолган пулларга ундан ҳар хил нарсалар сотиб оламиз.

— Сизлар яхши, — дейди у. — Душманлар ёмон. Сизлар озгина оласизлар, улар ҳаммасини. Кеча Гогомундадан нарироқда йўлимни тўсишди. Боринглар ўша ерга!

У яна нималардир дейди. Елкамизга қоқиб-қоқиб қўяди. Машинасини ўт олдиради. «Хайр!» «Даф бўл, сотқин».

У кетади. Машиналар ўта бошлайди. Биз юзбошининг сиёсатидан ҳайқиқибми, етарлигини олиб қўйганимиз учунми, йўлга чиқмаймиз. Шунда юк машиналари устига қаргадек терилиб олган йўловчилар бизга қараб қариллайди. Қўллари қанотдай силкитишади. Хахолаб кулишади. Ҳайрон қоласан буларга, йўлини тўсиб, «Бахшиш давай!» дея балонларига автомат тираб турсанг, бир нималар деб сен билан тортишади-да, атаганларини ташлаб жўнаб қолишади. Тўсманг бу аҳвол. Юзбоши ҳам қизиқ, ўзи ҳамма постлардаги командирлар бир гўр. «Морадёрлар, талончилар!» дея сафга тизиб олиб ҳақоратлар мағзавасини ағдарадилар-да, эртасига сени секин четга қақриб: «Постда егулик ҳеч нарса қолмади-ку, бор, йўлга чиқиб, у-бу нарсалардан ол! Хушёр бўл! Катталар келиб қолмасин», дейди. Катталарда ҳам ўша аҳвол, эски тос, эски ҳаммом.

Югурик кўзларим кичик авто ичида ўтирган рўмоллик қизда тўхтади. У ҳам ногоҳон мен томонга қаради. Бир сескандию рўмоли учи билан юзини тўсганича бурилиб олди. Қошлар бунчалар қора бўлмаса, юзлар бунчалар тиниқ, сутга чайилгандек оппоқ. Шу қиз ҳам одам боласига тегармикан. Мен Шайтонкўприкка кетяпман, у эса мендан юзини ўгириб олди. Ҳеч қачон, ҳеч қачон биз бошқа кўришмаймиз. У буткул бошқа оламнинг қизи. Бизга йўл бўлсин. Ёзуғимиз турлик-турлик. Фақат хотирам зиндонининг бир четида унинг жамоли учар юлдуздай баъзи-баъзида чарақлаб қўяди. Мен хаёлга бериламан. У менинг мулким. Охир-оқибат бу хомхаёллардан зерикиб зада бўлиб кетаман. Энг асосийси соғсаломат уйга қайтиб бориш, қайтиб боргач эса бир гап бўлар, дея тийиқсиз ўйларимга хотима ясайман.

Ортимиздан келаётган БМП устида ўтирган, кўзбўяма халат кийган биров мен томонга қараб қўл кўтарди. Атрофга аланглаб ўзимдан бошқа ҳеч кимни кўрмадим. Оператор-наводчик башня устида орқасини ўгириб ўтирарди. Демак менга экан. Ким бўлди экан. Яхшироқ қараб, спецназ Игорни таниб қолдим. У бошқача. Назарнинг зулмларидан қутулиб, озод қушдай яйраб қолибди. Механик ёнбошида, тўп остида қалта автоматини чангаллаб салобат билан ўтирибди. Механик ўрси йигит. Юртдоши шекилли. Устаси фаранг экан. Хизматига бир йил ҳам бўлмапти-ю, ўзини «қариялар»дек тутуди. Карвон тўсгани чиққанимизнинг эртасига Жалолободдан қайтаётган спецназлар батальони келди. Саня исмли Багромда бирга бўлган эски танишимиз ҳам бор экан. Уни ўзимизча меҳмон қилган бўлдик. Эшик рўпарасидан тасодифан ўтиб қолган Игорни кўриб қолган Саня: «Эй духан!» дея бақирди. Игорнинг кўзлари аланг-жаланг бўлиб чопиб келди-да, сийгиси келган боладек типирчилаб Саня қаршисида йиғламсираб турди. Одам боласи ўзи каби банданинг қаршисида бу қадар титраб-қақшабини кўриб қотиб қолдик.

— Заложник! Чума! Козёл! — дея Саня ҳақоратлар ёғдирганича устига бостириб борди-да, чаккасига бир урди. У довдираб кетдию ўзини тутиб қолди.

— Нима, у духми? — ҳайратдан очилган оғзини юмиб сўради Назар. — Бизга дедман деганди?!

Ташқарида зобитлар кўринди. Саня «Йўқол!» деганди, бўридан қочган бузоқдай шатароқ отганича кетди. У бир дембелни урди, деб сотганини, оқибатда дембел вақтида кетолмай кейинги рейдда ярадор бўлганини айтиб берди. Шушу бўлди, кечаги иши ўлганнинг устига тепган бўлди, Назар унга кун бермай қўйди. Мен касал ётганим учун эътибор бермадим. Мана энди яна ўзига келиб қолибди. Катталиқ қилиб ўзини кўрсатиш учун менга қўлини кўтараяптими, деб ўйладим. Йўқ, самимийга ўхшайди. Еттинчи ротадагилар аксар ўзбеклар. Эҳтимол, мен билан апоқ-чапоқлигини шуларга кўрсатиб қўймоқчиدير. Билмадим. Нима бўлгандаям у ҳам одам боласи-ку. Йиғлаб кутаётган ота-онаси бордир. У ҳам бир бечора-да. Ўз хоҳиши билан келибдими бу юртларга. Аслида унинг қилмиши менинг гуноҳим олдида нима бўлибди... У жонсиз танани ёқиб юборди холос. Тайёр ўтинга олов ташлади. Яшнаб, барқ уриб турган дарахтни мен кесдим-ку! Бошқаларни айблашга, ўзгалардан нафратланишга менинг нима ҳаққим бор? Термизда қанча-қанча соғлом йигитлар ўзларини касалга солиб, яна бир хиллари овсар, тентагона қилиқлар қилиб сақланиб қолди. Кимларнингдир манфаатлари учун урушиб, жиноятчи-қотилга айлангандан кўра шундай йўллар билан бўлса ҳам ўзимни сақлаб қолишим мумкин эди-ку. Нега мен кушхонага югуриб кириб кетаётган қўйдек бу юртларга келавердим.

Довондаги муолишда орқадаги машина номерига кўзим тушди — «763». Кўнглим бир ғалати бўлиб кетди. Игорга жавобан амаллаб қўл кўтарган бўлдим

десантга кириб ётдим. Яна кўнглим алағда бўла бошлади. Бир пайт гумбирлаган портлаш тоғларни тутиб кетди. Автомат, пулемётлар тариллаб қолди. Мен қуролимга ёпишдим. Кетма-кет портлашлар ҳаммаёқни ларзага солиб юборди. Машина қаттиқ силкинганда оператор-наводчик томонга тикилиб қолдим. Бошим темирга тегди. «Урди! Бизникини ҳам урди! Тамом!» деб ўйладим. Юрагимдан ичимга бир нима оқиб тушгандай бўлди. Энди амаллаб десантдан чиқиб олиш керак. Ҳозир портлайди, ҳозир портлайди. Ичимдан келаётган нидога қулоқ тутиб ташқарига чиқмоқчи бўлдим. Мажол йўқ. Нима бўлди менга?! Механик операторлар машинани ташлаб қочди. Амаллаб десант чеккасига осилиб турдиму тошқин селдай тоғдан ёпирилиб тушиб келаётган душманларга кўзим тушди. Бизнинг машина занжири узилиб, четга сурилиб кетган, катта бир тошга бориб тақалиб қолган экан. Орқадаги машина шикастсиз тўхтаб қолибди. Механик қўрқиб кетганидан жонхолатда тормозни босган. Машина ўчиб қолган. Игор машина устида йўқ. У қаттиқ тормоз босилганда олдинга думалаб кетибди. Асфальтда ётибди. Шикастланганга ўхшайди. Бир пайт машина ўт олди-да, ярадор ётган Игорни босиб, шитоб билан олдинга интилди. Игорнинг жон чиқарадиги бақирғини эшитдим. «763»-машина йўлдан ўтиб кетиши учун бизнинг машина қиялаб йўлни тўсиб турган эди. Кетидан суриб ташлаб кетмоқчи бўлди. Шу пайт бўйлари узун-узун учта мужоҳид яқинлаб келди-да, катта тош панасида туриб, биттаси гранатамётни мен томонга тўғрилади. Автоматимни чиқариб отмоқчи бўлдим. Шошилганимдан илгак ҳадеганда тушмайди. На қиларимни билмай қолдим. Менинг машинаман нишонда турар, отишга улгураманми-йўқми, худо билади. Ажал аждрҳоси ютиш учун оғзини очиб турган пайтда «763»-машина мен ўтирган машинани туртиб юбориб нишонга туриб қолди. Мен дарё томон инаётган БМПда ўзимни тутиб қолиш учун десант чеккасидаги темирга ёпишдим. Гумбирлаган портлаш баробарида ўзимни десант ичига ташладим. Бошим тошдай қаттиқ темирларга урилди. Машина яна нимагадир тегиб тўхтаб қолди. Бошим зилдек оғир бўлиб кетган, қулоқларим шанғиллар эди. Кўнглим ҳам айнирдим. Игорни қорнидан босиб ўтган занжирли машина филдираклари кўз олдимдан кетмас, унинг жон талвасасидаги кичқириги хотирам қабатларига сингиб-сингиб борарди. Мен уруш машинаси ичида қарахт ётардим. Қанча замон ўтганини билмайман. Бир вақт десант эшигини кимдир тепиб очмоқчига ўхшади. Қуролимга ёпишдим. Атрофимга қарадим. Командир ўриндиғи орқали оператор жойига ўтиб олишни ўйладим. Ётган кўйим ичкарига судрала бошладим. Десант қопғонини паналаб биров автомат ўқталиб турганини кўриб, қотиб қолдим. Эшик очилди. Қоп-қора соқоллик, афғонча қалпоқ, оқ кўйлаги устидан нимча кийган, бўйи узун бир йигит учи синиқ АКМ автоматини менга қаратиб:

— Инжа биё, инжа биё! — деди.

Мен судрала-судрала орқадан тушдим. Шунда у нима учундир, эҳтимол ўқланган, ўқланмаганлигини билмоқчимиди ёки мени кўрқитмоқчи эдимми, лўкидонни шарақлатиб тортди. Мен кўзларимни юмиб, бўлди, энди кетдим, деб ўйладим. Ўзим отиб ташлаган мужоҳид ёдимга тушди. Унинг сўнгги нигоҳи, охириги сўзлари... «Ла илаҳа иллаллоҳ!» деб юбордим. Қурол тираб турган йигит бир лаҳза таажжубдан қотиб қолди, кейин юзида ним табассум пайдо бўлди. Машина тепасидан тушаётган шериги, нима гаплигини сўради. Йигитнинг эса, калима, калима деган сўзларидан уқдимки, калима келтиряпти, мусулмон экан, деди чамамда. Ёнимни титиб, ўша ўзим қотили бўлган кишининг Қуръонини топиб олди.

— Ўзбекмисиз? — сўради иккинчиси тожикча лаҳжада.

Ўзимдан шундоқ ўзбеклигим кўриниб туради шекилли. Мендан энди ўлим хавфи ариганда яна касалим хуружи бошланди. Бехол ўтириб қолдим. Жавоб беришга мажолим йўқ. Ҳа, деган маънода ишора этдим. Улар яна, «қоримисиз, мулламисиз?» саби саволлар беришди. Мен индамадим. Улар нега йўйди, билмадим. «Мана шу Қуръон ҳурматидан сизни озод қилдик... Юринг биз билан», деди биринчиси. «Ман бемор аст, қувват нест», дедим чала-чулла тожикчалаб. Улар қўрқув аралаш ҳайратдан бақрайиб қолган кўзимга қараб ғолибона кулишди, кейин мени унутгандек жўнаб қолишди. Ўлжага тушган қуролларни ортоқлаган мужоҳидлар тепага шошилиб кўтарилиб боришар, мен бўлсам улар ортидан мажолсиз қараб ўтирардим. Ёнгинамдан оқаётган дарёнинг майин шабадаси тотли сувлар ҳидини олиб юзларимга сепар, ўпкам тўлиб, ўз аҳволимдан йиглар, кўнглимда шу сўзларни такрорлар эдим: «Эй, Оллоҳим, сенинг борлигинга имон келтирдим!»



Зикрилла Неъмат

*ЮРАГИМ БИР ШИРИН
УМИДДАН ЭРИБ...*

Бедорлик



Ўйлар юрагимни
ўйиб оладир,
Кўксимни тўлдирар
жўшқин садолар.
Кўзларим олдидан
ўтар бирма-бир,
Инсонлар, имконлар,
бахтлар, хатолар.

Менга юқа бошлар
дунё дардлари,
Севинчи, ўкинчи,
армонлари ҳам.
Давр шамолларин
ғубор-гардлари
Бедор кипригимга
ёпишар маҳкам.

Мен энди кўзимни
юма олмайман,
Киприк қоқолмасман
ҳатто ботиниб,
Сўзларим кўксимга
кўма олмайман,
Улар юрагимдан
чиқар отилиб.

Шундай соф сўзларни
кўзга суртаман,
Шулардан тизаман
шеърларим сатрин.
Чунки мен қўрқаман,
жуда қўрқаман,
Ранжитиб қўйишдан
Шеърият қалбин.

ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ

Ойдаги сурат

Гўдак эдим, ҳали ақлим етмасди,
Бировдан сўрашга этмасдим журъат.
Ўша пайтларданоқ тинчлик бермасди,
Менга ой кўксидан термулган сурат.

Бошимда ҳилолдек эгилиб онам
Аллалар айтган пайт сочларим силаб,
Содда хаёлимча гўё ойда ҳам
Бир аёл яшарди аллалар куйлаб.

Бувимдан қадимий эртақлар тинглаб,
Ул ажиб суратга боқардим сархуш.
Тавсифлар топардим мен унга минглаб,
Гоҳ Широқ дер эдим, гоҳо Сиёвуш.

Сўнгра у тойчоққа айланди бир кун,
Хивич тойчоқ миниб юрган чоғларим.
Олтин ёлларига бўлганча мафтун,
Олис сафарларга ўзни чоғлардим.

Лек, олис сафармас, яқин мактабга
Бориб-келиб турдик кейинчалик биз.
Ойдаги суратни «улкан тоғлар» деб,
Тушунтирди бизга муаллимамиз.

Аммо бу таърифга ишонмадим, мен,
Кучиб яшайвердим ойдин тунларни.
Бир кун — нақ етти ёшимдамикин
Бедор ўқиб чикдим «Ўтган кунлар»ни.

Шу кун Отабекка айланиб қолдим,
Кумушга айланди ойдаги сурат.
Унга посбонликка шайланиб қолдим,
Зайнаблар макридан чўчиб, хавфсираб.

Ва бу гал ҳижрон ўз бошига етди,
Енголмай мендаги сабру чидамни.
Ниҳоят, ойдайин васлига етдим,
Узоқ соғинтирган Кумушгинамнинг...

То ҳануз бир ажиб сурат кўраман,
Ойнинг ойдин, ёруғ даричасида.
Унга термулганча ўйлар сураман,
Ой ўшар Орзулар харитасига.

Энди мен юсак руҳ ва ишонч билан,
Шундай бир тавсифга этурман журъат:
Мурғак чақалогин эмизиб турган —
Аёл суратидир — ойдаги сурат.

Саккизликлар

Кўз ёшин оқизар ғамдийда осмон,
Тирналиб чақмоқнинг ўт панжасидан.
Мен ҳам эзилгайман ҳижронда нолон,
Қалб титраб айрилиқ исканжасида.

Менга ҳам, булутмас, ой керак, ахир,
Менга сен кераксан севгилим бу чоғ...
О, кошки билсайдинг, қанчалар оғир —
Ёмғирли кўз билан ёмғирга боқмоқ.

* * *

Сенинг қалбинг само каби кенг,
Орзуларинг — ойдин ой қадар.
Меҳринг гўё бир кувёшга тенг,
Туйғуларинг — бир дунё қадар.

Бутун борлиқ, бу чексиз хилқат,
Юрагингдан топмишдир макон,
Шунчалар кенг қалбингга фақат,
Сигдирмассан сен мени ҳамон.

Кўнглини узмаган бўлса...

Дунё дунё бўлиб нени кўрибдир,
Менинг ошиқлигим сезмаган бўлса.
Дарё дарё бўлиб нени кўрибдир,
Оламни менчалик кезмаган бўлса.

Тўйиб-тўйиб боқай ёрим юзига,
Қулоқ тутай шаҳди шакар сўзига,
Ширин жоним қурбон қилай ўзига,
Аҳду паймониани бузмаган бўлса.

Бу ишқ мани не куйларга солғондир,
Нигоҳларим ёр йўлида қолғондир,
Булбулнинг ҳам булбуллиги ёлғондир,
Бағрини менчалик эзмаган бўлса.

Хижрон ўти сўндирилмас гулимни,
Севгим бирла енгум ҳатто ўлимни,
Мен дунёдан узмагайман кўнглимни,
Ёр мандан кўнглини узмаган бўлса.

Киприк

Само гўё кўзимизнинг оқидир,
Замин эса яшнаб турган қорачиқ.
Кўзлар умри нур туфайли боқийдир,
Тиниқликдир уларга хўб ярашиқ.

Аммо мудом изғиб юрар қабоҳат,
Соф кўзларнинг тиниқлигин қасдида.
Шу боисдан, инсон унга ҳаммавақт
Киприк бўла олмоғи шарт, аслида.

Иккимизнинг ёниқ ишқимиз

Майсалар — оламнинг майин сочлари,
Силагум уларни ардоқлаб, суйиб.
Зора қаердадир сенинг сочларинг
Кўлларим тафтини олсалар туюб.

Юлдузлар — соғинчда ёнган кўзларим,
Йўлингга бир умр илҳақдир, билсанг.
Самога тушганда ногоҳ кўзларинг
Зора бу соғинччи ҳис эта билсанг.

Гуллар — бу оламнинг нафис лаблари,
Улардан энтикиб олгум бўсалар.
Зора қаердадир асал лабларинг
Шу бўса лаззатин тота билсалар...

Дунё — иккимизнинг ёниқ ишқимиз,
Тугалдир у бизнинг қайноқ ҳислардан.
Бир тан, бир жон бўлиб зора иккимиз
Асрай олсак уни ёмон кўзлардан.

Тун кўшиғи

Ойдин кеча, сеҳрли бир тун,
Само узра ой сочар зиё.
Юлдузларнинг ширин алласин
Тинглаб ором олмоқда дунё.

О, нақадар гўзал бу оқшом,
Ер-сулув ёр, осмондир — ошиқ.
Дийдорлашар икковлон бу дам,
Яралмоқда нурли бир кўшиқ.

Қилт этмасдан тинглар бу куйни,
Дов-дарахтлар ботиб сукутга.
Маржон тўла хур осмон қўйни,
Олам гўё чайилган сутга.

Шундай сокин, илоҳий дамни,
Дил-дилимдан англадим бу тун.
Мен унутиб бутун оламни,
Тун кўшиғин тингладим бу тун.

Куёшнинг икки лаҳзаси

Субҳидам. Эсгувчи саболар майин,
Шафақ узра нурлар битар зар лавҳа.
Офтоб юз кўрсатар аста жилмайиб,
Бир кунлик умрга бўлиб сарлавҳа.

Номозшом. Гулларнинг қалбида ларза,
Нурлар сўна бошлар сокин уфқда.
Куёш, куёш эмас гўё бу лаҳза —
Бир кунлик умрга кўйилган нуқта.

Умид

Булутлар ортидан ой чиқар сузиб,
Сутга чайилгандек оппоқ бу кеча.
Ҳажрингда қалбимнинг оромин бузиб,
Кўз юммай чиқурман токи тонггача.

Қорамтир булутлар телбалик билан,
Ойни тўсмоқ учун бенаф уринар.
Улар иккимизни ҳижронда ёққан —
Шубҳа ва ғамларга ўхшаб кўринар.

Юрагим бир ширин умиддан эриб,
Севинчдан дарёдай қалқир ногаҳон.
Бир кун булутларни доғда қолдириб,
Кўксимда ой каби балқилишига аён.



Маҳмуд Йўлдош

*OSMONDA
YHITLIK OXU*

* * *

Осмон-ернинг мовий этаги,
Этақдаги дондир юлдузлар.
Болаликнинг мовий эртаги —
Юрагимга сингиган излар.

Юлдузларнинг онаси ойдир,
Зухро юлдуз катта опаси.
Сомон йўли шошқалоқ сойдир,
Булутлардан кўкнинг кўрпаси.

Ҳаммасининг акаси Миррих,
Қон ялаган лаблари қизил.

Юрагимга санчилган бу тиг —
Болалигим доғлади изчил.

Йўқ, осмонни унутмадим ҳеч,
Умидларим юлдуздай ёнди.
Эллик ёш ҳам дейишмади кеч,
Эллик ёшда бахтим уйғонди.

Мана энди мовий осмонда,
Чарақлайди ёрқин бир юлдуз.
Зиё сочиб Ўзбекистонда,
Хурлик кезар кеча ва кундуз.

* * *

Вафо мени ўлдирмади,
Мен вафони ўлдирдим.
Жафо мени ўлдирмади,
Сен жафони ўлдирдинг.

Гул кўтардим сахарларда,
Сен сахарни уйғотдинг.
Рашк аталмиш заҳарларда,
Мен заҳарни уйғотдим.

Вафоси бор севгиларим
Рўзғорида зил кетди.
Жафоси бор севгиларинг
Вафони олиб ўтди.

Сен — вафонинг гадосисан,
Мен — жафонинг гадоси.
Изларингни тавоф қилсам
Ўртар диллар нидоси.

Сенинг дилинг жафолардан
Сўйлайди ёниб-ёниб.
Менинг дилим нидолардан
Сипқорар қониб-қониб.

Мен вафони ўлдирмадим,
Вафо мени ўлдирди.
Вафо пойига уй курдинг,
Вафо мени ўлдирди.

* * *

Сизга бир хат ёзай дедим, бугун, гул,
Сизни согингандан қалам чархладим.
Хаёл оғушига шўнғидим буткул,
Орзу шаробидан тўйиб ҳўпладим.

Бирдан хаёлларим топдилар барҳам,
Оқ қоғоз топ-тоза, ёзилмаган хат.
Беҳол ётар эди синиқ бир қалам,
Мен кириб бормаган рўё мамлакат.

Гулбарг у лаблардан бўсалар уздим,
Антика ифорлар етди димоққа.
Мен лаззат сеҳрида осмонда суздим,
Бахтли ҳайқириқлар отдим ҳар ёққа.

Мен сизни соғиндим, эй баҳорий гул,
Адирларга отдим ўзимни тезоб.
Соғинч қилди мени сайроқи булбул,
Ҳижрон заҳри менга энг ширин азоб.

* * *

Ёз ҳам ўтиб, совуқ тушди,
Нетай, мен сизни соғиндим?!
Совуқдан этлар уюшди,
Нетай, мен сизни соғиндим?!

Оромим йўқ тунларда ҳам,
Бу фироққа беринг барҳам.
Мени босиб келар қайғу —
Нетай, мен сизни соғиндим?!

Сайрибоғ қилмоқ умидим,
Саҳар пайти сойга келдим.
Сизни топмай хитобим шу —
Нетай, мен сизни соғиндим?!

Ирмоқ бўлди кўзим ёши,
Туғаб борар дил бардоши.
Дилимдаги интиқ оху —
Нетай, мен сизни соғиндим?!

Кудратингни кўрсат баҳор,
Йиллар бўйи йиғладим зор.
Олов олсин ушбу туйғу —
Нетай, мен сизни соғиндим?!

АДАБИЁТ АБАДИЙ

70 йил (1932) бурун ажойиб шоир ва драматург Собир Абдулланнинг «Кўклам нашъаси» шеърлар тўплами босилган.

* * *

Истеъдодли шоир, драматург, олим Мақсуд Шайхзоданинг 70 йил (1932) муқаддам «Ўн шеър» тўплами нашр этилган эди. 1942 йилда эса унинг «Жанг ва кўшиқ» шеърлар тўплами чиққан.

* * *

Маҳоратли таржимон, адабий ҳаётда катта воқеа бўлган «Фарғона тонг отгунча» романини яратган забардаст ёзувчи Мирзакалон Исмоилий 60 йил (1942) бурун аскар бўлиб, уруш майдонларига кирган эди.

* * *

Шу даврда (1942) Комил Яшин «Ўлим босқинчиларга» драмасини ёзган.

* * *

Файласуф шоир, носир, драматург ва таржимон Асқад Мухторнинг 40 йил (1962) муқаддам «Дунё болалари» деган ҳикоялар китоби чиққан эди.

* * *

Шу даврда (1962) адиб ва арбоб Сарвар Азимовнинг «Оппоқ тонг кўшиғи» драмаси яратилган.

* * *

Ҳажвчи адиб бўлмаса ҳамки ижоди енгил кулги, табассум билан йўғрилган ёзувчи ва таржимон Турғун Пўлатнинг 30 йил (1972) бурун «Хотинбоз» деган асари эълон қилинган.





Абдуқайом Йўлдош

ойгонлар

Қисса

I

...Шаҳарнинг гарбий қисмини эгаллаб ётган Н. туманида жойлашган бу туққиз қаватли бетон уй ён-атрофида ўзига ухшаб қўқайган уйлardan асло фарқ қилмасди: уша-уша, эшиги қўпориб олиб кетилгани боис баайни тиши қоқиб олинган оғзини очиб тургандай ваҳимали кўринадиган кириш жойи; бир умр чироққа ёлчимайдиган йўлаклар; ис босган шип; гадир-будури чиқиб кетган деворларда маза-матрасиз ёзувлару беўхшов расмлар. Уйнинг маиший муаммолари-да биқин-биқинига тегиб турадиган «дом»лар билан бир хил эди: қишда иссиқ сув етишмайди, ёзда эса совуқ сув тақчиллигига пашша-чивин балоси қўшилади.

Бир подъездли, ҳар қаватда иккитадан, жами ўн саккизта хонадоннинг ойнали-ойнасиз айвонлари бир тарафга қабариб чиқиб тургани учунми, бир қаралганда кўп уяли почта яшигини, яна бир қараганда эса — хаёл кишини қаёқларга олиб қочмайди — сочларини галати йўсинда қаватма-қават турмак-лаб чиққан, бақрайиб турган аёлни ҳам эслатадиган мазкур уй саксонинчи йилларнинг охирида, ҳали «бозор иқтисоди» деган тушунча урф бўлмаётган туриб бу манзилдан ўн саккиз чақирим наридаги завод ишчилари учун «МЖК», яъни «Ёшлар уй-жой мажмуи» тамғаси остида шоша-пиша қурилган ва худди шундай ошиғич суръатда ётоқхонада сиқилиб яшаётган асосан серфарзанд оилалар кучириб келинганди.

Ижтимоий адолат қандоқ ўрнатилаётганини шахсан кўрмоқ қасдида ўзларига ажратилган иккинчи қаватга бор-йўғи биттадан жомадонлари билан кўчиб келган райкомнинг икки оқсоч ходими бир ой ўтар-ўтмас хонадонларини марказга алмаштириб кетишни уddалашди-ю, шу билан кўпларни ўзига оҳанрабодек тортиб турган «мажмуа» (у пайтларда «комплекс» дейишарди) атамаси сирлилик қобигини ечиб ўтирмасданоқ бир йўла жон бериб қўя қолди. Илло, ён-атрофдаги тақир майдон, тўғрироғи, вақтида роса кўз-кўзлан-

АСРЛАР, АСАРЛАР

¹ Журнал варианты

ган бош лойиҳага кўра мазкур уй билан биргаликда ишга тушиши лозим бўлган стадион, болалар майдончаси, ҳовуз, бозорча, икки қаватли маиший хизмат уйи ўрнига янги-янги беш ва тўққиз қаватли бетон уйлар ёмғирдан кейинги кўзиқоринлардай бодраб чиқа бошладилар. Мавзеда бунёд этилган илк «дом» аҳлининг аксарият аёллари бу қурилишларга қаҳр-ғазаб билан қарашар, бамисоли кимдир келиб уларнинг томорқасини пайхон қилаётгандай «Бозоримизни расво қилишди!», «Ҳовузимизни ўлдиришди!» қабилидаги дод-войлар билан норозиликларини изҳор этишар, аммо, қўлларидан ҳеч нарса келмаслигини англагач эса, алам-изтиробдан баттар бўғилишиб, қаргишу мушт дўлайтиришларга зўр берардилар.

Бунинг устига денг худди атай қилингандай, кейинги барча уйлар кашшоф уйга нисбатан орқа тарафи билан қурилдик, сал зеҳн солиб қарасангиз, уларнинг бариси араз қилиб, тескари ўтирилиб тургандай эди гўё. Натижада биринчи бўлиб қурилса-да, кимнингдир каромати билан «13» рақамини олган уй ўртада яккамоховдай сўппайиб қолаверди. Уй аёллари эса, бамисоли бутун оламга қасд қилишгандай, ўзларига тескари қурилган жамики янги уйлар аҳлидан бир йўла юз ўтириб кўя қолишди ва ҳаттоки учрашиб қолган маҳаллари ҳам ушшайиб, уларга тунг муомала қиладиган бўлишди.

Бу орада кўп сувлар оқиб ўтди, жамиятда ҳўб эврилишлар содир бўлди. Айниқса хонадонлар хусусийлаштирилгач, 13-уйда истиқомат қилувчи оилаларнинг ярмидан кўпроги — бири алмаштириб, бошқаси сотиб — янги маконларга кўчиб кетдилар. Ажабки, янги келганларнинг аёллари-да уйнинг эски соҳибалари билан унчалик ошқатик бўлиб кетолмадилар. У қадар равшан бўлмаган фикрини русча сўзлар воситасида баттар бузиб ифодалайдиган маҳалла оқсоқоли бир сафар қовун тушириб қўйиб бўлса ҳамки айтганидек: «Старухалар молодаялардан без слов подчинение талаб қилиб туриб олдилар...»

Ниҳоят подьезднинг йўқ эшиги ёнидаги қақроқ заминда ночоргина усган гилос дарахти тагидаги уриндикда деярли ҳар кун, саратон демай, қаҳратон демай ўтирадиган эски таркибдаги бекорчи аёлларни санашга қўллардаги бармоқлар бемалол етадиган бўлиб қолди.

Минг қўшчига бир бошчи, бир қўшчига ҳам. Ҳар катта-кичик гуруҳнинг ўз даврабошиси мавжуд: уни биров расман сайламайди, биров танламайди, шундай, ўз-ўзидан, табиий равишда пайдо бўлади. Биринчи қаватда яшовчи, новчагина, ориққина эса-да, мудом қопдай кенг бурма кўйлак кийиб, қуруқ ва оқ аралашган сочларини орқага силлиқ тараганча доғ босган пешонасини кўз-кўзлаб юрадиган, қорача, серажин юзига умуман упа-элик яқинлаштирмаслиги боисми ёшига нисбатан катта ва қаҳрли кўринадиган Осиё опа аллақачон бу мавқени эғаллаб олганди. Аввалига номига тил келишмайдиган аллақандай ташкилотда бир кун қоровулик қилиб, уч кун дам олиб юрган опа яқин беш-олти йилдан бери штат қисқариши боис умрини кўчада ўтказишга кўникиб қолган эди. Тўғри, аввалига опа бир ёмон олишди-ей: ўзиям ёзмаган жойи қолмади, ҳатто санэпидстанция деган ташкилот ҳам бу тарздаги марҳаматдан қуруқ қолмади. Аммо ўша номига тил келишмайдиган ташкилотдагилар ҳам анойи эмас экан чоғи, ён бермай туриб олишди. Натижада деярли икки йил давом этган даҳанаки жанг мажбурий мураса билан яқунланди — опа ногиронлик нафақасига чиқди. Шунга қарамай, аламзадалиги бутунлай тарқаманган шекилли, сал нарсага тутақиб кетаверадиган, жиззаки, арзимаган шовқин кўтарган болаларниям калтак кўтарганча уйни айлантриб қувиб қолишдан тоймайдиган, ўхшатиб қарганишда унчамунча ҳарифини бир чўқишда қочирадиган, маҳалла йиғинларида косовдай қўлини юқори кўтарган ҳолда кўзларини чақчайтирганча қандайдир сира узилмас ҳаққини талаб қилиб туравериши боис ўша тили бесуяк оқсоқол Ибодулла ака томонидан «полиз қўриқчиси» лақабини олган Осиё опа айни пайтда бир сўм устида ўлиб қоладиган зикна аёллар тоифасидан эди. Опа бутунга келиб анча рамақижон аҳволга тушиб қолган ўша заводда чилангарлик қилаётган эрини қарғаб чарчамас, уни — бошқалардек бизнесменлик қилиб жарақ-жарак пул топмаётгани учун бушангдан олиб лапашанга солар, эр бечора тонг саҳарда кетганча тун қоронгусида қайтиб, ишлаб топган маоши миқдорини бениҳоя пасайтириб айтавериб энг аввало ўзининг хўрлигини келтириб олар, сўнг ўпкаси тўлган аҳволда ойдан-ойга коммунал хизмат ҳақини ошириб бораётган ноинсоф ЖЭК ходимлари юзига аёвсиз лой чаплашга утар, ниҳоят, уларнинг гўрига гишт қалаб бўлгандан кейин бозордаги олиб-сотарларнию жамоат транспортда пул олиб, чипта бермайдиган ўғри коңдукторларниям шафқатсиз

фош қилишга, яъни уларнинг кунлик афсонавий тушумини ҳисоблашга киришарди. Табиийки, бундай арз-доллар қўни-қўшнилари ачиниш аралаш хўрсинишларию мушарфа давработининг кўнглини кўтаришга бўлган ожизона уринишлар билан якун топардики, чин гап, Осиё опанинг ўзи бундай ҳамдардликка шу қадар кўникиб қолган эдики, бир кун дугоналарига кўнглини бўшатиб олмаса, бас, ўша кўниёқ касал бўларди-қоларди.

Ҳаёт шу тарзда зерикарли ва жонга тегадиган даражада бир тусда давом этмоқда эди. Ҳатто янги келган қўшнилари ҳам бу даврани нари борса бир ёки икки кун салпал қизиқтирган бўлар, аммо асосий маълумотлар олингач, яъниким, кимнинг қайда ишлашию даромади нимадан эканлигини чақмоқ тезлигида фош этилган заҳоти қизиги қолмас, бамисоли шарбати сўриб олингач, пусти туфлаб ташлангандай энди уларга биров қайрилиб қарамас, бунинг устига кейинчалик келган қўшнилари даврага қўшмасликдек бирон жойда ёзилмаган ва ҳаттоки тилга олинмаган, бироқ давра қатъий амал қиладиган маҳфий ўзаро келишув, битим бордек эди.

Яна бир ҳолатни алоҳида қайд этиш керак. Яъниким Осиё опа бошчилигидаги давранинг икки йилдан буён биринчи қаватнинг сўл тарафидаги икки хоналик уйда ким яшашини билишга бўлган қизиқишлари оловига сира сув сепилмаётганлиги. Кўринишидан оддийгина уй, панжаралариям, дераза пардалариям жойида. Миш-мишларга қараганда эгаси Россияга вақтинчалик ишлашга кетган. Аммо уйда кимдир яшаётгани аниқ эди: гоҳ-гоҳ эшик гийқиллаб очилиб-ёпилади, аммо Осиё опа туртинчи қаватдан ҳаллослаб тушгунича ҳаммаёқ яна сув қўйгандек жимжит бўлиб қолади. Баъзан кечалари уйда чироқ ёнаётганини қалин дарпардалар орқасидан ҳам илгаш мумкин. Аммо эшик қўнгиригини ҳар қанча босишмасин, ичкаридан на биров чиқади, на овоз беради. Маҳалла оқсоқолига қариндошлик даъво қилиб юрган Шарофат хола (нимагадир майиздай қоп-қора ва чигирткадай ориқ бу аёлни «Шура хола» деб аташар эди) ЖЭКка бориб ҳужжатларни титкилади — ҳаммаси жойида, уч киши: эр-хотин ва уларнинг бир фарзанди қайддан ўтган, уй пуллари вақтида тулаб қўйилади. Шура хола уй эгалари Россиядан бир ҳафтага таътилга келишган маҳал ижикилаб сўраб-суриштиришга уринди, лекин ҳаммиша қайгадир шошиб турадиган эркак ва аёл (хола уларни эрхотинга сира ухшамайди, деди, ўзларини тутишларими-ей, гаплашишларими-ей, ишқилиб, нимасидир кишида шубҳа уйготаркан) гап нимадалигини тушунишмадими ёинки бошқа сабабданми, ишқилиб «Кейин... кейин...» деган навбатчи жавоб билан қутулишди. Бу муносабатдан баттар қизиқишлари ортган аёллар қулоқларини динг қилиб эшикка тутишди, деразаларни пойлашди, бироқ ҳафталаб, ўн кунлаб қилинган саяёҳаракатлар барибир ўз самарасини бермади — бирон нимани аниқлашнинг иложини бўлмади. Аёлларнинг қизиқишини баттар оширгани шу бўлдики, кўннинг исталган маҳалда бу сирли уй айвони ортидаги бир жуфт олча дарахтига яқинлашсангиз бас, ичкаридан андаккина таҳдид аралаш «Бу бизники!» деган пўписа эшитиларди. Эҳ-ҳе, аёллар буни неча марталаб синаб кўришмади дейсиз, натижа эса бир хил чиқаверди. Ҳатто бола-бақра яқинлашса ҳам, ичкаридаги ҳушёр қоровул хусусий мулкани ҳавас қиларли даражада собитлик билан ҳимоя қилаверарди. Овоз, афтидан, ёши ўтинқирган аёлга, эҳтимолки нафақадаги кампиршога тегишли эди. Лекин овоз эгасининг юзини кўришга бўлган барча уринишлар бесамара кетаверди. Ҳатто қизиқувчан давра бир неча бири-бирдан ваҳимали тахминларни ўртага ташлаб ҳам кўрди. Айтайлик, бу уйда қамоқдан қочган жинойатчи яшириниб ётибди, деган мулоҳаза кўпроқ ва ишончлироқ жаранглади. Лекин бу мулоҳаза ортидан тутилган гумонлар аёлларни саросимага солиб қўйди: ростдан ҳам жинойатчи экан, арзимаган икки туп олчани деб ўзини фош этиб ўтириши ақлга сиғадими ахир? Кейинги ҳақиқатга яқинроқ деб дудмол қилинган тахмин, яъни уйда телба кампирнинг истиқомат қилиши ҳам ўз исботини топмади: телба кампир нима еб, нима ичиб, ўзига нима овқат тайёрлай оладики, шу-унча вақтдан бери очликдан тиришиб ўлиб қолмагандан кейин...

Хуллас, бу дунёда барча сир-синоатларнинг ҳам ечими бўлавермас экан шекилли, Осиё опа раҳнамолигидаги аёллар гуруҳи шундоқ елкалари тегиб турадиган уйда ким истиқомат қилиши мумкинлиги хусусидаги оддийгина саволга жавоб тополмай роса қийналишди. Охир-оқибат ўз иложсизликларини тан олдилари келмасдан, бу муаммога қўл силтаб қўяқолишдики, бамисли ушбу ҳаракат билан улар мазкур жумбоқни бутунлай ёдларидан чиқариб юборганликларини, бу масаланинг уларга бир чақалик аҳамияти йўқлигини намойиш этмоқчи бўлишди. Аслида эса, ҳар бир аёл пайт пойламоқда эди, холос. Токи бир кун, ҳаммани доғда қолдириб, ҳаммадан биринчи бўлиб —

муҳими ҳам шу, ҳаммадан биринчи бўлиш! — шу сирнинг тагига етсаю, даврадошларининг ичлари куйиб кетганликларини, аламдан бурунларини тишлагудек ҳолда эканликларини ўз кўзи билан кўрса...

II

Кўп қаватли уй ўз номи билан «дом»-да: баъзан, йиллаб турсанг-да, ҳатто ён қўшнинг кимлигини билмай ўтиб кетишинг мумкин: салом-аликни-ку, айтмасаям бўлади. Шаҳарчилик, хизматчилик, эрта кетиб-кеч келинади, иш кўп, вақт кам — ишқилиб, бир олам баҳона ҳам тайёр.

Шундай деймиз-у, барибир истиснолар учраб туради-да. Биз тилга олаётган тўққиз қаватли уйнинг энг юқори қаватидаги икки хонали уйга кўчиб келган Нозимахон ҳам ана шундайлардан чиқиб қолди — очигига кўчсак, у ҳали хонадони остонасига қадам босмасдан турибқоқ шу уй аёллари билан танишишгайм, керак бўлса, ўзини танитиб қўйишгайм улгурди.

Чамаси ўтгиз ёшлардаги, сийминтан, анча-мунча ўринлари очиқроқ тор либослар-да дўмбоқ қоматини кўз-кўзлагандай саллона-саллона қадам ташлайдиган, боз устига андаккина ишваю ноз аралаш оҳангда тантиқланиброқ сўйлаётган маҳали хумор кўзларини суҳбатдошидан узмай туришию бехосдан елкаларини учуриб, ширин хомуза тортиб қўйишларими ёхуд упа-эликнинг ҳаддан ортиқроқлигими, ишқилиб, нимаси биландир айрим огзию телба хаёлотига кучи етмаган ожиза қўшнилар кўнглида сал дўдмолроқ гўмонлар уйғонишига-да йўл очиб берган Нозимахон янги замоннинг янги аёлларидан, яъниким, отчопарнинг бели бақувват соҳибаларидан эди.

Аҳли тижоратга хос бетгачопарлик, анча-мунча шарттакилик феъл-хўйига сингиб кетган Нозимахон, ушоққина эри бор-йўги битта «РАФ»га жо бўлган арзимас қақир-қуқурларнио тугунчакларни тушира бошлаган маҳалдаёқ, подбезд эшиги ёнидаги ўриндиқда турнақатор тизилган аёллар ёнига шартта борасола: «Салом! Мен Нозийман! Ипподромда ишлайман! Оптовий-да!» дея қўл чўзиб туриши биланоқ назарга тушди-қолди. Ушбу танишув асносида кечган мухтасаргина мулоқот чоғи қўшнилар жувонни янги уй билан қўтлашди, Нозимахон эса — худди шундай бўлиши керакдай — табрикларни бемалол қабул қилди. Ҳолбуки, аёллар анойи эмас эдилар, ер тагида илон қачон қимирлашини олдиндан илғаб олардилар. Бу сафар ҳам улар «юқори»-да номигагина яшовчи, қўни-қўшниларга асло рўйхушлик билдирмайдиган, ҳафта-ўн кунда албатта алмисоқдан қолган алақандай эскипачоқ машинада пайдо бўлиб қолиб, салом-аликсиз ва албатта бақувват бирон ҳайдовчи ҳамроҳлигида уйига шўнгийдиган, шундан кейин тонг қоронгусида ҳафта-ўн кундан сўнг навбатдаги машинада навбатдаги қорувли ҳайдовчи билан пайдо бўлиш учуноқ яна кўринмай қоладиган қарикиз Фаня уйини ижарага қўймоқчи эканлигидан воқиф эдилар. Бир йил ювилмагандай лой-мой босган, бармоқ теккизсанг тутдай тўкилиб кетадигандай таассурот қолдирадиган, даққиюнусдан қолган машина ичидан бало-қазодай бўлиб тушиб келиши биланоқ кўнглида алақандай ваҳима уйғотадиган индамас Фанянинг хонадонига қадам босмасдан буруноқ унга эгалик қила бошлаганидан гаши келган аёллардан бири шунча ўзини босишга уринса-да, ҳеч чидаб тура олмади ва охир-оқибат ачитиброқ айтдики: «Сизларни квартир деб эшитдик, юкларингизам...» Аммо бу маккорона зарба янги қўшнига чивин қаққанчалик таъсир қилмади — Нозимахон деганлари шартта гапни кесди-қўйди: «Тўтри, квартирантман. Аввал бир туриб кўрай дедим, ёқса сотиб оламан. Ёқмаса эртагаёқ кетаман-бораман. Шу-чун импорт мебелларимням обкемадим. Юрамани у ёқдан-бу ёқда ташиб. Гиламларимам қолди. Ойига эллик долларни қарсиллатиб оладиган бўлгандан кейин тўтрилаб қўйсин-да шароитни!...»

Мингта сиз-биздан битта жиз-биз афзал дейдилар.

Нозиманинг ушбу сўнги дастаги деярли ҳамма нарсани ҳал қилди-қўйди, аёлларнинг асосий қисми «у-ув»лаб юборишди, бадани қизиган бир-иккитаси эса чидай олмаганликларидан ҳатто уринларидан туриб кетишди...

Оғзи қийшиқ бўлса ҳам... Бу ерда эса сулувгина, дадилгина, гапи ўзига ярашган қиз турибди... Ўлжа исини сезгандай баъзи аёлларнинг бурун катаклари керилди. Улар дарҳол ўринларидан қўзгалдилар, янги қўшни билан қайтадан, жувоннинг елкасидан кўчиб кўришдилар, ҳол-аҳвол сўраш ҳам бу сафар куюқроқ бўлди. Нозимахонга мулозимат билан жой кўрсатганлар ҳам бўлди. Аёлларнинг бахтига Нозимахон очиққина экан, бир қоп ёнғоқдай шаддир-шулдир қилдию дарровда кўпчиликка эл бўлиб кетди.

Аёл зотининг қизиқишига чек борми?! Айниқса уйда, туғрироғи ҳовлида кун бўйи бекорчиликдан тарс ёрилай деб, бирон огизда сақич қиларли хабарни зориқиб кутиб ўтирган, таниш-билиш оилаларнинг ипидан игнасига қадар бўлган маълумотлар қайта-қайта чайналаверганидан меъдасига зигир ёгдай уриб турган аёл учун пичоққа илингулик янгиликнинг ўзи катта гап эмасми?..

Қисқаси, зерикиб ўтирган аёллар дарҳол Нозимахонга ташланишди. Аввало жувоннинг кийим-кечагидан тортиб пойабзалига қадар баҳоланди. Тан бериш керак, сал уер-буери очиқлигини ва сал ёшроқларга мўлжалланганини айтмаса, либослар анчагина асл ҳамда қиммат эканлиги куришиб турарди. Навбат тақинчоқларга ўтди. Бу борада ҳам янги қўшни пешқадамликка чиқиб олди: унинг «двойка»си, яъни тилла занжири ҳамда билагузути тўрт юз доллар туришини, буни анави тепага қайишиб-майишиб юк ташиётган Самад акаси, яъни эри туғилган кунига совға қилганини эшитган аёлларнинг дами ичига тушиб кетди, бир-иккитаси азбаройи куйиб кетганидан ҳатто тилдан қолди. Шунча гапдан сўнг жувоннинг қулоғидаги тилла балдоқ нархини юрак ютиб сўрайдиган мард топилмади...

Алқисса дастлабки синов ва сўров жараёни ниҳоясига етганини англади чоғи, гул-гул яшнаб ўтирган Нозима ёнидаги аёлнинг сонига шапатилаб урганча ўрнидан турди ва қўшнилари уйига қўноққа чорлади. Ҳар қанча қизиқишмасин, ҳар нечук дабдурустан янги хонадонга бостириб бориш унғайсиз эканлигини англашгани боисми, аёллар тил учида, ва лекин астойдил афсусланиб рад жавобини беришди. Яхши-лаб бир хомуза тортган ва бунинг устига ҳеч бир истиҳоласиз маза қилиб керишиб олган Нозима ортиқча мулозамат курсатиб ўтирмади ва чарчаганини айтиб узр сўраган бўлди-да, ичкарига кириб кетди. Ўтирганлар эгилишиб Самад исмли эр лифт эшикларини иккала қўли билан икки тарафга итарган ҳолда маликасини кутаётган занжидай бош эғиб турганини куришди. Кимдир томоғини тақиллатди, кимдир ажабланиб бош чайқади, хулосани эса ҳалидан буён ўз мавқеига нисбатан туғилаётган хавфни элас-элас сезаётгани боисми, қовоғидан қор ёғишга ўтган даврабоши Осиё опа айтди:

— Бунақанги деловой хотинлар бекордан бекорга бунақанги лапашанг эрларга тегиб олмайдилар. Бу ерда бир гап бор...

Дарвоқе, бу ерда бир эмас, кўп гап бор эканлиги ҳафта-ун кун ичида аён бўлди-қолди.

Табийки, бу кунлар Нозимани кузатиш-ўрганиш, янги қўшни ҳақида дастлабки хулосалар чиқаришга сарф бўлди. Ў, бу соҳада бекорчи аёл олдига тушадиган изқуварни излаб топишнинг ўзи мушкул ишдир. Илло, эл тинади, юрт тинади, ҳатто қурт-қумурсқа тинади, аммо бекорчи аёл тиним билмайди. Одам зоти борки чарчайди, ҳорийди, аммо бекорчи аёл на чарчоқни билади ва на ҳоришни: у бамисоли ичига абадий двигател ўрнатилган қўғирчоқдай уёқдан-буёққа бориб келаверади-бориб келаверади...

Ишқилиб, қандай йўллар билан ва кимлар воситасида аниқлангани ноаён, бироқ қўлга киритилган илк натижалар — Осиё опанинг зимистон кўнглига чироқ ёққан ҳолда — аёллар кутган даражада бўлиб чиқмади. Аввало «импорт мебеллару қиммат гиламлар» сақланаётган манзилни сира аниқлаб бўлмади. Зеро бу борада гап орасида шунчаки ёки моҳир терговчи янглиг гапни айлантириб берилган саволга қайтарилган бўлунги жавоб кечагисига асло ўхшамасди, ўтган кундагига-ку инчунун: қандайдир қайноғалару қайин опалар ўрнини гоҳ дутоналар эгалларди, гоҳ турқи-таровати номаълум хеш-ақраболар. Алоҳа калаванинг учини йўқотиб қўйган мисс Марплларнинг газаб олови гуриллаб-ёнишига эса жиддий асос истиҳола сувини сепиб турарди: қургур Нозима анча-мунча қўли очиқ сармоядор аёллардан эди-да. Айнан мана шу ҳолат «ипподромчи аёл»нинг яна бир кичкинагина қусурини ёпиб юборди: қандай аниқлангани номаълум, аммо қўшнилари аллақачон воқиф бўлиб улгурган яна бир сир шундан иборат эдики, Нозимахон эри билан расмий никоҳдан ўтмай яшаётган экан... Қўни-қўшнилари ҳар кун эрталаб Нозимахон подъездан алламбало янги либосда салона-салона чиқиб келишинию, ўзлари билан ширин жилмайганча, бироқ хомуза тортиб қўйишни асло унутмаган қўйи салом-алик қилгач, бахтиёр четҳада енгил қадамлар билан катта йўл томан юришини, аммо ҳар сафар бекатга етмасданоқ дуч келган биринчи енгил машинага чиқиб кетишини ҳасад билан кузатиб турардилар. Бу аёллар эр деган жонивор тонг саҳарда, тиқилинч автобусу маршрут таксиларга осилиб отчопарга йўл олганидан ҳам бохабар бўлардилар, албатта. Қайтиш ҳам шу тарзда

кечарди, фақат навбат тескари, хотин эртароқ ва албатта енгил машинада, эр кечроқ ва албатта пиёда.

Бир олим танишимиз гап орасида бекорчи одамларда шартли рефлексга мойиллик кучлироқ бўлади, деган эди. Билмадик бу гапда қанчалик ҳақиқат унсурлари бор, бироқ биз бошқа бир нарсани гумон қила олардик: аёллар уч-тўрт кун ичидаёқ янги қўшнининг ишдан қайтиш соатини ўз савқи табиийлари ила жуда аниқ-тиниқ ҳис қилиб турадиган бўлиб қолишди. Аммо лекин Нозима ҳам бу ишни тоза ўрнига қўярди-да: машинадан минг қўйли бойвуччадай тўлиб-тошиб, асти шошилмасдан, андаккина кибр билан тушиб келгач, ўриндиққа тизилишган аёлларнинг ҳар бирига иссиқ ва момиқдай юмшоқ кафтини тутиб қуришиб чиқар, даврада бирон эркак ўтирган бўлса, у билан ҳам шу тарзда сўрашишни унутмас, кейин доимо чап қўли билагида айлантриб ўйнаб турадиган бежирим сумкачасидан анчагина конфетмишоколамди, ҳеч қурса бир сиқим сақичми олиб биронтага тутарди-да: «Эрмак қилиб турингизлар-чи, мен ҳозир» дея виқор ва салобат билан кийим алмаштиргани ичкарига кириб кетарди. Аёллар шириликни еб ёки фарзандларига деб чўнтак-қўйинларига яшириб бўлгунича Нозима беғам-бепарво тарзда, яланғоч елкаларию кўпчиб турган сийналарини кўз кўзлайдиган, қўйи қисми тугмалари солинмаган, этаги тиззасидан юқорироқда гуллик халатда ё бўлмаса шортик деб аталувчи калтагина, қуёш кўрмаган бўлиқ сонларини намоиш этиб турадиган жинси шимда, ёқаси уйиқроқ юпқа кофтада чиқиб келар ва бирон аёл бушатган жойга ўрнашиб олар-олмас салгина шанги овозда гап ўзанини ўзи истаган мавзуга, хусусан, бозор нарх-навосидаги кескин ўзгаришларга буриб юборарди. Аёлларнинг аксарияти ўзларини бу қадар муҳим янгиликлардан хабардор этаётган Нозимага эҳтиром аралаш миннатдорона термулиб қолишаркан, зўр бериб бош иргаш билан баайни садоқатларини яна бир бор изҳор этаётгандек эдилар. Мана шу яқдиллик боисми, жувоннинг ажабтовур бир одати, яъни даврада помидор еб ўтиришни яхши кўришини ҳам кечириб юборишди, ҳатто буни жувонга ярашиб турган тантиқликка йўйганлар ҳам бўлди. Албатта, помидор тановулини ҳеч ким ман қилмаган, ҳатто даврада ҳам бемалол истеъмол қилавериш мумкин, аммо тўқликка шўхлик ҳам эви билан-да: Нозима фақат пусти арчилган помидор обчиқарди, ҳатто, баъзи узунқулоқ гапларга қараганда, эр деган жонивор кило-кило помидорни арчиб, тайёрлаб қўяркан, аччиқ-чучукка ҳам шунақасидан ишла-тишаркан...

Нозимада ўзига яраша шаддодлик ҳам бор эди. Дейлик, очилиб-сочилиб ўтирган чоғи яқин-атрофдан бирон эркак ўзига суқланиб тикилаётганини бирон аёл шипшиб қолгудай бўлса, бас, сира тап тортмасдан баралла қақиллаб кулиб юборарди-да, кўзларини қисган кўйи бошини сал сўлга эгаркан, махфиёна, бироқ даврадагиларнинг бариси эшитадиган тарзда қаттиқ-қаттиқ шивирлашга тушиб кетарди: «Э, бунақалар ҳар қадамда тикилиб ётибди. Эримдан қўймасин, эримдан!». Шунда аёллардан бирон-таси сал шумлик ила жувон кутаётган саволни берадики, яъни эрингизнинг нимасидан қўймасин экан? Ана шунда Нозимага худо бериб қолади — эрининг қайноққонлигини мадҳ этишга тушади. Чунончи «Кеча ваннага кириб бир маза қилиб ётиб эдим, бир маза қилиб ётиб эдим... Бир маҳал Самаджон акам келиб, мени бу аҳволда кўрдилару, шартга қарчигайдай устимга ташландилар...» қабилдаги баъзи аёлларнинг оғзидан сўлагини оқизадиган ажабтовур тафсилотлар қўйилиб келаверади. Шунда хотинлар хандон отиб кулишади, айримлар уёқ-буёққа аланлаганча лаб қимтишади, бир-бирларининг тиззаларидан чимчилаб, маънодор бош чайқашади: «Уялмайди-ям-а...» Буни эшитган Нозима баттар жушади: «Ҳай, законний эрим бўлгандан кейин нимадан уялай...» Қийқириқ авж олади. Аёллардан бирон-таси то шу кунга довура Нозима йўқлигида юз мароталаб алақандай адоват ва қониқиш ила тилга олинган иштибоҳни овоз чиқариб айтолмайди: «Ҳой, тилингда куйдирги чиққур беҳаё, ўша жинқарча эринг ўзидан иккита келадиган гумбаздай хотинга қандай қилиб қарчигайдай ташланар экан, мабодо бу гап рост бўлган тақдирда, нега энди тўрт йилдан бери битта бола ясаб ташлолмаяпти экан...» Дарвоқе, сўнгги дастак аёллар томонидан моҳирона ишлаб чиқилган ва амалга оширилган гапни айлантира-айлантира суҳбатдошни тилдан илантириш усулида ковлаб топилган ва бирон қора кун келганда овоз чиқариб айтилиш учун кўнгилининг туброғига кўмиб қўйилганди. Бундай пайтлари ҳатто тили заҳаргина Осиё опа ҳам эшилиб-буралар, ҳеч чидай олмасдан бот-бот оғиз жуфтлар, лабларини қимирлатар, аммо миқ этиб овоз чиқаролмасдан, аламли армонда қолиб кетарди.

Илло, аёллар тилига тугун ташлаган, тишини тишига босишга мажбур этган асос залворлигина эди. Замон сенга боқмаса... деганларидек, куни билан камхаржликдан нолиб утирадиган аёл бора-бора лулининг эшагини сугоришга ҳам тайёр бўлиб қоларкан — пули туланса бас... Кучиб келганига бир ҳафта бўлар-булмас Нозимадан уч аёл қарз олди. Нозима жон-жон деб, бир лаҳза ўйланиб ҳам ўтирмасдан бериб юборган жами миқдор эллик мингдан ошиб кетди-ёв. Албатта, болалар музқаймоқ, бодроқ ёки пистага деб сўраб келиб турган маҳал ҳожатбарор ва сахий қушни хола тарафидан бериб юборилган эллик сўм-юз сўмлар мутлақо қарз ҳисобланмас, буни Нозиманинг ўзи ҳам таъкидлаб чарчамас, мабодо қўшнилاردан биронтаси «Анов кунги боламга бериб юборганингиз» дея пул қайтарадиган бўлсам, кўзларини катта-катта очганча астойдил упкалашга тушар, шунда бояги аёл ҳам дарҳақиқат қўшничилик — минг йилчилик эканини, бунақанги арзимаган олди-бердиларга аҳамият бериб утиришининг ўзи унгайсиз, таъбир жоиз бўлса, кулгули ҳол эканлигига иқрор бўларди-қўярди. Бунинг устига, фарзандсизлиги боисми, Нозиманинг ўзи ҳам оналарининг кўзини шамғалат қилганча бола-бақралар қўлига пул ёинки ширинлик тутқазиб юборишни жуда-жуда хуш кўрардики, азбаройи худо, мабодо кўз тушиб қолган тақдирда ҳам жувонни бу машғулотида чалғитишининг ўзи гуноҳдай эди.

Берган худога ёқибди. Бу ёғи ўзбекчилик, нима кўп — туй-маърака кўп, аксар серфарзанд оилалар эса калта кўрпа ёпиниб олгандай гап — у ёғини тортсанг, бу ёғига етмайди. Хуллас, қарздорлар сони орта борди.

Пулининг қудрати боисми, мудом гайрати ичига сигмай юрадиган Нозима «Келинлар, 10 мингдан гап ўйнаймиз!» дея таклиф қилиб қолганида аёллар чувиллашиб, бунча катта пулга қўрблари етмасликларини тан олишга шошилишди. Ахийри, узоқ музокаларалардан кейин бу миқдор уч минг қилиб белгиландию, шунгаям бор-ўғи беш киши кўнди. Ҳафсаласи пир бўлганини яшириб ўтирмаган Нозима ҳар қанча ташвиқ қилмасин, бу сафар сўзини ўтказолмади ва тайсаллай-тайсаллай ниҳоят гапнинг аёллар танлаган ёпиқ турига кўнишга мажбур бўлди: яъни фақат пул йигилдиган, зиёфат дастурхони эса қилинмайдиган бўлди. Ҳолбуки, Нозима гап навбатини бирон тузукроқ қаҳвахонада ўтказмоқни режалаштириб турганди ва мўлжалини ҳам-сояларига писанда қилиб ўтишдан ўзини тийиб туролмади.

Нозима пули борлигини озгинагина кўз-кўзлаб туришни болаларча ёқтирар ва афтидан, мана шу мавқеда тушиб қолишни сира истамасди. У, айтилик, гап орасида бемалол тижорат сирларини қўшнилари билан ўртоқлашаверар, фойда миқдорини эшитган маҳал улар қанчалик кўзлари ёниб «оҳ-вой» қилишса, шунчалар қувонар, биринчи қаватдаги Салима опанинг таъбири билан айтганда, қанордай семирар эди.

Маҳалла оқсоқолига ота томондан қариндошлигини рўкач қилиб, ўзини кўпчиликка «оқсоқолнинг жияниман» деб таништириб юрадиган эзма Шура холанинг ҳам куни туғиб қолди. Хола нақ уч кун эринмай эзмаланаверди-эзмаланаверди, қандайдир солиқ идораси тасдиғидан ўтиши лозим бўлган ижара шартномасию ўз навбатида бу шартномани тасдиқлаши лозим бўлган туғишган тоғаси, яъни маҳалла оқсоқолининг ўзини қанчалар ҳурмат қилишини, демак у-бу илтимосини ерда қолдирмаслигини рўкач қилавериш қўшнилари, айниқса бунақанги майда-чуйда иддаоларга тоқати йўқроқ Нозиманинг жонига шу қадар тегдики, ахийри бир куни жувон шартта гапни бўлди-да, бежирим чарм сумкачасидан бир даста эллик сўмликни санаб ўтирмасданоқ Шура холанинг этагига ташларкан, намойишкорона беписандлик ила, аммо тишлари гижирлаб кетиб, деди:

— Справка-мправка керак бўлиб қолса, тоғангизга айтиб ёрдамлашиб юборасиз-да, кенной...

Шу билан Шура холанинг ҳам уни ўчди.

Нозиманинг отчопарадаги растаси рақамини билиб олган аёллар қачон бозорга тушишса, шу жойни зиёрат қилмай ўтмайдиган бўлишди. Натижада ҳамиша жуда зарил нарса харид қилаётганда озгина пул етмай қоладиган қўшниларга том маънода худо бериб қолди — бунақа пайтлари беминнат туриб берадиган мард мана шу бозорнинг узидан топилганди...

III

Тараққиёт ўз ишини қилмай қўймайди. Ҳар қанча ўлиб-тирилиб ҳаракат қилмасин, ҳар қанча оёқ тираб қаршилиқ кўрсатмасин, барибир эскилик, аста-секин бўлса-да, янгиликка таслим бўлажак.

Замин оёги остидан кетиб бораётганини илган даврабоши Осиё опа ҳам не бир уринишлар қилмади, не бир макқорликларни ишга солмади, аммо рақибасини мутлоқ ер билан яксон қилишни удалай олмади. Зеро, янги тушунчалар, янги қарашларнинг ўзиёқ Осиё опалар даври ўтганидан, Нозималар замони келганидан шоҳидлик бериб тургандай эди. Фикримизни соддароқ тарзда ифодалашга уриниб кўрсак, куни билан уй пулини оширганлар устидан мағзава тўкиб ўтирадиган даврабошига эмас, мана шу пулни тўлаб юборишга қодир етакчига нисбатан эҳтиёж этилганди...

Мухтасарроқ тарзда ифодаласак, қадам-бақадам, аммо узлуксиз тарзда Осиё опанинг обрў-эйтибори, мавқеига путур ета бошлади ва айна пайтда Нозиманинг нуфузи оша борди. Энди аёллар катта-кичик барча маслаҳатни Нозима билан қиладиган, тўймаъракаларда ҳам Нозимани юқорига чиқарадиган ва унинг озгига қараб турадиган бўлишди. Янги дарганинг расман эътироф этила бошлаганининг дебоча далили ҳам тез орада намоён бўлди-қўйди. Салима опанинг мудом тўшаб ўтирадиган, бироқ Осиё опа келган заҳоти тозалаб-пуфлаб унга тутадиган сариқ сатин жиддиди ёстиқчаси бор эди. Бир сафар ранг-қути ўчган Осиё опа келди ҳамки, Салима опа миқ этмасдан, кўзини лўқ қилганча ўтираверди. Ниҳоят Нозимахон ташриф буюрди ва дик этиб ўридан турган Салима опа тагидаги матоҳини оласола пуфлаб-тозалаб, чангларини қоқиб-қоқиб эҳтиром ила унга тутаркан:

— Кун салқинга ўхшайди-я, — деди. Ҳолбуки, ҳарорат камида ўттиз даража иссиқ, ён-атрофда эса қип-яланғоч болалар чопқиллаб ўйнаб юришарди. Бироқ бу ҳол Салима опанинг ўз гапини исботлаш мақсадида қунишиб қўйишига халақит бермади. — Шуни тагингизга тўшаб олинг, дундиқчам, шамоллаб қолманг тагин.

Эри нашриётда ишлаши сабаблими, онда-сонда китобийроқ жумлаларни ишлатиб юборишни хуш кўрадиган, қабарик кўзойнак тақиб, бир тутамгина сочини тартибга келтиролмай мудом кўрқиб юрадиган, фақат ўзигагина аён кузатиш усули орқали одамларнинг нигоҳларида кўриб қолган тимсоллари ҳақидаги галати-чучмал хулосаларини кашф этилган ҳикмат янглиг ҳамманинг эътиборини жалб қилиб олгандан кейингина паст овозда, жуда жиддий тарзда айтадиган, шу қилиги боис «таъбирчи, фолбин, башоратчи» лақабларини олган Санобархон бир куни Нозима мавзуси қизгин муҳокама қилинаётган даврада ногоҳ ўнг қўлини кўтариб, ҳаммани жим бўлишга ундади ва одатдагидек ўзининг дастлабки кашфиётини шивирлаб эълон қилди:

— Мен бу аёлни кўзларида жумла жаҳонга нисбатан муҳаббат учқунларини кўрдим...

Ўзига нисбатан намоийш этилган озгина эътиборданоқ талтайиб кетадиган Нозимага кун туғиб қолди: шавла кетса кетсин, обрў кетмасин қабилада иш юритдими, ҳайтовур кеча кимнингдир бешик олиб боришига кўмаклашган, бутун бошқасининг чарларига бошчилик қилган... Бунинг устига Нозима том маънода текин ижара пункти очгани айниқса аёлларга маъқул келди: саховатпеша қўшни ўз тилла тақинчоқларини сира иккиланмасдан бир-икки кунга бирон жойга тақиб келишга сўраганларга бериб юбораверди...

Аввал бошида Осиё опа уч-тўрт кун тумтайиб, ўзича аразлаб, биров билан очилиб гаплашмасдан юрди. Назарида яқин-яқингача ўзининг етовиди юрган сирдош дугоналари энди унга хиёнат қилишаётгандай эди. Ва бу куппа-кундузи содир этилаётган сотқинлик ўз жазосини олиши лозимдай эди. Бироқ, хамишагидай, қутилмаганда орага озгинагина моддий эҳтиёж тушиб қолдию, масала ўз-ўзидан ҳал бўлди-қўйди: Осиё опа бўйин эгди. Бутун шанба-якшанба тепса-тебранмас гунг ва соқовга айланган эрини тинмай қаргаб ҳам опасининг тўйига лозим бўлиб қолган ўн минг сўмни топдиролмаган Осиё опа алоҳа Нозимадан сўрашдан ўзга чора тополмади. Чайнала-чайнала айтилаётган илтимос жараёнида гувилаб гурун қилиб ўтирган аёллар бирдан жим бўлиб қолишди ва нечуқдир кўзларини Осиё опадан олиб қочишди. Ҳолбуки, ўзига хос онабошининг нимадир сўраши одатда бошқа аёллар томонидан қизгин кўллаб-қувватланиб тургувчи эди. Нозима ҳам бу шубҳали сукут замирида недир иддао борлигини илғади чоғи:

— Бир-икки кундан кейин қўлимга бир нарса тушиб қолиши керак, ана ўшанда кўрармиз, — деган мужмал жавоб билан кифояланди.

Тилини тишлаб қолган, собиқ итоатидаги дугоналари олдида бўлари булган Осиё опа дарҳол хатосини англаб етди ва вақтинчалик бўлса ҳам ўзини тақдирга тан бергандай тутишдан ўзга чораси йўқлигини тушунди. Опа эртаси кунийёқ унчалик қовушмаган тарзда, бироқ яланғоч тилёғламалик билан Нозимани бир-икки бор мақ-

таб қўйди, яъниким хушмад қилди. Буни кўриб-билиб турган аёллар енгил тортишди ва дарҳол ўша сабил қолгур ун минг ҳам топила қолди. Барчанинг гувоҳлигида, шундоқ ўриндиқда баногоҳ арзимаган нарсани эслаб қолгандай беписандлик билан ўша таниқли сумкачасидан чиқариб ташлаган бир даста юз сўмликни Осиё опанинг ўзига икки марта санаттирган Нозима собиқ қавми олдида ер билан битта бўлгани боисми пиқиллаб йиғлаб юборишдан ўзини тия олмаган опанинг елкасига ҳомийларча қоқиб қўйди, бошқалар эса дарҳол тасалли беришга тушишди. Шўрқиллатиб бурнини тортиб қўйган Осиё опа миннатдорчилик билдиришга уринган эса-да, ўзини беаёв топташган, хўрлашган бу йиғиндан сўнг бесабрлик ила интиқом онларини кутишга ўтди. Эҳтимолки ана шу илинж таъсирида чамаси уч кунлар ўтиб, янги сотиб олинган Белгия гилами шарафига берилган кичкинагина зиёфат маҳали номига тишининг оқини кўрсатиб утирган Осиё опа қўй гуштига қилинган бир коса қайноқ қайнатма шўрвага қўшиб бир ликопча пўсти арчилган помидорни гўёки бехосдан столдан ағдариб юбориб, янги гиламни расво қиларкан, — ўхшатиб аламини ололгани боис — ҳатто оёғи кўйиб қолганини ҳам сезмайдиган даражада роҳат-фароғат оғушига гарқ бўлди. Эртаси куни қўйган ўринларда пайдо бўлган пуфақли шишлар ярага айланганида ҳам опа вужудида ҳеч бир огриқ туймади, бильякс, бармоқларини шақиллатиб уйнаб кетишдан ўзини базўр тийиб юрди.

Таассуфки, Осиё опани бахтиёр этган бундай саодатманд дақиқалар кам учрарди, зеро, ора-сира демаса, Нозима уйида деярли овқат тайёрламасди. Нонуштага фақат қаймоқ билан колбаса ейишини қистириб ўтиб кетишни унутмайдиган Нозима тушликни эри билан отчопарда қиларди. Кечки овқат эса яқин-атрофдаги бирон қаҳвахонада ўтарди. Одатда кечки етти-саккизлар маҳал эр-хотин биргаллашиб овқатланишга чиқиб кетишар, орадан икки-уч соат ўтгандан сўнггина қайтишар, Нозима интиқ кутиб утирган аёлларга бугун қайси янги қаҳвахонага боришганию, нима таом истеъмол қилишгани хусусида батафсил ҳисобот берарди. Отчопарда иш йўқ душанба кунлари эса эр-хотин учун кичкинагина байрам эди. Улар шу куни одатда олти кунлик чарчоқни бир йўла чиқаришмоқчидай деярли тушгача ухлашар, сўнг очилиб-сочилиб кетган, упа-элик таъсирида янада оқариб, лўппи лабларини янада олулаштириб олган Нозимахон бошчилигида эр-хотин «катта ер»га, яъни шаҳар марказига айлангани кетишарди. Улар то бирон истироҳат боғини айланиб, музқаймоқ егунларига қадар намозшом ҳам яқинлаб қолиши боис кечки овқатни бирон қаҳвахонада қилишар ва албатта жўжа кабоб еб, битта нимтатир мусаллас ёинки шампан виносини майдалаб ичиб ўтиришарди. Умуман, жўжа кабоб деса ўзини томдан ташлайдиганлар тоифасидан бўлган Нозима шаҳарнинг қайси бурчагида бу тансиқ таом қандай тайёрланишинию нархи қанча бўлишини истаган маҳал ёддан айтиб бера оларди. Ана шундан кейин подъезд эшиги тагига қадар бирон таксида келардилар. Янада яшариб кетган, ширингина кайф таъсирида кўзлари сузилиб қолган Нозимахон қўшни аёлларнинг зўр бериб чорлашарига қарамасдан сирли-мафтункорона илжайиб қўярди-да, ҳамишагидай айбдорона кулимсираб турган эрини қўлтиқлаганча подъездга шўнғирди. Орадан зум ўтмай лифт шифиллаб юқорига кўтарилар ва шундан кейин ҳамма ёқ сув қўйгандай жим-жит бўлиб қоларди. Нечуқдир маҳзунлашган аёллар ноилож уй-уйларига тарқалишарди...

Аҳли аёл орасида гап ётармиди. Ўз-ўзидан аёнки, биринчи қаватнинг сўл тарафидаги сирли икки хонали уй хусусидаги барча маълумотлару ваҳимали тахминлар сал ошиғи билан янги қўшнига тўкиб солинди. Аммо мазкур хабар Нозимада аёллар кутганчалик қизиқиш уйғотмади. Аксинча, жувон бепарво қўл силтаб қўяркан, «Мен бир йил квартирада турган уйнинг эгасиям шунақа эди», деб ўйяқолди. Бироқ қўшниларнинг ўзига ишонқирамай тикилиб турганини кўргач, Нозима гап жиддийлигини фаҳмлади шекилли, «Мен ҳозир» деди-да, уйига кириб кетди. Бир пасдан сўнг жувон қалин муқовали семиз бир китобни кўтариб чиқди ва ўша сирли уй деразасининг тагида туриб олганча сал баландроқ овозда ва рус тилида қўлидаги матоҳини тавсиф қилишга ўтди:

— Мен бу китобни бир ой навбатда туриб фалон сўмга базўр сотиб олдим, ўзиям ўқиган одам маза қилади, ўзим-ку ўқиб чиқдим, лекин сўраганларга бир-икки ҳафтага бериб тураман, фақат китобга чизмаслик, бетларини букламаслик шарти билан...

Аёлларни ҳайрон қолдирган, ҳатто баъзи бировларда «Буям уйининг эгасига ўхшаган анақалардан эмасмикан» деган тахминлар уйғотган ғалати хатти-ҳаракат шу ерга етганда баногоҳ... сирли уйнинг сирли деразаси гийқиллаб очилди ва оппоқ

сочлари элас-элас кўриниб қолган бир кампиршо китобни Нозиманинг қўлидан даярли юлқиб олди. Ҳали аёллар ўзларига келиб улгурмасдан дераза тақа-тақ беркилди. Мағрур тарзда жойига қайтиб келиб ўтирган Нозима кўшнилариининг ўзига саволомуз тикилиб қолганига жавобан ўхшатиб бир хомуза тортиб, керишиб қўйди-да, заррача иштибоҳсиз деди:

— Китоб жинниси у!

Тилсимнинг ечими бу қадар жўн ва содда эканлиги кўпчиликнинг ҳафсаласини пир қилганига қарамасдан, мазкур воқеа аёллар ўртасида Нозиманинг обрўйини янада ошириб юборди. Аёллар энди жувоннинг фаҳм-фаросати борасида ҳам оғиз кўпиртирадиган бўлишди, айниқса ўзининг олдига.

Кўшнилари яна бир нарсага тан беришди: Нозима бежиз осмондан келмас экан — унга қараб, сўлагини оқизиб юрган эркаклар отчопарнинг ўзида ҳам анчагина топи-ларкан. Қўшнининг қўли очиқлиги боис бир оёғи отчопарда бўлиб қолган аёллар синчковликларини бу ерда икки баробар кўпроқ намоиш этдилар ва тез орада ажабтовур хулосаларга ҳам келиб олдилар. Нозимага ошиқи шайдоларнинг ашаддий-си, кўшнилари назарида, жувондан бир раста нарида савдо қилувчи Қорабой лақабли Қўзибой деган киши эди. Товада обдон тоблаб олингандай қоп-қора, бунинг устига худди атай қилгандай қора шим, қора футболка кийиб олганча, тўнтарилган дечка қозондай қоринчасини иложи борича ичига тортишга ҳаракат қилиб юрадиган, кўзининг оқини намоиш қилганча ҳадеб Нозимага ер остидан термулаверадиған, лабларининг юпқалиги занжига кўйиб қўйгандай ўхшашликдан ажратиб турадиған бу сотувчи агар ҳай-ҳай дейишмаса савдосиниям кўйиб, жувондан кун бўйи кўз узмай ўтираверадиған аҳволда эди-ёв чамаси. Бир-иккитасидан ёинки жувоннинг ўзидан дакки эшитган чоғи, кейинги пайтларда Қўзибой энди каттагина ва табиийки, қоп-қора кўзойнак тақиб олишдек беўхшов одат ҳам чиқарганди.

Бозорга борган аёлларнинг яна бир эътибор қаратишгани — Нозиманинг ҳар замонда кўшнисига мушт дўлайтириб ёхуд бармоқ ўқталиб пўписа қилганча: «Ўтирибсанми, Отелло? Эримга айтиб бераман-а» қабилида гап ташлаб қўйишлари бўлди. Жуда чарчаган ё бўлмаса нимадандир асабийлашган кезлари Нозима пўписани қалтисроқ ҳам қиларди: «Ечинтириб бўлдингми, Қоравой? Энди кийинтириб қўй!» Шунда бечора мавр тилла топган гадодай кўзлари чакнаб, лаб-лунжини йиғиштиролмай қолар, ҳатто кўзининг оқи ҳам янада кенгайгандек бўлар, аммо у то ўзига келиб, бир нима дейишга улгургунча Нозима аллақачон дунёда шундай эркак борлигини тамом унутган кўйи ўз юмушига ёинки гурунгига берилиб кетган бўларди.

Дарвоқе, отчопарда бутун улгуржи савдо, ҳисоб-китоб фақат Нозиманинг қўлида бўлиб, Самад аталмиш эр ёлланиб ишловчи ходимга ўхшаш мақомда эдиким, буни сезгир кўшни аёллар ҳарқол пайқаб олмасликлари мумкин эмас эди ва устига устак, Нозима бундан асло ҳеч қандай сир ясаб ўтирмасди. Эр вақтлариқ бориб растага омбордаги молларни олиб келар, тахлар, кун бўйи Нозиманинг буйруғига кўра раста билан омбор ўртасида терлаб-пишиб бўзчининг мокисидай зир югурар, кўрсатилган маҳсулотни харидорга ўраб берар, айрим мижозларни пуллик кийиб кўриш хонасига бошлаб борар, пешиндан кейин эса, Нозима қайтгач, қолган молларни омборхонага таширди. Нозима ойда бир-икки марта Олмаота ёки Бишкекка икки-уч кунга кетганида Самад кун демай, тун демай отчопарга махсус тижоратчилар автобусини кутиб олгани чиқиб турарди.

Ҳаёт мана шундай давом этмоқда эди. Гўё яна бир-икки ой шу тарзда ўтса, бас, Нозима керакли маблагни йиғиб улгуради ва мабодо маъқул келиб қолган бўлса, ҳозирги турган уйни, мабодо пули кўтарса, бошқа тузукроқ уйни сотиб олади ва ҳаёт яна аввалгидай бир хилда, кескин силтанишлари зўриқишларсиз кечаверади.

Фалокат эса одатдагидек мутлақо туйқусдан ва мутлақо кутилмаган тарафдан босиб келди.

IV

Бу нозик-ниҳол қизнинг исми Флора эди. Ўзиям, жисмига қарасангиз, Нозиманинг ярмича келарди, шу ҳолига яна ўзини янада озғин кўрсатадиған узун тор шим, торгина катак кўйлак кийиб юрарди. Соч-ку, армияда хизмат қилаётган йигитларни-кидан асло фарқ қилмасди. Шу боисдан бўлса керак, дастлаб бошлашиб келган маҳаллари узоқдан уларни кўриб турган кўшниларидан баъзи бирлари Нозимани бир ўсмир йигитча билан келаяпти, деган хаёлга боришганди. Нозиманинг айтишича, ёши

ўзи билан тенг, яъни йигирма олтига кирган Флорага бир қараганда ўн саккиздан ошиғини бериш мушкул эди. Бунинг устига, бўёқ-мўёқлардан сал йироқда юриши сабаблими ёки ҳатто таништиришган маҳаллари ҳам одамга тик қарамасдан бошини эгиброқ туришими тортинчоқ, ўзига унчалик ишонмайдиган ўспирин болани эслатадиган Флоранинг бизнес, тадбиркорлик оламида қандай қилиб нон топиб еяётганини тасаввур қилиш мушкул эди. Ҳолбуки, Нозиманинг гапларига қараганда, Чимкентда яшайдиган бу дугонасининг бир оёғи Ҳиндистонда бўлса, иккинчиси Амирликда бўларкан. Хитойга-ку, баайни қўшни овулга қўноққа боргандай ой сайин бориб тураркан. Хўп, ана, бу гапларнинг элик фоизи чин бўлганида ҳам, ҳар қалай, бу жинқарча синчалақда кўп гап борга ўхшарди.

Нозима Олмаотага борганида танишиб қолган бу қиздан улгуржи мол олиб тураркан. Хуллас, доимий миждоз ва қалин дугона сифатида Флорани меҳмонга таклиф қилибди. Агар келишиб қолишса, баъзи бир ишларни биргалиқда амалга оширмақчи ҳам экан. Нозима ҳам дугонасини қўшниларга таништиришга, ҳам шунча маълумотни тўкиб солишга улгураётган маҳал Флора бир чеккароққа ўтиб, бамисоли бу гапларнинг ўзига мутлақо алоқаси йўқдай подъезд эшигига қадалиб тикилиб туравердики, чеккароқдан қараган одам бу қизча бекорчи гап-сўзлар тугагини сабр-сизлик билан кутаётир, айни пайтда гурунглашаётганларга ўгирилиб, ўзининг юзини кўрсатишни ҳам унчалик истамаётир шекилли деган дудмол тахминларга бориши мумкин эди. Айнан сўнгги тахмин даврадаги баъзи аёллар ҳам кўнглида туғилишига эса кутавериш тоқати тоқ бўлган Флоранинг подъезд эшигидан кўз узмаган кўйи сал жеркиганроқ оҳангда дугонасини чақиришию, қақажон Нозиманинг «Бўлмаса ҳозир кийиниб пастга тушамиз-а», деган таклифига жавобан асабийлашиброқ, ёқтирмаганроқ ва ҳаттоки писанд қилмаганроқ тарзда елка учуриши сабаб бўлди.

Аввалига қўшнилар астойдил қувониб кетишди. Ахир замон янгиланиб бормоқда, инчунун таниш-билишларинг ичида сармоядорлар қанча кўпайса, шунча яхши-да: кўйнидан тўкилса кўнжига. Бунинг устига, Нозиманинг андаккина ҳовлиқиб туришига қараганда, дугонасининг ташрифидан ва айни пайтда шундай бизнес ҳамкори борлигидан боши осмонга етганга ўхшайди. Демак, ажаб эмаски, икки ўн беш бир ўттиз деганларидек, икковлон бирлашгач кўни-қўшниларга кўрсатилаётган баъзи бир мурувват, ёрдамларнинг кўлами янада кенгайса. Эҳтимол ушбу тилга олинмаган илинж таъсирида аёллар чувлашиб дарҳол ўз шодумонликларини изҳор этишга шошишди, меҳмоннинг нарироқда ҳурпайиб турганини эса камтарлигу уятчанликка йўйишди. Ҳатто алламбало китобий гапларга ўчроқ «тўрткўз» Санобархон одатдагидек ўнг кўлини кўтариб, қўшнилардан жим бўлишни сўрагач, паст овозда ўз хулосасини:

— Мен меҳмонимизнинг кўзларида янги ўзбекларга хос шиддатни кўрдим, — дея эълон қилганида, гарчанд жумладаги чучмаллик баъзиларнинг уялиб кўзларини олиб қочишларига сабаб бўлган эса-да, аксарият аёллар мазкур фикрни чувиллашиб қўллаб-қувватлашга шошишди. Бироқ шунча қувончу умидларга сабабчи бўлган Флора ҳамон бир четда тумшайиб турар ва афтидан сира буларга элакишадиганга ўхшамасди.

Дарҳақиқат, шу куни қизнинг на ўзи кўчага чиқди, на Нозимага жавоб берди. Қўшнилар тўққизинчи қаватга умидвор кўз тиккан кўйи узоқ ўтиришди. Шошилишда Нозима уларга аталган ширинликларни беришни ҳам унутган экан, ҳатто шуларни олиб чиқишни ҳам хаёлига келтирмади. Аёллардан бири «Нокас» деб қарғади кимнидир, иккинчиси маъқуллаб бош ирғаркан, ўша номаълум кимсага «Қурумсоқ, паст» деган ёрликларни қўшиб илди. Ниҳоят учинчи аёл хулоса ясади-қўйди: «Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор...» Ушбу фикр жамоат тарафидан бир овоздан маъқулланди — аёллар чувиллашиб ҳалиям номаълум ўша кимсанинг гўрига гишт қалашга тушиб кетдилар.

Дарвоқе, дастлабки таассурот — энг тўғри таассурот бўлиши рост шекилли, аёллар биринчи кунданок Флора тимсолида ўзларига душман маккорани кўриб, унчалик янглишишмаганликлари тез орада ўз исботини топди. Бунинг илк белгиси сифатида Нозиманинг сал-пал ўзгариб қолганини кўрсатиш мумкин эди. Дейлик, юмушдан бирга ва албатта таксида қайтишаркан, энди Нозима дугонасининг кўзини шамғалат қилиб орқароқда қолар ва атаганларини кўни-қўшниларга тезликда ва иложи борича сездирамасдан улашишга уриниб қоларди.

Қулоғи бениҳоя яхши эшитадиган Салима опа янглишмаган эди — айтишича, биринчи кунидек лифтга кираётганлари маҳал бу Флора деганлари рус тилида «Нима, бу текинхўрлардан қарзинг борми?» деб Нозимани жеркиб берганмиш. Ўз шаъла-

рига қандайдир меҳмон қиз тарафидан айтилган бу қадар ҳақоратли сўкинишдан жон-понлари чиқиб кетган аёллар дарҳол бирлашиб Флорани наинки уй, ҳатто бутун туман ҳудудидан бадарға қилиб юборишдек маҳобатли режа ишлаб чиқишга киришарканлар, фаолиятнинг ибтидоси сифатида бундан кейин бу қиз билан асло саломлашмасликка, уни кўриб кўрмаганликка олиб тураверишга қарор қилдилар. Қолган режалар эса аста-секин амалга оширилаверади. Аммо қизнинг ўзиям мезбонларнинг саломига зор эмас шекили, машинадан туша захоти ижирганиб булардан намойиш-корона тарзда юз ўғирар ва шу ҳолда подъездга кириб кетарди. Бу қадар яққол душманликни кўриб-билиб турган Нозимага қийин бўлди: икки томонни яраштиришга бўлган уринишлари бесамара кетгач, жувон бечора энди ҳар иккала томоннинг кўнглини олишга уриниб қолди, ахир, иккала бармоқ ҳам ўзиники эди ва қайсинисини тишласа ҳам оғриши аниқ эди. Нозима аввалига дугонасининг маҳобатли тадбиркорлик фаолиятини тўлиб-тошиб гапириб беришга уриниб кўрди, лекин бу фаолиятнинг бирон бир амалий натижасини кўрмаётган аёллар ўз ҳукмларида собит туриб олишди. Ўз навбатида Флора ҳам «Қандайдир бекорчи аёллар»га бош эгишни истамади. Натижада икки ўт орасида қолган Нозима дугонасининг ҳафта-ўн кунлик меҳмондорчилиги даврида барча қийинчиликларга чидаб туришга қарор қилди. Балки шу истак таъсиридадир, қўшнилар олдида ўзини нечукдир ноқулай ҳис эта бошлаган Нозима уларга аталган совға-саломларини сал қуюқлаштирди, лекин, бошқа томондан олиб қараганда, негадир қарз сўраганлари маҳал иккиланиб, довдираб, аниқ бир жавоб айтмайдиган, сал ўйлаб кўришга ваъда қиладиган бўлиб қолди. Аёллар дарҳол бу журъатсизлик сабабчиси сифатида Флорани кўрдилар ва умуман олганда бу сафар ҳам янглишмадилар. Нозима бозорга салмоқлигина пул сўраб борган Салима опага айбдорона тарзда тушунтириш берибдики, уч-тўрт минг тўплаб, Флора билан Ҳиндистонга бориб келмоқчи бўлаяпти экан, шу сабабли пул масаласи сал оғирлашибди — бор топганини доллар қилиб, дугонасига бериб қўяётган экан...

Бу сафар аёллар ҳазилакамига дарғазаб бўлишмади. Қандайдир келгинди бозорчи буларнинг дугонасига тегишли пулларга хўжайинлик қилиб туриб олса-я! Бу нима деган гап ахир?! Қани инсоф, қани диёнат?! Йўқ, бунинг бирон бир чорасини топмаса бўлмайди! Ким билади ҳали бу Флора деганлари қанақа аёл. Синашта бўлмаса, қўшни бўлмаса, бошқа бир давлатдан келиб олиб билганини қилаверса, содда-бечора Нозиманизни кўғирчоқдай ўйнатса...

Кўпчилик барибир кўпчилик-да. Аввалига имо-ишоралар билан тилга олинган таъна-дашномлар, хушёрликка чорлашлар бора-бора очиқ-ошкор тус олди. Қўшнилари фикридан қайтараман деб ўртага Нозиманинг бўлари бўлди. Бунинг устига азалдан аён бир ҳақиқат борки, аёл киши бир мулоҳазага ёпишиб олдим, тамом, ўлса ўладик, шу ақидасидан қайтмайди. Ҳатто ростми-ёлғонми, худо билади, Нозима алақандай ҳадиксираш ила аёлларга «Флора Ҳиндистондан олиб келибди», дея биттадан улашиб чиққан рўмол ҳам вазиятни юмшата олмади: аёллар оқилона мулоҳаза юритишди — аввало, ўзини тутишига қараганда, совғани Нозима ёнидан бераяпти, иккинчидан эса, шу уч пуллик матоҳга сотилиб кетадиганларни топиб олдим деган хомхаёлга борган ўша Флора бекорларнинг бештасини епти — бизнинг қадримиз баланд, уни ерга уришларига йўл қўймаймиз! Сал арзийдиган нарса бўлсаям майлийди. Паст барибир паст-да, Ҳу, чаён...

Ишқилиб, сўнги ҳафта-ўн кун мана шундай асабийликда ўтди. Ҳалиям жинқарча Флоранинг тоқатига балли — бир туки қилт этмай, салом ҳам бермасдан индамай ўтади-кетади. Бунинг устига, Нозиманинг қўшниларга елпатак бўлишга уринишини билса керакки, уни кутмасданоқ индамай тепага чиқиб ҳам кетадиган бўлган.

Қўшниларни бир амалаб, алдам-қалдамлар билан тинчитишга уринган Нозима дугонасининг тўққизинчи қават майдончасида ўшшайиб кутиб туришига жавобан шундай дейишга мажбур бўлади:

— Сен кетасан, мен қоламан. Мен шулар билан яшайман. Ўзинг тушунасан, қўшничилик...

Бунга жавобан Флора ижирганиб лаб буради, сўнг асабийлашиб қўл силтайди:

— Менга деса шуларингнинг тагига ётиб олмайсанми, нима ишим бор?! Бунақаларга аввал салом берасан, кейин товон тўлайсан!

Ноқулай аҳволда қолган Нозима жилмайишга уринади, бироқ бу зўраки табасум ночорроқ чиққанини ўзи ҳам англайдими, дарров дугонасини кучиб олиб, қулоғига шивирлайди:

— Ҳали бир қа-атта ҳовли олай, биронтаси билан борди-келди қилмайман! Ана ўшанда келаверасан бемалол. Оз қолди.

Бу ваъдага ишонмаса керак, Флора мийиғида кулимсирайди:

— Ҳай билмадим-ов... Шу характеринг бўлса...

Қўшнилари олдида андак айбдорлик туйғуси боисми ёки қандай йўл билан бўлса ҳам уларда Флорага нисбатан эҳтиром уйғотиш истагимиз, ишқилиб, Нозима бу сафар ўз тижорат сирларини ҳаддан ортиқроқ очиб ташлайверди ва натижада аёллар икки тадбиркор аёлнинг деярли ҳар бир хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб туришди. Албатта, энг асосий эътибор Нозима дугонасига тўплаб бераётган пул миқдориди эди. Бу миқдор эса аёлларнинг ичини куйдирган ҳолда тобора ўсиб борарди. Баайни қўлларидидаги нақд пулларини биров олиб қўйгандай тобора тушқун кайфиятга тушиб бораётган аёллар тинмай уф тортишар, бўлар-бўлмаста асабийлашиб бир-бирлари билан жанжаллашибар, Нозиманинг олдида қандайдир муҳкам маъноли учирик гаплар қилишга уринишар, баъзан бесабадан бесабаб куйиниб-куйиниб йиғлаб олишар, Флорани кўрганларида эса нақ Азроилни кўргандай кайфиятлари батамом тушиб, алам-чорасизликдан уни бўғиб ўлдириб ташлағудай аҳволга тушардилар. Аммо бизнеснинг темир қонунлари ишламоқда ва бир гуруҳ аёлларнинг ҳар қанча чираниб-уринишлари бу жараёнга тўсиқ бўла олмасди. Хайрият, Нозима Ҳиндистон сафаридан қўшнилари учун олиб келадиган совға-саломлар рўйхатини туза бошлади, шу билан баъзи қўшнилари ақдан озғудай ҳолатдан чалғитиб, улар эътиборини олисдаги қуйруққа қарата олди. Илло аввал бошда Ҳиндистонга Флоранинг бир ўзи бориб келиб, Нозиманинг пулига ҳам мол олиб келиши, шундан кейин, яъни мол сотилиб, пул бир айлантириб олинганидан кейин иккинчи сафарга Нозимани ўзи билан олиб кетиши керак эди. Аниқ ҳисоб-китоблар бу жараённинг ҳаммасига узоғи билан уч ҳафта кетишини кўрсатиб турарди. Ноилоҳ қолган қўшнилари тақдирга тан беришди.

Ниҳоят Нозимаю қўни-қўшнилари бахтига ўша кун етиб келди ва Флора дугонанинг беш минг долларини олиб (унинг минг доллари ойига йигирма фоизлик қарзга олинганидан ҳам қўшнилари воқиф эдилар) ўз Чимкентга кетди. Энди бўлар иш бўлганига, бирон нимани ўзгартириш мумкин эмаслигига фаҳмлари етган қўшни аёллар яна бир бор ўз ирода кучларини синаб кўришди, яъни ўша лаънати жинқарча Флора Ҳиндистонга тезроқ бориб келишини тилай бошлашди. Зора барча режалар амалга ошсаю, шולי орқасидан... деганларидек, буларам бир нималик бўлиб қолишса...

V

Мана шу Флора ўлиб кетди. Мутлақо бемаъни тарзда — осмонда, самолётда.

Москвадан кўрсатишди — Чимкентдан учган самолёт Ҳиндистонга эсон-омон етиб келишга келди-ю, энди қўнаётган маҳал портлаб кетди.

Лавҳа тугар-туғамас Осиё опа биринчи қаватдаги Салима опаникига югурди. Воқеани эшитган опа ҳам типирчилаб қолди. Икковлон тўққизинчи қаватга чопишди. Нозима телевизор кўрмаган экан — то воқеани тушуниб етгунича анча вақт ўтди. Ниҳоят қўшнилариининг мақсадини англагач, ранги бўздай оқариб, деворга осиблик календарга ўтирилди ва оғзини каппа-каппа очиб, базўр нафас оларкан, титраётган бармоқларини қизил ҳалқа ичига олинган санага қадади:

— Мана... мана... худога шукр... бир кун бурун учиб кетган экан... — Нозима яшил ҳалқа ичига олинган бошқа санага ишора қилди: — Шанба қайтади. Шанба...

Қўшнилари бараварига енгил нафас олишди:

— Хайрият-ей...

Девор ёнидаги омонат стулга беҳол ўтириб қолган Нозима эшикка суянганча ўзига хавотирланиб тикилиб турган эрига ошхона томонни кўрсатди:

— Сув...

Икки стакан сувни футиллатиб ичгандан кейингина сал ўзига келган Нозима чуқур сўлиш олди:

— Ҳиндистонлариям бошидан қолсин. Ҳеч қаёққа бормайман, тамом-вассалом!

Бу қадар қатъий қарор унчалик кўнглига ўтиришмади чоғи, Осиё опа дудмолроқ эътироз билдиришга уринди:

— Фалокат-да. Бундан кейини лётчиклар сал кўзига қараб учар.

Бу фикр Салима опага ҳам маъқул тушди:

— Тўғри, энди назорат қаттиқ бўлади, биронтаям самолёт портламайди.

Бироқ ҳаво йўловчилари хавфсизлиги борасидаги бу қадар қатъий ваъдалар ҳам кўнглини хотиржам этолмади шекилли, Нозима яна бир бор бош чайқади:

— Олмаотадан қўймасин. Тинчгина. Автобусда.

Мол аччиғи — жон аччиғи. Салима опа ҳам шоша-пиша:

— Фалокат транспорт танлаб ўтирармиди. Қайтанга бундан кейин самолётларда учган яхшироқ, Осиё опам айтганларидай, назорат кучлироқ бўлади, — дея аврашга тушган маҳал бу вазиятда Нозиманинг қулоғига гап кирмаслигини англаган бўлса керак, Осиё опа бош чайқаб, кўшнисини самолёт тарғиботидан қайтарди.

— Биз борайлик эмаса...

Ҳар қанча гарангсиган бўлса-да, Нозима меҳмонларни амаллаб дастурхонга таклиф қилди. Самад елиб-югуриб столини ширинлик ва мева-чеваларга тўлдириб ташлади, аччиққина қора чой дамлаб келди.

Оғзини тўлдириб шоколад чайнаётган Салима опа баногоҳ томдан тараша тушгандай савол бериб қолди:

— Нози, самолёт портлаган бўлса, ичидаги одамларнинг пуллари роса осмонга сочилиб кетиб, кейин ерга ёмғирдай ёққандир-а? Пастдагилар роса маза қилгандир-а доллар териб?

Нозима бир сесканиб кетди, сўнг савол мағзини англамагандай кўшнисига меровсираб тикиларкан, оҳиста пичирлади:

— Уларнинг камида ярми қарз кўтариб кетган бўлади...

Хотинига яна бир бор хавотирланиб қараб қўйган Самад зийраклик қилди — ичкарида икки салафан халтачада ширинлик кўтариб чиқасола аёлларга тутди:

— Бо-болаларга...

Меҳмонлик сийғи тугаганини англаган кўшнилари ноилож ўринларидан туришди ва илмиликқина хайрлашган бўлиб, эшик томон юришди.

Кейинги икки-уч кун ичида Нозима бироз ҳардамхаёлроқ аҳволда юрди. Жувоннинг аввалги шаддодлиги, шўхлиги, ҳатто кўшнилари олдида ўзини андакина гуноҳкорроқ ҳис этиш туйғуси изсиз йитгану, уларнинг ўрнини оғир-босиқлик, мулоҳазакорлик ва айни пайтда босиб келаётган қандайдир бало-қазога тайёргарлик кўриб қўйиш кутқуси эғаллаётгандай эди. Нозима энди кўшнилари билан кўпам валақлашиб ўтиравермас, қўлидагини берар-бермас уйига шошар, ноилож судралиб чиққан маҳаллари эса кўпроқ жим ўтириб, бошқаларнинг гапини тинглаётгандай бўлар, аслида эса хаёли бошқа ёқларда кезиб юрганлиги шуңдоққина сезилиб турарди. Кўшнилари бу аҳволдан ҳайрон бўлишар, ўзларича турли тахминлар тўқишар, ҳатто баъзи бир гумонларини овоз чиқариб ҳам айтишар, аммо гап нима ҳақида кетаётганлигини англаб-англамаган Нозима синиққина жилмайиб қўйиш билан кифояланарди.

Нозима нимадандир қўрқаётган эди. Ниҳоят ўш даҳшатли кун етиб келди.

Ҳалокат юз берганининг бешинчи куни эди. Кечга яқин, бекорчи аёллар одатдагидек Нозиманинг йўлига қараб-қараб қўйишга тушишган маҳал тўртта газета кўтариб олган почтаълон пайдо бўлди ва аёллардан 18-хонадон бекасини сўради. Кейинги пайтларда яна қалбида энабошилиқ истаги пайдо бўла бошлаган Осиё опа салобат билан ўрнидан турди:

— Нима гап, 18-квартирада нима ишингиз бор?

Почтаълон афсусланиб бош чайқади.

— Международная телеграмма. Ёмон хабар.

Осиё опа сир бой бермади.

— 18-квартирада менинг синглим туради. Телеграммани бемалол менга ташлаб кетаверинг, ўзим қўл қўяман, синглим кечроқ келади.

Аёллар икки букланган қорозга ташланишди. Почтаълон нари кетар-кетмас Осиё опа телеграммани очди-да, аввал овоз чиқармай, лабларини қимирлатиб ўқиб чиқди ва бир лаҳза тошдай қотиб қолди. Жониқиб кетган аёллар савол кетидан савол ёғдиришарди.

Шуңда... шуңда Осиё опа шошилмасдан телеграммани ёпди. Сўнг мана шуңдай ошиқмасдан, ҳў ўша даврабошилиқ дамларини ёдга туширадиган виқор ила кўшниларига бир-бир тикилиб чиқаверди. Беихтиёр бу нигоҳдаги ботиний қудратни, ниҳоят интиқом дамлари етиб келганлигидан масрурлик туюётган аламзада аёл тантанасини ҳис қилган кўшнилари келишиб олишгандай бирваракайига жим бўлиб қолишди ва

якуний хулосани жон қулоқлари билан эшитиш учун бутун диққат-эйтиборларини жамлашди. Бирдан қаддини тик тутта бошлаган, ҳамжинсларига юқорироқдан қарай бошлаган Осиё опа бир қўлини белига тиради, телеграмма тутган иккинчи қўли билан эса уйнинг энг юқори қаватига ишора қиларкан, иштибоҳга асло ўрин қолдирмайдиган кескир ва ўктам овозда ҳукми эълон қилди:

— Энди Нозима тамом бўлди, синди, банкрот бўлди!

Мана шундан кейингина ҳукм исботи тариқасида нафаслари ичига тушиб кетган аёллар қўлига топширилган телеграмма ўқиб эшиттирилди.

Умун олганда, Осиё опа унчалик янглишмаган эди. Рус тилида «Флора бир кун бурун учиб кетганди нқт авиаҳалокатга учраб ўлди нқт сингиси» (балки опасидир, чунки «сестра» дейилганди) деб ёзилган телеграмма моҳият-эйтибори билан Нозиманинг бундан кейинги ҳаётига тортилган қора чизиқ билан баробар эди.

Телеграмма Нозимага ёмон таъсир қилди. Ҳали машинадан тушиб улгурмасидан бурун ёнига гуриллаб чопиб келган аёлларга ҳуркибгина қараб турган жувон қалтираётган қўллари билан телеграммани очди, сўнг бир ўқиди, икки ўқиди ва ниҳоят хиралашган онгига шум хабар мазмуни етиб борди шекилли, баайни кимгадир эътироз билдирмоққа уриниб, нимадир демоққа чоғланган маҳал — шунча аёл қуршовида бўлишига қарамасдан — кўксидан ўқ еган қушдай шилқ этиб шағал устига қулаб тушди...

Шу куни «тез ёрдам» врачлари тўққизинчи қаватга икки марта келиб кетишди. Ақдан озгудай даражада довдираб қолган, титраб-қақшаётган қўллари билан врачнинг ҳалати чўнтагига пул солиб қўйишга беҳуда уринаётган Самадга қарашнинг ўзи азоб эди.

Бир-икки қўшни аёллар деярли ярим тунгача Самадга қўшилиб Нозиманинг бошида ўтиришди. Қайта-қайта эмлашлардан сўнг сал ўзига келган Нозима кўзлари ваҳимали чақчайган ҳолда деворда осигайқ турган календарга қаради ва каравоти ёнида тиз чўкканча ёш боладай пиқ-пиқ йиғлаётган эрининг қўлини маҳкам чангаллаб оларкан, юрак-бағирни ўртаб юборадиган аянчли овозда чинқирди:

— Мен, мен шошилтиргандим уни!.. Мен! Ўзим!.. Нега, нега ахир?! Ҳ, худойим!..

Нозима шу ҳолатда, тақвимга жон-жаҳди билан интилган, иккала қўлини эрининг чангалидан озод қиласола шу томон чўзган жойида бўртиб чиққан мия томирлари ёрилиб кетгудай даражада зўриқиб қаттиқ инграб юборди ва иккинчи бор ҳушидан кетиб йиқилди.

Бутун уйни эркак кишининг жон аччиғида ҳайқириши тутди:

— Нозима!..

VI

Ранги синиққан, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, баайни вужудини тик туриб турган асосдан айрилиб қолгандай қадди сал эгилган, негадир пардоз-андоз ҳам қилмай, одмигина қийинган Нозима эртаси куни оғир хаста мисоли бир-бир қадам босиб ҳовлига чиқиб келганида баъзи аёллар беихтиёр оҳ тортиб юборишди. Уларнинг қаршисида товонидан ўт чақнайдиган, йўқни йўндирадиган шаддод тадбиркор эмас, ғам-қайғу, изтиробдан эзилиб адоий тамом бўлган оддийгина, ўзлари қатори уй бекаси турарди.

Баъзан сўз ортиқча бўлади, киши бир қарагандаёқ вазиятни тушунади-қўяди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Аксарият аёллар ўз давраларида жиддий ўзгаришлар эпкини эса бошлаганини илғашди ва дарҳол шу томонга юз буришга интилиб қолишди.

Улоқ, одатдагидек, Салима опада кетди. У ҳамманинг кўз ўнгида шундоқ ўрнидан турди ва тагидаги ёстиқчани намоишкорона меҳр билан бир-икки силаб-сийпалагач, икки қўллаб эҳтиром билан ўриндиқ чеккасига курк товукдай ҳурпайиб жойлашиб олган Осиё опага тутди.

— Бутун бир салқин-ей. — Шу сўзларни айтаркан, гапининг далили сифатидами, опа ростдан ҳам бир қунишиб қўйди. — Скамейкаям музлаб кетибди. Манавини тагингизга тўшаб олинг, шамоллаб қолманг тагин.

Ҳали кечажак ўзгаришларни бутун моҳияти билан англаб ололмаган соддароқ қўшнилардан бири гапириб қолиш мавриди келди деган жўнгина мулоҳазага борди шекилли, одатдагидек нозикроқ ҳазил қилмоқчи бўлди ва қовун тушириб қўйди:

— Вой, олинг, қоқиндиқ, олинг, одамнинг таги нозик бўлади!..

Аммо дугоналарининг хандон отиб кулишмаганини, билъакс, ўзига ўқрайиб, баъзилари ҳатто чимирилиб турганини кўрган аёл тилини тишлаб қолди.

Осиё опа шошилмасдан, айтиш мумкинки, раҳбарларга хос ва мос салобат билан ўрнидан турди, ўзига эҳтиром билан тутиб турилган ёстиқчанинг чеккагинасидан икки бармоғида астагина ушлади, гўё юмшоқ жойимни қўйсам арзийдими-арзимайдими деган мулоҳазада уни эринмасдан айлантириб кўрди, алоҳа кўнгли тўлди шекли, бу пайтга келиб фаросатли-фаҳмли аёллар ўрнидан туриб улгургани боис деярли бўшаб қолган ўриндиқнинг қоқ марказига ёстиқчани тўшади ва мана шундан сўнггина илтимосчиларга марҳамат кўрсатаётгандай виқор билан ёстиқчага, таъбир жоиз бўлса, мўъжазгина давранинг мўъжазгина тахтига чўқди.

Бундай етакчи алмашув онлари собиқ даврабошига янги даврабоши нимадир демоғи жоиз эди афтидан ва буни Осиё опа ўз вақтида илғаб қолди.

— Юрибсизми, қоқиндиқ, — деди у Нозимага синчков назар ташларкан. Сўнг, кўришиш учун ўрнидан турмаганини писанда қилмоқчидай (ў, аввалиги пайтлар бўлгандами, минг айланиб-ўргилиб, гиргиттон бўлиб кетарди-я гиргиттон!) атрофдагиларни чимирилиб кўздан ўтказаркан, навбатдаги гапига озгина қалампир сепди: — Енгиллаши-иб...

Бироқ узоқни кўзлаб отилган ўқ мўжалга тегмади — сал хаёли паришонроқмиди ёки ҳалиям эмлашлар таъсирида боши ғувиллаб турганмиди, ишқилиб қўшнилари кайфиятидаги ўзгаришни англамаган Нозима:

— Раҳмат, — деб қўйиш билан кифояланди ва индамай йўлида давом этаверди.

Аввалиги мақомини қайтадан қўлга киритган етакчидан кўра аламзадароқ аёл бўладими дунёда? Осиё опа ҳам ўз ўлжасини осонликча қўйиб юборгиси келмади ва навбатдаги нишини суқиб қолишга шошди:

— Бир пас ўтиринг энди биз ғариблар билан ҳам, қўшни. Энди бундан кейин ҳаммамизнинг ўтирар жойимиз бир, борар бозоримиз ҳам бир бўлиб турибди.

Барибир гап мазмунини англамаган, аммо айтилиш оҳангидаги кесатикча, пичингга эътибор берган Нозима жойида тўхтади ва ҳайрон бўлиб қўшнисига қаради. Аммо шу пайт ичкаридан чиқиб қолган Самад қўшниларга салом берди ва Осиё опа навбатдаги чақиб оладиган жумласини ичига ютишга мажбур бўлди — аёллар ўз жанжалларига эркакларни аралаштиришни ёқтирмайдилар.

Эр-хотин индамасдан бекат томон юришди. Алаמידан чиқолмай қолган Осиё опа бир пасдан кейин вишиллади:

— Пешком юриб қолибдиларми...

Бироқ баайни опанинг бадҳоҳлик қилаётганини сезгандай Самад ёнидан ўтаётган «Нексия»га қўл кўтарди. «Нексия», унинг орқасидан келаётган «Жигули» ҳам тўхтади. Эр-хотин биринчи машинада кетишди.

Опа яна сасиди:

— Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди булар...

Дастлабки дақиқаларданоқ янги даврабоши кўнглида яхши таассурот қолдириш илинжида бўлган аёллар аввалига ёзғиришни андак эҳтиёкорона, енгилроқ, аниқ манзилсиз таъна-дашномлар билан бошлашди — ҳар қалай, йўлбарснинг ўлиги — сичқоннинг тириги, деган гаплар бор, бу ёқда хоним «Нексия»да кетган бўлса... Лекин бу ғийбатлар бора-бора осмонни босиб келаётган қора булутлар янглиғ зулумот рангини ола борди. Дейлик, алақандай бузоқнинг югургани қандайдир сомонхонагача бўлишини, ундан бир қадам ҳам ошмаслигини бот-бот таъқиқлаб турган Шура хола ногаҳон жўшиб кетди ва гўёки ноҳақ алам дийдасини ўртаб юборган ожизадай хитоб этди: «Ўтники ўтга, сувники сувга, қолди қатиқнинг пули...» Ва ушбу хулоса баайни ҳукм янглиғ кескин ва совуқ жаранглади. Аҳли жамоа бош ирғади — ўз розилигини изҳор этди...

Гарчанд исм айтилмади, манзил тилга олинмади — шусиз ҳам ҳаммаси равшан эди. Бироқ кун бўйи ғийбат сақичини чайнашса-да, аёллар ҳовуридан тушмасликлари тайин эди. Илло, «қатиқнинг пули» хусусида бирон мўлжални айтиш мумкиндир, ҳар нечук, ранг кўр — ҳол сўр, аммо «ўт» билан «сувга» беиз кетган миқдор маҳобатли, бениҳоя маҳобатли эдики, буни ҳатто тасаввур этмоқнинг ўзи даҳшат эди. Бу хусусда ўйлашганда (бу ўй эса сира нари кетай демас, билъакс, тобора ўзининг шилимшиқ панжалари билан кўнгиллару мияларнинг қат-қатига сирғалиб кириб борарди) аёллар бамисоли чўнтақларидан санаб беришиб, энди шимилдириқларини сўриб қолишгандек тишларини фикрлатишар, тирноқларини ғажишар, кўнгила-

ларини аёвсиз кемираётган алам қутқусида бемисл изтиробларга дучор бўлишар ва буларнинг барисининг айбдори бўлмиш дўндиқча (табийки, энди бу таъриф «хўппа семиз... бочка... хом гўшт...») каби нафратли-сермазах ўхшатишларга эврилганди) шаънига қарғишлар дўлини ёғдиришарди. Охири сира чидаб туролмаган Салима опа тиззаларига шапатилаб уриб ўрнидан отилиб туриб кетди ва йиғламсираб кўкка илтижо қилди:

— Эй худо, қайси аҳмоқ уч кундан кейин ўлиб кетадиган бир эсипастга беш минг доллар беради-я! Шу-унча пул-а, шунча пул!

Ушбу эътирофдан кейин юзлардан сўнгги истиҳола пардаси ҳам шармсизларча юлиниб олиндию, энди исмлар сал аниқроқ айтила бошлаган даврада туйқусдан аёлларнинг нақадар сезгир ва узоқни кўра билувчан эканлиги аён бўлди-қўйди. Хусусан, ўша, пулни олишга олиб («ҳа, яшшамагур-а!»), уч кундан кейин ўлиб кетадиган жинқарча қиз биринчи келганиданоқ ҳеч кимга ёқмаган экан: бир йўла уч кўшни унга шубҳаланиб қарагани ҳозир, шу ерда маълум бўлиб қолди. Яна битта кўшни эса бу соҳада анча илгарига кетган экан: Нозимага («анавинга» дейилди) бу қизга пул бера кўрманг, унинг ўлиб кетиши тушимда аён бўлди («рост, уч марта тушимда кўрдим, учаласида ҳам доллардан қанот ясаб, арвоҳга ўхшаб учиб юрарди»), деб айтмоқчи бўлган экан-у, лекин яна мени нотўғри тушуниб юрмасин деган фикрда индамай қўя қолган экан. Қанотнинг доллардан эканлиги ҳақидаги эскартма аксарият аёлларнинг ярасини янгилади, яна оҳ-войлар, уҳ-уфлар бошланди, бошлар армон билан чайқалди, мушт бўлиб тугилган қўллар қисирлади. Таъбирчи Собирахон эса ногоҳ қўлини кўтариб, ҳаммадан жим бўлишни илтимос қилди ва секин ўрнидан туриб, даврадагиларга синчковлик билан қараркан, овозини пасайтириб, деярли шивирлаб садо берди:

— Мен бу қизнинг кўзларида ўлим шарпасини кўргандим...

VII

Сал ҳаяжонланса ёхуд асабийлашса гапидан адашиб, дудуқланиб қоладиган, ўзининг бу ҳолатидан баттар қасилиб-қимтинадиган Самад ҳалидан буён недир тасалли бергувчи, юпатувчи сўзлар излар, аммо бунинг эвини қилолмаганидан зўр бериб хотинининг қўлларини силашдан нари ўтолмас, гўё шу қилиғи билан бутун меҳрини, ҳамдардигини иззор қилаётгандай астойдил шу ишга банд, қўйиб беришса кунни тунга улаб бўлса ҳамки Нозимани аламли изтироб ҳолатидан олиб чиқишга тайёрдай эди.

Фалокат содир бўлгандан бери мудом кўрқинчли ўйлар гирдобида юравериб деярли вос-вос касаллигига чалинган, наинки биров, ҳатто эри ногоҳ нимадир деб қолган чоғлари ҳам чўчиб тушадиган, кимнингдир қадалиб тикилиб турганини сезиб қолганда даҳшатдан ўзини қўярга жой тополмаётган, бир неча бор бу азоблардан ўлибгина бир йўла қутулиб қўя қолмоққа қасд қилган, бироқ ҳар томонни, айниқса олис овулда йўлига кўз тикиб турадиган отаси ва сингисини ўйлай-ўйлай сўнгги сонияларда аҳдидан қайтган, бутун юриш-туриши, аҳвол-руҳияти карахтлигу довдиращдан иборат Нозима баъзан бемисл оғир, суяк-суяклари майдалаб чопиб ташланганчалик даражадаги чарчоқ таъсирида беихтиёр бир неча дақиқага ухлагандай бўлар, таассуфки, бу лаҳзалар ҳам азобларининг ғайришуурий давоми эди: самолёт қулоқни батанг қилгудай даражада чинқириб портлар, унинг ичидаги ёлғиз йўловчи Флора қичқириб-ёлвориб ёрдам сўрар, қўлларини илтижо билан олдинга чўзар, юзига иссиқ бир нима урилган Нозима сачраб уйғониб кетар ва жон алпозда миждаларига қалқиб чиққан кўз ёшларини артаркан, чор-атрофига ваҳима ичида аланглар ва бамисоли паноҳ топадигандек ёнида мунғайиб ўтирган эрининг қўлларини маҳкам чангаллаб оларди. Мана шундан кейингина қаерда, қай ҳолатда эканлиги сал-пал шуурига ета борган Нозима пиқиллаб йиғлаб, эрининг қўлларига юзини босар ва энтика-энтика пичирларди:

— Нима қилиб қўйдим, Самаджон ака?.. Энди нима қиламиз, Самаджон ака?

Эр нимадир демоққа эҳтимолки минггинчи маротаба чоғланиб оғиз жуфтлар, аммо ҳеч қандай сўз, ҳеч қандай ялтироқ жумла азобларининг мингдан бирини ҳам ифодалаб беролмаслигини савқи табиий ила ҳис қилса керакки, дунёнинг энг оғир ғам-ташвиши тушган бошини хотинининг бошига босганча, кафтларини силайверарди, силайверарди...

Самад уйдан мархума дугонани эслатадигн барча ашёларни йўқотмоққа аҳд қилди ва ниятига ҳайрон қоларли даражада тезликда эришди. Зеро, Флора ўзидан кейин ҳатто битта сурат ҳам қолдирмаганди. Нарсаларни-ку, айтмасаям бўлади. — Нозима «Дугонам Ҳиндистондан совгага олиб келди», дея қўни-қўшниларга мақтаниб кўрсатган рўмоллар асида қўшни растадан сотиб олинганлигини эр яхши биларди. Хуллас, бу борада муаммо туғилмади, энди асосийси Нозимани қалбига ўрнашиб қолган айбдорлик ҳиссидан аста-секин қутқариш эди.

Самад видеомагнитофон сотиб олди, Нозима Юлдузга ишқибозлигини яхши билгани боис шу хонанданинг концертлари ёзилган кассеталардан келтирди. Сўнг умрида қилмаган ишга қўл уриб, ижара хонадонга Нозиманинг бозордаги бир-иккита дугоналарини меҳмонга чорлади. Бироқ ушбу тадбир кутилган самарани бермади, аксинча, Самаднинг кўнглига ғулғула солиб қўйди. Илло, бозорчи дугоналар ишбилармон аёлларга хос тарзда бўлиб ўтган фожиани эслашдан кўра Нозима фоизи билан қарзга олган минг долларни қачон қайтара олиш имкониятига эга эканлиги билан кўпроқ қизиқшиди. Эр бўла туриб бу битимдан беҳабар Самад ҳатто оғриниб ҳам ўтирмади — у тижорат соҳасида хотини ўзига қараганда кўпроқ нарсани билиши ва тушунишини, режаларни ҳам шунга яраша тузишини яхши биларди. Аммо масала бошқа ёқда эди: Нозима энди аввалги Нозима эмасди, руҳан чўккан бу аёл моддий жиҳатдан ҳам синиш эҳтимолини деярли ёддан чиқариб қўйганди. Ҳамкасб дугоналарнинг жон куйдириб маслаҳат беришлари, Чимкентга, «разбор»га бориб келиш зарурлиги хусусидаги ўгитларини бефарққина тинглаб ўтирган Нозима ора-сира, ўрни келса-келмаса бош ирғаб қўйиш билангина жавоб бериб тургандай бўлди. Ниҳоят тоқати тоқ бўлган бозорчилар араз қилишиб, хайр-маъзурни ҳам насия қилганча жўнаб қолишди. Фақат ошхонада ўралашиб юрган Самаднинг уларни подъезд эшиги ёнида қувиб етишию, хотинининг касал эканлиги ҳақидаги изоҳи ва узр сўрашигина бу ҳамени семиз аёлларни Нозимадан буткул юз ўтириб кетишдан асраб қолди. Эр шундан ҳам чўчирди, илло, бозор — якка отнинг чангини чиқармайди, фақат бирдамлик, ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлашгина мунтазам фойда келиб туришини таъминлайди... Орадан ўн кунча вақт ўтгач, Нозима фожеадан кейин биринчи бор эрининг ўрнига растада турди ва дастлабки савдони рисоладагидай ўтказди. Бу пайтда омборхонани баҳона қилиб жўнаб қолган Самад икки қатор наридаги растадаги гилам панасида турганча титраб-қақшаб хотинини кузатар ва йиғлаб юбормаслик учун зўр бериб қўйлагининг энгини тишларди. Шифо топгани, ишни бошлагани билан қутлаб анча киши келиб-кетди. Уйда, ваҳм гирдобида ёлғиз ётавериш анча юрак олдириб қўйган жувон аввалига келгувчиларга, ён-атрофига ҳадиксираб қараб-қараб қўяверди. Йўқ, бора-бора иш завқи аёлни ўз домига илин-тирди — Нозиманинг ҳаракатлари тезлашди, юзига қон югурди, кўзларида ўт чакнай бошлади...

Шу куни Нозима илк бор қарз хусусида оғиз очди. Гарчанд пул берганлар икки марта келиб кетишган бўлишсалар-да, Самад ўзини ҳеч гапдан хабари йўқдай тутди.

— Анов бечора... — шу сўзларни айтarkan, Нозима яна ҳаяжонланиб, қалтираётган қўлларини жуфтлаганча иягига босди, — омон бўлганида қарзниям тўлардик, фойдаям олардик. Кейин мен... Ҳиндистонгаям бориб келардим... — Энди бутун вужуди титраётган аёл ўзини босиб туrolмади — изиллаб йиғлаб юборди. — Менга керакмиди шу... бир бечоранинг умрига зомин бўлиб... Ўлиб бораётганмидим... Энди нима қиламиз, Самадjon aka?

Хавотирланиб қолган Самад дарҳол хотинининг қўлларидан тутди.

— Ў-ўйла-анма... Бир-р нима... бир-р нима... қилармиз.

Ниҳоят йиғидан тўхтаган, аммо ҳамон ўпкасини босолмай, энтикиб-энтикиб қўяётган Нозима баайни ўзини чулғаб олган оғир хаёллардан қутулмоқ қасдида туйқус кескин бош чайқади ва ирғиб ўрнидан тураркан, онт ичаётгандай кескин оҳангда деди:

— Ишлаймиз, Самадjon aka, ишлаймиз. Қарзниям қайтарамиз... Бечора Флоранинг уйигаям ёрдам бериб турамиз.

Самад жон ҳолатда бош ирғаб, хотинининг фикрини маъқуллашга ошиқди. Илло, ҳамиша шундай бўларди: Нозима ҳар қандай катта-кичик масала юзасидан албатта эрига маслаҳат солишга соларди-ю, аммо қарорни ўзи қабул қиларди. Тижорат чоп-чопларида ўтаётган умрлари мобайнида эр-хотин кўп бор чув тушиб ҳам қолишди, кўп бор яқин таниш-билишлари тарафидан уюштирилган аҳдам-қулдамларга ҳам дуч

келишди. Самаднинг ҳисоби бўйича, энг камида тўрт хонали уйга етадиган пул ошна-оғайниларда, бизнес-ҳамкорларда қолиб ҳам кетди, аммо ҳамиша мушкул, ҳатто си-нишлари аниқ бўлиб қолган сўнги дақиқаларда Нозима кескин бир қарорга келар ва шу қарорни амалга ошириш учун ўлиб-тирилиб, жонини жабборга бериб ишлар-ди. Тўғри, ишлар ҳамиша ҳам бирданига юришиб кетавермас, омаддан кўра кўпроқ омадсизликка дуч келинар, очигини айтганда, битта қаттиқ нонга зор кунларни ҳам бошдан ўтказишар, бироқ чекка-чеккада йиғлаб-сиқтаб, ўзини қарғаб-қарғаб оладиган, таниш-билишлар олдида эса ўзини ошиғи олчи, шу сабабли беғам-бепарво тадбиркордай тутишни эплай оладиган, ҳатто ширин хомуза тортганча олинаётган фойда миқдоридан кўнгли тўлаётганини писанда қилиб кетишни унутмайдиган Нозима то ҳақиқатан ҳам фойда кўрадиган кунга етгунга қадар тер тўкиб меҳнат қилар, на ўзи тинар, на эрини тиндирарди. Бундай пайтлари, баъзи тили захаргина касбдошлар топиб айтганидай, Нозиманинг «учинчи кўзи» очилиб кетар ва мана шу нигоҳ таъсирида аёл ҳатто қарзга олинган залворли миқдорларни фақат катта фойда келтирадиган, энг камида бирга бир ташлаб берадиган маҳсулотларнигина сотиб олишга сарфлай оларди. Бундай пайтлари Нозима иш ташвиши билан ётиб, иш ташвиши билан уйғонар, то керакли пулни йиғиб, кўнгли хотиржам тортмагунча кўзига ҳеч нарса кўринмайдиган даражага етар, алоҳа, мақсадига эришгандан сўнггина фақат таниш-билишлар учунгина эмас, аслида ҳам беғам-бепарво, сақични чақиллатиб чайнаб юрадиган, озгина обрўталаб, ширин сўзга жонини садқа қилиб юборадиган, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган аёлга эвриларди-қоларди.

Фақат... фақат бу жараён кечажак кунлар, оилар мобайнида кўнглининг туб-тубида ягона мақсад бўлгувчи эди: нима қилиб бўлса ҳам хатони ювиш, нима қилиб бўлса ҳам керакли пулни тўплаб олиш. Таъбир жоиз эса, бутун вужудинга, юрагининг туб-тубига муттасил, ҳар сония, ҳар лаҳзада оғусини чақиллатиб томизиб тургувчи ваҳима, виждон азоби йўқ эди. Утган кунлар кураши фақат мусобақа эди холос, ўртага ҳам бор-йўғи мулк тикилганди. Мулк эса, ҳар нечук, одамнинг жони эмас. Бу сафар эса Нозимани марҳума дугонаси борасидаги хотиралару унинг ўлимида ўзини айбдор ҳис этиш азоби адои-тамом қилиб улгурганди. Жувон баайни ўзини мудом ушлаб-тутиб тургувчи недир бир асосдан, суянчиқдан айрилиб қолгандай — қаддини эгиброқ юришга ўтганди. Энг соғлом мулоҳаза, сермантиқ мўлжал, аниқ ҳисоб-китоблар ҳам қутилмаганда, айни чўққисига чиққан маҳал туйқусдан лоп этиб узилиб қолиши мумкин эди — ўзи ҳам истамаган ҳолда дугонасининг доимо жиддий чехрасини кўз олдига келтирган аёл асабларини босолмасдан қаттиқ инграб юборганча тиз чўкар ва кафтларини юзига босганча титраб-қақшаб йиғлагани-йиғлаган эди.

Усти очик ярадай — бунинг устига Нозима бу ярани тинмай ковлагани-ковлаган эди — мудом лўқиллаб турган азоб ўз таъсирини кўрсатмай қолмади: жувон мўлжалда, ҳисоб-китобда янглишди. Умуман олганда ҳам, кучоққа сизмас нарсани кучоқлаб бўлмаганидек, отчопарда ҳам савдогар аёлларнинг ҳар бирининг ўз тижорат соҳаси, тармоғи бор эди. Кўп йиллардан буён фақат кийим-кечак савдосида юриб, анчамунча тажриба орттирган, керак бўлса бу борада юлдузни бенарвон урадиган, яъни ярим кечаси уйқусидан уйғотиб сўрасангиз ҳам бу мавсумда аёллар ўртасида қандай либос урфга киришини адашмай айтиб берадиган Нозима тезроқ фойда олиш илн-жида бир-икки дугонаси ваъда қилган катта даромад қутқусига учиб, бор сармоясини озиқ-овқатдек нозик ва нотаниш соҳага қандай ташлаб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Одатдагидек, эрига маслаҳат солган ва жавобини кутиб ўтирмасданок бир қарорга келганини баён қилган Нозима — Самад эса ниҳоят хотинининг яна ишга астойдил кириши бошлаганидан хурсанд бўлди, холос, устига устак, у Нозиманинг қатъий ҳисоб-китобга асосланмаган, фойдаси кафолатланмаган ишга қўл уриши мумкинлигини тасаввур ҳам этолмасди — таниш-билишларидан бир ой ичида ўн фоиз кўшиб қайтариш шарти билан қарзга олган уч минг «кўк»ини белига тутдию, дутоналари қуршовида Олмаотага йўл олди. Йўл Нозима учун ниҳоятда оғир бўлди — Чимкентга яқинлашган маҳаллари ранги ўчиб, қалтироғи туга бошлаган аёл ёнидаги шериги «Чимкентгаям келдик» дея сўнчи сўраб турган чоғда чидай олмасдан қаттиқ чинқириб юборди ва хушдан кетиб йиқилди... Олмаотага дармонсиз, йўл бўйи оғзига ушоқ ҳам сололмасдан борган Нозима бор сармоясини олиб-сотарлар бошлиғи ва бирга борган дутоналарига берди: «Мен учун ҳам ўзларинг бирон тузукроқ нарса ола қолинглар».

Бу сафар омад юз ўтиргани рост эканми ёхуд аёллар сал эътиборсизлик қилишганми, ишқилиб, арзон-гаровга олинган сарёф ва қуюлтирилган сут қадоқланган яшиқларда кўрсатилган ишлаб чиқариш мuddати сохта экан — бу қайтиб келаётган маҳаллари, божхонада аниқ бўлиб қолди. Буям камлик қилгандай, бозорчилар «Лайли-Мажнун» деб атайдиган «LM» сигареталарининг акциз маркалари ҳам сохта бўлиб чиқди. Маҳсулотларнинг нархини эшитган маҳал «Тузуккина фойда кўрадиган бўлдим» деб қувонган Нозима эс-ҳушидан оғган аёл янглиғ суратдай қотиб қолаверди — божхона жами маҳсулотни мусодара қилди, СЭС озиқ-овқатларни йўқ қилиб ташлайдиган бўлди...

VIII

Ранги қув ўчган Нозима оналари тумшукларида олиб келадиган насибаларини кутаётган полапонлардек тизилишиб ўтирган қўшниларга аранг салом берасола ичкарига кириб кетди. Бу ҳолдан таажжубланган аёллар аввал бир-бирларига аланг-жаланг қарашди, сўнг ҳар нечук нигоҳларига недир сирли маъно беришга уриниб қолишдики, баайни худди шундай бўлишини улар олдиндан билишгану энди ҳеч нимага ҳайратланишмаётгандек. Ҳолбуки, қанчасининг ичидан қиринди ўтиб кетди — яратганга аён. Илло, Нозиманинг сафардан келиши маълум эди — оғзи қулоғида юрган Самад санани соатига қадар аниқликда айтиб берганди, инчунун, эрининг бу сафардан кўп нималарни кутаётгани-да, сафар иқтисодий аҳволни кескин ўнглаб юборишда ҳал қилувчи ўрин тутаетгани-да аён эди, шундай экан, бас, қўйнидан тўкилса қўнжига деганларидек, сайёҳнинг йўлига нигорон кўз тикиб ўтирган қўшниларга ҳам недир томиб қолиши жоиз ва лозим эмасми...

Орадан ярим соат ўтса ҳамки Нозимадан дарак бўлавермагач, Осиё опа ёшроқ келинчақлардан бирини элчиликка юборди. Аммо пешонасини маҳкам танғиб олган, лаблари қуруқшаб кетган Нозима боши қаттиқ оғриётганини айтиб узр сўрабди.

Аёллар гувилаб ўз норозиликларини изҳор этишга шошилишди. Ўпканинг зўри Шура холада кетди — эрталабдан буён қўлида кейинги уч ой учун коммунал хизмат ҳақи ёзилган хабарномани ушлаб ўтирган, ўзича «Ўламан саттор, лекин Нозимадан бир нима ундираман!» деган қарорга келиб қўйган жувон қўшнисининг бу қадар безбетлигига чидай олмади ва шанғиллаб қарғанди:

— Ўлсин энди, ёшгина нарсанинг боши оғриси... Ундан кўра тўғриси айтмайди-қўймайдими, санларни кўргани кўзим йўқ деб! Қўнғизга арпа баҳона деганлари шу-да. Э, ўзига ўхшаб сўппайган баҳонасиам ордона қолсин савилнинг... Биз уни одам деб қақирса...

Осиё опа эса раҳбарларга хос салобат билан бир лаҳзада ҳамдардларга айланган аёлларнинг таъна-дашномларини бир мuddат эшитиб тургач, қўл ишораси билан ҳаммани жим бўлишга чақирди ва мана шундай салобат билан гапиришга уриниб, ўзининг хулосасини айтди:

— Бу ерда яна бир гап бор-ов... по-моему...

Аллақачон янги даврабоши етовига ўта бошлаган аёллар хулосанинг бу қадар аниқ-тиниклигидан ҳанг-манг қолишди ва дарҳол мазкур қимматли фикрни ўртага ташлаган тилла бош раҳбарга ҳамду сано ўқишга тушиб кетишди...

Бу пайтда дунёда шундай қўшнилари борлигини тамом ёддан чиқарган Нозима алам зўридан эстиқни маҳкам тишлаганча зўр бериб бу мушкул вазиятдан чиқиш йўлларини ахтарди.

Рангли телевизор, мой доғи бор гилам — булар урвоқ ҳам бўлмаслиги равшан эди. Тилла тақинчоқларнинг бариси сотилса минг долларга яқин келади — бу энди ҳисобга олса бўладиган миқдор... Омборда қанча мол қолган?...

Нозима жавондан ҳисоб-китоб олиб борадиган дафтларини ва митти калькуляторни олди...

Отдан тушса ҳам эгардан тушишни истамаётган Нозима эртаси куни отчопарга иши гуриллаб турган даврлардагидек ўктам қиёфада кириб келишга уринди. У йўл-йўлакай бир неча танишлари ўтирадиган расталар ёнидан ўтаркан, аввалгидек чапаста гаплардан гапирди, йўлак ўртасида довдираб қолган аравакаш йигитчанинг елкасига қарсиллатиб урганча данғалига «Пўшт, ошна!» деб ҳазиллашини ҳам удалади. Токи дўст-душман кўриб қўйсин: Нозима ҳали сингани йўқ, салгина чайқалди, холос, бу кимнинг бошидан ўтмаган, демак, унинг от устига чиқадиган кунлари узок

эмас. Шундай экан, Нозима билан бемалол аввалгидек муносабатда бўлавериш мумкин, чунки у ишончли ҳамкор эди ва шундай бўлиб қоладиям.

Нозима мана шу кайфият билан гап орасида бир-икки танишининг кўнглига кўл солишга уриниб кўрди, яъни айлантириш учун уч-тўрт минг етмаётганини шаъма қилди. Таассуфки, «Қанча керак?» ёинки аввалги сафарларга ўхшаб «Ёрдамни биз бериб турамыз-да!» дегувчи мард топилмади. Ҳатто бир-иккита таниш элбуртдан савдо юришмаётганлигию, зарарига ишлаётганликлари ҳақида оғиз кўпиртириб шикоят қилишга тушиб кетишдики, айна шу ҳолнинг ўзи шубҳали эди: афтидан, улар Нозиманинг қарз сўраши эҳтимолидан воқиф эдилар. Ёмон гапнинг қаноти бор, деб бежиз айтишмас ахир. Бозор — бозор-да, топгандан синган кўп, аммо Нозима анча йилдан бери ишлаши ёки кўзга яқинроқлиги боисми, кўпларга танилиб қолган эди ва балки шу сабабли унинг даҳшатли даражада синганлиги ҳақидаги хабар яшин тезлигида тарқалиб улгурганди.

Таниш-билишлар ўзгариброқ қолишганди ва буни сезмаслик мумкин эмас эди. Тўғри, ҳозирча ҳеч ким очикдан-очик «пул йўқ» демас, аммо айна пайтда «пул бор» ҳам демасдики, мазкур ҳолатнинг ўзиёқ кишини шубҳага соларди. Нозима кўрқиб кетди. У кумурсқа уясидек одамга тўла бозор ичидан кетиб бораркан, ўзини саҳрода ёлғиз қолган дайгидек ҳис эта бошлади. Шу нохуш туйғудан қутулмоқ қасдидами Нозима бир-икки танишларига ўзини мажбурлаброқ аввалгидек гапиришга уриниб кўрди, аммо эплай олмагани боис гаплари сунъий ва бачканароқ чиққанини ўзи ҳам сезди. Бу ҳолат ҳам аёлнинг обрўсини ошириш учун хизмат қилмади — аввал икки-ланиб турганлар ҳам энди Нозиманинг буткул синганлигига ишонч ҳосил қилишди ва аёл ҳали асосий мақсадга ўтмасдан туриб бир олам баҳоналар тўқиб ташлашга ё бўлмаса ўта қадимий усулда ҳужумга ўтишга улгуришди, яъни Нозиманинг ўзидан қарз сўрай бошлашди...

Асабийлаша бошлаган жувон навбатдаги машъум хатога йўл қўйди. Ҳали ваҳм вулқони бутун даҳшати билан қайнаб-тошмаётган эди, ҳали мўъжиза рўй беришига ва барча мушкулотлар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетишига илинж бор эди, ҳали — очигини айтганда — шохи синмаган Нозиманинг ўзи вазиятнинг нақадар жиддийлигини тўла англаб етмаганди, дугонасининг ўлиmidан ларзага тушган жувон учун буларнинг бари бир ҳаракат билан ҳал этиладиган тирикчилик муаммоси эди, холос. Балки шу сабаблидир, у ёнига ўғри мушукдай суйкалиб келиб:

— Бизга бирон хизмат борми, акаси жонидан? — деб турган Қўзибойдан икки-ланиб ўтирмасдан қарз сўради.

Уч-тўрт йилдан буён сўққабош, аммо озодлигининг дастлабки кунларидан кўча аёлларига илакишган ва улардан орттириб олган ёмон хасталигини фалон пулга базўр даволатган Қўзибойда «Чойдан оғзи куйган...» қабилада фақат таниш аёлларни тўшакка чорлаш одати бор эди. Нозимага-ку, у икки йилдан буён суқ билан қараб юрарди. Эҳ-ҳе, бу момоқаймоқ ва ўзига яраша ўжар аёлни кўлга киритиш учун у нималар қилмаганди! Афсуски, ҳаммаси бекфойда кетди. Мана энди шу қушчанинг ўзи донлай деб турибди! «Дам шу дамдир!» деган қарорга келган, ҳовлиқиб-шайтонлаб қолган Қўзибой бутун кучини овозини пастлатишга сарфларкан, ниятини пардалаш хусусида ўйлаб ҳам ўтирмади:

— Оғзингизга сиққанини сўранг, акаси жонидан, топиб бермасам ит бўлай!..

Азадан Қўзибойни икки суймайдиган, ҳозир ҳам унинг аҳволини ваши келиб кузатиб турган Нозима шартта сўради:

— Ойига қанча?

Ўзи ҳам ишонмай юрган орзуи бирдан амалга ошиб қолса одам тентак бўлиб қоларкан. Ҳозир ҳам жувоннинг қарз устига қўйилаётган ойлик устама фоизни сўраётганини англаб етмаган, кўнглининг кўчаси эса алақаёқларга етаклаб кетиб қолган Қўзибой энди тамомила ўзини йиғиштиролмай қолди ва елкаларини ғалати тарзда учириб, кўз қисиб қўйишга уриниш асносида кемшик тишларини намойиш қилганча ёйилиб илжайди:

— Биз ҳар куни ўн марта десангиз ҳам тайёрмиз, акаси жонидан, аммо ўзингизга қаранг — ҳафтасига икки мартадан камига кўнадиган аҳмоқ йўқ. Кейин бу ерда эмас, алоҳида бир квартирамиз бор...

Чўнтагидан калькуляторини олиб, ҳисобламоққа тайёрланаётган Нозима ногоҳ ҳамсуҳбатининг нимага ишора қилаётганини англадию, нафрат ва алам зўридан кўзлари шокосасидан отилгудай бўлиб қақчайган ҳолида бир неча сония оғзини каппа-каппа

очганча эсанкираб қолди ва ниҳоят забон битгач эса Қўзибойнинг ҳалитдан шахват билан ёнаётган кўзларига, жиққа терга боғган кўмирдай қора бўйнига беадад нафратланиб тикилганча наинки ён-атрофдагилар, ҳатто уч-тўрт раста наридагилар ҳам бемалол эшитадиган баланд овозда бақриб юборди:

— Сен, Қоровой, аввал каттароқ қозонга беш-олтита кирсовун ташлаб, ўзингни қайнатиб ол, кейин тиш-пишингни ювиб, устингдан бир челақ атир қуй-да, одамга ўхшаб кийин. Ана ўшандан кейин сен билан гаплашаманми-йўқми — ўйлаб кўраман. Ифлос қўлингни менга теккизишни эса хаёлинггаям келтира кўрма, ҳатто онамни тирилтириб келганингдаям!

Қўзибой таниш-нотанишлар олдида ёмон изза бўлди. Муҳаббатдан нафратгача эса бир қадам. Қўзибой ҳам аччиқ-тизиқ гаплар қилиб юборди:

— Кўп осмондан келверма, энагар! Ўзи бу ёқда бўларинг бўлиб турибди-ку! Ҳали шохмай тур, сени олдимга эмаклатиб келдирмасам отимни бошқа қўяман!

Бу пўписига жавобан Нозима асабий тарзда кулди:

— Сенинг отинг бир ўзгариб бўлган. Энди иккинчисиниям топиб қўй, мараз!

Даҳанаки жанг оловига мой сепилаётганини кўрган аёл сотувчилар Нозимани қучоқлаб олиб нари обжетишди, эркаклар эса кўзи қонга тўлган, ҳансираб нафас олаётган Қўзибойни судрашди. Мана шунда Қўзибой-қорабой барибир сассиқоғизлигига борди ва:

— Агар айтганимни қилмасам, онам гўрида тинч ётмасин! Онамнинг арвойи урсин мени! — дея қасам ичиб юборди.

Вазият кескинлигидан келиб чиққан ҳолда аксарият бу онтга унчалик эътибор бериб ўтирмади, аммо қасам сўзлари ортида яширинган мудҳиш маъно Нозиманинг миясига ўқдай келиб қадалди...

Кайфияти бир пул бўлган Нозима омбордан ҳовлиқиб чопиб келган эрининг саволига жавобан «Тинчлик» деб жавоб бераркан, бугун савдо қилолмаслигини қўшиб қўйди-да, индамасдан уйга қайтди.

Бизнеснинг ўз шафқатсиз қонун-қоидалари ҳам бор. Фоизли қарз вақтида қайтарилмадимми — тамом, ўша лаънати устама кундан кунга ўсиб кетаверади. Шунинг учуноқ ердан оладими, кўқданми, нима қилиб бўлса ҳам қарз вақтида қайтарилиши шарт эди.

Ҳар қалай, томоғи тушибгина турган қўшни аёлларга икки салафан халтачада конфет олишни унутмаган Нозима бош оғригини сабаб қилиб уйга кириб кетиш олдида бир амалаб ҳар бир ҳаракати ила даврабошлик мақомида эканлигини кўз-кўз қилишга интилаётган Осиё опани четроққа чақирди ва қўшнилardan ўзи берган қарзларни қайтариб олмоқчи эканлигини тушунтиришга уринди. Жувон ишлари унчалик юришмаётганини яшириб ўтирмади. Фақат опанинг ҳузурланиб тамшанаётганини кўрган маҳал ичида бир нима узилиб кетгандай бўлди ва беихтиёр:

— Шуларсиз ҳам ишларимни ўнглаб оламан, лекин уч-тўрт сўм ҳалақит бермасди-да. Шунинг учун, илтимос, имкони борлари қайтаришсин, яқин орада ишларим юришиб кетади, ана ўшанда яна қанча сўрашса бериб тураман, — деб юборди.

Нозима салгина беписанд оҳангда гапиришга уриниб кўрди, аммо кўзларидаги саросима, салқи ҳовоқлари, ҳадеб бармоқларини синдириши, умуман ўзи берган пулни шунчалик ҳижолатпазлик билан сўраши Осиё опани шубҳалантириб қўйди ва даврабоши гап нимадалигини ўзича тусмолади.

— Асло ўйланманг, синглим, — деди ниҳоят опа далда бераётгандай Нозиманинг елкасига қоқиб қўяркан. — Халқ сизни оғир аҳволда ташлаб қўймайди. Мана кўрасиз, бу масалани бугун-эрта ҳал этамиз.

— Раҳмат, опажон, — деди кейинги кунлар ичида биринчи маротаба суюниб кетган Нозима. — Билардим тушунадиган аёл эканлигингизни.

Бунга жавобан Осиё опа «Шунақа фазилатим ҳам бор» дегандай камтарона тарзда елка қисишга уриниб қўйди.

Шу куни Осиё опа тиним билмади ва натижада яқин-атрофдаги бегона уйлардаги аёллар ҳам 13-уйнинг тўққизинчи қаватида яшовчи Нозима исмли аёл бировларнинг каттагина пулини еб қўйганлигидан, энди «разбор»га тушганлигидан, умуман ҳаёти қил устида эканлигини билиб олишди. Ким ачинди, ким бу аёл ўзи пиширган ошни ўзи суюб ичиши лозимлигини таъкидлади, хуллас, бетарафлар бўлмади ҳисоб.

Қарзни қайтариш масаласида эса баъзи муаммолар туғилди. Бирдан аён бўлиб қолдики, ҳеч ким шу кунларда бундай имкониятга эга эмас экан. Илтимосни етказув-

чи воситачи сифатида ўзини ҳақли равишда бу рўйхатдан чиқариб ташлаган Осиё опа бир-икки бор тил учда қарзни қайтаришга даъват этди, аммо опанинг ўзини тутишидан қарз қайтарилмаса қандай томошалар бўлишини кўришга ишқибозлик кўпроқ эканлигини тушуниш мумкин эди. Шура хола кўнглидаги гапни шартта айтди-қўйди:

— Нима, ундан мажбурлаб олибмизми? Биз сўрадик, ўзи югуриб обчиқиб берди, энди топганимизча жимгина ўтира турсин! Топсак қайтарармиз, кўркмай қўяверсин!.. Топмасак... топмасак бир гап бўлар... Ўзи берган бўлса...

Кейинги икки-уч кунни даҳшатли даражада бош оғриқ ва юрак сиқиш хасталикларига дучор этадиган чоп-чопларда ўтказган Нозима адоий тамом бўлди. Отчопарга боришдан безиллаб қолган аёл у танишидан бу танишиникига чопар, бирон жойдан чиқасола бошқа манзилга қараб елар, кечга бориб эса силласи қуриган, тамомила мадордан қолган аҳволда судралиб маконига қайтаркан, борган жойларида эшитганлари, бир қарашда жўялидек туюладиган узрлар миясида аралаш-қуралаш бўлиб кетар, шунда Нозима ким нима деганини ҳам аниқ эслолмас ва ўз аҳволидан ўзи хайрон ҳолда яна танишларининг манзилларини эслашга зўр бериб уринар, аммо миясининг қақшаб оғрий бошлаши бунга имкон бермасди. Самаднинг кун бўйи тилини осилтириб ўзига эргашиб юришлари, садоқатли қўриқчидай бегона эшиклар ёнида соатлаб оч-наҳор кутишлари ҳам жувоннинг асабларини ҳаддан ортиқ ўйнатар ва у дод деб юбормаслик ёки мўлтираб қараб турган эрига бор захрини сочмаслик учуноқ тишларини бир бирига синдириб юборгудай даражада қаттиқ босар, кўзларини эса маҳкам юмиб оларди.

Кўпчилик таниш-билишларнинг биттагина ожиза аёлга нисбатан тил бириктириб олиши мумкинлигининг ўзини ақлга сиғдириб бўлмасди, албатта. Бироқ ҳар бир бош эгиб борган хонадонда уй эгаси ёинки бекасини топган маҳаллари (кўпинча улар уйда бўлишмасди) жўяли-жўясиз сабаблар чоғишган узрларни бўшашибгина тингларкан, Нозиманинг назарида бу барча гап-сўзлар, сохта мулозаматлар ортида Қорабойнинг қоп-қора башараси тиржайиб тургандай бўлаверарди. Шунда жувон сесканиб кетар ва бу қўрқинчли ўйни миясидан тезроқ чиқариб ташлашга ошиқарди.

Нозиманинг ҳисоб-китобларига кўра, таниш-билишлари ва қўни-қўшнилари қўлида унинг уч юз минг сўмдан кўпроқ пули бор эди. Лекин бетини сидириб ташлаб сўрай-сўрай ўн кун ичида бу миқдорнинг учдан бирини аранг йиғиб олди. Пул ҳақида гап очишга уринган маҳаллари қўшнилари жон томирлари босилгандай афтларини буриштириб юборишларини бир-икки кўргач эса, юрак ютиб бу хусусда бошқа оғиз очолмади...

Қоғозда қилинган ҳисоб-китобларнинг биронтаси амалда ўз тасдиғини топмади — етарли пул йиғилмади. Шувиллаб ўтиб бораётган кунларнинг ҳар бири қарз миқдорини фалон фоизга оширмоқда эди. Чорасизлик зўридан бошини маҳкам чангалаб, сочларини аёвсиз тортқиляётган бир оқшом Нозима ўрнида узоқ вақт куйиниб йиғлаб ётди ва ниҳоят энтикиб-титраб қақдини тикларкан, ёнида занжи қўлдай тек қотган эрига қараб илтижоли пичирлади:

— Энди нима қиламиз, Саматжон ака?...

IX

Дастлабки миш-мишларни отчопарга калиш харид қилишга борган Санобархон кўтариб келди. Ҳадеб тушиб кетаётган кўзойнагини тўғрилаб қўяётган аёл танишларидан эшитганларининг барини ҳовлиқиб-энтикиб тўкиб соларкан, ҳатто Қорабой онасининг арвоҳини ўртага қўйганини ҳам қолдирмади.

Аёллар чувиллашиб Қорабойни қарғай кетишди, уни ипирисқидан олиб пастга солишди. Ҳамжинсга ҳамдардлик туйғуси боисми, Нозимага ачинганлар бўлди. Бир-иккита аёл эса шилқим қора мўндининг бошлаб таъзирини бергани учун уни мақтаб ҳам қўйишди. Хуллас, шу куни савдогар ҳамсоянинг путурдан кетган обрўси андак-кина тикланди.

Бу чоршанба куни намозшом палла бўлган гурунг эди.

Шу куни яна ҳориб-чарчаган, бир сўм ҳам уңдиrolмаган Нозима қўшнилари ёнидан ўтаркан, ўзига нисбатан муносабатнинг сал илиқлашганидан беҳабар ҳолда фақат салом бериш билан кифояланди. Уч-тўрт оғиз илиқ гаплари эвазига недир

ўзгачароқ, айтайлик, моддийроқ кўринишдаги мукофот кутаётган аёлларнинг ҳафсала-си пир бўлди. Ўпкани одатдагидек Осиё опа бошлаб берди. У қоматини сириб турган оқ кофта ва жинси шим кийган Нозима подъездга киргандан сўнг лифт шифилаб юқорига кўтарилаётганига кулоқ тутиб турди-турди-да, афсусланиб бош чайқади:

— Ўзи аслида гунажин кўзини сузмаса буқа ипини узмайди. Бу жонивор тир-силлаб, таннозланиб, бир жойларини кўз-кўзлаб тургандан кейин ҳар қандай эркак-нинг кўнгли сушт кетади-да.

Гап ўзани қаёққа бурилаётганини англаган Шура хола дарҳол жўр бўлди:

— Шундай, опажон, шундай. Яна денг эркаклар билан кўл бериб кўришадими-ей, гаплашаётиб кўлларини текизиб оладими-ей. Кўзини-ку, узмай тураверади. Аёлсан, ахир, сал уёқ-буёғинга қара, ақлинг етмаса ўзингдан катталардан маслаҳат сўра...

Бу дунёда одамлар қандай қилиб бир-бири билан топишади? Ўлай агар, шунча ўйласам-да, на бу саволнинг тузукроқ бир жавобини топаман, на бирон бир мантиқ-ли шарҳга дуч келаман. Ақлим етгани эса тасодифлар ўйини, холос. Дейлик, феъл-атвор, дунёқараш, истак-майл жиҳатидан бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи икки одамни учратасан, уларни бу ҳаётда сув билан оловга менгзайсан, аммо андак фурсат ўтар-ўтмас кўриб қоласанки, бу икковлон алақачон топишиб олишган, қўйиб берсанг бир бирини қиёматли биродар, ака, сингил ва ҳаттоки дўст деб атайди. Шунда беихтиёр ҳайрат бармоғини тишлайсан, дунёнинг ишларини англамоқ нақадар мушкуллигига яна бир бор имон келтирасану, жуда нари борса, файласуф ҳикматини такрорлаш билан кифояланасан: «Ақддан озасан маъно қидирсанг...»

Каминанинг назарида, мисол учун, Осиё опа билан Қўзибой ака икки дунёнинг одамлари эдилар, уларни бирон нарса бирлаштириши мумкин эмас эди, мабодо бири иккинчисига донорлик қилиб қолган тақдирда ҳам уларнинг қони битта томир ичида қўшилишиб кетолмасди.

Биз ҳаммамиз хом сут эмган баъдамиз. Нечукдир ўз ожиз хулосаларимизни мутлоқ ҳақиқат ўрнида кўрмоқликка мойилроқмиз. Айнан шу сабабли ҳам бир куни тонг маҳал отчопарда, шундоқ раста ортида бир жуфт мусичадай ку-кулашиб турган Қўзибой ака билан Осиё опани кўриб қолганимда, рости, аввалига ўз кўзларимга ишонмадим. Аммо воқелик мана шундоқ эди ва бу ҳақиқатдан қочиб қутулиб бўлмасди.

Мен ана шунда ўзимча салоҳият ҳисоблаб юрган кузатувчанлигим, бировлар феъл-ҳўйини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали уларнинг ҳеч қурса, яқин келажagini аниқлай оламан дея сафсата сўқиб юришларим бариси аслида уч пулга қиммат мақтанчоқликдан ўзга нарса эмаслигига ноилож иқрор бўлдим. Мен ана шунда миямга ўрнашиб қолган чала билимларим, қайдандир ўқиб-ўзлаштириб олинган ожизона нуқтаи назарларим билан ҳатто ўзим мукамал ўрганиб олдим деб ҳисоблаб юрган таниш-билишларимнинг биронтасининг қалбини заррача ҳам тушуниб етмаганлигимни тан олдим. Ва мен таслим бўлдим. Бундан кейин ўзим кўриб-билиб турган мазкур воқеани қаламга олишда давом этсам, минбаъд фалсафа сўқмасликка, ўзимни ақли кўрсатмасликка (илло бу ҳолда кейинчалик шармандаликка учрашим эҳтимоли кучаярди), олдиндан хулоса чиқариб қўймасликка, борини имконим даражасида қоғозга тушириб қўйиш билангина кифояланишга онт ичдим. Бундан ортиғига кучим етмас экан, зўриқишдан не наф...

Ҳолбуки, кундалик ҳаётимизда кўп учраб турадиган воқеа рўй берган, яъни манфаатлар бир нуқтада кесишган эди, холос: Осиё опа «Мен Нозима яшайдиган уйнинг домкомиман» деб ўзини таништирган ва буни эшитган Қўзибой ўрнидан сакраб туриб кетган дастлабки лаҳзалардаёқ, бир кўз ташлашдаёқ улар бир-бирларининг аслида нима истаётганликларини жуда чуқур ҳис этдилар ва бу англаш туйғуси ҳеч қандай муқаддималарсиз ҳам асосий масалага ўтишга замин яратди.

Опани раста ортига бошлаб ўтган Қўзибой:

— Шундай бўлиб қолади, опа, — деди. — Энди бу ишди тувриламасак бўлмайди — бизди обрў кетиб қолади.

Осиё опа илжайди.

— Тоза жигарингиздан урган экан-да.

Қорабой кўкрагига урди.

— Жигар жойида турибди, опа, журак кетган, журак. Шу қизди кўрсам бошим айланиб қолади.

Аёл барибир аёл-да, Осиё опа ҳам гапириб бўлгандан сўнг ингичка лаблари

орасидан қизил тилининг учини чиқариб турадиган ҳамсухбатига қараб тайсалланди:

— Энди, укажон, бошида эри бор жувон бўлса, мен бориб сизни гапириб турсам, тушунган бор, тушунмаган бор, биласиз, элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди, бу ёқда хўжайини болта кўтариб келиб турса...

Қорабой сал асабийлашди — ўз оёғи билан келиб турган жувоннинг ўзини тарозига сола бошлаши ғалати эди.

— Энди, опа, чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Раз киришдикми, энди бу ишди охирига довури олиб бормасак бўлмайди. Бир олдимга олиб келинг шу қизди, тиллага кўмиб ташлай. Энди ўзи қулоғигача қарзга ботиб, нима қиларини билмай юрганиниям биламиз. Бир келсин олдимизга, маслаҳат солсин. «Энди нима қиламиз?» деб сўрасин, ана ундан кейин туриб бермаган номард. Қарзиниям узаман, киссасигаям бир-икки бўлак солиб қуяман. Сиз у томонидан хавотирланманг, нима хизмат бўлса мана мен туриб бераман, «ғинг» деган номард!

Кўнглидан кечган ўй тасдиғини олган опа ўзини ноилож ён бераётгандай тутди.

— Бўлмаса мен бориб вазиятни бир ўрганиб кўрай-чи.

Бироқ бу қисир ваъда Қўзибойни қаноатлангирмади.

— Ўрганиб ўтирманг, опа, ишни атакадан бошлайверинг, атакадан!

Шунда... ёшлик йилларидаги ўйинқароқликлари ёдига тушдими ёинки маҳаллада бўлгуси куёвлардан олган совға-саломлари эвазига тортинчоқ қизларни учрашувларга олиб чиқиб юрган даврларини эсладим, ҳар тугул, ногоҳ юзи ёришиб кетган опа тошдай қаттиқ кафтини суҳбатдошининг кафтларига ҳузурланиб ишқалади.

— Ўғил бола экансиз, аммо-лекин! Ишлагандан кейин латтачайнар эркаклар билан эмас, сиздай мард йигитлар билан ишлаш керақда!

Бироқ бу сафарги мўлжал нишонга аниқ бориб тегмади, ўзини мақтаганларида андак ҳушёр тортиб қолиш кўникмасига эга бўлиб улгурган Қўзибой (илло, одатда кейинги жумлада жуда зарур бўлиб қолган озгина пул тилга олинишидан чўчиб қолганди) сув кўрмасдан этик ечмайдиганлардан эди — ҳозир ҳам опа кутганчалик терисига сизмай қувониб кетмади, билъакс, жиддийлашди:

— У ёғини бизга қўйиб бераверинг, опа, хапа қилдириб қўймайман. Ишдан гапиринг, ишдан.

Ҳамсухбатининг авзойидан унинг ўзига нисбатан топилдиқ сифатида қарамаётганини, бу қора таппи уч-тўртта тўр ташлаб қўйиб, ўлжаси биронтасига илиниб қолишини сабрсизлик билан кутаётганини, умуман олганда эса, ундан нимадир ундирмоқ учун албатта кўзга кўринарли нимадир қилиш лозимлигини илғаган Осиё опа ноилож ён берди:

— Эмаса мен бораё.

— Боринг, — деди Қорабой қатъийлик билан. — Суюнчи сўрайдиган бўлиб келинг, биз хизматга тайёрмиз. — Сўнг, опанинг шашти пасайганини сезди чоғи, очикчасига далда бериб қўйди: — Мошин-пошинли бўлиб қолсангиз ёмонми?

Энди қайтиш тарадудига тушган Осиё опа жойида таққа тўхтаб, морбоз найи овозига сеҳрланган илон янглиғ «қора таппи»нинг қоп-қора ва ингичка лаблари орасидан чиқиб турган қип-қизил тилига тикилиб қолди ва беихтиёр пичирлади:

— Машина...

Яқиндаги ўпкадан воз кечиб, узоқдаги куйруқ васвасасига тушган киши баъзан сароб домига илиниб қолгандай бўлади: ана, мақсад манзили шунчалар, ақл-ҳушни ўғирлайдиган даражада шунчалар яқинки, қўлингни чўзсанг бас, муродингга етасан-қўясан.

Йўл бўйи бири-бирдан чиройли енгил машиналар рулини бошқариб келаётган аёлларга ҳамишагидек ичи куйиб эмас, алланечук қаноат ҳисси билан қараб келган Осиё опа қўшнилари билан салом-алик қилиб, ҳол-аҳвол ҳам сўрашиб бўлгандан кейин отчопарда нархларнинг осмон баробар эканлиги борасидаги шиква-шиқоятини одатдагидан кўра мухтасарроқ қилди ва бирданига айрим қулоғигача қарзга ботган бойвуччаларнинг дўст-биродарлари томонидан берилиши мумкин бўлган беғараз ёрдамни писанд қилмаслиқдек аҳмоқоно нонкўрликка маҳкам ёпишиб олганликларини айтиб ёзғира кетди. Балки чиндан ҳам мавжуд бўлган бу тарздаги телбаликнинг ўзларига қандай алоқаси борлигини тасаввур эта олмаган даврадошлар ҳар эҳтимолга қарши опанинг гапини маъқуллаб бош иргашди, бир-иккитаси ҳатто чуқур уф тортиб ҳам қўйишдики, бамисоли гапнинг индаллосиданоқ танқид ўқи кимни мўлжалга

олганини жуда яхши тушуниб туришгандек. Бироқ арқонни узунроқ ташлаган опа тафсилотларга берилиб ўтирмади ва бу билан ўз қавми қизиқишини янада оширди.

Энг ажабланилиси, опанинг шу кундан бошлаб Нозимага нисбатан меҳрибонроқ бўлиб қолгани эди. Эртаси куни намозшомга яқин Сталин давридани қолган «Победа» номли пачоқ машинадан одатдагидай бир жойига гард юқтирмасдан қорувли бир ҳайдовчи ҳамроҳлигида тушиб келган уй бекаси Фаня сўнгги ой учун ижара пули вақтида олиб бориб берилмаганлигидан дарғазаб ҳолда азбаройи икки марта тепага чиқиб келиб ҳам Нозимани тополмагандан сўнг ўшшайиб қайтиб кетаётган маҳал айнан Осиё опа домком сифатида меҳрибонлик билан жувонга мурожаат этди ва гап нимадалигини англаган заҳоти дугоналарини ҳайратда қолдирганча ушбу муаммони тезликда ҳал этишга ваъда бериб юборди. Барибир қовоғи очилмаган Фаня дағдаға қилди:

— Агар эртага олиб бориб бермаса ўзидан кўрсин, кўч-кўронини подъездга олиб чиқиб ташлайман!

— Вой обороади, дедим-ку, айланай, обороади. Обормай қаёққаям борарди.

— Шундай бўлсин!

«Победа» пат-патлаб ўрнидан қўзғалган заҳоти Осиё опа тўнғиллади:

— Илоё маҳалладан чиқмай туриб машинанг билан кўшмозор бўл!

Аёллардан бир-иккитаси кулган бўлди, бошқалар эса тобора ошиб бораётган қизиқишларини яширмақ мақсадида пиастанинг зарари хусусидаги гурунгни давом эттирган бўлишди.

Опа бу сафар ҳам тайинли бир изоҳ бериб ўтирмади. Аммо чарчоқ ва ваҳима зўридан адоий тамом бўлган Нозима кўча бошида кўринган заҳоти (у тўрт-беш кундан бери пиёда келарди) Осиё опа шартта ўрнидан туриб шу томонга юрди ва жувонни аёллар даврасидан беш-олти қадам нарида кутиб олди.

Гурунг Нозима учун азобли бўлаётгани шундоққина кўриниб турарди. Жувон бечора қизариб-бўзарар, бир нималарни тушунтиришга уринар, ҳатто қаддини сал эгиб, кичкинагина одамдай бўлиб туришиданоқ унинг абгор аҳволда эканлигини тушуниб олса бўларди. Бунга сайин Осиё опа ваҳимага зўр берар, ижара (опа бу сўзни уч-тўрт маротаба лаззатланиб такрорлади) пулини ундириш учун бир тўда эркакни бошлаб келган — «мана, ишонмасангиз кўшниллардан сўранг, уларнинг бари-си гувоҳ!» — жанжалкаш Фаняни бир амаллаб қайтариб юборганини, йўқса катта тўполон кўтарилиши аниқлигини эринмасдан ва янги-янги тафсилотларни кўшиб такрорлар, Нозиманинг изоҳларини бетакалуфлик билан бўлар ёки умуман эшитмас, бировнинг уйида тургандан кейин ҳақини вақтида тўламаслик мусулмончиликка ҳам тўғри келмаслигини писанда қилиб ўтиб кетар, хуллас, собиқ рақибасини эзиб-топташни бошлар эди. Дастлабки жумладаноқ довдираб қолган Нозима эса ҳеч ўзини эплаб ололмас, баайни бу таҳлидларни бутун маҳалла, бутун отчопар эшитаётгандек қисилиб-қимтинар, ўзини қўярга жой тополмас, бир амаллаб қорашақшақдек тинмай шақиллаётган бу аёлнинг овозини ўчиришга уринар, ишқилиб яқин-атрофдан таниш-билишлар ўтиб кетмасин деб жони ҳалак, айниқса ҳали замон бозордан қайтиши лозим эрининг бу ҳангома устидан чиқиб қолишидан ваҳимага тушар, куни билан сарғайиб, ялиниб юрганлари бир томону ўзи яшаб турган уй олдидаги бу шармандалик бир томон бўлиб жисми-жонига азоб ништарини тикар, бу азоблардан, бу шармандаликдан қочиб қутулмоқ, қайларгадир, ҳеч ким танимайдиган жойларга бош олиб кетмоқликнинг эса иложи йўқ эди. Айни пайтда қилган яхшилигини миннат қилиб ўтирган мана шу даврабошию унинг ортида кулоқларини динг қилиб ўтирган аёллар олган қарзлар жамланса бемалол бир ойлик ижара пулидан ошиб кетишини аниқ билар, аммо буни айтмоққа на забон бор эди ва на журъат.

Ахийри нафси сал ором олган Осиё опа сайрашдан тинди ва оёқлари чалишиб-майишиб кетаётган Нозима бир қоп гўштга айланган жисмини аранг судрай подъезд томон йўл олди.

Лифт ғийқилаб юқорига кўтарилган маҳал аллақачон жойига келиб ўтирган даврабоши аввал томоғини тақиллатди, кейин бош чайқади ва ўз ҳаракатлари билан ҳамманинг эътиборини тортганига ишончи комил бўлгач, оҳиста деди:

— Шўрликка одамнинг раҳми келади.

Нозимага нисбатан муносабатда мубҳам вазиятлар кўпайиб бораётганини кўриб-билиб турган аёллар ҳар эҳтимолга қарши бетараф вазиятда қолишди:

— Қарз олишдан аввал бир маслаҳат сўрамайдими...

— Одамнинг олasi ичида эканини билмаганмикин...

— Ўша қиз ўзи менга бошидан ёқмаганди...

— Ўзи пиширган ош, айланиб ҳам ичади, ўргилиб ҳам...

Шу билан эҳтиёткорона оҳангдаги муҳокама ўз-ўзидан барҳам топгандай эди. Аммо бундай илимилиқ муносабат ёқинқирамади шекилли, Осиё опа парданинг бир учини сал кўтаришга аҳд қилди.

— Ҳали ёш-да, гўр. Ҳали пишиб кетади. Лекин ёш деб жондай қўшнимизни оғир кунда ташлаб кетавериш бизга ярашмайди. Ахир эскилар билиб айтган: «Ҳовли олма, қўшни ол», деб. Мен ипподромда бир-икки киши билан гаплашдим, шундай-шундай, қўшнимиз оғир аҳволга тушиб қолди, процентининг ўзи олган қарзига етиб қолибди, дедим.

Аёллар бир-бирига ҳайрон бўлиб аланглашди — илло, отчопарда опанинг гапини оладиган «бир-икки киши» бўлиши мумкинлиги уларнинг етти ухлаб тушига кирмаганди. Бунинг устига, анчайин беписанд оҳангда гапиришига қараганда, опа ишни пиштиб келганга ўхшайди.

Дугоналарининг кўнгилларидан ўтган иштибоҳ юзларида акс этдими, ҳар тугул Осиё опа анчайин яланғочроқ тарзда изоҳ беришга мажбур бўлди.

— Одам ўзи қора бўлгани билан ичи оқ бўлиши мумкин. Ана, яхши негрлар ҳам кўп-ку. Муҳими бу одамнинг бировга ёмонлик тиламаётгани, қўлидан келганча ҳаммага ёрдам бермоқчи бўлаётгани.

Айниқса «ҳаммага» сўзи сал таъкидланиброқ, маънолироқ тарзда айтилгани баъзи нарсаларни ойдинлаштиргандай бўлди. Хаёлидаги машинанинг запас баллонидан бошқа ҳеч нарсасидан воз кечишни мутлақо истамаган Осиё опа гапдан тўхтаркан, шу дамга довур тиззалари орасида олиб ўтирган тугунчагидан кеча тишини суғургандай азобланиб қилган хариди бўлмиш чиройли қоғозларга қадоқланган вафлили шоколаддан ҳар бир қўшнисига бир жуфтдан улашиб чиқди ва индамасдан қайтиб келиб жойига ўтирди — тушунган ўзи тушуниб олар, тушунмаса ундан нари!

Опанинг бахтига фаҳм-фаросат борасида сафдошлари анча илгарилаб кетишган экан — шу заҳоти айниқса оғир кунда ва айниқса аёл зотига яхшилик қилмоқчи бўлган одамнинг олижаноблиги, саховатпешалиги, бир сўз билан айтганда эса, ҳақиқий эркаклиги борасидаги ривоятлару бўлган-бўлмаган воқеалар айтилаверди. Нима эмиш, бундай одам жаннати бўлармиш, чунки унинг сахийлиги худосигаям, бандасигаям, умуман эса олганда ҳаммага, ҳа, ҳа, ҳаммага ёқаркан...

Х

— Бўлди, қўшнилари сиз томонда!

Суюнчи сўраб турган «домком»нинг бу янгилиги ўзига нима беришини тушунолмамай талмовсираб қолган Қўзибой ҳар эҳтимолга қарши:

— Яхши бўпти, — деб қўйди.

Бироқ бу ҳиссизроқ маъқулловдан қониқмаган Осиё опа изоҳ беришга шошди:

— Синглимиз кўни-қўшни деса ўлиб қоладиганлардан. Бир иш қилсаям аввал шулар билан маслаҳатлашади, шуларнинг гапига киради, узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнини афзал кўради.

Ахийри бу хабар мағзини чаққан Қўзибой ёйилиб илжайаркан:

— Зўрсиз-ку, опа, — деб қўйди. Сўнг бўйнини сириб қисиб турган қора водолазқасини тортиб, қўлини ичига суқди-да, бир варақ қоғоз олди. — Узоқдаги қариндошлар масаласида кўп нарсалар топдим.

Гап мавзуйи ўзгариб кетганидан ранжиган Осиё опа яна эътироз билдирди:

— Бу осон бўлмади, ука. Сизнинг номингиздан майда-чуйда тарқатдим.

Қорабой ҳамсуҳбатига ишонқирамайроқ қараркан:

— Харажатни аяманг, — деди. — Лекин ҳаммасини ёзиб боришним унутманг... Хўш, энди қариндошлар масаласига келсак...

Қошлари уюлиб кетган Нозима титроқ бармоқлари билан пешонасини роса эзгилаб ўйланди, аммо барибир Осиё опа ўзидан нима истаётганини тушунолмагач, ажабланиб сўради:

— Нима, сиз менга ўшанинг олдига боришни маслаҳат бераяпсизми?

Опа мийигида илжайди, сўнг унинг сочларини силаб қўйди.

— Сиз ҳали «нон»ни «нанна» деб юрган боласиз. Ҳаёт нима, турмуш нима, қийинчилик нима, яхши одам ким, ёмон ким — буни билмайсиз. Билиб олганингиз — «Мен бировнинг олдига эгилиб бормайман, тамом-вассалом!» Менга ишонаверинг, жон синглим, ҳар қалай, сиздан ёшим катта, ҳаётда кўп балони кўрганман, баъзан мушқул вазиятдан чиқиб кетиш учун ўзинг ёқтирмаган одамниям ёрдамга чақиршига тўғри келиб қолади. Ана шундан кейин маълум бўлдики, ёмон одам деганинг аслида яхши одам экан. Дўст шундай пайтларда синалади, Нозий. Одамнинг кўзиям шундай пайтлари очилади.

— Лекин бу гапларнинг анави қора мўндига нима алоқаси бор? — дея баттар ҳайрон бўлиб сўради боши ғовлаб кетган Нозима.

Бу одамни эслаган заҳоти сесканиб, ирганиб кетишига қараганда жувон ўша жанжал маҳали айтилган аччиқ-тизиқ гап-сўзларни асло унутмаганга ўхшарди.

Жувонни диққат билан кузатиб турган Осие опа бошқа томондан ҳужумга ўтишга аҳд қилди.

— Мен сизни синглимдан ҳам ортиқ кўраман. Кўринишингиз ҳам синглимнинг ўзи, икки томчи сувдай бир-бирларингизга ўхшайсизлар. Фақат у бечора ўттизга кирмай туриб қора ер бағрига кирди.— Кўнгли бўшашиб кетган опа «қулт» этиб ютинди. Буни кўриб Нозима безовталаниб қолди. Беихтиёр мижжасига қалққан ёшни артиб олган Осие опа титроқ овозда давом этди. — Вақтида синглимга ёрдам беролмаганман, шунинг учун ҳали-ҳали уни эсласам юрагимни армон ўртайди... Шунинг учун, Нозийжон, сизни биринчи кўрганимдан юрагим жиз этган... Сиз ҳақингизда орқаворатдан кўп суриштирдим. Синглим ҳам сизга ўхшаб дўлворгина, очикқина аёл эди. Афсус, умри қисқа экан... Унга вақтида ёрдам беролмаганим учунми, сизни кўп ўйлайдиган бўлиб қолганман. Ҳали ёш нарсасиз, арзимаган нарсага умрингизни хазон қилманг... Эшитдим, билдим, сиз ҳам ўзингизнинг синглингизга жуда меҳрибон экансиз...

Нозима сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Сиз... сиз синглимни...

Осие опа энди унинг елкасини силаб қўйди.

— Мен кўп нарсани биламан. Айтдим-ку, биринчи кундан кўзимга ўтдай кўрингандингиз деб.

Нозима бир қадам ортга тисариларкан, опага ишонқирамай, бироқ синчковлик билан қаради.

— Нималарни биласиз?

— Мен билган нарсалар, Нозийжон, — опа ботиқ кўкракларига муштлади, — бир умрга мана бу ерда қолиб кетади. Мен бунақа нарсаларни бировларга айтиб юрадиган одам эмасман.

Афтидан, Нозима нимадандир гумонсирамоқда эди.

— Ҳар қалай, нималарни биласиз?

Опа уф тортди, сўнг ноилож қолгандай қўлларини ёйди.

— Мен билган нарсалар сизни уятга қўймайди, Нозийжон... Қўйинг, сиқилманг... Ҳай, майли, қўймадингиз, озгинасини айтсам айта қолай... Мен фалон қишлоқда яшайдиган отангизни, икки боласи билан эрдан қайтган инвалид синглингизни, укаларингизни етти-саккиз йилдан бери боқиб келишингизни биламан... Мен уларга тузуккина уй сотиб олиб берганингизни биламан. Хўш, мен ҳам ойда уларга анчагина пул юбориб туришингизни биламан. Ҳатто ўтган ойда қарз олиб бўлса ҳам шунча пулни обориб бериб келганингизни биламан. Мен уйга бировларнинг тилла занжир-узукларини ижарага олиб тақиб бориб келганингизни биламан. Мен уйдагиларга синганлигингиз ҳақида ҳеч нима демаганлигингизни биламан. Мен энди тўшақдан тутолмай қолган синглингизга Тошкентдаги энг зўр касалхонага ётқизаман деб ваъда бериб келганлигингизни биламан. Мен жиянларингизни ўқишга киритишни бўйнингизга олиб қайтганингизни ҳам биламан. Етадимми? — Осие опа иккала кафтини жон ҳолатда юзига босган Нозимага ғолибона қаради. — Мен ўзингиз яшаб турган мана шу уйни алақачон сотиб олганмиз деб юборганингизни ҳам биламан. Мен аслида қўлингиз калталиқ қилиб Саматжонингиз билан катта тўйингизни эрта-индинга суриб юрганингизни ҳам биламан. Мен қишлоғингизда сизни «бой хотин» деб аташларини, илтимослар ҳам шунга яраша бўлишини, сиз ўлиб-тирилиб бўлса-да уларни бажаришингизни ҳам биламан. Мен яна уйдагиларингизнинг ҳаммаси қариндош-уруғларни эргаштириб сиз билан ваъдалашилганидек август ойида эмас, кейинги ҳафта келишаётганини ҳам биламан керак бўлса! Бунинг учун ҳатто автобус заказ қилиб қўйилга-

нидан ҳам хабарим бор. Мана, келишсин, кўришсин, чекка қишлоқдан чиққан, ота-онасининг, есир сингисининг, жияларининг, қариндош-уруғларининг беминнат даст-ёри, спонсорига айланган Нозимахоннинг аҳволини! Ахир у бой хотин, қўлини қаерга узатса етади: бировни касалхонага жойлайди, бошқасига ебкетарга кийим-бош олиб беради, учинчисига маҳси-калиш... Хўш, улар нимани кўришади: асло бой хотинни эмас, қулоғига қарзга ботган, на уйининг, на жойининг тайини бўлган, ҳаттоки эри билан ЗАГСдан ҳам ўтолмаган бир омадсиз хотинни-да! Мен биламан...

— Бас! — азбаройи ролга берилганидан булбулигўё бўлиб кетган Осиё опа сесканиб кетди ва қаршисида кўзлари косасидан отилиб кетгудай аҳволда ўзига бақрайиб тикилиб қолган, ранги кўкариб кетган, ҳансираб нафас олаётган Нозимани кўрди. — Сизга... буларнинг барисини ким... ким айтди? Ким?

— Ўзингизни босинг, синглим, ўзингизни босинг, — капалаги учиб кетган Осиё опа пиддираб бориб ошхонадан бир пиёла сув олиб чиқди. — Мана буни ичиб олинг, ўтиб кетади. Кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Дарҳақиқат, муздай сувдан бир хўплаб, қолгани билан мисдай ёна бошлаган манглайини хўллаган Нозима сал ўзига келгандай бўлди.

— Қачон келишаркан уйдагилар? — дея сўради орадан бир неча дақиқа ўтгандан сўнг Нозима яна безовталаниб.

— Кейинги ҳафта.

— Аниқми?

— ...

Боши симиллаб оғрий бошлаган, қулоқлари шанғиллаб кетган Нозима торгина хонада асабий тарзда у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади.

— Сиз ўзингизни босиб олинг, Нозийжон, — дея Осиё опа энди юпатувчи оҳангга ўтди. — Асло хавотирланманг, бу ҳали ҳаммаси тугади дегани эмас. Худога шукр қилинг, сизнинг оғир кунингизда ярайдиган кўни-кўшниларингиз, дўст-биродарларингиз, ҳамкасбларингиз бор. Бу кунлар ўтиб кетади, ҳали қийинчиликларни кўрмагандай бўлиб кетасиз, мана мени айтди дерсиз. Ўзи... — опа атрофга аланглаб олди ва ҳар эҳтимолга қарши овозини пасайтирди, — ўзи қанча бўлди қарзингиз? Ҳамма ҳар хил гапиради.

Дир-дир титраётган Нозима бу гапларни эшитмади ҳам шекилли, бутун жисми жонини ўртаётган саволни берди:

— Анови қишлоғимга шпион юборган, тўғрими? Энди мени шантаж қилмоқчи, шундайми?

Осиё опа ўзини мажбурлаб кулди.

— Бунақа гапларни қўйинг, синглим, сизга ярашмайди. Тухмат ёмон. Бир бечоранинг номини қорага булаб нима қиласиз. У одам ҳам юргандир бир чеккада ризқини териб. Сиз ҳақингиздаги гапларга келсак, биласиз, дунё тор, Нозийжон, бировнинг таниши бошқа бировга хеш чиқиб қолади, хуллас, гап халтасини ковлай-веришади, ковлайверишади, қарабсизки, бир-бирларининг танишлари ҳақида ҳамма нарсани билиб олишади.

Бироқ миясига ёмон шубҳа ўрнашиб олган Нозима ҳамон тинчий демасди.

— Шпион ёлагани аниқ. Аниқ, — жувон бирдан жойида тўхтади ва Осиё опага кескин ўгирилди. — Опа, — шунда дир-дир титраётган Нозиманинг кўзларидан дувилаб ёш қуйилди, — опа, тўғри, мен ёмон хотинман, ўзимга, бошқаларга яхши бўлсин деб ёлғон ҳам гапириб тураман, чунки тинчгина, яхши яшагим келади, лекин отамни, синглимни, жияларимни ўртага қўйиб қасам ичаман, шу кунгача менинг баданимга Саматжон акамдан бошқа биронта эркакнинг қўли тегмаган! Худо хоҳласа, бундан кейин ҳам тегмайди! Анави ифлос, онасининг арвоқини ўртага қўйишдан ор қилмаган тўнғизингизга айтиб қўйинг, бориб бошқа бировнинг этагини пойласин, менга эгалик қилишни хаёлига ҳам келтирмасин!

Нафаси ичига тушиб кетган Осиё опа нимадир деб эътироз билдирмоқча уринди, лекин юм-юм йиғлаётган Нозима бирон нима эшитадиган аҳволда эмасди.

— Ҳозир аҳволим оғир, тан оламан, жуда оғир. Лекин бундан баттар кунлар ҳам бошимга тушган, ўшанда ҳам қутулиб кетганман. Мен Россиянинг қирқ даражали совуқларида кўчада ўтириб пайпоқ сотганман, буйрагимни совуққа олдириб қўйиб ярим жон бўлиб қолганман, операция пайти у ёққа кетишимга сал қолган, ўшанда биз бошқа бир мамлакатнинг қор кўмиб ташлаган бегона бир кўчасида бир тийинсиз қолиб кетганмиз, шунда ҳам хиёнат қилишни хаёлимга келтирмаганман,

эр-хотин идиш-товоқ ювганмиз, сассиқ омборхонада, каламушлар орасида уч кеча-кундуз чириган карам еб ётганмиз, лекин қайтиш пулини ҳалол ишлаб топганмиз, ўғирлик қилмаганмиз, фарлик қилмаганмиз. Келиб-келиб энди ёмон йўлга юраманми?! Мана кўрасиз, опа, мен ишлайман, Саматжоним ишлайди, биз бу ботқоқликдан чиқиб кетамиз. Ҳали бизнинг устимиздан қулганларнинг ўзлари шарманда бўлиб қолишади. Мана кўрасиз! Мана кўрасиз. Сиз бўлса мени олиб бориб анави ифлоснинг сассиқ қўйнига тикмоқчисиз. Бир сиз эмас, сезиб юрибман, кейинги пайтларда бошқа қўшниллар ҳам мени аҳмоқ билибми, менга ёрдам бераоладиган қандайдир одамни мақтаб қўйишади, ўшанинг олдига чопиб боришим кераклигини уқтирмакчи бўлишадими-ей. Ахир... ахир бу... бир одамни бўйнидан судраб бошқанинг тўшагига олиб бориб ташлаш қўшмачилик эмасми... Уят эмасми... Шармандалик эмасми...

Асаблари ортиқ дош беролмаган Нозима ҳўнграб йиғлаб юборди ва ўзини диванга ташлаб, юзини ёстиққа босди.

Биринчи кўрган куниданоқ Нозимани енгилтак бозорчи аёллардан бири деб ҳукм чиқариб қўйган ва ушбу ҳулоқасига қатъий ишонган, дейлик, юрмайдиган аёл йўқ, фақат арзон ёки қиммат аёллар бор деган ақидага маҳкам ёпишиб олган Осиё опа айни дамда илк бор иккиланиброқ қоларкан, ётиб қолгунча отиб қол қабилида сўнги дастакни ишга солди.

— Лекин Флора...

Кейинги бир ой-қирқ кун мобайнида кўнглида йиғилиб келаётган алам, изтироб зардобига сўнги томчи бўлиб қўйилган бу жумла Нозимани портлатиб юборди — ўрнидан сагчиб турган маҳал маҳкам тишлаб олган ёстиқни бир чеккага отиб юборган аёл кўзлари чақчайиб, оғзидан кўпик сачраган ҳолда титраб-қақшаб Осиё опанинг устига бостириб кела бошлади.

— Ҳа, Флорани мен гўрга тикдим, мен! Мен уни тезроқ учишга мажбурладим!.. — юзи телбавор тусга кирган Нозима опа билан бетма-бет бўлган чоғда қисирлаб кетган бармоқлари билан юзини тирнади. Тирноқлар изидан силқиб чиққан қипқизил қон аёлнинг юзини янада ваҳшийлаштириб юборди. — Агар, агар у ўлмаганда эди... Менга осонми ахир... Ҳар кун арвоҳи тинч қўймайди... Бўйнимга ёпишиб олади... Бўғаверади.. Бўғаверади... — Аёл қора қонига беланган бармоқларини юзидан олди ва Осиё опа томон чўзди. — Мен нима қилай ахир! Қийналиб кетдим-ку... Ўзимни ўлдириб қутуламанми?!.

Ваҳима оғушида аста-секин ортга чекинаётган Осиё опа бошқа чидаб туролмади — ўтириласола эшикка қараб чопди.

Бир-икки уриниб кия олмаган калишини қўлига олган опа лифтни кутишгаям сабри чидамасдан зиналардан зипиллаб пастга энаркан, тинмай:

— Жинни экан-ку бу, жини экан-ку... — дерди.

XI

Отчопорда гап ётмайди. Бозорнинг у бошида айтилган гийбат ярим соат ўтар-ўтмас бозорнинг бу бошига етиб келади. Қорабой-Қўзибой ҳақидаги охирги янгилик ҳам шамол тезлигида тарқалди. Яъни, у ўз одатига содиқ ҳолда таниш аёллардан бирини алдаб-сулдаб уйига олиб борган. Аёл шошибгина турган экан, шу сабабли ноз қилиб ўтирмасдан дарҳол ечинасола ўзини тўшакка отади. Аммо ҳали таксида келаётган маҳаллари тилининг тагига битта ҳап дори ташлаб олган Қорабой ора-сира девордаги соатга кўз ташлаб қўйган қўйи тухумнинг оқини сарифидан ажратиб ўтир-раверади (дарвоқе, Қўзибой тухумнинг сарифидан қовуриб тайёрланадиган озарбай-жонча таомни ўз қўли билан тайёрлашни хуш кўрарди). Тоқати тоқ бўлган аёл ўдағайлайди:

— Бўлмайсанми энди?

Бунга жавобан Қорабой соатни кўрсатади:

— Ҳали ярим соат бўлмади, беш минут қолди, акаси жонидан.

Ҳайрон қолган аёл:

— Санинг ётишингга соатнинг нима алоқаси бор? — деб сўрайди.

Шунда Қорабой муҳим бир янгиликни айтаётгандай жиддий қиёфага киради ва чўнтагидан бора ютган қапдорисидан битта олиб, тушунтиради:

— Бу эркаклик ҳувватини оширади, лекин ярим соатдан кейин таъсир кўрсатади. Шуни кутаяпман...

Оғзи сассиқ аёл бу гапни бутун отчопарга ёйиб чикди. Шу-шу Қорабойни орқаворатдан «Ярим соат» деб атовчилар кўпайди, унинг ўзи билан юзма-юз келиб қолишган маҳалда эса тагдорроқ оҳангда соат сўрайдиганлар сони ҳам ошди. Аммо, очигини тан олиш жоиз, махфиёна тарзда ҳалиги сирли таблеткадан сўраб келганлар ҳам анча кишини ташкил этди ва натижада ўликка кафанлик сотишга тайёр Қорабой дорининг кучини ўзида синаб кўрган, унинг таъсирига кафолат берадиган одам сифатида соф виждон билан бу матоҳининг бир қисмини ўзи харид қилганига нисбатан беш-олти баробар нарҳда пуллаб, тузуккина сармоя ҳам ишлаб оларкан, дорини қаердан олиш мумкинлиги хусусидаги барча илтимослару ёлвориларни жавобсиз қолдираверди.

Айни пайтда баайни турмушнинг кундалик икир-чикирларига, савдо машмашаларига миясининг бир қисминигина сарфлаб, қолганини бутунлай бошқа юмушга ишлатаётгандай Қорабой кейинги ўн-ўн беш кун ичида жиддий тортиб, мудом нималарнидир мулоҳаза қилиб, ҳисоблаб юришини, баъзан ҳатто гаплашиб турган чоғда ҳам ўй-хаёли бошқа ёқларга улоқиб кетишини таниш-билишларнинг аксарияти илғаб улгурганди. Ва бу ҳолга кўпчилик унчалик эътибор бериб ўтирмади. Илло бозорда яхши кетадиган мол учун олиб бориладиган узлуксиз кураш, маҳсулотни иложи борича арзонга олиб, иложи борича қимматроққа сотиш қайғуси, харидор, айниқса улгуржи мол оладиган харидорга руҳий жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг янгидан янги усуларини излаб топишга, кашф этишга уринишлар, фалон растадаги танишининг ўзидан кўра кўпроқ фойда кўраётганлиги хусусидаги алам — буларнинг бариси сотувчиларнинг силласини қуришиб кўяр ва кечга бориб уларнинг асосий қисми юмшоққина тўшақда саҳарги бешга қадар ором олиб ётишдан бошқасини орзу қилмай кўярди. Бундай шароитда эса бирон ҳамкасбнинг ўзгараётган феъл-атвори — ҳатто бу ҳол яққол сезилиб қолган тақдирда ҳам — бирон кишини сарик қақалик кизиқтирмаслиги аён эди.

Мана шундай шароитда Самаднинг асабийроқ харидорлардан бири билан жанжаллашиб қолиши ва шармандали тарзда калтакланиши кўпчилик томонидан оддий ҳол сифатида қабул қилиндикки, агар бундай бир мулоҳаза юритиб кўрилса, ушбу фикрнинг ростлигига ишонч ҳосил қилиш мушкул эмас эди. Фақат кейинги пайтларда ҳамма нарсага шубҳаланиб қарашга ўтган Нозимагина барча далил-дастакларнинг биронтасини ҳатто зиғирчалик тан олмади ва буни Қорабойнинг навбатдаги пасткашлиги сифатида қабул қилиб тураверди.

Ҳолбуки, ҳаммаси арзимаган сигарета чўғидан бошланганди.

Кун-уззукун пул топиш илинжида бесару сомон изғиб юрган хотинининг ўрнига савдо қила бошлаган Самад растага ёйиб қўйган кийимбошларни эзгилаб, ҳидлаб, авра-астарини ағдариб кўраётган чамаси қирқ ёшлардаги, басавлат, кейинги пайтларда урф бўлган чарм плашининг ўзи камида юз доллар турадиган инжиқ харидор — одатда, бунақалар саволни кўп беришади-ю, аммо ҳеч нарса харид қилишмайди ё бўлмаса сотувчи айтган нархнинг учдан бирини айтиб, оёқ тираб тураверишади — кутилмаганда оғзидан қўймаётган сигаретасининг чўғини бир шимнинг устига тушириб юборса бўладими. Хитойнинг сунъий арзон газламаси шу заҳоти куйди-қолди. Бир сўм бўлсаям қимматроққа пуллаб, хотинининг кўнглини кўтариш умидида ўлиб-тирилиб юрган Самаднинг бўлари бўлди. Шу кайфият таъсиридами, жон ҳолатда шимга ташланиб, куйган ўринни пуфлаб текислашга уринаётган Самад харидорга сал қаттиқроқ гапириб юборди:

— Бу кўзми, ака, пўстакнинг тешигимми?

Ранги андак оқариб кетган харидор — бу ҳол ҳам унинг қаттиқ гап эшитиб ўрганмаганининг белгиси эди, аммо мол аччиғи — жон аччиғи, деганларидек, айни пайтда Самад бунақа нарсаларга эътибор берадиган аҳволда эмасди — сотувчига менсимайроқ қарашга уринди:

— Качествосиям зўр экан-да бу бурюгининг.

— Пулига яраша-да, — дея тўнғиллади жони ачиб турган Самад, — Качевоси зўр мол керак бўлса, ана, карис бозорига боринг.

Харидорнинг бурун катаклари керидди.

— Қаерга боришни менга ўргатма, ука!

Самад унга олайди.

— Энди бунинг пулини ташлаб кетасиз.

— Мен емаган сомсамга пул тўламайман. — Очикдан-очик дағдағага ўтган хари-

дор кўкрак чўнтагидан қизил жиддли гувоҳнома чиқарди. — Мана буни кўряпанми? Чиққан жойингга қайтадан тиқиб қўймайин яна, паст!

Шимни тахлай бошлаган Самад аввал харидорга ҳайрон бўлиб қаради, сўнг нимагадир қип-қизариб кетди ва кўзлари аланг-жаланг бўлиб, бироқ қатъият билан папиришга уринган ҳолда, овозидан титроқни ҳам яшириб деди:

— Уд-достворениенгни о-орқанга тиқиб қўй-да, бу-бунинг пулини чиқар!

Нимадир «қарс» этди — харидор қулочкашлаб туриб Самаднинг юзига мушт туширганди. Самад чайқалиб кетди ва мувозанатини сақлай олмасдан ёнбошга қулади. Бир ҳатлашда раста ортига ўтиб олган харидор шу муштдайгина Самаднинг устига миниб олганча аёвсиз ураверди, ураверди... Нечукдир — бундай ҳолатлар учун шубҳали тарзда — текин томошабин тўпланмади: кейинроқ, Нозима битта-битталаб сўраб чиққанда аксарият бу ерда бўлмаганини айтиб туриб олди, бошқалари моли ёйилиб ётганини, уни ташлаб кетолмаганини, чунки атрофда исриқчи лўлилар изғиб юрганини рўқач қилишди, бўлмаса-ку, ўша зўравоннинг таъзирини бериб қўйишаркан...

Хуллас, ким билади, недандир аламзада юргану, бу ҳодиса алаmidан чиқиш воситаси бўлиб хизмат қилганми, ишқилиб, харидор Самадни аёвсиз калтаклади. Бечора Самад типирчилар, устидаги юз килолик юкни туширишга жон-жаҳди билан уринар, хирқирар, аммо, таажжубли томони шундаки, на дод солар, на ёрдам сўрар, умуман, бутун қувватини овоз чиқармасликка сарфлаётгандай эди.

Алоҳа ҳовуридан тушган харидор ҳарсиллаб ўрнидан турди, шошилмасдан плашининг этагини қоқди ва оғзини тўлдириб бир тупуриб қўйгач, ғолибона елкаларини учирганча отчопарнинг чиқиш эшиги томон ошиқмасдан юриб кетди. Уни биров на тўхтатди, на гапга содди — илло, куппа-қундуз куни, ҳамманинг кўз ўнгида бировни ер билан битта қилиб сулайтириб уриб кетиш учун энг камида заринг ёки зўринг, балки иккалови ҳам бўлиши лозимлигини энг содда томошабин ҳам илғаб турарди.

Дарҳақиқат, тупроққа, лойга беланган Самад ер билан битта бўлиб ётар ва унинг атрофидаги расталар ҳам тушуниксиз тарзда ҳувиллаб қолган эди. Бироқ аёл барибир аёл-да: сотувчи жувонлардан уч-тўрттаси чопқиллаб келасола қарғана-қарғана мағлуб ҳамкасбга кўмакка ошиқишди: ким унинг бошини кўтарган, ким сув олиб келган, ким юзини артган.

Бироқ томоша шу билан тугамаган экан: аянчли манзара ана шундан кейин бошланди. Кимдан эшитгани номаълум, аммо воқеадан хабар топган, кўз ёшларига фарқ Нозима қуюндай учиб келасола «Саматжон ака!» дея чиққанга ўзини эрининг устига отди. Кўмакчи аёллар ўзларини четга олишди ва ана шунда, ана шунда лойга, чангга, қора қонига беланган муштдайгина Самад, ана шу митти жон бошида тиз чўккан ҳолида изиллаб йиғлаб турган хотинига кўзи тушган заҳоти ўзини четга олишга жон-жаҳди билан уринаётганини, ишқилиб, не бўлса ҳам бундоқ абгор, шармандали ахволда Нозиманинг кўзига кўринишини истамаётганини илғашди. Худди шу лаҳзада, баайни ҳамтўшагининг ниятидан воқифдек, Нозима жон аччирида эрини маҳкам қучиб олди ва унинг бошини кўтариб, кўкрагига босди. Самад бир қалқиб кетди, сўнг мана шу алпозда, хотинининг кўкрагига юзини маҳкам босганча, бошига, бўйнига қуйилаётган, лабларига сизиб борган шашқатор иссиқ ва шўртаъм кўз ёшларига мижжаларидан қалқиб чиқаётган ожизона алам ёшлари қўшила бораётганини сезди... Улкан дунёнинг улкан ташвишларига дучор бўлган эр-хотин: ота, сингил, укалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилари, ҳамкасблар орасида обрў-эътибор ортириб яшаш илмини эгалладим, бундан бу ёғига оламни сув босса тўпифимга чиқмайди дея ҳачварани хом санаб юрган Нозима ва умр йўлдошига қуддай садоқатли, унинг ҳамма ишларини адолатнинг, ишбилармонликнинг, одамийликнинг чўққиси санаб юрадиган, унга салкам сиғинадиган Самаджон Ер аталмиш кичкинагина сайёранинг заррадай нуқтасида, отчопарнинг қоқ ўртасида бир-бирларини қучганлари қўйи зор-зор йиғлашар, улар баайни энди, шу ёшга етибгина ўз рўёлари, ўз сароб-орзуларига видолар айтишмоқда ва воқеий бўлмиш шафқатсиз, риёкор, пастарин дунё остонаси қошида довдираб, ўз қадрдон гўшаларини йўқотиб қўйган гўдаклардай ваҳимага тушиб турмоқда эдилар... Шу соатда ҳаво бирдан айниди: кузнинг ожизона илитгувчи қуёши эгаллаб турган осмонни қайдандир шитоб билан босиб келган қора булутлар эгаллади, отчопар бир зумда зулматга бурканди, уер-бу ерда чироқлар порлай бошлади, бирданига шиддатли ёмғир қуйди. Ҳавони эгаллаган чанг-ғуборни бағрига олган томчилар ҳамон бир-бирларини маҳкам қучганларича пиқ-пиқ йиғ-

лаётган эр-хотинни шалаббо қилишди. Ёмғир сабабли деярли ҳамма сотувчилар мол-маҳсулотини йиғиштиришиб, омборга ёки уйига жўнаб қолишди. Ёпинчиқлар панасида ёинки узоқроқ расталарда турган айримларгина эр-хотинга ажабланиб қарашаркан, бир-бирларига маънодор кўз ташлашиб, бош чайқашар ва баъзида гўёки бутун жумбоқнинг моҳиятига етишгандек, кўрсаткич бармоқларини чаккаларига тираб, айлангириб қўйишдан ҳам истиҳола қилишмасди...

Эҳтимол кетма-кет келаверган омад ёхуд бахт ўз қадрини йўқотар, аммо навбат алмашаверган фалокатлар тобора аламлироқ, оғулироқ бўла борса керакки, охири-оқибат ҳатто — ҳеч қурса зоҳиран — бу кўргуликларга дучор бўлган инсоннинг туйғуларини ўтмаслаштириб, бефарқлик ҳолатига тушириб қўйиши-да мумкин экан.

Омбордаги охириги моллари ёниб кетганлиги ҳақидаги совуқ хабарни биз юқорида тилга олган воқеадан икки кун ўтгач Нозима машинада, Осиё опа оғзидан эшитди. Лекин опа кутганчалик шовқин кўтармади, дод солмади, ҳатто айбдорни излаб ҳам ўтирмади, уч-тўрт дақиқа суратдай қоғиб тургач, бир оғиз:

— Саматжон акам ўша ердами? — деб сўради.

Тасдиқ жавоби ҳамда «Ўшата, ўргилай, ўшата. Фақат... айтишларича, қутқаришга арзийдиган нарсанинг ўзи қолмаганмиш... Бир уюм кул... Лекин сиз бошқа нарсани ўйламанг, бир қўшнингизнинг бир коробка жинсисиям ёниб кетибди...» — деган узук-юлуқ тафсилотларни хотиржам, баайни бошқа нарсаларни ўйлаётгандай совуққонлик билан эшитди, сўнг ойнага қараб ўтираверди, миқ этиб оғиз очмади...

XII

— Флора тирик экан!

Нозима остонада суюнчи сўраб турган Осиё опага анграйиб қараб қолди.

Оғзи қулоғида опа баттар авж қилди:

— Дутонангиз тирик экан, балоям урмапти. — Сўнг, Нозиманинг ўз қулоқларига ишонмаётганини пайқади чоғи, зипиллаб унинг ёнига келди. — Худо урсин агар, тирик экан, ўз кўзим билан кўрдим! Юрибди ўлгур, швабрадай типпа-тик бўлиб!

Нозима имиллаб ўрнидан тураркан, чайқалиб кетди ва жонсиз бармоқлари билан стул суюнчигидан бир амаллаб ушлаб қолди.

— Опа... — жувоннинг овози қалтирарди. — Опа... ҳазиллашманг... Худо хайрингизни берсин, ҳазиллашманг...

Шу сўзларни айтаркан, Нозима инграб юборди ва кўзларини юмиб олиб, санчиқ турган миясига ўнг кафтини босди.

— Ўзим кўрдим деяпман-ку сизга, Нозий! Сизни алдаш менга зарил келипти-ми? — Опа астойдил хафа бўлди. — Юрибди яшшамагур сизга ўхшаган яна биттасининг шўрини қуритиб.

Нозима кафтини пешонасидан олди ва шунда опа унинг кўзлари чақнаб кетганини кўрди.

— Тирикми? Ўзингиз кўрдингизми? Ўз кўзингиз билан-а?!

Осиё опа иккала бармоғини кўзларига ниқтади.

— Мана шу кўзларим билан кўрдим.

— Қаерда? Қачон?

Опа ҳовлиқиб қолган Нозимага ғолибона боқди:

— Бугун, видеода!

Опага мўъжиза кутаётгандай сабрсизлик билан термулиб турган Нозима бу жавобни эшитгач, ўқ еган қуш мисоли ҳолсизланиб жойига ўтириб қолди ва ожизона пичирлади:

— Видео...

Бироқ Осиё опа бўш келмади.

— Вой, бўшашманг, числоси бор, числоси!

Аввалги жумла зарбасидан ўзига келолмаган Нозима опага меровсираб қаради.

Опа ҳижжалаб тушунтиришга ўтди.

— У қиз ҳеч қанақанги Чимкент-пимкентда турмас экан. Тушундингизми?

Нозима бош чайқади.

— Ўзимам шундай деб ўйлагандим. Бўлмаса, яхшилаб эшитинг. — Осиё опа стуллардан биттасини олиб, Нозиманинг қаршисига жойлашиб ўтирди. — Ўтган куни қозғистонликми-қирғизистонликми бизнесменлардан биттаси тўй қилган экан. Шу

тўйга тасодифан Қўзибой акаям бориб қолибди. — Осиё опа бу исми эшитган заҳоти Нозиманинг сесканиб кетганини сезди, аммо бунга эътибор бермасликка уринди. — Қараса, анави яшшамагур юрганмиш ялло қилиб. Ёнида бир аёл ҳам бормиш. Қўзибой ака ҳеч ким йўғида гапга солиб кўрса, ўша аёл анави яшшамагурнинг исмини Жанна дебди, у билан бизнес қилаётганини, яқинда Ҳиндистонга бирга бормоқчи эканини айтибди. Қўзибой ака дарров ҳаммасини тушунибди! Лекин аёлга иңдамабди. Флоранинг кўзига кўринмасдан секин орқасига қайтибди. Аввал сиз билан маслаҳатлашмоқчи бўлибди. Тушунапсизми?.. — Опа қафтларини бир-бирига хузурланиб ишқалади. — Мана энди биз бу Флора — Жаннанинг таъзирини берамиз, қарзингизни проценти билан қуртдай санаб оламиз! Оламиз, олмасдан кўймаймиз! Ҳали улар бизнинг кимлигимизни билиб қўйишади!..

Гўёки ўз қарзини ундириб олиш имконияти туғилаётгандай терисига сифмай қувонаётган Осиё опа йўриқномани эслаб қолди шекилли, жиддий бўлишга уринди:

— Билиб турибман, гапларимга ишонмаяпсиз. Қўзибой акаям худди шундай деганди... Шунинг учун у киши тўй эгасидан илтимос қилиб, тўй туширилган видео-кассетани запись қилиб келибди. Шундай экранда числосиям бор, соатиям. Ўзим кўрдим. Икки марта кўрдим. Худди ўзи. Юрибди яшшамагур... Энди, синглим, ўзингизам бир ўйлаб кўринг-да. Ўшанда телеграмма менга жуда шубҳали туюлганди-да. Ўзи борми ёнингизда, яна бир кўрайлик-чи.

Нозима оғир бош чайқади — дугонаси ҳақидаги ҳар бир хотира, уни эслатувчи ҳар бир катта-кичик буюм виждонини азобга солавергани учун уларнинг барисидан қутулишга ҳаракат қилган ва бир куни машъум телеграммани ҳам ёқиб юборган эди.

Осиё опа яна бир бор ғолибона ишшайди.

— Жуда соддасиз-да, соддасиз. Билмадим, шу соддалигингиз билан қандай қилиб бозорда ишлаб юрибсиз. Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўрмадингизми, умрингизда бир марта унинг уйига бормаган бўлсангиз, фақат бозорда кўришган бўлсангиз, қандай қилиб Флоранинг уйидагилар сизнинг адресингизни билишади, яна эринмасдан телеграмма юборишади? Хўш...

Оғир ўйга ботган Нозима савол мазмунини унчалик англамади чоғи, опага довадираб қаради.

— Бунақаси ҳаётда бўлмайди! Яна бу касофатга самолёт ҳалокати тўғри келиб қолганини қаранг! Лекин Қўзибой ака айтдики, бу Флора аферист самолёт бўлмаганда бошқа бир нарса ўйлаб топган бўларди-да, шу билан бадар кетарди. Тўғри-да, сизда на адреси бўлса, на фамилияси, на қаерда пропискадан ўтгани... Буларнинг биронтасини билмасдингиз, тўғрими?

Нозима бош ирғади.

— У менинг дугонам эди...

— Э, туপুরинг унақа дугоналарга! — Осиё опа портлаб кетди. — Дугона эмас, аферист у, аферист! Сизга ўхшаган амманнинг бузоғини излаб юради. Менинг қўлимга тушгандакуя, етти қават терисини шилиб олардима!.. Туғилганига пушаймон қилдирардим! Бир умр қутулмай ўтарди, соғиб ичардим... — ҳиссиётга берилиб кетаётган опа вақтида тилини тийиб қолди. — Лекин ҳалиям кеч эмас. Борамиз. Бўйнига қўямиз. Ундирамиз!.. Ўзи тилхат-пилхат олганмисиз? — шубҳаланиб сўради опа.

Нозима бош чайқади.

— Нима!? — Осиё опанинг кўзлари чақчайиб кетди. — Шу-унча пул бериб қўйиб-а?

— У менинг дугонам эди...

— Эшитдик бунини! — чинқириб юборди баайни шу-унча пул қўлидан кетиб қолаётгандай ваҳимага тушган опа. — Лекин... Майли, ўзимизни босайлик, ўйлайлик... — Чидай олмасдан ўрнидан сакраб туриб кетган Осиё опа хона ичида уёқдан-бўёққа юра бошлади. — Маслаҳатлашамиз, гаплашамиз, бир йўли топилар. Мен гувоҳ бўламан. Шура хола... Қўзибой акаям қараб турмайди... Лекин менга қаранг, — опа Нозимага қараб ўшшайди, — ўзим топаман, ўзим разбор қиламан деб хомтама бўлиб юрманг. У қиз сиз хаёлингизга келтирмаган жойда яшаркан, ҳатто мендаям аниқ адреси йўқ. Мабодо... мабодо у ёққа ёлғиз кетадиган бўлсангиз, билиб қўйинг, қўлингиздан бир иш келмайди. Унда... биз ҳам гувоҳ бўлмаймиз-қўямиз. Бунинг устига, шу-унча пулни бизнинг олдимизда бермагансиз, буниям эсдан чиқарманг... Бунақа ишлар бамаслаҳат қилинади. Қўзибой акаям шу гапни айтиб юборди. Ундир-сак... ҳаммамизга етаркан. Шунга... бир маслаҳатга... келинлар, деганди. Шундай...

бир кириб чиқсак... ҳар қалай, икки ўн беш — бир ўттиз... — Оғир довондан ўтиб олган опа бу ёғига бидиллаб кетди. — Сизам одамга ўхшаб мундай бир яхшиликнинг қадрига етинг-да энди. Индамаса ўрогингизни кўтариб чопганингиз чоған... Шундай бир одам ёрдам берай деб турганда... қадригаям етиш керак-да... Ўтириб, бир бамаслаҳат... Кейин, Қўзибой ака ваъда берди, эрта-индин келадиган уйдагиларингизга етарли харажатниям бериб тураркан. Кейин суришиб кетамиз, деди...

«Уйдагилар» сўзи мазмуни онгига етиб борган маҳал иккинчи бор сесканиб кетган Нозима жовдираб бир ойна оша ташқарига, бир опага термулди. Қўшнисининг жон жойини ушлаганини иллаган Осиё опа нишонга уришга зўр берди.

— Биламан, сизга ҳозир осон эмас, уйдагиларингиз, қариндош-уруғлар эртаиндин етиб келиб туришади. Улар бариси сизни қўлини қаерга узатса етадиган бой хотин деб аташлариниям биламан. Келинг, шу-унча одамнинг ҳафсаласини пир қилманг, шавла кетса кетсин, обрў кетмасин...

Қалтираб кетган Нозима опанинг кўзларига тик боқди:

— Мақсад? Мақсаддан гапиринг? Қўзибой мени тўшагига обкириб, онасининг арвоҳини шод қилмоқчимми?

Осиё опа типирчилаб қолди.

— Э, худойим-эй, доим кўзингизга алламбалолар кўрингани кўринган. Нима, жаҳл келганда ақл кетишини билмайсизми? Биласиз. Шунчаки ўжарлик қилаяписизда, ўр томонини босгиси келмайдиганлардансиз. Кейин, синглим, сочимнинг оқини ҳурмат қилинг, шу ёшга етганимда энди менга қўшмачилик ярашмайди. Мен бир холис одамман. Қўзибой ака тушунтирди, илтимос қилди, мен у кишининг гапларини сизга етказаяпман. Ўртада бир тийинлик манфаатим бўлмаса... — Ростдан ҳам то шу кунга доғур бир тийинлик манфаат кўрмаганини, фақат энгил машина шамойилидаги қоп-қоп ваъдаларга дучор бўлаётганини эслаб қолди шекилли, опанинг ўпкаси тўлиб кетди. — Бир тийинлик манфаатим бўлмаса... Бу дунёда яхшилик қилиб, туҳматга қолгандан ёмони йўқ экан... Ўзингиз ўйлаб кўринг. Қўзибой аканинг нияти ёмон бўлганда иккалаамизни бирга чақирармиди? Кейин, энг асосийси, — шу ерга келганда йўриқноманинг навбатдаги захира бандини эслаб қолган Осиё опа қувониб кетди, — сизнинг чарс феълингиздан чўчиган Қўзибой ака бизни меҳмонга ўз уйига эмас, бир танишининг ҳовлисига чақираяпти. У ерда танишининг оиласи, болачақаси тураркан. Тушунмадим, сизга яна нима керак ўзи?.. Куппа-кундузи бўлса, бировнинг уйи бўлса, уйда шу-унча одам бўлса, буям камдай, ёнингизда мен турсам...

Нозима опага саволомуз қаради.

— Нима, ҳозир бошлаб бормоқчимисиз?

Ўз навбатида Осиё опа жувонга ажабланиб қаради.

— Нима, менинг сиздан бошқа ташвишим йўқми? Эрталаб ипподромга боргандим, боши оғриб қолган Қўзибой ака шуни мендан илтимос қилди, қиёмат гап деб борини айтдим. Сиз билан етаклашиб юришга менинг вақтим йўқ, ишим бошимдан ошиб-тошиб ётибди. Агар майли десангиз, ҳозир ўша айтилган жойга борамиз-да, беш-ўн минут ўтириб, маслаҳатлашиб қайтамиз. Қўзибой акаям синглингиз қарз олса, сиз гувоҳ бўлиб турасиз, деб илтимос қилганди. Эртага уйдагиларингиз келаётган экан...

Асабийлаша бошлаган Нозима қўлини кўтариб, опани гапдан тўхтатди.

— Бирга бориб, бирга қайтамизми? Доим ёнимда бўласизми? Бир қадам ҳам узоққа кетмайсизми?

Шунда Осиё опа иккала қўлини кўкка кўтарди ва сал тантаналироқ тарзда хитоб қилди:

— Сизни алдасам кўр бўлай, болаларимнинг роҳатини кўрмай, омин!

Бейхтиёр юзига фотиҳа тортган Нозима индамасдан ўрнидан турди, индамасдан кийинди, индамасдан кўчага чиқди ва худди шу ҳолда Осиё опа тўхтатган таксига ўтирди.

XIII

Шаҳарнинг кунботар қисмида жойлашган оддийгина маҳалладаги чоғроқ ҳовли эшигининг очиқлиги Нозимани аңдак сергак торттирди:

— Сиз уйда одам кўп бўлади, дегандингиз...

Аммо Осиё опа пинак бузмади:

— Бу сизга саккизта кулф-калити бор «дом»миди, ҳовли бўлгандан кейин эшиги очиқ туради-да.

Ичкарига киришди. Кафтдек ери бор кичкинагина ҳовли. Ёнбошда жимитдай ошхона. Опа ишонч билан тўғридаги хонага қараб юрди. Пастаккина икки эшикдан сал энгашиб ўтишга тўғри келди.

Ҳовлига нисбатан олинганда кенг-мўлгина хона. Тўрда телевизор, чап тарафда хонгахта, ўнг тарафда яна бир эшик, унинг ёнидаги диванда эса... кирганларга бақрайиб тикилиб қолган Қўзибой ҳамишагидек қоп-қора либосларига чулганиб ўтирарди.

Афтидан, охирги лаҳзага қадар Нозиманинг келишига ишонмаган ва балки шу сабабли андак довдираб қолган Қўзибой-Қорабой кўлида айлантириб ўйнаб ўтирган кетмон дастасини диванга кўйди ва довдираганроқ алфозда жувондан кўз узмасдан ўрнидан тураркан, илжайишга ва неча кунлардан бери хаёлидан такрорлаб, машқ қилиб юрган гапларини ирод этишга уринди:

— Хуш келибсиз, хуш келибсиз бизнинг кулбаи вайронага. Қадамларига жонимиз тасадуқ...

Қорабойга кўзи тушган заҳоти лаблари пир-пир уча бошлаган Нозиманинг қовоғи уюлиб кетди:

— Бу кулбани сизнинг дўстингизники дейишганди. Ваъдага кўра, бу ерда болалар ҳам ўйнаб юриши керак эди.

Баайни сеҳрлангандай жувондан кўз узолмаётган Қорабой бир неча бор маъқуллаб бош ирғади.

— Тўппа-тўғри, тўппа-тўғри. Бу уй дўстимизники, лекин хоҳласак эртагаёқ бизники бўлади, акаси жонидан...

Тоқати тоқ бўлган Нозима уни жеркиб берди.

— Менга қара, Қорабой, мен бу ерга сассиқ гапларингни эшитгани келганим йўқ. Аниқ гапим бор, Флора тирик деб орага одам қўйган экансан, — аёл Осиё опага ишора қилди, — шуни эшитгани, кўргани келдим.

Қорабой ўз элчиси томон ҳатто қараб ҳам қўймади, умуман, у хонада Нозимадан бошқа ҳеч кимни кўрмаётгандай эди.

— Тўппа-тўғри, тўппа-тўғри.

Қорабой меҳмонларни ўтиришга таклиф қилишнияма унутган кўйи тимирскиланиб бориб видеоманитофонни ёқди.

Осиё опанинг зўр бериб диванга ишора этишларига қарамай бориб чап тарафда турган стулардан бирини олган Нозима пойгакка қайтиб келиб стулни эшик ёнига қўйди-да, унга ўтирди.

Ёришган экранда сармоядоргина одам ўтказаетган тўй манзаралари намоён бўлди. Дарҳақиқат, экран чеккасидаги сана ўтган шанба кунини кўрсатиб турарди.

Қорабой энгашиб бир мурватни босган эди, одамлар тезлаштирилладиган фильмлардагидек елиб-югуриб қолишди. Ниҳоят бошқа бир мурват босилгач ҳаммаси ўз маромига тушди ва Нозима экранда Флорани кўрди. Рўмол ўраб олган қиз ўша таниш табассум билан жилмаяр, ёнидаги аёлни кучоқлар, унинг қулоғига нимадир деб шивирлар ва яна куларди.

Нозиманинг юраги орзиқиб кетди. Аини пайтда у арвоҳни кўраётгандай эди.

— Ўлган... ўлган у... — дея шивирлади жувон.

Қорабой яна бир мурватни босган эди Флора мана шу бахтиёр кулаётган ҳолида экранга бор юзи билан муҳрланиб қолди.

Нозима сесканиб кетди.

Анча ўзига келиб олган, неча-неча вақтдан бери ипидан игнасига қадар тузиб юрган режаси ниҳоят амалга оша бошлаганига ишончи ҳосил бўлган Қорабой кўлидаги бошқарув пультага кафтга уриб-уриб гапирди:

— Адрес менда. Борсак бирга борамиз...

Нозима жаҳл билан унинг гапини бўлди:

— Бунингнинг ҳақиқийлигига ким кафолат бера олади? Эски ёзувга битта числони кўшиб қўйиш қийин иш эмаслигини ёш бола ҳам билади. Сенинг ўзингнинг бўлса, биттаям гапингга ишонмайман — сен эски қасамхўрсан!

Ҳеч бўлмаса озгина илимилиқроқ гап эшитиш илинжида турган Қўзибой бўғриқиб кетди.

— Мана кафолат! — у чўнтагидан бир даста доллар чиқариб кўрсатди. — Мен қарз бериб тураман, процентсиз. Кейин, акаси жонидан, Флорадан ҳаққингизни олганингиздан кейин қайтарасиз.

— Флора ўлган...

— Флора тирик, акаси жонидан, мана исботи, — Қорабой экранга ишора қилди.— Уни тополмай қолсак ҳам майли, қўрқманг, суришиб кетармиз.

— Сен-а? — Нозима мазахомуз илжайди. — Сен пулингдан бекорга воз кечасанми? Ундан кўра ўзингни осиб қўярсан! Мен сенга ёш бола эмасман, очигини айтавер: шартинг нима?

Энди Қорабойники тутиб қолди — режа-пежасини, охир-оқибат қизни тўшакка ихтиёрий бошлаб келиш йўлида маккорона тўқилиши лозим бўлган тўрларни ҳам эсдан чиқарганча тўғриси айтди-қўйди:

— Шарт — эски шарт. Оғзингга сиққанини сўра — бераман, қайтиб олган номард!

Нозима ўрнидан отилиб турди, унинг кўзлари бемисл нафратдан ёнарди:

— Менинг жавобим ҳам — эски жавоб! Такрорлашим шарт эмасдир.

— Унда... — калавасининг учини йўқотиб қўйган Қорабой ниманидир мулоҳаза қилаётгандай айтишга гап тополмай қолди: — Унда...

— Унда хайр!

Нозима ортига ўгирилаётган маҳал чидаб туролмаган Қорабой бўкириб юборди:

— Унда ўзингдан кўр!

— Ҳай, ҳай, ҳай, — шу пайтгача бор-йўқлиги билимай турган Осиё опа ногаҳон тилга кирди ва дарҳол Нозимани билагидан ушлаб ўзига қаратди. — Қўйинг, синглим, қизишманг. Қўзибой акангиз сизга ёмонлик тиламаётгани кўриниб турибди-ку, нима қиласиз подадан олдин чанг чиқариб! Аввал мундай бир гаплашинг, маслаҳатлашинг...

— Қўйинг, опа, менга ҳеч нима керак эмас, — дея кескин бош чайқади Нозима яна эшик томон ўгириларкан. — Кўчада очдан ўлиб кетадиган бўлсам ҳам бу ифлосдан бир тийин сўрамайман!

— Ким ифлос?

Кўзи қонга тўлган Қорабой икки ҳатлашда аёллар ёнига етиб келди ва бор гавдаси билан эшикни тўсаркан, дағ-дағ қалтираган кўйи бир даста долларни Нозиманинг юзига тақади.

— Шуни олинг, кейин суришиб кетамиз, акаси жонидан...

Нозима қўлни кескинроқ итариб ташлаганди, юзталиқлар сочилиб кетди. Буни кўриб ҳуши бошидан учғудай аҳволга келган Осиё опа жон ҳолатда Қорабойни нарироққа сурди.

— Қўйинг, Қўзибой ака, асабийлашманг. Бугун гапларингиз гапларингизга тўғри келмаяпти, шунинг учун келишганимиздай Флоранинг адресини берингу, биз кета қолайлик. Кейин бафуржа гаплашармиз. Қани ўша менга кўрсатган қоғозингиз?

Ҳамон дағ-дағ қалтираган кўйи Нозимадан кўз узмаётган Қорабой диван ёнидаги эшикка ишора қилди. Осиё опа зипиллаб шу ёққа юрди ва то Нозима ўзига келиб улгургунига қадар овозсиз очилган эшик ортида ғойиб бўлди.

Кўнгли недир нохуш бир нимани сезган Нозима шу тарафга отилди. Эшиқдан кирган жувон ўзини деразаси йўқ кичикроқ хонада кўрди. Ўртада икки кишилик ётоқ дивани, унинг ёнида столчада ичимликлар, газаклар, чап тарафда каттагина тошойна. Бу хонанинг ҳам ўнг томонида жойлашган бир эшик сассиз ёпилаётганини иллаган Нозима ўзини шу тарафга урди. Аммо у кечиккан эди — нақ бурни тагида қарсиллаб ёпилган эшикни кимдир у тарафдан икки марта қулфлашга улгурди. Жувон орқага шощди. Стулга бамайлихотир жойлашиб ўтириб олган Қорабой унга қараб илжайди. Нозима жон ҳалпида ўзини эшикка урди — аммо бу ҳам қулфланган эди. Жувон эшикни муштлай кетди:

— Осиё опа! Осиё опа!

Қорабой ўрнидан турди, қўлларини бир-бирига чалиштирган кўйи жувоннинг уринишларига мазахомуз тикилиб турди ва эшикни уравериш қўллари шишиб, бақиравериш томоқлари қуруқшаб кетган, кўзларига ёш қалққан Нозима ўзига ўтирилган маҳал муҳдиш ҳукмини эълон қилди:

— Мен знамди арвойини чирқиратиб қўядиганлардан эмасман! Шу уйдан ё менинг шартимни бажариб кетасан, ё ўлигинг чиқади, акаси жонидан...

Шунда... шунда Нозима тўсатдан эшикни уришни бас қилди ва Қорабойни ҳайрон қолдирганча шошилмасдан, деярли хотиржамлик билан (фақат сийналари кўтарилиб-тушаётганигина унинг беҳад ваҳимада эканлигини фош этиб турарди) бош

бармоғини кўрсаткич ва ўрта бармоғи орасидан ўтказди-да, Қорабойнинг бурни тагига келиб тақади:

— Манавини кўрдингми, ифлос?

Ундан йиғи-сиғи, эҳтимолки қарғиш-парғиш кутган, бундай муомалага ўзини тай-ёрлаб ҳам турган Қорабой фақат бир лаҳзага ўзини йўқотиб кўйди ва мана шу сониялар Нозимага етиб-ортди. Кўзига ҳеч нарса кўринмаётган Нозима ваҳшиёна шиддат билан эркакни нари итариб юборди ва Қорабой мувозанатини йўқотиб, ортга гандираклаб кетган маҳал мана шундай шиддат билан ўзини эшикка урди. Эшик тарақлаб очилиб кетди. Унг елкасида кучли оғриқ турган Нозима жон ҳолатда ўзини кўчага урди.

Нозима шу ерда йўлдан ўтган-кетган машиналарга алақандай қаноат ҳисси билан қараб турган, ҳеч лаб-луғинини йиғиштириб ололмаётган Осиё опани кўрди.

Нозимага кўзи тушган Осиё опа жойида тахта бўлиб қотиб қолди.

Унг елкасини маҳкам чангаллаб олган Нозима тўғри келиб Осиё опанинг юзига тупурди:

— Бундан кўра... бундан кўра кўчага чиқиб жалаблик қилганинг яхши эмасми, қанжиқ!..

Нозима текис йўлда қоқилиб-суринганча катта кўча томон илдам юриб кетди. Осиё опа жойида бир лаган лойдай бўшашиб қолаверди...

XIV

Осиё опа ўз бекатига етиб келган маҳал ҳар бир тўхтаган машинанинг олдига чопиб борасола тушаётганларга жовдираб қараб турган Самадни кўриб қолди. Опани таниган Самад салом-аликни ҳам унутган ҳолда ҳовлиқиб сўради:

— Ноз... Нозимани кўрмадингизми?

Индамай ўтиб кетмоқ тарадудиди бўлган Осиё опа ногоҳ ўйига бир мулоҳаза келган одамдай тўхтади ва киприк-қоши куйган, юзида, қўлларида қоракуя изи қолган Самадга синчиклаб тикилиб тургач, деди:

— Кўрдим.

Бир лаҳзада юзи яшнаб, кўзлари чақнаб кетган Самад баттар ҳовлиқди:

— Қай... қайда?

— Фалон жойда ўтиб бораётгандим. Ўша маҳалладаги фалон уйга бир қоп-қора одам билан кириб бораётганини кўргандай бўлдим. Яна ким билади дейсиз, одам одамга ўхшайди.

Бирдан ранги қув ўчиб кетган, ўзиям буришиб, кичкинагина одамга айланиб қолган Самад бекат ёнида қатор турган таксилар томон чопди. Осиё опа унинг орқасидан бақириб қолди:

— Менинг айтганимни келинга айтиб юрманг, хўпми?..

Иложи борича кўпроқ одамга кўринган Осиё опа уларнинг деярли барчасига ўзининг эрталабдан буён бозорма-бозор юрганини, бироқ нарх-наволар баландлиги сабабли ҳеч нарса харид қила олмаганлигини айтиб чиққач, чарчаган одам сифатида уйга ошиқди.

Шундан кейин Осиё опа деразаси пардаси ортида туриб олганча кўчани кузатиб ўтираверди. Тахминан бир соатлардан кейин, қоронғулик тушган, аёллар ҳам тарқалишган палла уй ёнига бир эски «Паз»ик автобуси фижирлаб келиб тўхтади. Хона чиройини ёқмай ўтирган опа деразага ёпишди. Автобуснинг ягона эшиги очилди ва ундан бир тўп ялтироқ либос кийган, тугунчаклар кўтарган, атай шаҳарга отланиб келгани билиниб турган хотин-халаж, болалар ва ўзларини жиддий тутишга уринаётган эркаклар тушишди. «Ба-ба»лаган овоз эшитилди — ёшроқ йигитча бир кўзичоқ кўтариб олган эди. Осиё опа автобус рақамига қаради ва ҳаммасини тушунди — Нозиманинг қариндош-уруғлари, ҳамқишлоқлари меҳмонга келишганди.

Болалар чувилаб лифтга ёпишишди, бирдан қий-чув кўтарилди. Етмиш ёшларга борган, кенг чопонига ўралган, негадир теллагини қўлига ушлаб олган жиккаккина қария, афтидан Нозиманинг отаси, нимадир деди ва кўзичоқ кўтарган йигитча подьездга кириб кетди. Лифт шувиллаб юқорига кўтарилди. Шаҳарга илк бор келган меҳмонлар журъатсизроқ тарзда атрофга аланглашиб, бир-бирлари билан пичирлашиб гаплашишардилар.

Ниҳоят кўзичоқ кўтарган йигит қайтиб чиқди ва афтидан уйда ҳеч ким йўқлигини айтди шекилли, меҳмонлар безовталаниб қолишди. Тилларининг тағларига нос ташлаб олган эркакларнинг бир муддатлик маслаҳатлашувидан кейин меҳмонлар

ноилож автобусга қайтиб киришди — салқин тушиб келмоқда эди. Фақат кўзичоқ кўтарган йигит ва болаларгина ташқарида қолишди.

Осиё опа пешонасини муздай деворга тираганча ташқарига қараб ўтираверди. Ҳатто болалар лифтга қизиқишиб қолишиб, ҳадеб тепага чиқиб, пастга тушаверганларида ҳам, бора-бора ўзларини эркинроқ тутишиб, бақир-чақир қила бошлаганларида ҳам, негадир безовталаниб қолган кўзичоқ тинмай маърашга тушганида ҳам опа асабийлашмади — илло, кўнглининг туб-тубидаги «Нима бўлган экан?» деган хавотирли савол қолган барча ҳиссиётларини босиб-янчиб, ўтмаслаштириб ташлаган эди.

Кутишдан ёмони борми...

Олтинчи қаватда бир ўзи турадиган, доим ишга эрта кетиб, кеч келадиган, қўни-қўшнилар билан унчалик кирди-чиқди қилмайдиган, шу сабабли аёллар ўртасида «яккамохов» лақаби билан тилга олинадиган кўзойнакли аспирантми-магистрми йигитча уйга кираётиб автобус рақамига эътибор берди, сўнг тўхтаб, елкасида кўзичоғи билан ҳайкалдай қотиб турган йигитчага бир зум тикилиб турди-да, бориб сўрашди. Қолгани Осиё опа гира-шира тасаввур этганчалик бўлди. Аспирантми-магистр меҳмонларни уйга таклиф қилди, улар аввал йўқ дейишди, охир-оқибат кўнишди шекилли, автобусдан битта-битта тушиб келган эркаклар кўзойнак бошчилигида ичкарига кириб кетишди. Аёллар автобусда қолишди. Лифт ғувиллаб уч-тўрт марта юқорига кўтарилиб тушди. Ана шундан кейин подъезд ҳам, уй олди ҳам жим-жит бўлиб қолди.

Боши оғриб турган бўлишига қарамай, аёлларга нисбатан бу қадар эътиборсизликдан ранжигани боис қишлоқиларни бир-икки яниб қўйган Осиё опа шу хонанинг ўзига тўшагини солиб, ётиб қўя қолди.

Номаълумлик ёмон экан. Қани энди уйқуси келса...

Орадан ярим соатлар чамаси ўтиб лифт ғувиллади, кейин кўнғироқ жиринглади. Бошини рўмол билан сириб боғлаб олган Осиё опа инқиллай-инқиллай бориб эшикни очди. Остонада Шура хола турарди.

— Эшитдингизми? Эшитдингизми? — дея лаби лабига тегмай бидирлади у. — Нозима ҳалигача уйига келмапти. Бир балоси бор бу қизнинг!

Воқеалар ривожининг бу томонга оғир кетиши мумкинлигини хаёлига келтирмаган бўлса-да, Осиё опа бош устида тўпланажак қора булутлардан буткул қутулганига ишончи комил бўлган дастлабки кунлар терисига сиғмай кетди. Бироқ бора-бора кўнглини тўлдирган шодумонлик ўрнини алам, армон туйғулари эгаллай борди. Шу-унча ҳаракатлари, ўлиб-тирилганлари эвазига шимидириқ ҳам ололмай қолганлиги ҳақидаги ўй опанинг хонумонини куйдирарди. Анави қора таъвия ҳеч бўлмаса ҳисоб-китобни вақтида қилса бўлмасмиди?! Айниқса ўша бир даста доллар ҳақидаги хотира опани ёмон эзиб ташларди: бундай паллалари у бармоқларини ғажир, пешонасини деворларга урар, виждонсиз Қорабойни оғизга олиб бўлмас сўзлар билан қарғар ва охир-оқибат ўз шўр пешонасидан, тақдир йўлига чиқариб қўйган улкан ўлжани ўз вақтида олишни эпломлаганидан, чидаб бўлмас даражада аҳмоқлик қилганидан, чунки бировларга ҳаддан ортиқ ишониб, ҳамиша панд еб қолишидан нолиганча зор-зор йиғлайверарди. Доллар армонига эрининг камхаржлиги хусусидаги фиғон қўшилар ва энди опа бутунлай ўзини эпломмай қоларди: ерга юмалаб, чинқириб йиғлаётган Осиё опанинг ёнига ҳатто уйдагилар ҳам яқинлаша олишмас эди.

Воқеалар ривожидан сал олдинроққа ўтиб айтсак, Осиё опа қўшнилардан қарз-ҳавола кўтариб бўлса ҳамки икки марта Чимкентга, бир марта Олмаотага бориб келди. Аммо Флорани тополмади. Тўғри, қайсидир бозорда жуда-жуда ўхшаш қизни учратди, ҳатто унинг ёнига ҳовлиқиб борасола «Сиз Флорасиз-а, Жаннасиз-а?» дея сўраган маҳал қизнинг чўчиб кетганини сезди ва мақсадимга эришдим, деган тахминдан босар-тусарини билмай қолди. Аммо бу Флора-Жанна деганлари анойилардан эмас шекилли, «Сиз мени бировга ўхшатыпсиз», дея без бўлиб тураверди. Шунда Осиё опа йиғлади-сиқтади, қўшнилардан қарз олиб келганигини ҳам яшириб ўтирмади ва гапнинг дангалига ўтиб, жим юриши эвазига бир енгил машинага етарли пул сўради. Буни эшитган қиз ҳайрон бўлиб қўлларини икки ёнга ёзди, кейин шаҳарнинг қайсидир жойида руҳий хасталар шифохонаси борлигини айтиб, опага ўша ерга боришни тавсия этди. Ана шундан кейин ҳам опа дийдиёсини бошлагач эса, қизнинг бир ишораси билан Осиё опанинг ёнида иккита барзангидай йигит пайдо бўлди. Уларнинг вазоҳатиданоқ ҳеч нарсадан қайтмайдиган каллакесарлар эканини ҳис қилган опанинг нафаси ичига тушиб кетди. Флора-Жанна истехзоли жилмайди ва дона-дона қилиб деди:

— Агар сен қари кампир беш минутдан кейин бозордан қорангни ўчирмасанг каллангни олдираман-да, қопга солиб қўяман! Тушгундингми?

Бу шунчаки пўписа эмаслигини англаган Осиё опа қоқилиб-суриниб, юрган йўлида зор-зор йиғлаганча автобус бекати томон чопди.

Ўн учинчи уйда ҳаёт ўз маромида давом этаверди.

Навбатдаги шалоқ машинада қадам ранжида қилиб қолган Фаня уйига янги ижарачиларни қўйиб кетди. Аммо булар камсуқумгина талабалар оиласи бўлгани боисми, аёллар эътиборини тортмади ҳисоб.

Мол аччиги — жон аччиги бўларкан. Шу-унча (Осиё опа бу сўзни ҳатто хаёлида ҳам чўзиб айтарди) пулдан айрилиб қолганлиги ҳақидаги изтиробли алам алал-оқибат вужудни енгди: опа йиғлай-йиғлай сўқир бўлиб қолди, онги ҳам хиралашди. Осиё опанинг кун бўйи йиғлаб-сиқтаб ўтиришларидан безор бўлган уйидагилар ахийри уни — ўша Флора-Жанна башорат қилганидек — руҳий хасталар шифохонасига жойлашга мажбур бўлишди. Даврабошилиқни алақачон ўз зиммасига олган Салима опа собиқ даврабошини касалхонагача кузатиб боргандан сўнг негадир бу ерга тез-тез қатнайдиغان бўлиб қолди. Янги етакчининг эски етакчига нисбатан совуқ муносабатидан бохабар кўшнилари ҳам бу ҳолдан ажабланиб қолишди. Аммо табиатан эҳтиёткор Салима опа бу борадаги саволларга бирон бир жўяли жавоб қайтармади, жуда қўйишмаганда эса гапни айлантриб, ҳазилга буриб юбориш билан қутулди: «Ҳаммамизнинг борар жойимиз ўша ерга ўхшайди...»

Осиё опа шифохонанинг учинчи қаватидаги саккизинчи палатага жойлаштирилган. Шундоққина кириш эшиги ёнида. Аммо Салима опа юқорига кўтарилмайди, ҳовлидаги энг чекка ўриндиққа, каттакон чинор дарахти панасига жойлашиб ўтириб олади.

Тўшлик овқатдан кейин беморлар сайрга олиб чиқилади. Салима опа кутаётган бемор кўпинча сайрга чиқмайди. Аммо опа хафа бўлмайди, гарчанд унинг палатасини билса-да, ичкарига киришни хаёлига ҳам келтирмайди: ўтиради-ўтиради-да, индамасдан қайтиб кетади. Бемор сайрга олиб чиқилган кунлари эса Салима опа дарахт панасидан эринмай кузатади, лекин шундаям унинг олдига бормади. Сўнг, сайр тутагач, кўз таниш бўлиб қолган ҳамшираларни гапга солади. Зерикиб ўтирган ҳамширалар бажонидил гурунглашадилар. Суҳбат орасида Салима опа гапни сездирмасдангина бояги бемор томон буради. Бу ердаги ҳар битта мижоз тарихидан оз-моз хабардор ҳамширалар дарров бидиллаб, билганларини тўкиб соладилар. Эмишки, бу жувон кўп пул йўқотган. Жувон кўп йиғларкан, «Мен долларимни олишга боришим керак!» деб қочиб кетишга уринаркан.

Салима опа бу гапларни бош ирғаб эшитади, ҳамшираларнинг гапларини ҳам маъқуллайди, сўнг бирдан хайрлашишга тушади, шоша-пиша йўлга тушади, деразаси ҳовлига қараган ўн учинчи палата ёнидан ўтаётганда эса беихтиёр қадамини секинлаштиради, аста ичкарига бўйлайди, каравотда шифтга термулиб ётган, оғзи очилиб қолган жувонга қарайди, мана шу озиб кетган вужуддан, қаримсиқ чехрадан недир таниш белгиларни қидиради, топади ҳам. Аммо бу топидиклар қувонтирмайди, билъакс, дилини хуфтон қилади, шунда Салима опа деразадан узоқлашишга, тезроқ бу бинони тарк этишга ошиқади. Ҳолбуки, опа эртага, кечи билан индинга худди шу маҳал, худди шу соатда, айнан шу ерда бўлишини билади, фақат буни ўзи тан олгиси келмайди ва хаёлида хаста Осиё опа билан видолашади...

XV

Алам ёмон нарса бўлар экан. Айниқса ойлар, йиллар мобайнида кўнгилининг туб-тубида авайлаб-асраб юрган орзуйинг бирданига саробга айланиб қолса, бунинг армони юрак-бағрингни куйдириб-ёндириб, жизфанагини чиқариб ташларкан.

Қорабой деярли икки кун-тун давомида бир сўмлик савдо қилмади, бир лаҳза растасида ҳам ўтирмади — эрталабдан кечгача у танишидан бу танишиникига ўтиб, бурни кўтарилиб қолган Нозимани роса болаганини, қандай қилиб у билан... беш соат бирга бўлганини эринмай, миридан-сиригача, барча майда-чуйда беҳаё тафсилотлари билан гапириб юрди. Эшитган кўпчилик эркакнинг оғзидан суви келди, аёллар лаб тишлашди, Нозимани «беҳаё» деб сўкканлар ҳам анчагина топилиб қолди, ҳатто уни отчопардан бадарға қилишга тайёр «ахлоқ қўриқчилари» ҳам топилиб қолди. Бир йигирматача эркак эса Қорабойни қисди-бастига олишдики, бизгаям... ўша жононни

гаплашиб бер, айтганини тўлаймиз, дея. Бунга сари Қорабой авж қилаверди: «Э, лекин ноз қилганича бор экан, тўшақда жавлон уришини кўриб оғзим ланг очилиб қолди... Лекин ўзим кўкармаган жойи қолмади...». Қорабойнинг бахтига шу кунлари Нозима умуман кўриниш бермади ва бу ҳол «Дон Жуан»нинг тилини буткул ешиб юборди: «Э, соғ жойини қолдирмаганман, кўйлак остиям қолмаган, кўринарли жойлариям, қайтиб ишга чиқсин бечора...» ва ҳоказо ва ҳоказо сассиқ гаплар.

Қишлоқдан келган меҳмонлар бир кеча ётгач, эртаси қайтиб кетишди тарвузлар кўлтиқларидан тушиб. Фақат нечукдир бесаранжом бўлиб қолган, ушоққина ота-хонгина қолди Самад билан. Дарвоқе, Самад анчайин бепарводай кўринарди ва унинг бундай кайфиятда юришига қишлоқдан Нозиманинг кўнғироқ қилгани сабаб, деган тахминлар бор эди. Айтишларича, Нозима қишлоқдаги сингисининг бор бойлиги бўлган бир сигири ва бир танасини сотиб, ишни янгитдан бошлаш учун мабла олиб келаркан. Бу гапни эшитганлар беихтиёр кулиб юборишарди: «Қарзининг ўзи ўнта сигирнинг пулидан ошиб кетган одамга бир сигирнинг пули нимаям бўларди...»

Ниҳоят учинчи куни пайдо бўлди Нозима. Ҳовлида мунғайбгина ўтирган ота тўсатдан ёнида пайдо бўлиб қолган қизининг шарпасини илғадию, бир сесканиб кетди. Сўнг илкис қад ростлади. Нозима отасини маҳкам қучоқлаб олди ва пиқиллаб йиғлаб юборди. Отанинг ҳам йиллар из қолдирган серажин юзига ёш томчилари юмалади...

...Отчопар раҳм-шафқатни билмайди. Отчопар кўп нарсаларни фақат ва фақат пул билан ўлчади. Пулинг борми — отчопарда шоҳсан, маликасан. Пулинг йўқми — хор-зорсан, тирик жон борки, сени оёқ учида кўрсатиб ўтади. Отчопарда мезон — пул, ҳурмат — пул, обрў — пул, ҳатто муомала маданияти ҳам чўнтагингдаги пул миқдорига тўғри мутаносиб бўлади...

Кун жума эди. Тонг палла. Отчопарда иш энди бошланаётган чоғда Нозима билан Самад ўз расталарига кириб келишди. Ҳозиргина қайнаб турган бозорга туйқус жимлик чўқди. Ҳатто аравакашлар ҳам ниманидир илғагандай бақир-чақирларини бас қилишди.

Нозима олдинда келарди. Ранги синиққан, кўзлари киртайган бу аёлнинг юриштиришида, қарашларида недир бир шиддат бордак эдики, ҳатто раста бошида туриб олганча «Бозорнинг баракотини кўтарадиган ҳар турли беҳаё сотувчилар кўпайиб кетди-да», дея шанғиллай бошлаган Абдурайим оқсоқол ҳам нечукдир жим бўлиб қолди. Нозима оқсоқолга бир қаради, бош ирғаб салом берди ва йўлида давом этаверди.


Нозима пештахтага молларни ёя бошлаган маҳалдагина бозорга яна жон кирди. Отчопарнинг кундалик ҳаёти бошланганди. Бозорнинг бир чеккасида ўз савдосини бошлаётган Нозима баайни кўпчиликнинг эътиборини сезмагандай ўз ўйлари билан банд эди. Ҳа, олдинда уни бениҳоя машаққатли, оғир юмушлар кутмоқда эди. Гўё ўз хокидан қайта бунёд бўлган Қақнус мисоли у яна тижоратчи мавкеига эришиши, қарзларидан қутулиши, қишлоқдаги отасига, бемор фарзанди бор ёлғиз сингисига кўмаклашиши керак эди. Бу эса ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Ҳаётда Флорага ўхшаш олғир-устомонлар, Осиё опага ўхшаш пул учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган қўшмачилар, Қорабойга ўхшаш тухматчи фосиқлар бор экан, бу иш асло ва асло осон кечмагай. Аммо Нозиманинг кўнглини ёритиб турган бир нур бор эди: ҳар нечук, у мағлуб бўлмади, ҳар нечук, у таслим бўлишга шошмади, у кураш йўлини танлади, у синовлар йўлини танлади, не ажабки, охир-оқибат ўзининг сўқмоғи уни саодат манзилига элтса. Не ажабки, охир-оқибат у фисқу-фасодлардан, кўролмаслар ҳасадидан музаффар бўлиб, ўзини, ўзлигини намоён этолса, атрофдагиларга, ёнидагиларга, ҳамқишлоқларига, турмуш ўртоғига тик қарай олса...

Молларини пештахтага ёйиб чиққан Нозима бошини кўтарди ва сўнгги кунлар ичида биринчи маротаба эрига жилмайиб қаради:

— Энди нима қиламиз, Саматжон ака?

Ҳаяжондан титраб кетган Самад қуйилиб келган кўз ёшларини сездирмаслик учун осмонга қараган бўлди. Нозима ҳўв бир пайтлар, қорли Россиядаги музхонадай совуқ ва сассиқ карам омборида, у ёқдан-бу ёққа чопиб юрган каламушлар орасида, чўнтакларига ҳемири ҳам қолмаган пайтда, таниш-билишларининг садақа сўраб чиқиш ҳақидаги таклифларини эшитишгача борган маҳаллари бошини мағрур кўтариб айта олган қарорини одатдагидай эри иккаласи номидан эълон қилди:

— Энди ишлаймиз...



Олимжон Холдор

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
санъат арбоби



МАЙСАЛАР
СИЛКИНИБ
РОСТИЛАР
КАДДИНИ

Гул қадри шуми?

Ул санамнинг ўйлари уйқимни олиб қочди,
Бир қадам жилмасин, деб, йўлимга тикон сочди.

Йўлимга тикон сочди, қон оқди товонимдан,
Қонларим лола бўлиб, гул бўлиб жамол очди.

Гул бўлиб жамол очди, тўйхоналар кўрки деб,
Келин-куёв қўлига тутмоққа ҳамма шошди.

Тутмоққа ҳамма шошди, гулгун эди чехралар,
Сўнг оёқлар остига пойондоз деб ташлашди.

Пойондоз деб ташлашди, кимлар босиб ўтмади,
Дўсту душман гулнимас, кўзларимни ёшлашди.

Кўзларимни ёшлашди, гулнинг умри шундай деб,
Аммо, менинг қалбимни бир умрга ғашлашди.

Бир умрга ғашлашди, Олимжонни шу кеча —
Тонг отгунча сочлар оқ, ўзи етмишдан ошди.

Раъно

Эй гўзалим, одобу хулқингга тасанно,
Қошу кўзинг айлади-ку ошику шайдо.

Ишқинг ўтида ёнди юрак, ёнди бу олам,
Паримисан ёки малак ёки таманно?

*Йўлдан урди рақибларим қаҳ-қаҳ кулишиб,
Дил қатига барчасини айладим иншо.*

*Мен қишлоқи содда йигит эдим, не ажаб,
Тўғри келган ҳар кишини билардим ошно.*

*Озор етди ҳар кўчада дилимга энди,
Шунданми ё кўзимга тор кўринар дунё?*

*Садоқатда, малоҳатда тенги йўқ санам,
Татирмиди сен бўлмасанг бу дорулфано?*

*Ким экан деб, сўрамангиз, айтмас Олимжон,
Раънолар кўп, у раънолар раъноси Раъно.*

Бурун

*Жоним олса розиман, ҳижрон жафосидан бурун,
Кетма-кет бошга тушар дарду балосидан бурун.*

*Мен унинг ҳажрида тун-кун, «дод» дебон ўтдим ва лек,
Бу замоннинг интиҳоси, ибтидосидан бурун.*

*Кўймади ўз ҳолима, ҳаргиз рўшнолик кўрмадим,
Маҳв эт, ўлдир ғанимлар муддаосидан бурун.*

*Дейди: қайтар яхшилик бирла ёмонлик оқибат,
То қиёматга қадар — дорулбақосидан бурун.*

*Лабга намлаб пахтани теккузгунича жоним ол,
Мени билмас дўстларимнинг можаросидан бурун.*

*Сўрсангиз, ким деб Олимжон, Андижон бергай жавоб:
Ул қадимдир, кўп қадимнинг шажаросидан бурун.*

ИМКОНИЯТ ВА МАҲОРАТ

Бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини Андижон билан боғлаган Олимжон Холдор серқирра ижод соҳибидир. Ўзбек адабиёти деб номланувчи азим дарёга ўзининг ўндан ортиқ бадий китоблари билан муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Андижон Давлат университети фахрий профессори Олимжон Холдор 70 ёшлик довонга уч жилдлик танланган асарлари билан келди.

Биринчи жилдга кирган асарлар жанр нуқтаи назаридан ранг-баранг. Шеърлар, мухаммаслар, тўртликлар, дostonлар, қиссалар ва қатралар. Шеърлар ҳам турли мавзуй гуруҳларга мансуб: муҳаббат лирикаси («Уни севган мен бебош», «Арғувон тагида», «Наврўз», «Ёз»), табиат лирикаси («Қиш», «Жала», «Ёмғирдан сўнг», «Дўлана», «Андижон баҳори»), сиёсий лирика («Турон битта», «Бадиҳа», «Ўзбекистон»), фалсафий лирика («Помпей фожиаси», «Кўр туя», «Ханжар ва пичоқ», «Рассомлар бозори», «Гулчи»), детектив характердаги шеърлар («Сабр ҳақида», «Баъзи одамлар»).

Олимжон Холдор она Ватанга бўлган муҳаббатини шундай ифодалайди:

*Бир сиқим тупроқни олиб кафтимга
Узоқ-узоқларга кетар хаёлим...
Мен уни тутурман юрак тафтимга,
Ундадир камолим, унда заволим.*

(«Кафтимдаги тупроқ»)

Ижодкор асарлари орасида табиат лирикаси алоҳида ўрин эгаллайди. Бу шеърларни ўқир экансиз, юртимизнинг турли фаслларидagi таровати, полизларидан таралаётган ҳандалак ва қовунларнинг кўнгилни қитиқловчи ҳидлари, боғлардаги қушлар ноласи, зилол сув бўйида сочларини ёйганча ўйга толган гўзал қизларнинг ибоси, ариқлардан оқаётган тиниқ сувлар шалоласи кўз олдингизда намоён бўлади. Хусусан шоир ёзнинг жазирамасини тасвирлар экан, куйидаги табиий сатрларни битеди:

Кел менинг ёнимга

*Кел менинг ёнимга жоним, кел, санавбардаккина,
Кел санавбардаккина, сўзи шакаргардаккина.*

*Сўзи шакаргардаккина, минг шукур айлай мудом,
Сен мукаррамсан, мукаррам умри арардаккина.*

*Умри арардаккина, куйди олам, куйди жон,
Ўт ичида қолди жисмим, охир самандардаккина.*

*Охир самандардаккина, бостириб келгай хаёл,
Розиман ишқингда жоним, бўлсам қаландардаккина.*

*Бўлсам қаландардаккина, ўтсам Олимжон, бир куни,
Қабрим устин қопласин гул, бўлсин чаманлардаккина.*

Наврўз

*Хуш келдинг яна фарзона Наврўз,
Мен бирла букун ҳамхона Наврўз.*

*Бахмал либоси, ўзим адоси,
Қиздек ибоси парвона Наврўз.*

*Дийдор ғанимат, дейдилар, албат,
Шу экан қисмат баҳона Наврўз.*

*Попук беланчак, сулув келинчак,
Тенги йўқ бешак ягона Наврўз.*

*Қўшиқлар янграр, шўх-шўх жаранглар,
Истиклол берган тарона Наврўз.*

*Қилт этмас қиёқлар — еллар бедармон,
Олапар ётадир боғ этагида.
Саратон ўт пуркар эди беармон,
Моллар кавшанадир толнинг тагида.*

(«Ёз»).

Олимжон Холдор лирикасига хос жиҳат унинг халқоналиги, ўйноқлиги, равонлиги ва ташбеҳларга бойлигидир.

*Арғувон тагида ёр, сени кутдим,
Марварид сирғалар ўйнар бошимда.
Гулларнинг атрини энтиқиб ютдим,
Япроқлар шивирлар сокин қошимда.*

(«Арғувон тагида»).

Бу сатрларда севимли ёрини сабрсизлик билан кутаётган ошиқ ҳолати ва сокин тун манзараси самимий тарзда ифода этилади.

Олимжон Холдор фақат лирик жанрларда эмас, балки эпик жанрларда ҳам маҳорат билан қалам тебратиб келаётган ижодкорлардандир.

Чўлпоннинг адабий меросини талқин этиш, унинг бадий образини яратиш ҳаракати ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошланган бўлса-да, мустақиллик даврида янада кучайди. Шоирнинг ҳаёти ва ижодини бадий талқин қилишга бағишланган қатор асарлар майдонга келди. Улар орасида Олимжон Холдорнинг «Роз» достони ва «Ой тутилган кечалар» шеърый драмаси алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбек адабиётида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мураккаб ҳаёт йўлини ёритишга бағишланган бир қанча асарлар ёзилган. Олимжон Холдорнинг «Карвон қўнғироғи» достони шундай сирага мансуб.

Шоир Бобурнинг руҳий изтиробларини, она Ватанга бўлган чексиз меҳр муҳаббатини тасвирлашда унинг ўз ғазалларидан олинган парчалардан маҳорат билан фойдаланади ва бу парчаларни асарнинг замирига сингдириб юборади.

Асарнинг тили равон, у ўзига хос ўхшатиш ва жонлантиришларга бой.

Масалан:

*Эй соҳиб жамол, менинг билан қол,
Яноқлари ол мастона Наврӯз.*

*Ҳофизнинг сўзи, ошиқман ўзим —
Йўлингда кўзим девона Наврӯз.*

*Шеърга бериб зеб, баҳоройни деб,
Бўлди Олимжон афсона Наврӯз.*

Кутоласанми?

*Йўлим узоқ, менинг билан кетоласанми,
Юлдузларга бирга-бирга етоласанми?*

*Қўлларингни бергин десам булутли тунлар,
Айтақолгин, қўлларимдан тутоласанми?*

*Гар ўртага ҳижрон тушса, айрилиқ тушса,
Бардош билан ғуссаларни ютоласанми?*

*Сирларимни пинҳон тутиб дўсту душмандан,
Ғазал қилиб юрагинга битоласанми?*

*«Кетган келар, охир, бир кун», деган ҳикмат бор,
Келгунимча Олимжонни кутоласанми?*

Ёзнинг биринчи куни

*Момақалди роқ ҳам ҳарсанг тошларин
Думалатиб ўтди кўк чокин сўкиб,
Булутлар севинч-ла шодлик ёшларин
Бахмал майсаларга ташлади тўкиб.
Ивиб кетди борлиқ, сўнг шамол турди,*

*Азон ноласидан уйғонар шаҳар,
Ҳали тун ниқобин йиғмаган тамом.
Ҳали кўк юзига сочилгандай нар,
Булутлар ўйини этарди давом.*

ёки:

*Оро бериб хиёбонлар тунда ўзига
Борлиқ шунда мармар нурга чўмилар эди.*

Бундай бадиий тасвирий воситаларнинг мўллиги дostonнинг бадиий эстетик қувватини оширган.

Катта ҳаётий тажриба тўплаган ижодкор наср борасида ҳам ўз имконини синаб, биринкетин «Кўнгил», «Армон», «Осмон калити» каби қиссаларини ўқувчиларга тақдим этди. Бу қиссаларни насрда битилган назмий асарлар ҳам дейиш мумкин. Чунки, улардаги ихчам диалоглар, нозик ташбеҳлар, сўз ўйинларию маъноси тошни ёрадиган қочирмалар китобхонда худди шеър ўқиётгандай ҳолатни пайдо этади.

Кетма-кет уч роман, уч жилдлик китоб! Муаллиф бошдан трилогияни режалаштирган эди. Ёзилиш жараёни адиб ўйлагандек бўлмади, биринчи «Аросат», иккинчи, «Андижонлик — саранжомлик» қоғозга тушди. Режадаги биринчи китоб «Миркомилбой» романи эса, энг охирида ёзилди.

«Аросат» романи ижодкорнинг катта насрдаги дастлабки тажрибаси бўлса-да, асар композицион қурилиши, сюжетдаги изчиллик, энг муҳими, «қўл урилмаган мавзу»га мурожаат қилиниши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. Асар қаҳрамонлари — Зоҳир, Маъмура, Анваржон, Ҳайдар ва уларнинг рақиблари Темур Тошевчи, Фозилбек, Отабек, Ёлқин Тошлонов, Қозоқбоев каби-лар турмушдан олинган, улар бевосита кўз ўнгимизда фаолият кўрсатган, мустақиллик заминини яратишга астойдил бел боғлаган ёки унга қаршилик кўрсатган хилма-хил савия ва характердаги замондошларимиз тимсолидир.

«Андижонлик — саранжомлик» «Аросат»нинг мантиқий давомидир. Асар қаҳрамонлари Маъруфжон, Одилжон, Зарифа, Саодат ва бошқалар ўз олдидларига қўйган мақсад ва маслақлари учун дадил курашадилар, жамият вужудига сездирмай ўрнашиб олиб, худди шўролар давридаги каби эскича ҳаётни қўмсаб, зулмга зеб бериб, адолатни кўрқитиб, кайф-сафо сурмоқчи бўлганларга қақшатқич зарба берадилар. Асар қаҳрамонларидаги умуминсоний фазилатлар, энг аввало,

*Майсалар силкиниб ростлар қаддини.
Еллар барчасини елпиб, супурди,
Шундоқ кечди ёзнинг биринчи куни.*

Кексалик

*Кимлар ойнага боқиб
Ажинларин санармиш,
Ўзини ўтда ёқиб
Кексалиқдан тонармиш.
Яна кимлар ноз-нозда
Бўяб қошу кўзини,
Ҳар кун, ҳар хил пардозда
Ёш кўрсатар ўзини...
Сўраб қолса гар бирров,
Дейман ундай ёшларга:
Осонликча оқ қиров
Тушган эмас бошларга.
Сўзи ҳикмат, маънолар,
Ёшлардан қолишмаслар,
Кексаликни донолар,
Ёшликка алишмаслар.*

ҳақиқатнинг юзига тик қараш, бошга қилич келганда ҳам ҳақ сўзни айтиш, турли игво ва тухматларга сабр-бардош ила қарши туриш, кўзланган манзилга етмагунга хотиржам бўлолмаслик, шубҳасиз, ўқувчи қалбини ларзага солади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида «Андижоннома» газетасида янги-янги мавзулар, ҳаётий мисоллар пайдо бўлди. Ана шундай тадқиқотлардан бири «жаҳон тан олган андижонликлар»нинг «кашф» этилишидир. Ушбу рўйхатда йирик пахтачи бой — Миркомилбойнинг исм-шарифи ҳам илк бор тилга олинган эди. Газетанинг биргина «турткиси» Олимжон Холдорнинг қалбига ғулу солиб тинчлигини олиб қўйди.

Катта ижод жараёнида бу каби мисоллар кўп. Стендаль ўзининг машҳур «Қизил ва қора» романини газетада ёзилган кичик бир хабардан таъсирланиб ижод қилган эди. Олимжон Холдор ҳам даставвал «Тоғлар қуламайди» сарлавҳали туркум публицистик мақолаларини эълон қилди. Лекин бу билан хумори ёзилмади. Бутун ҳаёти мураккаб ва чигалликлардан иборат инсон тўғрисида мухтасар драма яратди. Бу драма Бобур номли мусиқали драма ва комедия театри репертуаридан жой олди. Асар кетаётган кунлари академик Комил Яшиннинг марҳамати ва ёрдами билан (Комил Яшин Миркомилбой ҳақида катта асар ёзмоқчи эди) бойнинг № 100 рақамли делоси, 1913—1918 йиллардан келган ҳужжатлари қўлга тушиб қолди. Ҳужжатлар Олимжон Холдорнинг фикрларини бутунлай ўзгартириб юборди. Миркомилбой у ўйлагандан бошқачароқ, мураккаброқ одам эканлигини тушунди ва роман устида жиддий иш бошлади.

Романнинг тили ширали. Асарнинг яна бир қимматли жиҳати шуки, унда ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб, бой образи ижобий тимсол сифатида гавдалантирилди. Ҳолбуки, бизда Солиҳбой, Мирзакаримбой каби бойлар тимсоли орқали жамиятда ўз ўрни, ўз сўзи, ўз нуфузига эга бўлган инсонлар ҳақида бир мунча алдоқчи тасаввурлар шаклланиб қолган эди. «Миркомилбой», шубҳасиз, ўқувчи тасаввурига янгиланиб кирди ва жамиятдаги маълум обрў-этиборли шахсларга нисбатан адолатли мушоҳада юритишга ундади.

Бугунги кунда Олимжон Холдор нафақат шоир ва носир, балки таниқли драматург сифатида ҳам фаол ижод қилмоқда.

Олимжон Холдорнинг биринчи сахна асари «Қотил ким?» номли «беш лавҳадан иборат детектив лавҳа» бўлиб, 1979 йилда ёзилган эди. Асар милиция ходимларининг қийин ва шарафли фаолиятига бағишланган.

Сокин тунда шаҳар чеккасида қотиллик юз беради. Бир одам ўлдирилиб, ёқиб юборилган, яна бири чавоқланган, машинага ўт қўйилган. Шу пайтда, катта бир магазинда ҳам ўғирлик содир бўлган. Милиция ходимлари бу икки жиноятнинг бир-бирига боғлиқлигини, ўлдирилган одамлар ва қотилнинг ким эканлиги аниқлангунича қизиқарли воқеалар юз беради. Томошабин асарнинг охирига қадар кескинликда ушлаб турилади. Жумбоқнинг ечилишини барча ҳаяжон билан кутади. Драмада полковник Ботиров, жиноят қилдирув бўлимининг ёш ходимлари Озод Саидвалиев, Дилбар, жиноятчилар тўдасига усталик билан кириб олган Пирназар каби фидойи инсонларга, Оқсоқол, Шариф Шайтон, Қорасоч, Луқмон Лўли каби қиморбоз, бузуқ, жиноятчи кимсалар қарама-қарши қўйилади.

Маълумки драматик асарнинг муваффақиятини бир-бирларига боғлиқ бўлган учта омил таъминлаб беради. Бу драматург, сахналаштирувчи режиссёр ва ижрочи актёрлар бирлигидир. Олимжон Холдорнинг «Қотил ким?» драмаси 1980 йилда республикамизнинг тажрибали театрларидан бири бўлган Охунбобоев номли Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрида муваффақият билан сахналаштирилган эди.

Ижодкорнинг 1992 йилда ёзилиб, шу йили Андижон шаҳар Аббос Бакиров номли ёшлар театрида саҳналаштирилган «Севги афсонаси» номли шеърий мусиқий драмаси ижодкорнинг драматургиядаги тажрибаларининг давоми бўлиши билан бирга унинг бу соҳада жиддий излаётганини кўрсатди.

«Севги афсонаси» фалсафий, рамзий асар бўлиб, у ўзига хос билим ва тайёргарлиги бор томошабинга мўлжалланган. Асар воқеалари бир-бирларини даврлар ажратиб турувчи турли замонларда бўлиб ўтади. Драмада ўтмиш воқеаларига учта тарихий даврини ягона асар доирасига бирлаштириб турувчи вазифасини ўтаган Шоир ва Шоиранинг файласуфона нигоҳи билан қаралади. Лойшувоқ томли эски уйда Она яшайди. У ёрига вафодорлигича қолиб, икки ўғлини отасиз тарбиялайди, ўқитиб, уйли-жойли қилади. Вояга етган ўғиллар эса, хотинларининг гапи билан Онани ташлаб кетадилар. Она эри қурган уйни ташлаб кетгиси келмайди. Охир-оқибат Она қариялар уйида вафот этади. Спектакль воқеалари 200 йил олдинги даврга кўчади. Саҳнада Нодирабегим ва Амир Умархон намён бўладилар. Умархон ҳазрат Бобурнинг чевараси Шоҳжаҳоннинг севики ёри Мумтозбегимга атаб Тожмаҳал саройини қурдиганини айтиб, ўзи ҳам Нодирабегим шарафига шаҳар барпо этиш ниятини билдиради. Саҳна айланиб, воқеалар яна 200 йил ортга Шоҳжаҳон даврига кўчади. Мумтозбегим умрининг сўнгги кунлари. Шоҳжаҳон ва гўзал ёрининг ҳаяжонли суҳбатлари. Заҳриддин Муҳаммад Бобур руҳининг пайдо бўлиши ва унинг нутқи томошабинни ларзага солади. Саҳна ортда Аградаги Тожмаҳал саройи муҳаббатнинг, вафо-садоқатнинг рамзи тарзида намён бўлади. Воқеалар яна Қўқонга қайтади. Нодирабегимнинг Умархонга аза тутиб юрган кунлари. Нодирабегимга атаб қурилатган сой ва шаҳарнинг битганлиги тўғрисида хабар келади. Лекин оқила ва садоқатли шоира хон фармонини ўзгартириб, Умархонга бўлган ҳурмати ҳамда муҳаббатининг рамзи сифатида шаҳарга ҳам, сойга ҳам хоннинг номини беради. Кўриниб турибдики, «Севги афсонаси»нинг сюжети ҳам, композицион қурилиши ҳам ўзига хос. Юқорида таъкидлаганимиздек, Шоир ва Шоира асарни ягона мавзу доирасига бирлаштиришга бироз хизмат қилади. Лекин, назаримизда асарни бирлаштирадиган асосий хусусият — бу ғоянинг бирлигидир. Бу ғоя — аёлнинг, онанинг муқаддаслигини таъкидлаш, уларни улуғлаш, муҳаббат, вафо ва садоқат каби буюк туйғуларни тараннум этишидир.

Олимжон Холдор 2001 йилнинг бошларида «Шарқ юлдузи» журналида «Ой тутилган кечалар» номли тўрт парда, олти кўринишли шеърӣй, мусиқали драмасини эълон қилди. Асар улуг шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонга бағишланган. Юқорида Олимжон Холдорнинг мазкур мавзуда «Роз» номли дoston ҳам ёзганини айтиб ўтгандик.

Шуни айтиш лозимки, Олимжон Холдор ушбу асари билан ўзининг шеърӣй имконият даражаси ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Шеърӣй мусиқий драманинг табиати кўпроқ романтик хусусиятга мойил бўлади. Шунинг учун ҳам драматург асарда Чўлпон ва Мавжуда муҳаббатига, бош қаҳрамоннинг шоирлигига урғу беради. Демак, асардан фақат тарихий фактларни талаб қилиш тўғри бўлмайди. Уни, аввало, бадий асар — драматик дoston сифатида қабул қилиш ўринлидир.

Асарда Чўлпоннинг оила аъзоларидан ташқари, Тавалло, Фитрат, Қодирӣй, Авлоний, Усмон Носир каби тарихий ижодкор шахслар иштирок этишига қарамасдан, у ижодкор хаёлотининг — бадий тўқиманинг мақсулидир. Истибод давридаги улуг шоиру адибларнинг руҳияти, дунёқарashi, уларнинг фожеали қисмати, истиқлол давридаги шоирнинг қалб кўзи билан таҳлил қилинди. Шунинг учун бўлса керак, асарда Мавжуданинг Эшонга назр қилиниши ва сотқин шоир билан боғлиқ эпизодлар бўлишига қарамасдан драманинг ички конфликтни кучли эмас. Маълумки, конфликт бадий асарнинг жони, асосий қон томиридир. Усиз ҳар қандай бадий асарни, айниқса, драматик асар воқеаларининг қизиқарли кечишини таъминлаш қийин. «Ой тутилган кечалар»даги конфликт кўпроқ ботиний характерда бўлиб, ижодкор шахс ва давр ўртасидаги зиддият кўринишида кечали.

Асарда Чўлпоннинг шеърлари матнга усталик билан сингдириб юборилган. Бу аҳамиятга молик, албатта. Лекин айрим ўринларда асар қаҳрамони бўлган Чўлпоннинг «бир шеър ёздим» дея, яхши савиядаги бўлса ҳам Олимжон Холдор шеърларини айтиши ўқувчига бироз эришдай туюлади.

Биз шоир, носир ва драматург Олимжон Холдор ижодининг айрим қирраларини бироз таҳлил этишга уриндик. Ваҳоланки, серқирра ижодкорнинг асарлари янада тўлақонли ва холис таҳлилларни кутиб турибди. Ижодкор олдида эса, ўз қаламидан тўкилган асарларини янада сайқаллаштириш ва такомиллаштириш масъулияти турибди. Катта ижодий йўлни босиб ўтган изланиш ва меҳнатдан чарчамаётган Олимжон Холдорда бунинг учун имконият ҳам, маҳорат ҳам етарли, албатта.

Абдулҳамид НУРМОҢОВ,
филология фанлари доктори, профессор
Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист
Ҳалим КАРИМ,
филология фанлари номзоди





САРГУЗАШТ,
ФАНТАСТИКА

Чўлпон Эргаш

АРОСАТ

(Раҳмон восвос)

Хаёлий-кечмиш дostonдан манзаралар

Биринчи манзара

Ҳарбий ётоқ. Ярим кеча. Кираверишда автоматига суянганча, соқчи мудраб ўтиради. Узунаси-га тўрт қатор, икки қаватли каравотларда аскарлар ухлашмоқда. Иккинчи қатордаги олтинчи каравот тепасида Раҳмон уйғоқ, хаёл суриб ётади.

РАҲМОН

...Сайраб беихтиёр, мисоли булбул,
Қўлимдан автомат учиб кетди-ю,
Югуриб келаркан, рангида қон йўқ:
«Беш!..» деди, елкамдан босиб командир.
Тамом энди машқлар ҳам, аммо,
Икки тиззам кўзлари билан
Тирсақларим зирқирар ҳамон.
Ҳарбий қасам...
Нима деганимни ўзим билмадим, бироқ,
Шу бугундан ҳақиқий аскар эмишман.
«Энди қадамингни билиб босишинг керак!..»
Йўқ, эголмас мени бундай темир интизом.
Кўникканман ўз билганча яшаб, отасиз...
Йўлга сололмаган Шайтон¹ ҳам ҳатто...

Эшик олдида бир соя пайдо бўлади. Соқчи ухлаб қолганидан фойдаланиб, у ўзини ичкарига олади.

Наҳотки ақлимдан озяпман ростдан?
Туппа-тузук аскарлар ҳам,
Командирлар ҳам ҳатто
Ажинага ўхшаб кўринар менга.
Одамлар ҳам йўқ эмас, аммо:
«Булар — ажина!..» десам,
Қулишади, олайиб, мендан.

Эх, Раъно, Раъно!..
Наҳот қайтиб кўролмасман, оҳ?!
Бир кўрсам деб, кетар жафоси,
Мен бошимни суқмаган эшик.
Бирор бир жой қолмади зинҳор...
Ёки сен ҳам париймисан, йўқ,
Йўқ, сени ҳеч кимга бермайман, тамом!

Соя каравотлар оралаб юради.

Бошимни ишқаб ҳар ён, йиғлаб рост:
«Миям қичишади...» — дедим дўхтирга.
Тўнтариб юз, солди дурбинга,
Ағдариб бир сувратга олди...
Елка қисиб улар ҳам ҳайрон,
Бошларини чангаллаб қолди.
Ҳеч иш чиқмай бундан ҳам, охир:
«Жинларми ё, — дедим, — булар ҳам?!..»

Қайтсам, яна шу ҳол, не қилай,
Буйруқ берар менга ҳар аҳмоқ,
Ётқизиб-турғизар муштумдай манқа.
На саломни билар,
На алиқни булар...
Одам башараси бор, холос,
Бари — ажина!..

Соя Раҳмоннинг оёқ томонига келиб, тўхтаб қолади.

Чидолмай бир кун,
Ёқасидан олиб дабдуруст,
Думалатиб теғдим бирини боллаб,
Келганини қийратдим қўймай.
Отилди-ку бирдан бутун бир рота.

Тамом дея, чопдим автоматимга.
Битта қўймай қириб ташлардим, бироқ,
Тутиб олди пойлаб ортимдан улар.
Мана, қандай тушдим госпиталга, мен.
Автоматим беришмади, эҳ!..

Соя Раҳмоннинг тепасига келади. У ўнг тирсагини аста каравот четига босиб, чап кафтини Раҳмоннинг чаккасига яқин олиб борар экан, унинг қайноқ тафтини сезган Раҳмон ирғиб ўрнидан туриб кетади.

СОЯ

(Энтикиб)

Тузикмисан, Раҳмонжон, болам?!

РАҲМОН

(Уни Шайтон фаҳмлаб)

Шу ердан ҳам топдингми, Шайтон?

СОЯ

Нима қилай, ташлаб кетолмасман ҳеч...
Тириклар-ку бир-бирига ёв.
Хунук хаёлларни итқит бошингдан.
Ҳали, болам, бошингда иш қўп,
Раҳминг келсин шўрлик онангга.

РАҲМОН

(Кўнгли бироз юмшаб)

Нафасингдан одам иси келади, ажаб?!..
Инсон қушандаси Шайтон бўлсанг ҳам,
Юрагимни эздинг сирли каломинг билан,
Ким бўлсанг ҳам ростинг айт, ҳозир.
Одам башара бу йигитлар бари,
Командирлар наҳот сенинг хешларинг?

СОЯ

Ёш эмассан энди, Раҳмонжон,
Фақат ожиз бугун сенинг ҳам ақлинг,

¹ Хаёлида доим уни Шайтон таъқиб этиб юради.

Кўнглиннга не келса — рост, аммо...
Кутқараман, ўғлим, бу ердан.

РАҲМОН

Томошамни кўргани келибсан атай,
Кулиб қол нажотсиз ҳолимдан бугун.
Кимни кўрсанг ожиз қачон, қаерда,
Дўст бўлиб гўёки уларга дарров,
Шилиб бошдан-оёқ руҳларини ҳам
Ўз йўлингга солурсан, жирканч.
Кўнглим сезиб турар, Шайтонсан, аммо,
Уша ёлғиз муштипар онам,
Кўнглим тожи — Раёно дийдори учун,
Кулги қилса мени ҳар кимга, Соя!..

СОЯ

Маили, бироқ ҳовлиқма, биров
Синовларга чидашинг даркор.

РАҲМОН

Мени синамаган сен қолдинг, ёлғиз.

СОЯ

Баҳонаи сабаб — қайтишингга бу.

РАҲМОН

Оқил бўласан деб, авраб ерда ҳам,
Нима қолди яна сен едирмаган?!

СОЯ

Фаниматдир онанг дийдори, маили,
Бор, сизлардан кўрсин тиригида у.
Ёлғиз садоқати — умрингизга тенг,
Она меҳри улуг азалдан, аммо,
Кам суймаган оталаринг ҳам.
Отасизлик дарди ўзингга аён.

РАҲМОН

Отасизлик келмасин деб хаёлимизга,
Тутиб оғзидаги ёвғон луқмасини ҳам,
Бошларига кўтарса ҳам онам доимо,
Ичим илон кемиради, отамни ўйлаб.

СОЯ

Ҳа, у сени ҳаммадан ҳам ортиқ кўрарди,
Сени тилдан қўймасди ҳеч сўнги дамда ҳам.

РАҲМОН

(Беихтиёр бакириб)

Ўлганми у? Қачон? Қаерда?!

СОҚЧИ

(Сакраб туриб)

Жим ёт дейман, падаринлар, ҳўв!
Жинни-пинни бўлганми булар?

СОЯ

(Аста)

Ўзингни бос, ўғлим, сен аввал,
Йўғотиб юборасан ҳаммани ҳозир.

РАҲМОН

(Кўзида ёш, алам билан)

Айлантирмай, Шайтон, гапир тез!..

(Соя жим)

Ноҳақсанки, лол турасан, тилингни тишлаб.
Лаънатланган бўлсанг-да бир вақт,
Фариштаман, дейсан, ҳамон, оламда танҳо,
Узангидан тушмайсан ҳеч, отдан тушсанг ҳам.
«Нурдан яралганман!» деб ҳарчанд,
Лоф урасан бутун дунёга,
Кўрқма оёр «одамлар эшитар» деб, йўқ,
Билмас, орқасини кесиб кетсанг ҳам.
Улар сенинг азитқи жинларинг эмас,
Оғзингни пойлашмас алвастилардай!
Ош-нонинг бўлса-да ёлғон, фирромлик,
Умрингда бир бора рост гапир бундоқ,
Бир аёлки, номус бандаси танҳо —
Ўксик онам кўксида умрлик армон —
Отам эди у валломат зот!
Ана шундай жувонмард одам
Сенинг шаънинг ёқлаб, кўтариб,
Жон фидо этсаю ғафлатда, мағрур,
Куймайсан деб айтмасман зинҳор,
Қонингда йўқ азалдан одамга шафқат,
«Бедарак кетди» деб, ҳамон бадгумон,
Юравердинг, наҳот, Ҳақни яшириб?!

СОЯ

(Бўғиқ хўрсиниб)

Бас, ярамни эзгилама ортиқ, болажон,
Бунингсиз ҳам қанот-парим юлганлар тамом.
Солиб азим гуноҳларим юзимга баттар,
Тоғдай зил юк ортма елкамга тагин.

(Деразадан тонг юлдузи кўринади.)

Оҳ, Аросат даштларига сарсон-саргардон
Қандоқ этиб олгум энди, судралиб, қачон?!

(Маъюс)

Очиқ кетган басир кўзларим
Кўр бўлмайин тонг жамолидан,
Хабар берай, ўқиб ол, ўғлим,
Фоже қисматимдан бир қадар.
Воҳ, у кун — кўксимда тош қотган армон!..
Шайтон васвасаси билан мен уйдан
Чиқиб кетдим, узиб бағримни ночор,
Оғиз очиб юҳо, ув тортган дара
Кучоғида кўрдим ўзимни ногоҳ,
Боқсам, жин-парийлар, ажаб, безовта,
Чопар ҳар ён сакраб, ур-ҳо-ур.
Билсам, жинлар аро борар экан жанг!
Тўпалонсой, Ўрмонли,
Йўлтўсар. Чакалазор...
Яна қанча жинлар устига қатор
Бостириб киргану бирдан Бўрижар:
Асир олиб дев-парийлар,
Алвастию жинларни бир-бир;
Талаб бору будини, топтаб,
Инларини ёндириб бутун,
Бостириб кирганлар биз томонга ҳам.
Ҳа, шу бизнинг жойда ҳам пинҳон
Жинлар мамлақати бор экан, билсам!
Биз уларни кўрмаган каби, ажаб,

Тан олмас эканлар улар ҳам бизни.
Бир-бирига панд бериб одам, тезда
Қирилиб битар деб сеҳримиз билан,
Ўз юртидай, яшаб юрганлар беғам.
Ёқамни ушлардим, титраб, бу ҳолдан:
«Наҳот — дердим, — ажиналар ҳам
Бўлак-бўлак яшар одамга ўхшаб,
Талар бир-бирини одамдай?!»
Билсамки мен яна ўша зулмат тун,
Ҳар фалокат бошида — шулар,
Ҳар офатда улар кўли бор экан.
Қаторимда йўлдан адашган
Одамлар ҳам кўп эди мендай.
Азиқтириб Шайтон, билмаймиз қайга
Ҳайдаб кетди бизни жинлари билан.
Бир тепага чиқиб бордик тирмашиб, алҳол,
Боқсак, пастда қийқириб ёвуз,
Қаршимиздан ўт пуркаб, гурос ва гурос,
Бизга қараб келар эди ўзга жинлар ҳам.
Шу маҳал тез одамларни чақириб сафдан,
«Олға!» деди кичкина бир дев.
Қўлимизда алаф калтак,
Бошимизда алиф йўқ, ҳайрон,
Билмас эдик қандай тутишни ҳатто,
Биз — одамлар энг олдинда,
Пана қилиб бизни орқадан жинлар,
Ёвга қараб борардик тикка!

Пир учиб оловдан ёнимда биров,
Қайрилиб ортимга боқсам бир маҳал,

Келар орқамиздан ўқталиб найза
Ўзимизнинг жинлар ҳам бизга.
Қаршимиздан яна ўт пуркар ажал...
.....
Икки аро шундай жанг бўлди узоқ,
Ўртада хомталаш бўлдик биз тамом.
Ман-ман деган эрлар айланиб кулга,
Найзага ем бўлди шунда отанг ҳам.
Юк бўлмасин йўлимизда ҳам
Сотмасин деб ёвга, бир йўла
Кўшиб ўлик, тирик — чалажон.
Майиб-мажруҳ баримиз, э воҳ,
Бир чуқурга суриб, судрашиб жинлар,
Устимиздан тупроқ тортиб, кетдилар нари.
Аммо отанг руҳи тирик сен бор экансан,
Кўллар унинг руҳи сени ҳар қачон...
Лекин шуни билиб кўйки сен,
Унут бўлмас чумолича озор ҳам, ҳатто,
Яхшидир, ёмондир, оғиздан чиққан
Ҳар сўз эгасини топгувси охир.
Сўриб одам қонини, яйраб,
Яшаб қолмас жинлар умрбод бунда!..

Аламимни ютиб ичга, ҳануз беором,
Пойлаб газоват кун дийдорини зор,
Балолардан асрагайман сени доимо...
Майли, онанг дийдорига тўйиб яшай қол,
Сал кам икки ойдан кейин озодсан тамом!
Аммо мендан шубҳанг қолмасин, ўғлим,
Эслисанми отанг турқини бугун?

РАҲМОН

(Ҳаяжонда)

Муборак суврати кўзим олдида,
Жилмайиб тургандай бўлади ҳамон!..

Шу пайт Соя юзи ёришиб, унда Раҳмоннинг отаси Эргаш намоён бўлади. Ота?.. Отажон!!!

СОҚЧИ

(Чўчиб, ўрнидан туради)

Нималар бўляпти бу ерда бугун?!

ЭРГАШ

(Раҳмондан узоқлашиб)

Дийдор кўришгунча яхши қол, ўғлим!
Мен доим бошингда бордирман, хушёр,
Фақат бир ўтинчим, мени қарғама!

(Рух ғойиб бўлади)

Казарма чироқлари ёнади. Йигитлар бошларини кўтаришиб, ҳар ён аланглаб боқадилар.
Соқчи қаравотларни бир-бир кўздан кечириб, ҳамон йиғлаб ўтирган Раҳмон қошига келади.

СОҚЧИ

(Раҳмонга масхараомуз жилмайиб)

Ҳа, отангни тушда кўрдингми, бола,
Ё онангни эмиб кўйдими биров?!

У ер-бу ердан босиқ кулги эшитилади.

Ну-ка, подём!

РАҲМОН

Куда пойдом?

СОҚЧИ

(Қатъий)

Вставай!..

РАҲМОН

(Ҳайрон)

Исталавой?..

Ётоқ бўйлаб гурр кулги кўтарилади.

Иккинчи манзара

Старшина ротани сафга тизиб, эрталабги текширувга тайёрламоқда.

СТАРШИНА

Рота-а-а, сми-и-ир-но!

Равненина-а-а на пра-а-а-во!

Аскарлар буйруқ бўйича ҳаракат қиладилар. Раҳмон ғоз турганича, осмонга тикилиб қолади. Кўз оддида отасининг қиёфасига ўхшаш, хира бир одам гавдаси пайдо бўлиб, унинг кўкси, юз-кўзлари бўйлаб алақандай парийчеҳра қизлар саф-саф бўлишиб, дамодам давра олишиб, раққ тушиб, куйлайдилар. Олисдан шовуллаб улуг бир дарё саси эшитилиб туради.

БИРИНЧИ САФ ҚИЗЛАР

*Ёшлик деган — тошқин дарё,
Бўйларида гуллар сафо.
Гул очилиб, бошланг хандон,
Ҳар ким тенги билан ошно.
Юринг, қизлар, дарё бўйига!*

ИККИНЧИ САФ ҚИЗЛАР

*Ташлаб кетмас ғамга чин ёр,
Кўзлар ёшга тўлмас бекор.
Сочларини ёйиб ҳар ён,
Тўлғонар бир парийнигор...
Юринг, қизлар, дарё бўйига!*

ИККИНЧИ САФ ҚИЗЛАР

*Гулгун дарё нарёғидан,
Ойдин булоқ адоғидан
Дангир-дунгур садо келур,
Раъноча қиз гулбоғидан...
Юринг, қизлар, дарё бўйига!*

БИРИНЧИ САФ ҚИЗЛАР

*Яйрамай у ўз тўйида,
Ғамга ботиб сой бўйида
Тушларини сувга айтар,
Бир бевафо ёр кўйида...
Юринг, қизлар, дарё бўйига!*

БИРИНЧИ САФ ҚИЗЛАР

*Бир парийзод, парвози йўқ,
Садоларга парвоси йўқ,
Нола чекар бир дард билан,
Дардларига давоси йўқ...
Юринг, қизлар, дарё бўйига!*

ИККИНЧИ САФ ҚИЗЛАР

*Бошларида қора булут,
Ой юзлари пора, булут...
Боқар зулмат кўйнидан зор,
Тарқаса деб зора булут...
Юринг, қизлар, дарё бўйига!*

ҚИЗЛАР

(Жим бўлишиб)

*Гуллар ичида раъно қиз — Раъно,
Раънолар ичра зебо қиз — Раъно!
Куяр бунча ким дардида
Бу чиройли қиз?
Қандай бахтиёр йигит у, доно?
Юринг, қизлар, гул бағрига
Бош қўййлик биз,
Ҳар қизнинг бошида бордир бу савдо!..*

Қизлар бирдан заррин қанот, афсонавий қушларга айланишиб, чуғурлашганларича дарё сара учиб борадилар.

*Лайли савдоси
Тушиб бошига,
Чўлпон кўзлари
Тўлиб ёшига,
Гулбарг лабидан
Учиб нолалар,*

*Чўғдак ҳар сари
Тушиб волалар,
Чирмаб аланга
Қанот-паримиз,
Ишк ўтларида
Ёқар бағримиз!..*

РАЪНО

(Олисдан)

Ҳазон фасли эди ул кун,
 Баҳоларга бергисиз,
 Қаён кетди юлиб бағрим,
 Ҳазон янглиғ белгисиз?!
 Кўзларим очгунча бўлмай,
 Очилиб сўлди гулим,
 Бериб куз тафтига кўнгил,
 Қолди бу қишга куним.
 Қор ёғиб боғимга ҳаргиз
 Гул юзим ҳоли нигун,
 Келмадинг ҳолинг на деб бир
 Гулбаҳордай не букун?
 Оҳи, жоним қирқта дердим,
 Қирқи ҳам қил устида,
 Йўқми қилча шафқатинг, ё
 Бори ҳам тил учида?!

Қаҳратон пойида Раъно
 Бўлмайин то увол, армон,
 Чарақлаб бошимда офтоб,
 Кел, бағрингга ол, Раҳмон!

ҚИЗЛАР

(Раҳмон сари юришиб)

Қаҳратон пойида Раъно
 Бўлмайин то увол, армон,
 Чарақлаб бошида офтоб,
 Кел, бағрингга ол, Раҳмон!

СТАРШИНА

(Раҳмонни тартибга чакириб)

Рота-а-а, отставит!
 Исаков, эшит!..

Қайта буйруқ янграйди, Раҳмон яна бояғи ҳолатда қотиб туради. Энди парий-қизлар ўрнида марш билан, қуролли аскарлар ўтадилар.

БОШЛОВЧИ

Бос, олға бос, аскар,	Бизга тирик жон,
Сенга ёр замон.	Бос, тепкини аскар,
Қадаминг зарбидан	Сол кўкка ларзон!
Титрар кенг жаҳон.	Сўл, соғ...
Бас келолмас мангу	Сўл, соғ...

АСКАРЛАР

Гуркирар қўлларда	Маҳзанлар жарангос
Зўрлик байроғи,	Очар кенг кучоқ.
Бу байроқ — ер узра	Биз олға борамиз
Юртлар сабоғи.	Тўлиб вагонлар,
Бош эгмаса ҳар ким,	Қайтади, ҳарсиллаб
Топмас ҳеч омон,	Темир карвонлар.
Бош эгса ким, ҳаргиз	Биз борамиз олға,
Мол-жони талон.	Доим зафар ёр,
Кучоқ очар мағлуб,	Ғолиб пойимизда
Эллар чин ўртоқ,	Олам тангу тор!..

БОШЛОВЧИ

Сўл, соғ...
 Сўл, соғ...

Раҳмоннинг назарида қаёқдандир Раъно пайдо бўлиб, йиқилиб, туриб, аскарлар ортидан чопиб боради.

РАЪНО

Ра-аҳ-мо-он-жо-он!!!

РАҲМОН

(Олдинга депсиниб)

Ра-аъ-но-оо-хо—оон!!!

Текширувга келаётган рота командири кўринади.

СТАРШИНА

(Раҳмонга)

Оддий аскар Исаков, бас,
 Икки қадам олға, марш!..

Раҳмон уч-тўрт қадам олдинга чиқар экан, чўчиб, ҳар томонга аланг-жаланг боқади.

Рота-а-а, сми-и-р-но!

(Етиб келган командирга чест бериб)

*Ўртоқ командир, саф бўлиб рота
Текширувга турибди тайёр.
Ҳаммаси ўз жойида, ҳеч бир
Ҳодиса юз бермаган, фақат
Оддий аскар Исаков Раҳмон
Янги хунар чиқарган бугун...*

КОМАНДИР

(Чест бериб, аскарларга)

Салом!

АСКАРЛАР

Соғлиқ тилаймиз, ўртоқ капитан!

КОМАНДИР

Волна!

СТАРШИНА

(Аскарларга)

Вол-на-а!

Старшина командирга яқин бориб, Раҳмон билан бўлган воқеани аста тушунтиради, сўнг унинг топшириғи билан рота қаршисига келади.

*Рота-а-а, сми-и-ир-но!
Напра-а-во!
Ша-а-гом марш!..*

Старшина ротани бошлаб кетади. Майдонда Раҳмон билан командир қолади.

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Йўл ёқасидаги катта дарвоза қаршисига ҳарбий машина келиб тўхтади. Ундан папка қўлтиқлаган бир майор билан Раҳмон тушиб келади. Улар дарвоза биқинидаги эшикка қараб юриб кетдилар.

МАЙОР

(Ичкарига киришгач, Раҳмонга хавотирли жилмайиб)

*Сен шу ерда мени пойлаб тур озроқ,
Хоҳла айланиб юр...*

РАҲМОН

(Чест бериб)

Есть, ўртоқ майор!

Майор Раҳмонга масхараомуз жилмайганча унинг елкасига қоқиб, тўғрига қараб тез-тез юриб кетади.

(Ҳайрон, ҳарёққа аланглаб)

*...Ховлиси ҳам кенг экан жуда.
Сайр қилиб юрганлар ҳам бу
Аскарларга ўхшамас сира.
Йўқ, бу ҳарбий госпитал эмас.
Ҳарбийлар ҳам бор экан, аммо...
Ана у чол нимага ҳадеб
Менга бундай олайиб қарар?..
Карнайчидай икки лунжини
Пуфак-пуфак шишириб нукул,
Ҳарёғига туфлар тўхтамай.
Босқончининг мешидан баттар,
Тушиб-чиқар елкалари ҳам,
Учиб турар мўйлаблари тенг.
Қорни билан боши бор, холос,
Ўзи худди қуриган ёғоч.
Катта қорни сузма халтадай*

*Тиззасига осилиб тушган.
Аввал мендан салом кутиб у,
Хўмрайиб бир, ишшайиб мағрур,
Ўтиб борар атай ёнимдан.
Ўзинг олдин салом бериб кўр,
Қани, алик олармиканман?!
Доим шундай қорни катталар...*

(Атрофга аланглаб)

*Майор қайга йўқолди шунча,
Нимагадир бугун кўнглим ғаш?!*

(Бир йигитга кўзи тушиб)

*Қиз боладай сочлари узун,
Қайрилмачоқ киприклари ҳам.
Ўзидан-ўзи ишшайиб, яна
Хўмраяди менга пўстак қош,
Битта тепсам учиб кетасан,*

Ўтиб кетди, хайрият, лекин...
Нега булар донишмандлардай
Неларнидир ўйлашиб нуқул
Якка-якка юришар экан?
Олимлардир балким каттақон,

Нималарни ўйлашар бунча?..
Аммо нега илгарилардек
Эшитилмас улар хаёли?
Тўрт ойдирки кўринмас сира
Шеру йўлбарс, қоплонларим ҳам.¹

Қайтиб келаётган майор Раҳмонни айланиб ўтиб, кўча эшикдан тез чиқиб кетади.

Ох, кўрсайдим отамни тагин,
Қайтарманми уйга ростдан ҳам?
Ўнинчини тамомлаб тезда
Артистликка ўқийман кейин.
Эҳ, кўрсатиб ҳали кимлигим,
Ўтиб кетай Исоқжондан ҳам...

Раҳмон ҳовлиқиб бориб дарвоза турумига ёпишади. У очилмагач, ёнидаги эшик тутқичини тортиб, тез-тез тақиллата бошлайди.

(Бакириб)

... Очинг, очинг, қоровул тоға,
Мени алдаб олиб келишган...
Сўрашдим-ку сиз билан боя,
Очинг тезроқ, жиннимасман мен!

ОВОЗ

(Ичкаридан)

Бас, ўжарлик қилманг, йигитча,
Текширишар ҳали дўхтирлар...
Соғ бўлсангиз тутиб турмас ҳеч,
Сухойбром еб олманг тагин!

Раҳмон

(Хушёр тортиб)

Сухойбром? Қандай дори у?..

ОВОЗ

Қулоқ солмай сўзимга сиз ҳам,
Яна бирпас шўхлик қилсангиз,
Тепишиб оч биқинингизга
Майиб қилиб қўйишар, болам!
Нима деса кўк халатлилар,
Яхшиликча хўп денг уларга.
Кирмай улар сўзига кўплар,
Ўз бошини ўзи еб кетган...

(Ўзича мингирлаб)

Тушунмадим жинниларга ҳам,
Ҳар гап чиқар булар оғзидан...
Қулоқ солиб турсанг, эшитиб,
Худди ақлинг тескари бўлар.
Ким соғу ким носоғ, ким билар,
Менми жинни ё бу жиннилар?..

Бир курси кўтариб, бирининг қўлида шприц икки кўк халатли йигит келади.

БИРИНЧИ КЎК ХАЛАТЛИ ЙИГИТ

(Тиржайиб, Раҳмонга)

Ўтирсинлар, жаноб генерал.

Раҳмон титраб-қақшаб, курсига ўтиради.

Аскар деган шундай мард бўлар!..

Уларнинг бири Раҳмоннинг елкасидан ушлаб туради, бошқаси унинг билагига укол қилади. Раҳмон уколдан сўнг ўзини худди ёниб кетаётгандай ҳис қилиб, кўк халатли йигитларга ҳолсиз суяниб қолади.

ИККИНЧИ КЎК ХАЛАТЛИ ЙИГИТ

Ҳозир ўтиб кетади, укам,
Кейин мазза қилиб ухлайсиз.
Яхши йигит экансиз, аммо...

(Шеригига)

Булар билан гаплашсанг бошда,
Туппа-тузик гап-сўзи баъзан.
Бир-икки кун ўтиб кўрсанг гар,
Бинойидек алжираб қолар...


(Раҳмонга)

Қани, энди секин турамиз...

Кўк халатли йигитлар Раҳмонни қўлтиқлашиб олиб кетадилар.

1979—88 йиллар

¹ Унинг кўзига шер, йўлбарс, қоплон болалари кўринади. Раҳмон катта бўлгач, улар билан жинларга қарши курашаман, деган орзуда юради.



ҲИКОЯЛАР



Муҳайё Тўлаганова

Чегачи

— Чойнак тузатам-а-н!

— Керос-и-н!

— Шар-ра, бар-ра!

— Сар-ра бодроқ! — деган овозлар эшитилдими, бола зотига жон киради. Айниқса, қишлоқ жойда бегона одам тугул биронтаси бузоқми, қўй ёки эчки сотиб олса ҳам, дув-дув гап, томоша топилади. Эҳтиёж бўлмаса-да, мол қаерники, нархи қанча, қайси бозордан олинди, Зангиотаники бундай, Қовунчиники ундай — ҳар бир хонадонда муҳокама. Ёки биронтасиникига девордан тушса — бу ҳам янгилик. Мардикор ётиб ишласа, яна яхши. Кечаси болалар уни қуршаб саволга тутишади. Маҳаллада девона кўринса, уч-тўрт бола ундан олдин хонадон эгасини исми билан чақириб, назр-ниёз сўраб туради.

Бир куни биздан уч-тўрт уй наридаги Нуржон кампир чегачига иккита чойнак кўтариб чиқди. Чол шундоқ катта йўл четида, бақатерак тағидаги тўнкага чўкди. Кейин эски рўмол ёзиб, кир халтасидан битта идишча, икки-учта ёнғоқ палласи, камалакка ўхшаш асбоб чиқарди. Биз яна ҳам яқинроқ келдик. Нуржон кампир уста иш бошлашидан олдин бир пиёла қаттиқ келтирган эди, у шошилмай иштаҳа билан симириб олди. Сўнгра қадоқ қўллари билан қалампир нусхаси туширилган чойнакларни яхшилаб кўриб чиқди. Мен чўккалаб, ие, ёнғоқ пўчоғи адашиб тушиб қолипти, деб қўл чўзган эдим, у ҳалиги камалакка ўхшаш асбоби билан қўлимга бир тушириб қолди. Мени барибир ишнинг давоми қизиқтирарди. Чол тиззасига чойнакни қўйиб, ҳалиги асбобнинг учи билан дарз кетган чизикларни икки томонидан тешди. Худди гижжак чалаётган одамдек чап қўлининг бармоғига ёнғоқ пўчоғини ангишвонга ўхшатиб илиб, юқоридан босар, ўнг қўлининг бармоқлари билан асбобнинг ипларини тез-тез илиб турарди. Пайвандчиларнинг икки темир парчасини бирлаштираётганини кўрган эдим. Иккита катта ёғочни исканжа билан жипслаган усталарни ҳам яхши эслайман. Чегачи чойнакнинг дарз кетган томонларини ҳам худди шундай бирлаштириб, устидан оҳак суркади. Жўмраги учган чойнак учини текис кесиб, тунука сурнай ўрнатди. Кўп ўтмай, уста ишини битказиб, йўлида давом этди:

Муҳайё Тўлаганова муаллима. Болалар адибаси. Мактаб ҳайётини яхши билади. Кўп ҳикоя ёзган. Китоблари босилган.

Бизда биринчи бора ҳикоялари эълон қилиняпти. Биз Муҳайёга «Болалар адабиёти» деб аталган машаққатли йўлда эринмай меҳнат қилишини ва янги зафарлар қозонишини тилаймиз.

ТАҲРИРИЯТ

— Чойнак, коса, пиёла тузатама-а-н!

Кўлимнинг шилинган жойи анчагача ачишиб турса-да, чегачининг чаққон ҳаракати хотирамда сақланиб қолган.

«Меҳрибон»

Ҳайит куни эди. Кампир набираларига қанд-қурс улашди. Болалар улушларини олиб ҳовлида шаталоқ отишди. Фозилжон ҳам конфетини еб бўлиб, негадир шошил-маётган эди. Тасбеҳ ўгириб ўтирган Пошша хола баркаш ёнида қисилиб қолган битта конфетга эътибор бермади.

— Бувижон, бу кимники? — деб сўради Фозилжон ниҳоят, бармоқлари билан ширинликни кўрсатиб.

— Бобонгники.

— Майлими мен уни очиб қўйсам?!

— Майли, очақол, болам.

Сал вақт ўтиб:

— Бувижон, мен уни бир ялаб кўрсам майлими?

— Майли-и!

Яна сал ўтиб:

— Энди уни анавилар келмасдан еб қўя қолсам-чи, бувижон?

— Ие, бу қанақаси, ахир, ҳамма ўз улушини олди-ку!

— Бобом барибир биров ялаган нарсани емайдилар...

Элак

Мактабдан қайтсам, ойим супрани ёзиб, хамир қораётган эканлар. Тик турганча, мактабдаги бўлган-бор воқеани сўзлай бошладим:

— Ўзиям-чи, ойижон, зўр ўқитувчимиз борлар-да! Назира опамиз чорак охирида тасвирий санъат, ашула, меҳнат дарсларини ҳам «жисмоний»га айлантивворадилар! Маза қилиб футбол ўйнадик. «Б»ларни титвордик.

Шу он пайқадим: ойимнинг қўлларида чети титилган эски элак. Ойим элакнинг бир томони йиртиқлигидан уни қийшайтириб, ун элардилар.

— Нега жулдур элак тутяпсиз, ойи?

— Ўзимизники йўқолибди, — дедилар ойим.

Апил-тапил кийиниб, чой ичдим-да, сигир боққани жўнадим. Молларни канал ёқасида боқамиз. Сойлиқдаги кўм-кўк майсазорда ағанаб кураш тушиб, думалаб ўмбалоқ ошамиз. Кейин ётволиб тип-тиниқ осмон узра капалаксимон тизилиб учаётган турналарни томоша қиламиз.

Мактабда дарс тинглаб ўтиргинг келмайди! Учинчи, тўртинчи соатларни айниқса, баҳор пайтида, табиатшунослик қилиб қўяқолишса-ку! Бир галгидек дарсларни далада ўтказармидик?!

Баҳорги таътилда шаҳарга тоғамникига борадиган бўлдим. Нури кеннойим ширин пишириқларни қотирадилар. Вақтлари кўп, ундан кейин уларда газ. Табиий газ! Сира аяшмайди. Ҳатто ҳеч нарса пиширишмаса ҳам доим олов ёқиқ туради.

Даладан келган меҳмонга, кеннойим, бутун бир нарсалар пишириб берай, дедида, ун элаб, тухум чақди. Унга шакар, асал қўшиб роса қориштирди. Кеннойимнинг элаклари бошқа уй анжомларидек тоза, ярқираган, чиройли, энг асосийси, бутун рўзгор буюмлари бир хонада тураркан.

Уйга қайтсам, бизникига Ойпош аммам келибдилар. Буни мен катта нокни эслатувчи қовоқдан билдим. Аммам бошқа меҳмонлардек нон, ширинликлар эмас, янги рўзгорсизлар, ҳарна уч-тўрт кун эрмак қиларсизлар, дея мош, ловия, ҳатто помидори қоқигача кўтариб келаверадилар. Агар у ер-бу еримиз тартибсиз бўлса, тортинмай ҳаммани койиб бераверадилар.

Бир маҳал аммамнинг кўзи сўридаги элакка тушди.

— Ҳа, келин, кунингиз шу қум элайдиган галвирга қолдимиз? Қани менинг олиб берган янги элагим?

— ...

— Ия, бунақада рўзгор, рўзгор бўладими? Эрмак минг топгани билан хотин саранжом бўлмаса қийин экан. Сув ҳам қаттиқ жойда туради!

Аммам яна қанча панд-насиҳат қилиб, уйларига жўнадилар.

Ойим эса иш қутини келтириб, ўша увада элакни чатий бошладилар.

— Ойи, ростданам, нега ўзимизникини тутмаяпсиз?
— Қаерга қўйганимни эслолмаяман. Янгисини олай, десам ҳали униси яп-янги эди. Амманг ҳақ! Бошим ишламаяпти. Қидирмаган жойим қолмади.

Ойим қизарган кўзларини яширмоқчи бўлдилар.

Бир куни молдан қайтсам, ариққа сув келибди. Райҳонлар гуркираган. Ойим ёр тушса ялағудек ишком тағларини, ариқ ёқаларини тозалаб, ҳовлига сув сепиб, чинни-дек қилиб супуриб қўйибдилар. Шийпонни кўтариб, жой қилибдилар. Бултургидек яна ташқарида ўтирарканмиз! Қандай яхши! Овқат пишгунча суяниб ўтириб атрофни кузатдим: гилосда дадамнинг ўроқлари, қозикда арқон, бурчақда соляркали бочка, сўрида элак. Қоронғида ҳаммаёк, ҳамма нарса чиройли кўринади-да.

Ош сузилди. Ойимнинг негадир кайфиятлари чоғ. Чой қуя туриб, шундай деб қолдилар:

— Биласизми, дадаси, баъзан қўйган нарсамни эслай олмаймаман. Ойпош опамдан бекорга ўпқаланиб юрибман. Қандай қилиб элакни ошхона қолиб, сомонхонага илиб чиққаним сира ёдимда йўқ. Бўлмаса неча марталаб товуқ тухуми учун сомонхонага кирдим...

Менинг кўзларим чақнаб кетди.

Сомонхонага ойиммас, ахир мен элакни осиб чиққандим-ку! Ҳа, ҳа, аниқ эсладим. Ўшаанда Икром ўртоғимдан коптокни яшираман, деб ҳовлиқиб уйга кирсам, ойим манавини жойига осиб қўй, намланса тешиклари ёпилиб, ун элаб бўлмайди, деган эдилар. Тўпни сомон ичига яширмоқчи бўлиб, элакни ошхона эмас, сомонхона бурчагидаги қозикда илиб қўйган эдим!

Ерга қараб бор воқеани айтиб бердим.

Дадам билан ойим роса кулишди. Улар койишмаса ҳам, мен хижолатдан ловилар эдим.

Радио

— Жон, Шер ака, қайтариб беринг.

— Сенга ким қўйибди, радио эшитишни, Жўжавой?!

— Акамники. Синса, ўлдиради.

— Тўғри қилади. Синмаслиги учун уни катталар тутиши керак.

— Қайтариб беринг яхшиси, Шер акажон!

— Хўп. Аввал менинг молларимни қайтариб кел!

Карим ўқариқ бўйлаб юришдан эринибми ёки радиосини қизганибми, тўғри сув қуйилган ғўза даласини кесиб чиқмоқчи бўлди. Билчиллаган лойга ботиб-ботиб, Шералининг молларини анҳор томондан ҳайдаб қайтарди.

Шерали сават соябонли шапкасини юзига мосиб, жингил соясида оёқларини чалиштириб ётарди. Яхши мусиқа чалиняпти шекилли, палахса-палахса оёғи учини аҳён-аҳён куйга мос ликиллатиб қўярди. Атрофидаги болалар ҳеч нарса эшитмасалар ҳам, қизиқувчанлик билан миқ этмай унинг атрофини ўрашган.

— Ана, молларингиз. Беринг энди!

Шерали парво қилмасди.

— Беринг, деяпман, — Карим яна ялинди.

Шералининг сават шляпасини кўтаришга ботина олмай, уни секин билагидан туртди. Шерали пинагини бузмай ётганча «А?!» деб қўйди...

Карим хўрлиги келиб, яна ёлворди.

— Намунча аччиқ ичакка ўхшаб чўзилмасанг? Нима, мени бировнинг нарсасини олиб кетадиган аҳмоқ деб ўйлайсанми? Ҳозир! — дея Шерали имиллаб шнурни қулоғидан чиқарди. — Қўрқоқ экансан!

— Ҳечам-да, мен ҳеч кимдан қўрқмайман!

— Мард бўлсанг, қани, бир Шукур билан кураш-чи! Енгсанг, матоҳингни ва-ранглагиб эшитаверасан, — дея Шерали аппаратни чириган тутнинг тепасига илиб қўйди.

Гўё бутун даҳмазага мана шу қармоқ ясаб ўтирган Шукур айбдордек, Карим вазоҳат билан ўзини унинг устига отди. Шукур билан Карим анча кураш тушишди.

Шукурнинг юз-бети шилинган, билагини тимдаланган, Каримнинг кўйлаги ёқаси йиртилган эди.

Атрофда болалар хуштак чалиб, қийқиришарди. Карим қалтираганча шнурни қулоқларига тиқиб, радиони буради.

Бир мунгли куй вижиллаб, тўхтаб-тўхтаб чалинарди. Каримнинг хаёлида чойқутини эслатувчи радионинг ҳажми баттар кичрайгандек эди.

Бекорчи

Молдан қайтасолиб, кўлимга тўпни олдим.

— Жон болам, ўчоққа ўт ёқиб юбор, ўралашиб қолдиқ, — дедилар ойим хамир қораётиб.

— Эртага математикадан ёзма иш. Тўрт хонали жадвалимни Холматдан олиб келишим керак, — дедим коптокни биқинимга яшириб.

Қайтганимда ойим буғи кўтарилаётган ўчоқ бошида човлида хамир сирқитар, сингилларим кўлларини пуфлаб саватга хамир ёйишар эди. Чироқнинг хира ёруғида уларнинг сояси баҳайбат кўринар эди.

Бир кўнглим, ҳеч бўлмаса, қудуқдан икки челак сув келтирай, дедиму телевизор кўйгим келиб қолди. Ойим «Аҳмад, охурдан ем тоғорани ол, моллар сузиб, тешиб кўймасин тагин,» — деб қолдилар. Спорт кўрсатуви тугагач, бостирма томон судралдим. Мен боргунча сигир билан новвосим емни ағдарибди. Тоғорани кўтариб, тўкилган шелуха кўринмаслиги учун бир кучоқдан пичан ташлаб кўйдим.

Нориндан кўра ёғ суртилган хамирни яхши кўраман. Суви қочган нонни тишлаб, ўзимни дарс тайёрлаётган қилиб кўрсата бошладим.

Ойим, хамирнинг сувини кўтариб кўйдим, совиғач сигирга тут, жони киради, дедилар. Хаёлим кўп сериали фильмнинг давомида эди.

Доно пишган гўшти майдалаб тўғрар, Захро хамирни юпқа қилиб кесар, ойим уни сабзитахтада майдалаб тўғрар эдилар. Менинг иштаҳам карнай эди. Ойим увада хамирдан бир сиқимини ёглаб косада олдимга кўйдилар. Доно гўшти кесиб олинган суякни тозаланг, деб берди.

Улар яна қотиб қанча ўтиришаркан?! Менинг бирдан уларга тезда ёрдам бергим келди. Аммо энди менбоп иш қолмаган эди...



Эскирмаган гаплар

Ашула айтиш буткул ихтиёрий нарса. Бирон ашулани ҳозирги кайфиятимга мос келса, таъбимга ўтирса айтаман, бўлмаса йўқ. Таъбимга ёқмаган ашулани менга ҳеч ким айтдиролмайд.

Аксинча, бирон ашулани айтаман деган кишига ҳеч ким, ҳеч нарса тўсқинлик қилолмайди, оғзини беркитсангиз бурни билан, бурнини беркитсангиз кўнгли билан айтади...

Композиторлардан бир қисми ҳозирги ўзбек поэзиясини тахминан ҳам билишмаса керак, халтурачиларнинг бемаза нарсаларини, поэзияга етти пушти бегона кишиларнинг машқларини шеър, деб унга музика ёзишади.

Мен яхши бир композиторни биламан. Бу одам туппа-тузук диди бўлгани ҳолда, олим бир ошнасининг машқ қилиб ёзган шеърига музика ёзди. Илмга одам жонини бериши мумкин, лекин «Ревизор»даги шаҳар ҳоқими айтмоқчи, курсини синдиришнинг нима ҳожати бор?

Дунёда ҳар нарса бўлиши мумкин, чунончи, товуши бўлмаган одам ўзича тўсатдан ашула айтиб юбориши мумкин. Майли, айтсин, лекин унинг ашуласини ёзиб олиб радиода бериш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Буни ёзиб радиода бериш машинистагина тааллуқли бўлган паровознинг гудогини ёзиб радиода беришдай бемаъни бир иш бўлар эди.

Абдулла ҚАҲҲОР
1962 йил





Унутмас мени бозим

Тилак Жўра

ЙЎЛАРИНИҶА ЙЎЛИМ ТУТАШСИН

Менга бир висолнинг маъюс шуъласи
Ёришган кун каби ёришса кўнгил.
Йиғлаб-йиғлаб айтай кўнгил ноласин,
Вужудим силкинсин мисоли бир гул.

Узун-узун йўлларингга йўлим туташсин,
Сўлим-сўлим сочларингга кўлим туташсин.
Мен кўнгил ёраин, ёрим, сен кўнгил,
Айрилиқнинг чўлларига ўлим туташсин.

1988

Йўл, юрдим, йўлларим ёришмай ўтди,
Умидим ўзимга қоришмай ўтди.
На гулу на тикан бўлолмай, ҳайҳот,
Умрим узангига қовушмай ўтди.

1989

Йўлимиз

Ёришиб бормоқда йўлимиз,
олдин тупроқ эди,
бўлди тош.
Бугун эса асфальт —
илон каби жимир-жимирлаб,
кўзларинг ўнатиб
қилади ялт-ялт.
Бу йўлдан
хуржинин зўрға судраб,
мўйловини бураб,
ҳар куни бир бор
бозорга қатнади бобом.

Қадамин тезлатиб,
пешонасин терлатиб,
ҳар куни икки бор
қатнади отам.
Кўлим чўнтақда,
елкамда тўрва,
ҳар куни тўрт бора
бориб келаман...
Енгил югуриб,
пешонамни супириб,
эхтимол, сен,
ўғилгинам

ўн бор қатнарсан,
белки ўн беш бор,
қўлинг чўнтақда,
тўрванг елкангда.
Ахир,
ёришиб бормоқда йўлимиз
чўнтақда бўлса ҳам қўлимиз.

1990

* * *

Ҳақ дедим, ҳақ учун фақат бўзладим,
Ҳақ эсанг, ҳақлигим аён айлагин.
Зорлигу зўрликни бир ён айлагин,
Эрк дедим, эркимга имкон айлагин!

1990

* * *

Мезонларга осилиб толди
юлдузларим, япроқларим.
Тонгдай сарғайиб,
мезонларга осилиб қолди
ризқ-рўзим — шуълаларим.
Ҳали шом бўлмасдан,
бўлдим паришон
эринчоқ ирмоқни кўриб,
минг ямоқ сўқмоқни кўриб,
сайрғайган япроқдай
сарғайган заминга боқиб,
мен хаёлларга қолдим осилиб.
Саратонда қовжираган майсадай
бағримни ёқиб,
кузнинг намиқ кечаларида...

1990

* * *

Ҳайратингдан хўрсинади ой,
қалдирғоч!
Ҳайратингдан қони қочар гулнинг,
қалдирғоч!
Йўқ-йўқ! Сен адашмадинг,
келдинг ўз юртингга,
Истиклол юртига, қалдирғоч!..

1991

Қайрилиб қарангиз, қизгина,
Ортингдан зорланиб бизгина.,
Япроқдай титраймиз, толамыз,
Сочингдай солланиб қоламыз.

1992

Хуррият балки шеъриятдир,
истаганча сайраб кулмоққа,
Агар,
лабларинг чайир,
тишларинг бут бўлса.
Албатта,
шеърият — хуррият бўлар,
ҳатто,
томоғинг қирилиб
инграсанг ҳам...

1992

* * *

Мендан кечиб кунлар ўтади
толиқтириб нигоҳларимни,
Юрагимга бир тош ботади
ҳовлиқтириб огоҳларимни.

1992

* * *

Яшамоғим керак мен ҳали...
Ўлмоғим шарт юлдузларнинг шуълаларини.
Келди, ахир, яшамоқ гали,
ўстириб истиқлолнинг толларини...

1993

Эскижўва бозорида

Эскижўва бозорида
фаслларнинг иссиғида, қорида,
букри толдай букчайиб
бир чол исириқ тутатар;
Кунларнинг бинафша наҳорида,
кунларнинг бинафша шомида,
букри толдай букчайиб
бир чол исириқ тутатар;
Ғала-ғовур бозордай шошиб,
ғала-ғовур бозордай тошиб,
ўзини,
сўзини йўқотган одамларни
минг балолардан асрамоқ учун,
диллар туманин, ғамин
аритмоқ учун,
исириқ тутатар
узун кун.
Узун кун...
Исириқнинг бўйидан,
эзгуликнинг ўйидан
кўзлар ёшлар,
кўзлар ёшлар.
Шаҳарларнинг юраги — бозор,
унда кимдир бир боғ пиёз,
кимдир имонин сотар,
сотар умрин, имконин сотар,
бақадай вақиллаб забонин сотар...
Гоҳ йўлим тушса бозорга,
қонталаш шафақдай чатнаса руҳим,
жиндай қилсам зарда
бирдан исириқчи чолга
тушади кўзим.
Силлани қуритган чиллада,
бир боғ кўк пиёз кўриб яйраган каби
яйрайди таним,

исириқнинг бўйидан,
эзгуликнинг ўйидан.
Мен ҳавас қиламан; шу букри чолга,
одамлар ўз номин йўқотган жойда
таратиб юрибди эзгуликни у!
Мен ҳавас қиламан шу букри чолга,
одамлар имонин йўқотган жойда
таратиб юрибди эзгуликни у!
... Мена шу букчайган чолга ўхшаб,
букчайган дунёмизни ўйласам,
товонимдан чаққандай чаён
титраб кетаман.
Дилимни мушук панжасидай тирмалар,
олмага тушган қуртдай
дунёмизга,
ер шаримизга
тушган кушандалар.
Мен ҳам исириқчи чолдай
бир ҳовуч исириқни
оппоқ қоғозга жойлаб
тутатсам дейман,
ер шаримиз ўргимчақдай ўрмалаб
эзгуликка,
мангуликка
тўр тўқиётган кимсаларнинг
бурнига қадаб...
Тумовдан қутулган кўзлардай,
яна ҳам беғубор бўлса кўзларимиз,
яна ҳам улуғвор бўлса кўзларимиз...
Мен бир умр розиман
белим букчайиб,
исириқ тутатмоққа,
ер шаримиз узра!
ер шаримиз узра...

1993

АДАБИЁТ АБАДИЙ


Шеърятда воқеа бўлган «Бошсиз ҳайкал» достонини яратган Сайёرنинг 40 йил (1962) муқаддам «Фидойингман» деган китоби чиққан эди. Ўшанда адиб 30 ёшда эди (унинг туғилганига шу кунлар 70 йил тўлди).

* * *

«Шарқ юлдузи» журналида анча йил меҳнати сингган адиб Оқилжон Ҳусанов туғилган кунга ҳам 70 йил (1932) бўлди.

* * *

Журналимизда кўп йиллар (деярли бутун умр) ишлаб, шеърят бўлимини бошқарган, фаолияти билан ҳам, ижоди билан ҳам ўзбек шеърят тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Юсуф Шомансурнинг 40 йил (1962) бурун «Меҳрингга тўймайман», 30 йил (1972) бурун эса «Ҳолва» деб номланган китоблари босилган эди.



ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ



Мақмед Ниёзий

ҲАҲУТЛУК

Ҳикоя

Тоғу тошларда кўклам сувлари жилдир-жилдир оқа бошлаган, капалаклар қанот қоқиб учмоққа шайланган палла. Табиат ранго-ранг чечаклар билан нақшланиб, янги бир ҳаёт йўлига кирган кунлар, тилсиз дарахтлар ўзи ҳам севинмоқчи, бошқаларни ҳам севинтирмоқчи, дунёларини яширган куртаклар қуёшнинг қутлуғ ўпишлари билан олма, анор, гилосларини Осиёнинг юзлари тимдаланган болаларига ҳаётиятмоқчи эди. Аммо таассуфки, шум толе она тупроқнинг неъматларига эмин-эркин қўл узатишни уларга кўп кўрди, бегуноҳ-маъсум болаларни тутқун қилди. Йўқса, ҳар инсон каби улар ҳам бировга қарам бўлмасдан бахтиёр яшашга ҳақди эдилар. Мустақил яшаш учун неча бора бош кўтарган, сон-саноқсиз насларини жанг майдонларида қолдирган эдилар.

Петербург деворларини озодлик қўшиқлари йиқаётган, одамдай яшаш учун ҳаёт-мамонт жанги бошланган кезлар эди. Пўлат қуйишлар орта бошлаган, одамлар жумбушга кириб, озми-кўпми эркинликларини қўлга киритган эдилар. 1917 йилнинг октябри ҳам етиб келган эди.

Чексиз-чегарасиз чўлларда, турли-турли тилларда инсоний қўшиқлар айтила бошлади. Ҳамма бахтли, ҳамма қувончлар оғушида маст эди. «Миллатлар турмаси»га айланган салтанатнинг бетон деворлари йиқилиб, уфқлар ёруғлашиши керак эди. Ҳар миллат озод бўлиши, ўз тилида мулоқот қилиши, ўзи хоҳлаганидай давлат қуриши, топганларига ўзи эга бўлиши, болаларини ўзи хоҳлаган тарзда тарбиялаши

керак эди. Кўланкасиз байрам ҳаволари Сибирнинг ич-ичларида ҳам ва ундан нариларда ҳам байроқлардай ҳилпирарди.

Лекин қисқа фурсатдан сўнг ўртага бир нотинчлик тушди. Гўё ҳаво ўзгараётганга ўхшарди. Янги ҳукуматдаги хиёнат ҳақида пичир-пичирлар бошланди. Ҳеч ким ишонгиси келмасди бу хиёнатта. Чунки кўлларда тарқатилган ва ёдлатилган низомлари бор эди. Ишонши қийин эди, аммо ишонмаса ҳам бўлмасди — генерал Фрунзенинг кўл остида йиғилган ҳарбий кучлар, кувончи тоғ елларидай тинимсиз чайқалаётган ҳудудларни оёқости қилиб босиб келмоқда эди.

Ҳаммаёқ пўлат замбарақлар, пулемётлар билан тўлиб кетганди. Уларга қарши чиққанлар ялангоёқ, оқ кўйлакли, қиличи яланғочланган кимсалар эди. Қоронғи кечаларда ўлим уруғини сочаётган тўпларнинг олов қусуқлари яланғоч қиличларни йилтиратиб кўрсатарди. Тупроқни суғорган инсон қонию ўғитга тўлатган инсон эти эди.

Гупилаб ёққан қорлар билан, олов-олов тўкилган қуёшлар билан яланг оёқлиларнинг тирноқлари узидди. Қилич қабзаларини тутган билаклари кучсизлашди. Оқ кўйлаклари билан кўтарган тўғонлари тилка-пора қилинди. Турли минтақаларда фақат ва фақат кечалари, қоронғилиқда жанг қилдилар. Қўлдан кетган толени қайтиб олиш мушкуллигини, бу ёқни енгиб бўлмаслигини билсалар-да, шунда ҳам қаршилиқ қилардилар. Уларнинг бу қаршилиги аждодлар руҳига даврнинг ҳақиқий башарасини кўрсатмоқни истар эдилар.

Тўп ва милтиқ садолари остида қурбон байрами келди. Мусулмонларнинг бу муқаддас ҳайити муносабати билан генерал Фрунзенинг инсонлик туйғулари жўш уриб кетди шекилли, тўрт кун отишмани тўхтатиш тўғрисида фармон чиқариб, буни бутун Фарғона вилоятига эълон қилди. Аммо ана ўша кунлари ҳам Фарғонанинг Ёрқўрғон қишлоғини яна «аксилинқилобчилардан тозалатди».

Ёрқўрғон чўққилари туманли тоғлар қўйнидаги қишлоқ, бамисоли ҳассос туйғулар бирикувидан дунёга келган боладай. Уч ёни уфқларга туташ қоп-қоронғи тепалар билан ўралган, фақат бир тарафи Фарғонанинг ҳосилдор текисликлари билан боғлиқ эди. Тоғлардан қуёшнинг олтин рангларига ўралиб-чирмалган, думалана-думалана пастликка тушган ҳорғин сувлар қишлоқ текислигида тинчланар ва тамбал бурмалар оша водийнинг теран-тераникларига қараб йўл оларди.

Ям-яшил дарахтлар аро инсон меҳнатининг беназир асарлари бўлиб яшнаб ётган боғ-роғлар ўша куни тонгда бир ўзгача оҳанг билан айтилган азон овозидан уйғонганди. Вояга етган болалар, кексалару ёшлар масжидни тўлдирган, уйларда оналар ва ёпинчиқли-ёшмоқли келинлар қолганди. Теварак атрофдан юракларни забт этувчи фарёд, аза овозлари эшитилиб қолса-да, одамларнинг кўпчилигида бу муқаддас кунни яхши ўтказиш истаги кучли эди. Қанчалик мотам бўлса, шунчалик байрам эди: Тангри эҳсони эди бу кун.

Уришлари эндигина тўхталган қонли бир юракни эслатувчи қуёш ғашланган тепаларнинг орасидан сирғалиб чиқиб, дарахтзорлар устига қуюқ кўрғошин тусда

ТУРКИСТОН СЕВГИСИ

Бугунги кунда дунёда бизга тилдош, қондош бўлган уч юз миллиўнга яқин туркий халқлар яшамокда: инсоният бешиги дея тан олинган она Туркистон тупроқларида ота-боболари тугилиб, асрлар давомида Ер юзига тарқалган қардошларимиз қайси қитъада яшамасинлар, Туркистонни фахрланиб тилга оладилар. Туркистон хаёли, севгиси билан яшаган бир неча ёзувчилар, ўзлари ўлкамизга келиш, кўриш имконига эга бўлмасалар-да, шеърлар, ҳикоялар, романлар ёзишгани тарихдан маълум. Масалан, турк ёзувчиси Ҳусайн Ниҳол Отсиз юртимизнинг бир минг тўрт юз йил олдинги тарихидан икки роман битган, Туркистон тарихига оид кўплаб мақолалар ёзган, Жалолоддин Мангубердини ўз замонасининг энг буюк саркардаси, ёвларга нисбатан «ўлим машинаси» дея улуғлаган. Темурни Туркистоннинг, турк дунёсининг миллий қаҳрамони атаган. Яқинда юртимизда хизмат қилаётган туркиялик қардошимиз Яшар Чал менга бир китоб берди, «Туркистон ҳақида гўзал бир ҳикоя бор» деди. Китобни тез, қизиқиш билан ўқиб чиқдим. «Байрам ҳадяси» ҳикояси бундан қирқ бир йил олдин битилган. Асримизнинг йигирманчи йилларидаги Туркистонни кўрмасдан туриб, у ҳақда эшитиб, ўқиб, хаёл қилиб, ўлкамиз кишиларига дарддошлик, у даврдаги фожеали турмушга кўнгилдан яқинлик билан ёзилган... Ҳикояда тасвирланган йилларда Туркистонни янги мустамақкачилар парчалаётган, Фарғона водийсида қирғин олиб бораётган қонли ва қайғули кунлар эди. Ёзувчи даврнинг мудхш қиёфасини, қоралигини унга терс бир рангда — боланинг ёркин, маъсум дунёсини, унга боғлиқ ҳолатлар воситасида усталик билан тасвирлайди. Ўзбек оиласи: бағрикенг, ҳар қандай оғир кунда ҳам ҳаётдан умид узмайдиган сабрли, тўзимли ота ва она; бирин-кетин қурбон бўлаётган, ёв билан урушгани чиқиб кетиб, қайтмаётган шахидлар... ва оиладаги кичик ўғлоннинг байрам кундаги туйғулари... Қисқаси, бу ҳикоя қирқ йил олдин ёзилган, аммо ёзувчининг ўзи ҳам унинг Ўзбекистонда ўқилишини ҳатто хаёлига ҳам келтиролмаган — чунки собиқ

бўяниб чўккан пардани сидириб отганди. Яши япроқларнинг орасида мингларча шугъалар ғужғон ўйнашарди. Қушларнинг сайроқлари билан тўлиб-тошган ёруғ табиат бағрида, бугун шундай муқаддас кун бўлишига қарамай, бир ҳазинлик типирчиларди. Чунки йиллар бўйи тинмай давом этиб келаётган уруш энди анчагина умидсизлашган эди.

Ҳайит намоз ўқилгандан кейин қўллар дуога очилди. Тангри таолодан тоғларда уруш олиб бораётганларни асрашни сўраб ўқилган тиловатлар ҳам битди. Кафтлар тасалли берувчи умидлар билан юзларни, соқолларни силади. Ҳаётни энди англаб етганларнинг кўзларида ёшлар куртакланди.

Ташқарига чиқарканлар, кетма-кет бир қанча милтиқ овози янгради. Масжид ҳовлисида куёшда тобланаётган қушлар ҳуркиб ҳаволади, ярим доира чизиб, дарахтлар орасида ғойиб бўлди. Юзлар милтиқ отилган томон ўтирилди: яна кимларнинг жони узилди экан?.. Масжид ҳовлисидаги ҳамма одамлар қатори Содикнинг ҳам ичи хавотирга тўлди.

Нега хавотирланмасин?! Тоғларда урушаётган ўғилларининг каттаси ўн беш кун аввал шаҳид кетганди. Ўртанча ўғли Нормирза ёмғирли бир кечанинг тонготарида акасини ўраб-чирмаб уйга келтирганди. Чап кўкси ўқдан илма-тешик бўлиб, овози ҳам чиқмай ўлгани кўриниб туради, аммо юзида ҳали сўниб улгурмаган бир кулимсираш бор эди. Тангри таоло ҳузурида нақадар юксак ўрни борлигини билиб турса ҳам, ўғлининг доғи юрагига ёндирувчи ўқдай михланганди. Оғриғи ҳеч пасаймас, айниқса, сўнги ҳоли, қонли қора кўйлаги кўз ўнгидан кетмасди. Ҳозир эса тоғларда бир ўртанча ўғли қолганди.

Жоменинг ҳовлисида саломлашиш, бир-бирини қутлашлар битгандан кейин, уйига дастурхонга қўйиш учун егуликлар ва совғалар сотиб олди. Қўшнилари улабул деб уйга таклиф қилолмади; ҳамма тезроқ уйда бўлгиси келарди; ҳеч ким биров билан қўшилишни хушламасди. Ҳолбуки, йилларча байрам эрталарида, намоздан кейин йўлда ёлғиз келишни истамас, уйда очиқ турган дастурхонга ҳам ёлғиз ўтирмас, арафа куни пиширилган бўғирсоқ, юпқа, чак-чакларни меҳмонлар билан баҳам кўриш бир одат тусини олган эди... Кўргиликни қарангки, бу гал уйга ёлғиз қайтишга мажбур бўлди.

Масжиддан сал узоқлашган эдики, яна кетма-кет милтиқ овози варанглади. Узоқ-узоқларда янграган бу ўқ товушлари билан баравар Нормирзасининг буғдойранг юзи гавдаланди; эҳ, унинг қора кўзларида яшаш истаги қандай чақнаб-чарақлаб турарди-я!.. Намли кўзларини қора тоғларга ўтирди: назарида ҳорин тепалар бир фалокатга ҳомилалидай кўринди. Шу туришида ичи яна хавотирларга тўлиб кетди, замбарақларга ҳозиргина ўқланган янги миналарни кўргандай бўлди. Шу алпозда бирор дақиқа туриб қолгандан кейин, қовоқларининг остини куйдираётган иссиқ бир намлар билан уйга қараб кетди.

Ёнғоқ дарахтининг тагида тўхтади. Чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, кўзларини артди. Ахир, байрам-ку бугун. Шундай улуг бир айёмда уйга аза тутиб кириб бориш

темир пардали тузумда бунинг ҳеч имкони йўқ эди. Мана бугун, мустақиллик йилларида биз уни ўқишга, таржима қилиб, журналимиз воситасида минглаб ўқувчиларимизга етказишга эришиб турибмиз. Ҳикоядаги кесик бош нақадар кутилмаган, қайғули ҳол бўлса, даврнинг инсонларига «байрам ҳадяси» ҳисобланса, ўйлашимча, ёзувчи учун ҳам қирк йил аввал битилган бу асарнинг бугунда Туркиядан узоқда, ўзбек журналида босилиши бир ҳадя бўлса керак.

Ёзувчи Маҳмед Ниёзий 1942 йилда туғилган. Ўрта мактабни битиргач, 1967 йилда Истамбул университетининг ҳуқуқ факультетини тугатди. Ҳуқуқшунослик доктори бўлди. Узоқ йиллар Олмониядаги университетларда дарс берди. Ёшлиқдан ижод билан шугулланди, «Туркия», «Таржимон» газеталарида, «Турк юрти», «Инсон ва коинот» журналларида фаол қатнашди. Илк ҳикоялар китоби «Байрам ҳадяси» номи билан 1971 йилда, сўнгра тўлатилган нашри 2001 йилда босилди. «Тириклик ғавғоси» (1969, 1988), «Бугунги ошиқлар» (1977), «Ўлгани яхшироқ эди» (1980), «Ёзилмаган қахрамонликлар» (1991), «Чанокқалъа маҳшари», «Доҳийлар ва далилар» (2001) каби романлари уни кенг ўқувчилар оmmasига танитди.

Маҳмед Ниёзийнинг тарихий, адабий мавзудаги «Миллат ва миллатчилик» (1979), «Ислом давлати фалсафаси» (1988), «Маданият ўз ўлкасини изламоқда» (1990), «Турк давлат фалсафаси» (1993), «Маданиятимизнинг таҳлили ва келажаги» (2000), «Миллат ва турк миллиятчилиги» китоблари ҳам жамиятнинг маънавий тарбиясида, онгининг ўсишида маълум хизмат қилди. Ёзувчининг «Туркиянинг масалалари» деган икки мақолалар китоби (1992) ҳам давлат ва миллат ҳаётидаги муҳим масалаларга бағишлангани, теранлиги билан ажралиб туради.

Ёзувчининг асари илк бор ўзбекчага ўгирилиб, журналхонларимизга тақдим этилмоқда.

Тоҳир ҚАҲҲОР

яхши эмас. Фарзанд доғида куйган юрагига яна заҳар куйишдан бирор маъно борми? Лекин нима қилсин, бирдан ичи тўлганиб кетди. Дод солиб йиғлагиси келарди. Йирик ёшлар юзидаги чуқур-чуқур ажинлардан пасга думалаб кетаверди.

Бир ора соғлом фикри ишга тушиб, борлиқни яна ёдига солди: бугун ҳайит эди, қурбон ҳайити, хотинининг ва кенжаси Боймирзанинг севинчларига унинг матонатидан бошқа эш бўладиган бирон нарса йўқ эди. Рўмолчаси билан яна кўзларини қуруқлаб, юзидаги намни артди. Атрофига қаранди; ҳар сония ҳар бир одам, ҳар мавжудот бир нарсасини йўқотган, даврнинг индамай-нетмай кемиришларидан ҳеч бир яратиқ ўзини четга ололмаётган эди. Роҳатланиб ўринда ётиб ўлишдан кўра бир мақсад ва юксак гоё, илоҳий улку йўлида жон бериб, Тангри ҳузурига чиқиш, шубҳасиз, устун эди.

Ҳеч нарсани ўзгартира олмайдиган бу узилишларнинг кераксизлигини фаҳмларди, аммо не чораки, ҳеч ўзига келолмасди. Қўлида вижимлаб олган рўмолчаси билан яна кўзларини артди. Бутун борлиғи-ла чуқур бир оҳ тортиб, ўзини юришга мажбурлади.

«Нега энди мунча изиллайман? Динимдан, миллатимдан, ватанимдан болаларимни қизганишим керакмиди? Ўлишини унутганларга яшаш ҳуқуқи қачон, қаерда берилган, ахир!» сингари ўйлар билан ўзини овутишга уринса-да, бир неча одим юргандан кейин яна тоғларга ўтирилиб қарашдан ўзини тийёлмади. «Оталик юрагим» деб бошини чайқади. «Бизлар оталикни писанд қилмайдиганларга нисбатан ҳиссиётлироқ, инсонийроқмиз... Ҳа, шундай...»

Уч кун аввал қишлоқда ҳар бир хонадонни титкилаб, биронта қурол қолдирмагандан кейин рус армияси тўғри тоққа қараб йўл олгани кўз олдига келди. Ҳар хил тепаликларда, ожизона бўлса-да, ёвларга қарши кураш олиб бориларди. Кучли рус қўшини отишмаларини бошлаши билан у заиф бўлинмаларнинг қаршилиги ҳам сезилмай қоларди.

Ҳовлида уни хотини Робия кутиб қолди; устида қордай оқ кўйлак, бошида шундай оппоқ рўмоли бор эди. Мунгли кўзлари мотамдан қочиб кулимсашга ҳаракат қиларди; нуроний юзига йиллар солиб кетган ажинларни тарқатиб юбормоқчи эди гўё. Бу уриниш унга, уйларида байрам ҳавоси эсиши учун, зиммасидаги масъулиятни идрок этишидан олдин келгани аён эди. Содик ҳам хотинининг иродасини баҳам кўриш учун базўр кулимсиради; йирик қора кўзлари теранлашди. Самимий туйғулар билан бир-бирларини қутлаб, бир-бирларига соғлиқ, бахт-саодат, узун умр тиладилар.

Биргалиқда уйга кириб боришаркан, Боймирза шовилганча ташқари чиқди; жовилаган, беш ёшлардаги жингала сочли бола эди. Байрамнинг бутун гўзаллигини кўзларида кўриш мумкин эди. Онаси янги либосларини кийгазганди. «Дада! Дада!» деганча Содикнинг кўлларига ёпишди. Отасининг қўлини шоша-пиша ўпгандан кейин онасининг этагига тиқилди. Содик чўнқайди; хотинининг этагига сизинган Боймирзани кулимсираб тортиб олди; жингала сочлари, лўппи юзидан ўпди ва қучоқлаб кўтарди.

Учовлари биргалиқда уйга кирдилар. Фотиҳа ўқилгач, Робия ўчоқбошига кетди; ота ва ўғил меҳмонхонадаги хонтахта ёнида бир-бирларига қараб, ҳазиллашиб, кулишиб ўтиришди.

Содик уйнинг ҳар ёғига кўз ташлади, гўё ҳар қараган еридан аввалги ҳолатларни, олдинги байрамларнинг нашъаларини излаётганга ўхшарди. Лекин кўзлари бора-бора тип-тиниқ нам билан қопланди. Зеҳни хаёллар билан банд эди. Бир ора назари очиқ эшиқдан меҳмонхонага нур тўкаётган қуёшга михланди. Оҳиста-оҳиста бошқа оламга ўтиб қолганга ўхшарди. Дудоқларида хавотирга тўла бир титроқ айланиша бошлади... Бир оздан сўнг қарашларини ёнидаги Боймирзага бурди; бола бўйнини букиб, индамайгина ўтирарди. Зўраки ҳолда кулимсади; юзидаги сарт чизгилар ёйилди. Йўғон бармоқлари билан Боймирзанинг қулоғини авайлаб, эркалаб чўзди, у «вой-вой»лаб бошини тортиди.

— Эшакка сув бердингми?

— Бердим.

— Совуқ сув бердингми, илиқ сувми?

— Совуқ, совуқ.

Содик ўғлининг қулоғини секин-секин ўзи томонга тортиб:

— Музлабди, музлабди, — деди кулиб.

— Иссиқ, иссиқ.

— Куйибди, куйибди.

Боймирза қиқир-қиқир кулар, Содик ҳам унга қўшилишиб хаҳоларди. Робия ўчоқбошидан овоз берди:

— Боламинг жонини қийнаманг, дадаси, қўлимизда биргина шу бола қолди.

Содик аччиқланди.

— Оғзингни хайрга оч, онаси! Нормирзани назардан чиқарма!

Она йиғламсираган товушда:

— Ох!.. Ҳозир у тоғларда, ким билсин, қайси кўр ўқнинг қурбони бўларкин! — деди.

Содиқ ёлворган бир оҳанг билан уни қайтариб ташлади:

— Бундай ярамас ўйларни хаёлингдан ўчир!!! Бўлмаса бу хатарли фикрлар сени ҳам еб битиради!

— Шундай-ку-я, лекин...

Содиқ хотинига ён бермай иложи йўқ эди; фақат метин бўлишга мажбур эди. Бир неча бор мотамсаро нафас олгандан сўнг такроран ёнидаги Боймирзага ўтирилди:

— Менга қара, ўғлим, ростингни айт, мени кўпроқ яхши кўрасанми, онангними? Боймирза бошини эгди: буғдойранг ёноқлари қизарди.

— Айт, ўғлим, айт.

Бошини эгиб олган Боймирза:

— Иккалангизни ҳам, — деди.

— Қани, қанча яхши кўришингни кўрсат-чи...

Боймирза шошқин, чақноқ кўзлари билан отасига қараганича қўлларини очди.

Содиқ эпчилик билан ўғлининг икки қўлини бир кафтига олиб ўпди; юзига севинч гўё бутун изтиробларини артиб ташлагандай эди. Ошхонадан Робия:

— Дастурхонга ҳеч кимни чақирмадингизми? — деб сўради.

— Масжид ҳовлисида бирон муҳтож одамни кўрмадим.

— Қўшнилардан бирини чақирсангиз ҳам бўларди-ку...

— Ҳамма азадор; бола-чақасининг олдида бўлишни истар деган андиша билан ҳеч кимни таклиф қилмадим.

— Ҳайит кунлари бундай ҳувиллаб ўтириш менга ғалати, оғир кўриняпти.

— Менга ҳам... аммо бирон мусофирга дуч келмаган бўлсам, нима қилай?

— Ўқлар сел бўлиб ёғилаётган бундай кунларда қайси мусофир, қайси гадо кўчага чиқарди? — Робиянинг товуши ситамаи тус олди. — Кўр бўлгурлар! Ўз юртингиздан илон-чаён чиқдими, сув босдими! Ё Танграм! Бу ишларнинг охири нима бўларкин?

Сўнгги калималарни айтarkan, товушидаги изтироб, узунти Содиқнинг жон томиринга урди; аммо у метин бўлиши зарурлигини унутолмасди.

— Узилма, жоним; ватанимиз учун қўлимиздан келганини қилолмасак, ана унда зорлансанг бўларди. Озодлигимизга етишмоқ учун неча-неча йиллардан бери урушмоқдамиз. Не чораки, тақдири азал бизни ёмон эзмоқда. Ёвнинг қувватли қўшинига, тўп ва милтиқларига яланг ҳолда юзма-юз келиб, бу қадар қаттиқ қаршилик кўрсата олиш ҳам фақат Тангрининг илоҳий ёрдами билангина мумкиндир. Бунча ёш-ялангнинг қонлари эвазига Тангри таоло раҳматини аямаса керак. Худо хоҳласа, биз ҳам мустақил яшаш ҳаққини қўлга киритажамиз.

— Ох, мен қаёқдан билай... Иншооллоҳ.

Содиқнинг кўзлари яна ёшга тўлди. Боймирзага сездирмай чўнтагидан рўмолчасини чиқарди ва кўзларини артаркан:

— Ўзингга таваккал қилдик, ё Рабби, — дея пичирлади.

Содиқ яна меҳр билан Боймирзага ўтирилди; унинг туришидан ҳаммасини англаётгани, ота-онасининг изтиробларини ортгирмаслик учун ўзи ҳам масъулигини ҳис қилаётгани кўриниб турарди.

Робия дастурхон кўтарганча ошхонадан келди; кўзлари намли эди. Гилам устидаги хонтахтага дастурхон ёзиб, яна ўчоқбошидан мева-чева, пишириқлар ва косада ошлар билан тузалган патнис келтирди.

Содиқ бисмиллоҳ деб қошиқни қўлга олди; она ва ўғил ҳам лабларини чипиллатиб қошиқларга қўл узатдилар. Ҳеч бири гапиргиси келмас, ўртада жимлик ҳукмрон эди. Байрам кунларига ҳеч кўрилмаган бу жимликда қошиқларнинг косаларга тиқ-тиқ урилиши одамни бир турли ҳаяжонга солар эди.

Ҳали ошни еб битирмасларидан бурун ҳовлига икки рус аскарлари кирди. Бирининг милтиги қўлида эди. Милтиги кифтида бўлган иккинчисининг қўлида анор ва олмалар билан тўла бир сават бор эди. Боймирза кўрқди, отасининг биқинига тиқилмоқчи бўлиб бир ҳаракат қилди; Робиянинг ранги ўзгарди; Содиқ совуққон кўринишга урилиб:

— Тортингманглар, келаверинглар, Фрунзе сўзида турадиган мард одам, биз ҳам ҳайитда тинчиликка риоя қиламиз, — деди.

Остонадан ўтган аскарларда эса алақандай тараддуд, ҳадик сезиларди. Бирор ўйданми ё сомонхонаданми ўт очиб қолишидан кўрқаётганлари аён эди. Қишлоқда урушга яроқлик бирон қурол қолдирмаслик учун ҳамма жойлар тит-пит қилинганини улар яхши билишарди, аммо гап ҳаёт-мамот устида бораркан, қачон бирон инсон

жон қайғусидан холи бўлибди, дейсиз? Боймирза эса, отаси қарамагач, онасининг қучоғига тиқилди. Содиқ жилмайиб оёққа турди. «Байрам кунлари уруш тўхтатилиб туришига оид эълондан фойдаланиб, бой кўнгилли бир банданинг уйида икки лўқма егуликдан умидвор бўлаётгандир» деган ўй билан улар томонга қараб одим отди.

— Марҳамат, ичкарига киринглар, иссиқ ош бор.

Қўлида сават ушлагани жавоб берди:

— Қўмондонимизнинг ҳайитлик ҳадясини бериб қайтамиз.

— Майли, бемалол... фақат ошдан бир ошам тоғиб кўрсанглар бўлармиди?

— Раҳмат, дарҳол қайтиш буюрилган.

— Ўт очишни тўхтатиб туриш эълони бор-ку, нега энди мунча шошилиш?

— Ҳарбийчилик, тақсир.

Шериғи ҳам буни тасдиқлади:

— Ҳарбийчилик.

— Қўмондонингизнинг ақлига қайси шамоллар солди буни?

— Генерал Фрунзе жуда яхши юракли бир инсон; урушни истамайди; фақат, афсуски, эскилик қолдиқларини тозалашга мажбур.

Содиқ чурқ этмай хўрсинди. Аскар эса давом этарди:

— Инсоният бошига тушган бу ёмонлик оламида, бир фалокат туфайли, бундан сал олдинроқ, ўғлингиз ҳаётдан кўз юмган эди. Муҳтарам қўмондонимиз бу бахтсизликдан бениҳоя мутаассир бўлдилар. Унинг наздида ўз томониданми, қарши томонданми ўлганлар орасида ҳеч бир фарқ йўқ. Мусибатингизга юракдан ҳамдард эканлигини айтишимизни буюрдилар ва бу кичик ҳадяни қабул қилишингизни сўрадилар.

Содиқ узатилган саватни олиши биланоқ улар орқага ўгирилиб, жўнаб қолдилар.

— Қўмондонингизга ташаккуримни етказинг, — деди Содиқ. — Бир дақиқа, саватингизни бўшатиб берай.

Саватни берган аскар орқасига қайтди.

— Ташаккурингизни етказамиз, сават ҳам сизларга ҳада.

Ҳовлидан чиқиб кетгунларигача Содиқ уларни боқишлари билан кузатиб турди, ичида: «Бу аскарларда нима гуноҳ? Булар ҳам буйруқнинг қули» деб кўйди. Ортига қайтганида хотинининг галати қарашларига дуч келди. Ўзини ҳам жароҳатланмади деб бўлмасди; фақат бу ерда унинг қандай ҳолдалиги аҳамиятсиз эди.

— Нега бундай эзгин қараяпсан, онаси? Ўғлимизнинг ўлимига озгина бўлса-да ҳамдардлигини кўрсатиш учун бу ҳадяни юборган-да. Демакки, бир инсонлик намунасини кўрсатмоқчи...

— Ер ютсин унинг инсонлигини! Улар бизга ҳеч инсонлик қилармиди?

Содиқ саватни ораларига кўйди, яна дастурхон ёнига чўқди.

— Ундай дема. Биз қанчалик зулмини чекмайлик, улар йиллардан бери «Инсон инсонга биродар» деб ҳайқирадилар. Балки ўз сўзларига ўзлари қандай қаттиқ инонишларини кўрсатмоқчилардир. Ҳадяларини қайтариб юборсам, яхши бўлармиди?

— Албатта, яхшироқ бўларди.

— Йўқ, онаси, энг қаттиқ, тош юракда ҳам бир инсонлик томири ётади; ундан ҳадеб кўз юмаверишга ҳаққимиз йўқ.

Байрам бўлгани учун Робия сутли ош қилганди. Тақсимчаларини келтириш ниятида шарт ўрнидан тураркан, бехосдан қўли саватга тегиб уни ағдариб юборди. Анорлар, олмаларнинг тагидан думалоқ бир пакет чиқди. Боймирза меваларни териб саватга сола бошлади. Робия емакни сузиб келгани чиқди. Қизиларнинг ҳадяларини кўришга ҳам тоқати йўқ эди. Овқатни сузиб келганда ҳам Робиянинг чимирилган қошлари ёзилмаганди. Пакет эса Боймирзанинг қучоғида эди. Содиқ қўли билан имо қилиб, «Менга бер, менга бер» дер эди. Боймирза эса пакетни маҳкам қучоқлаб олган, бошини сал унга эгган, эркалик қилиб отасига «йўқ» маъносида қаршилиқ қилиб боқарди. Уларнинг бу қилиқлари Робиянинг тутик қошларини ечди; юзида майин бир кулимсаш ёйилди. Боймирзанинг бошини силади.

— Менга бер, қўзим, очиб, сенга бераман.

Боймирза айни шу тавр билан отасига боқаркан, пакетни онасига узатди. Робия, Боймирзанинг ёноғини силаб, пакетни олди; қалин ип билан пишиқ қилиб тикиб ўралганди. Лекин ўзи ўта оғир эди. Қўли билан у ёғидан, бу ёғидан тортиб кўрди, ечолмади. Ошхонага бориб пичоқ олиб келди; ипни шарт узди. Қават-қават ўралган қоғозни очиши билан дод солиб, ер билан битта бўлди. Қўрққанидан додлаб юборган Боймирза додлай-додлай отасининг қучоғига отилди. Содиқ, пириллаган кўзларида олов-олов ёнган ўч олиш туйғулари билан, ўртанча ўғли Нормирзанинг кесилган бошига боқар эди.

Миразиз АЪЗАМ таржимаси



Жуброн Халил

(Лубнон)

БЎРОНДА ҚОЛГАН ҚУШ

1

Лубнон шимолида, Кадаш водийсига яқин тоғ ёнбағрида тошдан қурилган бир хароба кулба бор; унда серғалва одамлардан узоқлашиб, ёлғизликка, узлатга чекинган, ўтгиз ёшлардаги донишмад дарвиш Юсуф ал-Фахрий яшайди. Теварак-атрофдаги қишлоқларда яшовчи одамлар бу дарвининг кимлигини, қандай одамлигини билолмай ҳайронликда қолган. Баъзилар айтадики: «Бу йигит, бой-бадавлат, насл-насабли оиладан. Севгилиси бевафолик қилгани учун дунё ишларини тарк этиб, ёлғизликдан ором излайди». Бошқалар фикрича: «У — шоир, хаёлпараст, дунё ғалваларидан, хархашаларидан узоқлашиб, ўз фикр ва туйғуларини шеър қилиб қоғозга тўкади». Яна баъзилар айтишича: «У — зоҳид, поқдомон сўфий, дунё ҳаётидан юз ўтириб, тариқатга берилган». Баъзилар назарида эса у — Мажнун.

Мен бу фикрларнинг биронтасига ишонмай, ўзимча: «Инсон қалби, руҳий олами нақадар сир-синоатларга бой, турли гумон ва тахминлар билан бу сирларнинг тагига етолмаймиз», дея ўйладим.

Аммо шу одам билан кўришиб, суҳбатлар қуришни орзиқиб кутардим.

Икки марта унга дуч келиб, қандай яшашини, кўнглида қандай ниятлари борлигини билишга қизиқдим. Аммо у менинг саволимга бир-икки совуқ қараш билан, менсимайгина бир-икки сўз билан жавоб қайтарди.

Биринчи марта уни эманзор ўрмончада учратдим ва одоб, тавозеъ билан салом бердим. У саломимга фақат бош ирғаб алик олди ва шошиб узоқлашди.

Бошқа сафар уни тош кулба яқинидаги узумзорда кўриб, яқинига бордим ва сўрадим:

XX аср араб адабиётининг йирик вакили Жуброн Халил (1883—1931) Лубнон пойтахти Байрутда зиёли оиласида туғилган. Унинг оиласи мустамлакачилар таъқибидан қочиб, АҚШга кўчиб кетади. Жуброн Халил мусофирликда яшаб, араб, инглиз, француз тилларида ижод қилди. Санъатни яхши тушунган америкалик бадавлат зиёлилар, биринчи галда Элизабет Хаскел хоним ёш шоирнинг Францияда Нафис санъат академиясида ўқишга ёрдам беради. Жуброн Халил хорижда қийинчиликда яшаса ҳам ўз ватани ва халқининг, умуман араб халқларининг миллий озодлиги учун курашди, ўзи ҳам ватан размига айланди. Шоир қисқа умри давомида жуда баракали ижод қилди. У «Кўзёши табассум», «Бўронлар», «Пайғамбар ҳикматлари», «Оҳанглар», «Мажнун ривоятлари» каби насрий шеърлари — мансуралари, бадиалари билан араб адабиётини яна янги юксакларга олиб чиқди. Шоирнинг Исо-Масих, Абул-Аъло ал-Мааррий, ибн Сино, Ғаззолий, Ибн ал-Фаридга бағишлаган бадиалари жаҳоннинг турли тилларига таржима қилиниб, шуҳрат топди. Унинг кўпчилик асарларини Куръон таржимони И. Ю. Крачковский русчага ўттирган. «Пайғамбар» бадиаси ўзбекчада «Сирли олам» журналида босилган. Адиб сўз билан ифодалаш жуда қийин ноёб рух манзараларини тасвирлай олади.

ТАРЖИМОН

— Эшитишимча, бу хужрани XIV асрда насронийлар қурган эканлар, ҳазратим, сиз бу ҳақда нималарни биласиз?

Дарвиш қўпол жавоб қилди:

— Хужранинг қачон қурилганини билмайман, билишни ҳам истамайман. Менга бунинг аҳамияти йўқ. Бунга қизиқсанг, катта онангдан сўра, эҳтимол бу водий тарихини у яхши билар.

Бу сўзлардан хижолат бўлиб, узоқлашдим, бу ҳолимдан уялиб кетдим.

Орадан икки йил ўтди ҳамки, бу одамни, унинг сирли оламини билишга қизиқишим тобора ортиб борарди.

2

Куз кунларининг бирида тоғ ёнбағридаги майсазор қирларда айланиб юрган эдим, тўсатдан бўрон туриб, жала қуя бошлади. Мен гўё денгиз ўртасида шафқатсиз бўронда қолган, рули синиб, елканлари йиртилиб, пачоқланаётган кеманинг аҳволига тушгандим. Дарвишнинг хужраси томонга югурдим. Бўронда қолганим, жалада шалаббо бўлганим ул зот билан танишувимга узрли баҳона бўлса керак, деб ўйладим.

Хужрага уст-бошим ивиб, бир авҳолда етиб бордим. Эндигина эшикни тақиллатмоқчи эдим, дала тарафдан дарвиш келиб қолди — унинг қўлида қанотлари қайрилган, патлари хурпайган, юраги қинидан чиққудай типирчилаётган қушча бор эди. Саломдан сўнг:

— Бевовта қилганим учун маъзур тутинг, ҳазратим, бўрон, жалада қолдим, уйим бу ердан олисда, — дедим.

Дарвиш қошларини чимириб, менга қаттиқ тикилди ва яна қўполлик билан:

— Атрофда жуда кўп ўнгуллар ва ғорлар бор эди, биронтасига беркиниш мумкин эди, — деди.

У, шундай дер экан, қўлидаги ожиз қушчанинг бошини шу қадар меҳрибонлик, ҳамдардлик билан силар эдики, бир одамда бир вақтнинг ўзида ҳам қаҳр, ҳам меҳр бўлиши мумкинлигидан лол қолдим. Ўйларимни уққандай, дарвиш юзимга синчковлик билан тикилди ва киноя қилди:

— Бўрон ачиган таомни емайди, ундан қўрқиб қочишнинг ҳожати йўқ эди.

Мен ҳам ҳазил қилдим:

— Тўғри, бўрон ачиган таомни ҳам, шўр таомни ҳам емайди, аммо унга ҳўл ва совуқлик ёқар экан, мени яна бир марта тутса, ямлаб ютади.

Дарвишнинг чехраси очилди ва деди:

— Агар бўрон сенинг бир парча этингни еса, иззатинг ошиб кетар эди.

— Тўғри айтасиз, мен бундай лаззатга лойиқ эмасман, деб остонангизга бош уриб келдим.

Дарвиш табассумини яшириш учун юзини ўтирди, сўнг ўчоқдаги олов яқинига қўйилган тош ўчоққа ишора қилиб:

— Ўтир, кийимингни қуритиб ол! — деди.

Ташаккур айтиб у кўрсатган жойга ўтирдим. Дарвиш қаршидаги қоятошга йўнилган супачага ўтирди, сопол пиёладаги эритилган ёғдан бармоғининг учида олиб, қушчанинг қаноти ва бошчасига авайлаб сурта бошлади. Сўнг менга қараб, деди:

— Бу майна бўронда қолиб қояга урилиб, ҳушсиз ётган экан.

— Ўша шамол мени ҳам сизнинг кулбангиз томонга улоқтирди, лекин қанотларим синганми, бошим ёрилганми, ҳали билганимча йўқ.

Дарвиш менга диққат билан қаради ва деди:

— Қанийди одам қушга сал ўхшаса! Қанийди бўрон одамларнинг ҳам қанотини синдириб, бошларини ёрса! Йўқ, одамзод кўрқоқ, у сал бўрон турса, бирор ўнгул ё чуқурга ўзини уриб, яширинади.

Сухбатни давом эттириш учун фикримни айтдим:

— Тўғри, қушлар баъзи жиҳатдан одамлардан афзалроқ, қушларнинг айрим фазилатлари одамзодда йўқ. Лекин одамлар ўзлари тўқиб чиқарган қонун-қоидаларнинг қафасида яшайдилар. Қушлар эса Ернинг Қуёш атрофида айланишидек, фақат табиат қонунарига амал қиладилар.

Дарвишнинг кўзлари чақнади, чехраси очилди, кўз олдида муносиб шогирди пайдо бўлгандай эди.

— Тасанно! — деди у. — Агар ўзинг ҳозир айтган сўзларингга ишонсанг, нопок қонун-қоидалар, бўлмағур анъаналар билан яшаётган одамларни тарк эт, улардан олисроқда, еру осмон қонунари ҳукм сураётган жойда яшагин.

— Ишонманам, устоз, бу сўзларим ҳақиқат эканига ишонманам.

Дарвиш ўжарлик ва қатъият билан қўлини кўтариб, ўш фикрини яна таъкидлади:

— Эътиқод, ишониш бошқа, унга амал қилиб яшаш бошқа нарсадир. Баъзи

одамлар гапирганда денгиздай тошқин, аммо уларнинг ҳаёти ботқоққа ўхшайди. Кўпчилик одамларнинг боши осмонда, аммо кўнгиллари қоронғу тоғ ўнгирларидай мудраб ётади.

Шу сўзлар билан дарвиш шошиб ўрнидан турди ва менинг сўз айтишимга ҳожат йўқ, дегандай қушчани авайлаб, дераза тоқчасидаги чопон устига қўйди. Қуруқ шох-шаббаларни ўчоқдаги оловга ташлаб:

— Пойафзалингни еч, оёғингни қуритиб ол,— деди.— Рутубат одам учун зарарли. Кийимингни яхшилаб қуритиб ол, торгинма.

Оловга яқинроқ бордим, ҳўл чопонимдан буғ кўтарила бошлади. Дарвиш эшик остонасида турганча, кулба ташқарисида қутураётган бўронни томоша қилар эди.

Бир оз жимликдан сўнг сўрадим:

— Сиз бу ерда кўздан бери яшайсизми?

У менга қарамай жавоб берди:

— Мен бу ерга келганимда Ер юзи тўфон суви остида, қоронғуликда қолган, ҳамма ёқ вайрона эди. Сув устида фақат илоҳий руҳлар парвоз қиларди.

Жим қолдим. Кўнглимда «Бу валаата одам экан-ку, гапларини ҳам тушуниш қийин», дер эдим. Аммо, суҳбатни давом эттиришни, дарвишнинг кўнгли оламида нелар борлигини билишни истардим. «Майли, у менга осмондан қарамай, хайрихоҳ бўлгунича сабр билан кутаман».

3

Тун тоғлар узра қора қанотини ёйди. Шамол яна кучайди. Ёмғир челақлаб қуйгандай авжига чиқди. Гоҳо бутун борлиқни сув босадигандай, иккинчи марта оламшумул тўфон келгандай эди. Бу тўфон гўё ер юзидаги турли нопокликларни ювиб, тозалаш учун келгандай кўринарди. Табиатнинг бу валаёни Юсуф ал-Фахрийнинг кўнглида хотиржамликни кучайтирди. У денгиз тўлқинлари соҳилга урилишини писанд қилмаётган метин қояни эслатарди. Кўнглида менга нисбатан совуқлик ўрнини илиқлик эгаллади. Устоз ўрнидан туриб, иккита шаъм ёқди. Сўнг дастурхон ёзиб, бир кўза май ва нон, пишлоқ, асал, қуруқ мевалар солинган товоқни қўйди.

— Бор-йўғим шу, биродар. Меҳмон бўл, шуларни баҳам кўрайлик, — деди.

Биз индамай, шамолнинг увлаши ва ёмғирнинг йиғлашига қулоқ солиб, тановул қилдик. Онда-сонда мезбоннинг юзига кўз ташлаб, кўнглида қандай мақсад ва армонлар борлигини билишга қизиқар эдим.

Мезбон дастурхонни йиғиштириб, ўчоқдан мис чойнакни олди ва ундаги қуюқ, ҳушбўй қаҳвадан пиёлаларга тўлатиб қўйди. Сўнг чиройли бир қутичани олиб, атри анқиб турган сигараларни очиб қўйди.

— Биродар, қани, марҳамат, — деди.

Мен ажабланган ҳолатда, кўзимга ишонмагандай, қаҳва билан сигарани қўлимга олдим.

У кўнглимдаги таажжубни сезиб, бош чайқаб, жилмайди. Сўнг сигарани тутатиб, қаҳвадан бир ҳўплаб, деди:

— Ташландиқ кулбада май, тамаки ва қаҳва бўлиши сени ҳайрон қолдирмоқда. Бу ерда ширин таом ва юмшоқ тўшак борлигидан ҳам ажаблангандирсан. Ҳайрон қолишинг табиий, чунки сен ҳам, кўпчилик қатори, одамлар жамоасидан қочиб хил-ватта чекинган дарвиш оддий ҳаёт ноз-неъматларидан ҳам ўзини тияди, деб ўйлайсан.

— Тўғри, — дедим, — биз ўйлаймизки, дунё ҳаётидан воз кечиб, ўз умрини Худои таоло хизматига бағишловчи одам дарвишларча яшаб, ҳаёт қувончлари ва ноз-неъматларидан воз кечиб, қуруқ нон, сувга ва кўкатларга қаноатланиб яшайди.

— Одамлар жамоасида яшаб ҳам Ҳақ таолога хизмат қилса бўлаверади, — деди дарвиш. — Ҳақ йўлга кириш учун чўлу биёбонларга чиқиб, ёлғиз яшаш шарт эмас. Мен отамнинг уйида ҳам, бошқа жойларда ҳам ҳақ йўлни топишим мумкин. Одамлар орасидан кетишимнинг сабаби шуки, уларнинг аҳдоқи ва яшаш тарзи, орзу-ҳаваслари менга тўғри келмайди, менинг хулқим ва орзу-ҳавасларим ҳам уларга кўра терс. Одамлар орасида яшаётганимда сездимки, менинг ҳаётим чархпалаги ўнгга айланса, уларнинг чархпалаги чапга айланади. Шаҳарни тарк этганимнинг сабаби шуки, назаримда шаҳар — катта, йўғон, қари дарахтга ўхшайди, унинг илдизлари қоронғу ер қаърида чириган, бутуқлари осмонга бўй чўзган; гуллари — очофатлик, ёвузлик ва жиноятдир, мевалари — қайғу, кулфат, ташвишлардир. Баъзи оқиллар бу чириган дарахтга янги кўчат бутоғини улаб, уни яшартиришга уриндилар, аммо бу мақсадларига етолмай, қувғинга, қамоқлар ва хор-зорликларга учраб, ўлиб кетдилар.

У фикрларимни тушунаётганими, дегандай менга боқиб, ўчоқда яқинроқ сурилиб, сўзида давом этди:

— Йўқ, мен фақат тоат-ибодат учун, тарки дунё учун хилватда яшашни ўйламадим. Ибодат — дил тўридан чиқувчи муқаддас наво, нола. Бу нола шаҳарда ҳам, минг-минг одамларнинг дод-фарёди, шовқин-сурони орасида ҳам Худого етиб боради. Таркидунёчилик, инсоний истак-эҳтиёжларни йўқ этиш баданга жабр-зулм қилишдир. Менинг эътиқодимда таркидунёчиликка ўрин йўқ. Чунки, Ҳақ таоло инсон баданини руҳни сақловчи маскан, макон қилган экан, вужуд ҳам соғлом, покиза, бақувват бўлиши зарур. У илоҳий руҳни асрашга муносиб бўлиши керак. Йўқ, бироқ, дар, мен тоат-ибодат учунгина тоғу тошларни ихтиёр этганим йўқ. Бу ерларда ёлғиз яшаганимнинг боиси одамлардан, уларнинг қонунларидан, таълимотларидан, расм-русумлари, урф-одатларидан, бўлмағур ғояларидан, шовқин-сурони, жанжал, низоларидан қутулишга интилганимдир. Кўпчилик одамлар кўнгилнинг бебаҳо гавҳари бўлган иймонини, виждонини сотиб, эвазига ундан қиммати камроқ ва аҳамиятсизроқ нарсаларни қўлга киритишга уринадилар. Бундай одамларнинг юзларини кўрмасам, дейман.

Аёлларнинг кўпчилиги юзини, кўзу қошини бўяб, одамларга табассум ва нозкарашма қилиб, ўзларини кўз-кўз қиладилар, кўнгилларида фақат пул, мол, дунёнинг ишқи. Шундай аёлларни кўрмасам дейман.

Яна баъзилар, чаласавод бўсалар ҳам, тушларида билимларнинг соясини кўриб, менга Худо барча билимларни берди, дея комил инсонликка даъво қилиб, ҳақиқатнинг бир синиқ парчасини олий ҳақиқат деб ўйлашади. Бундайин шон-шуҳрат изловчиларни ҳам кўргим келмайди.

Яна баъзилар эса, ўзлари қўпол-у, лекин хушмуомалали одамни заиф; сабрбардош, андишали одамни кўрқоқ; ўз қадрини билувчиларни мутақаббир, деб ўйлайдилар. Бундайларга мослашиб яшаш жуда оғир. Бойлар, бойваччалар ўзларини шу қадар қудратли деб биладиларки, назарларида ўз мол-дунёлари билан қуёшни осмонга чиқарадилар, чўнтаклари билан истаган вақтларида қуёшни ботишга мажбур қиладилар. Баъзи сиёсатчилар эса, миллатлар, халқларнинг орзу-армонларини қўғирчоқ қилиб, найрангбозликлар қиладилар.

Булар олтин чангларини пуфлаб, миллатнинг кўзини кўр қиладилар, балеандпарвоз сўзлари билан халқнинг қулоғини қар қиладилар. Баъзи руҳонийлар ўзлари ишонмаган охиратга қавмларини ишонтирмоқчи бўладилар, ўзларига раво кўрмаган машаққатларни қавмларига раво кўрадилар. Мен ана шулардан узоқда яшашни истайман.

Бу одамларнинг менга «ғамхўрликлари» юрагимни қон, кўз ёшимни равон қилган. Улар ривожланиш, тараққиёт, цивилизация деб атайдиган балад ва муҳташам бино бегуноҳ одамларнинг бош чаноқларидан тикланган. Мен бундай тараққиётдан нафратланаман. Назаримда, фақат одамлардан узоқда вужуд ва руҳ, тил ва дил эркин ҳис этади ўзини. Мана шу тоғу тошларда, кимсасиз даштларда тинч, осуда ҳаёт, қуёш ёруғлиги, гул-чечаклар атри, анҳор ва жилғаларнинг жилдираши дилни равшан қилади. Балад тоғларда баҳор тароватини, ёз қизғинлигини, куз тўқин-сочинлигини, қиш совуқлигини аниқ ҳис этади одам. Мен шу хароба кулбада бу дунё ва охиратнинг сирларини тушунишга интиламан...

Юсуф ал-Фахрий елкасидан тоғ ағдарилгандай, енгил нафас олди, кўзларида ғалати, сеҳрли ёрқинлик бор эди, чеҳрасида инсоний гурур, ирода ва куч-ғайрат акс этарди.

— Ҳақ сўзларни айтдингиз, ҳожам, — дедим ҳаяжон билан, — сиз заковатли шифокор каби, жамиятни қандай касалликлар адои тамом қилаётганини аниқ ташхис қилдингиз. Лекин, шифокорнинг вазифаси беморни ўз ҳолига ташлаб қўйиш эмас-ку?! Дунё сиз каби шифокорларга муҳтож, беморга фойдангиз тегишини билатуриб, уни тарк этиш адолатдан эмас-ку?

Дарвиш бир неча лаҳза менга диққат билан қараб турди, сўнг алам ва дард билан сўзлади:

— Бу дунёни не-не шифокорлар дардлардан халос қилишга уриндилар, баъзилар енгилроқ дорилар билан, баъзилар жарроҳлик билан жамиятни соғайтирмоқчи бўдилар. Э, бу мангу бемор, у ўзининг маънавий ботқоқликдан иборат ўрин-тўшагида жим ётса экан? Йўқ, у кўрпаси остидан ифлос қўлларини чиқариб, ҳар қандай шифокорни тутиб, бўға бошлайди. Бу маккор бемор ўзини тузатмоқчи бўлган не-не шифокорларни ўлдириб, сўнг «О, нақадар буюк инсон эди бу шифокор!» дея, уни мақташини эшитганимда жоним ҳалқумимга келади. Йўқ, бу бемор жамият, ўз фойдасини билмайди. Одамлар фойдали деб ўйлаган нарсаларнинг кўпчилиги руҳ учун зарарлидир. Энг миришкор, доно деҳқон ҳам қиш фаслида тақир далада ҳеч нарса ўстиролмайди.

— Қиш фасли ўтади, ҳожам; қиш кетидан баҳор келиб, борлиқни гуллашиб,

яшнатади; дала-қирларда гуллару чечаклар очилади, водийларда сойу жилғалар шарқираб оқади...

Дарвиш қошларини чимирди ва хўрсиниб, деди:

— Қанийди билсак, Худо инсоният ҳаётини ҳам табиат ҳаёти қонуниятларига мувофиқ қилиб яратганлигини... Минг йиллар ўтиб, руҳ ва ҳақиқат йўлидан борувчи янги авлодлар келармикан? Аллоҳ кундузи ёруғлик, кечаси ором бергани учун шукрона айтувчи, эзгу ишлари билан шон-шухрат толувчи одамлар пайдо бўлармикин? Қачон келаркин бундай замонлар? Наҳотки, бундай меҳр-шафқат замони келгунича Ер одамларнинг қонига ташна бўлса?

Дарвиш ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юрар экан, афсус билан:

— Булар барчаси хаёллар, — деди. — Бу фақирона кулбада одамият муаммоларини ўйламасдан ҳам яшаш мумкин. Бу ерларда ҳар бир гор, ўнғурда, ҳар бир тошда, тепада, тоғ ва дараларда ҳақиқат илмини топиш мумкин. Бу ерда инсондай яшаш, ўз меҳнатинг билан ҳалол ризқ топиш, ўзинг ясаган хумда етилган узум шаробини тотиш мумкин. Бошқача айтганда, одамзод бу ерда умрининг охиригача ҳалол яшай олади.

Дарвиш у ёқдан-бу ёққа юриб сўзлар экан, инсониятни ерга урувчи бу сўзлар заминдаги аламли маъноларни уқишга интилардим.

— Устоз! Сизнинг ёлғизликда яшашингизни ҳам, ҳаётнинг маъноси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни ҳам ҳурмат қиламан. Лекин, фикри ожизимча, сиз одамлар орасида яшасангиз, миллатнинг маънавий уйғонишига, кўзи очилишига нафингиз тегар эди.

Дарвиш бош чайқаб:

— Йўқ, бу миллатнинг бошқа миллатлардан фарқи йўқ, — деди. — Дунёдаги барча одамларнинг асл ният-мақсадлари, табиати, феъл-атворлари бир хил. Улар уст-либослари билан бир-биридан фарқланади, бу эса муҳим эмас. Шарқ миллатлари ҳам, Ғарб миллатлари ҳам тараққиётга эришяпмиз, деб ўзларини алдайдилар. Аслида шарқликлар ҳам, ғарбликлар ҳам мунофиқ, риёкор, алдоқчи бўлиб қолдилар. Мунофиқликни, ёлғонни ҳар қанча чиройли қилиб безатсалар ҳам хоҳияти ўзгармайди. Ёлгончилар атлас, шойи либослар кийиб, саройларда яшасалар ростгўй бўлиб қолмайдилар. Алдамчилар қатор¹да ёки ҳаво шарида саёҳат қилгани билан ҳақгўй бўлиб қолмайди. Очофат одамлар тарозиди тортишни яхши ўрганиб олсалар, инсофли бўлиб қолмайдилар. Жиноятчилар заводда ишлайдимиз, идорада хизматчимиз — барибир ҳалол одамга айланмайди.

Ҳозиргиларнинг мол-дунёга, мансабдорларга қуллиги, ўтмишдаги одамларнинг қуллиги, турли таълимотларга, урф-одатларга қул бўлиш, ўлиб кетган одамларга қул бўлиш — бари бир қуллик. Буларнинг барчаси қиёфасини ва либосини ўзгартирган қулардир. Биз эркин яшяпмиз, деб юрганлар ҳам кимларгадир қул бўлиб яшайдилар.

Йўқ, биродар, Ғарб одами Шарқ одамидан ўзиб кетгани йўқ. Шарқ одами ҳам Ғарб одамидан орқада қолаётгани йўқ. Бўри билан сиртлон ўртасида қандай фарқ бўлса, буларнинг ҳам бири-биридан фарқи шундай. Биз тушунмаган ғалати адолат қонунарига кўра, бадбахтлик, жаҳолат, нодонлик барча халқларга тенг тақсим қилиб берилган. Булар бир-бирига зулм қилмаса ҳам, ўз зolimлари томонидан эзилади.

Дарвишнинг бу фикрларини тушунишга қийналиб қолдим.

— Демак, устоз, тараққиёт ва у билан боғлиқ барча нарсалар бефойда экан-да?

Юсуф ал-Фахрий жаҳл билан:

— Ҳа, бу одамларнинг тараққиёт деганлари найрангдан бошқа нарса эмас, — деди. — Ихтиролар ва кашфиётлар зерикшдан ва дангасалиқдан келиб чиққан ақл ўйинларидир. Тоғларни, водийларни текислаб, йўлларни яқин қилиш, денгизлар ва тоғларни ўзгартириш — жуда катта муваффақият эмас, булар одамнинг руҳини юксалтирмайди, кўзни ва кўнгилни қувонтирмайди. Одамлар турли фанлар ва ҳунарларни билиб, ҳаёт сирларини очаяпмиз, дея янглишадилар. Бу кашфиётлари ўзлари учун бир кун келиб қафасга айланишини билмайдилар. Ер юзидаги барча орзу, ҳавас, уринишлардан одамзод руҳига наф йўқ, одамзод дунёда фақат бир нарсага ихлос қўйса, дард чекса, интилса арзийди...

— У нима экан, устоз? — сўрадим шошиб.

Дарвиш бир оз сукут сақлаб, кўзларини юмди, қўлларини кўксига қўйди, чехраси ёришди ва майинлашди, сўнг овози титраб:

— Одамзод кўнглининг уйғониши, — деди. — Астойдил маънавий уйғониш эса таҳсинга лойиқдир. Ўйламай яшаётган одам қалбининг қоронғулиги эзгу фикр билан

¹ Поезд англашилади.

ёришуви, нурларга чўмилган, куй, наволарга кўмилган руҳнинг уйғониши зарур. Бу уйғониш Ер билан чексиз осмонни бирлаштирувчи нур устунининг тикланишига ўхшайди. Бу — инсон қалбини лиммо-лим тўлдирган меҳр-шафқат туйғуси. Бу тиниқ туйғу тубанликларга қарши бош кўтаради, ўз йўлида қарши турган барча ёмонликларни рад этади, қоралайди, ўз сир-асрорларини тушунмайдиганларга қарши курашади.

Мен жамиятда, одамлар орасида, оила, дўстларим, юртдошларим қуршовида яшаган пайтларимда бояги виждон, иймон туйғуси кўзимдаги кўринмас пардани олиб ташлади. Кўзим очидио одамларга қараб, ҳайратдан ёқамни ушладим. Ё раббий! Булар ким ўзи? Буларни қаерда учратганман, қаерда кўрганман? Мен буларнинг орасига қаердан келиб қолдим? Нима учун буларнинг мажлисларида ва суҳбатларида қатнашяпман? Мен уларнинг уйида бегонаманми? Ёки улар менинг уйимда бегонами? Ер юзи буларнинг уйими ёки Ерга келгиндими булар?

Дарвиш тўсатдан жим бўлиб қолди, гўё кўнглига хуш келмаган, гапиришга номуносиб қиёфалар — кўз ўнгида соядай кўринган эди. Сўнг, у нимагадир қўл силтагандай, оҳиста хулоса қилди:

— Мана, тўрт йилдирки, мен одамлар билан гавжум оламни тарк этдим, мана шу тоғу тошларни ватан қилдим. Бу ерда одам ўзини тетик ҳис қилади, фикрлашдан, бўрондан, сукунатдан ҳузур-ҳаловат топади.

У, кулба остонаси томон бориб, увлаётган бўронга гапираётгандай:

— Дилнинг қат-қатлари уйғониши завқлидир, — деди. — Бу уйғонишни қалбдан кечирган одам гўзал одамларни кўради. Уйғонмаган одам ҳаёт сирларини билмай ўтиб кетаверади.

4

Биз бўрон увлашига қулоқ тутиб, оҳиста гаплашардик. Юсуф ал-Фахрий у ёқдан-бу ёққа юриб, эшик олдига бориб, қоронғу олисларга тикиларди. Мен дарвиш руҳининг қаёқларга талпинаётганини билишга, сўзларининг маъносини, ёлғизликда топган ҳузур-ҳаловати ва изтиробларини тушунишга ҳаракат қилардим.

Ярим кечада у яқинимга келиб, мени охирги марта кўраётгандай, қалб сирини очган одамнинг қиёфасини эслаб қолмоқчидай, синчков тикилди ва хайрлашди.

— Бўронли кечада сайр қилишни хуш кўраман, — деди. — Ҳар йили кузда ва қишда тоғу даштларда сайр қилиб, кўнглимни очаман. Ана, қаҳва билан сигара, мусаллас ичгинг келса — кўзада. Ухлайман десанг, бурчақда тўшак, ёстиқ бор.

Шундай деб, дарвиш яшил чопонига яхшилаб ўранди, сўнг жилмайиб деди:

— Эрталаб кетаётганимда, илтимос, эшикни қаттиқроқ беркит. Мен эртага кун бўйи ёнғоқзор ўрмонда бўламан.

Сўнг эшик олдида турган узун ҳасса — таёғини олди ва илтифот қилди:

— Агар кейинчалик ҳам шу атрофда бўронда қолсанг, мана шу тошкулбага келавер. Аммо, умид қиламанки, келгусида бўрондан кўркмай, уни яхши кўриб қоласан. Хайрли тун, биродар!

Шундай дея Юсуф ал-Фахрий шошиб ташқарига чиқди.

Мен эшик олдига келиб, унинг қоронғулик қаърида кўздан ғойиб бўлганини кўрдим. Анча вақтгача оёқ товушлари эшитилиб, сўнг улар ҳам тинди.

...


Тонг отди, бўрон ўтди. Булутлар тарқалди. Қуёш нурлари қоятошларда ва яқин ўртадаги ўрмонзорларда товлана бошлади. Мен тошкулба эшигини зич қилиб беркитдим. Бу ерни тарк этарканман, кўнглимда Юсуф ал-Фахрий айтган маънавий уйғонишнинг бир парчасини олиб кетаётганимни ҳис этдим.

Аммо, одамлар орасига қайтиб, уйимдагиларни кўрганимда ўзимга-ўзим: «Ҳақ гап, маънавий уйғониш — одамзод учун энг муносиб, гўзал ҳолат, одам фафлатда яшамаслиги керак, — дедим. — Лекин одамлар жамияти, тараққиёт ҳам инсониятнинг маънавий уйғониши эмасми? Биз тараққиётнинг борлигини қандай инкор қиламиз? Унинг борлиги ақлга мувофиқ эмасми? Эҳтимол, ҳозирги цивилизация — вақтинча, ўткинчи ҳодисадир? Ахир, вақтинча, тасодифий ҳодисалар абадий, олий ҳақиқатга элтувчи зинапоялар эмасми?»

Шундай кейин мен Юсуф ал-Фахрийни учратмадим. Куз охирида мамлакатда аҳвол ўзгариб, мен Шимолий Лубнонни тарк этишимга тўғри келди. Мен бўронлар ўлкасидан олис бир мамлакатга бориб қолдимки, у ерда бўронлар жиловланган эди; дарвишлик, ёлғизликни исташ ҳам бу ерда жиннилик ҳисобланар эди.

Маҳкам АНДИЖОНИЙ

таржимаси



АДАБИЙ ДАВРА

Навоий — тилшуносликда

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг бой мероси фақат адабий ҳодиса сифатидагина муҳим бўлмасдан, балки туркий тилшуносликнинг ривожини учун ҳам бебаҳо мактаб, ҳам нодир хазинадир. Навоий ижодиёти улкан туркий тил ёдгорлиги тарзида, мана, неча асрларки, жаҳон туркий тилшунослари ва манбашуносларини муттасил қизиқтириб келмоқда.

Масалан, эски ўзбек тилига бағишланган ишлар билан Оврүпода биринчи бўлиб Г. Вамбери, сўнгра М. Катрмер шугулланганлар. Уларнинг тадқиқотлари учун асосий манба Навоий асарлари бўлган. Рус шарқшунослари А. Н. Самойлович, А. К. Боровков, К. Броккельманларнинг туркий тилларнинг грамматикаси ва лексикасига бағишланган кўпгина тадқиқотлари Алишер Навоий, Атоий, Амирий ва бошқа қатор шоирлар меросига таянади. Жумладан, эски ўзбек тилини ўрганишда катта хизматлар қилган А. К. Боровков Алишер Навоий ва унинг замондошлари ҳақида бир қанча диққатга сазовор мақолалар ёзган. Ўз мақолаларида эски ўзбек тилининг фонетикаси ва грамматикасининг айрим энг муҳим масалаларини Алишер Навоий асарларига суянган ҳолда тадқиқ этган.

Эски ўзбек тили бўйича бир асрдан кўпроқ вақт ичида яратилган ишларнинг хулосаси сифатида А. М. Шчербекнинг «Эски ўзбек тили грамматикаси» асари вужудга келди. Ушбу тадқиқот XIV—XVI асрларда яратилган асарлардаги далилларга асосланади. Булар орасида Алишер Навоийнинг бадий, тарихий, диний, тилшунослик, одоб-ахлоққа бағишланган асарлари, мактублари алоҳида ўрин тутади. Олим улўғ ўзбек шоиридан қолган меросга таянган ҳолда, эски ўзбек тили грамматикаси, фонетика ва морфологиясига доир қимматли фикр ва кузатишларни илгари суради.

Ўзбек тилшунослари ҳам эски ўзбек тили ва бошқа туркий тиллар учун аҳамиятли бўлган Алишер Навоий мероси ва унинг давридаги бошқа адабий-маданий ёдгорликларга кенг муурожаат қилганлар. Бу борада атоқли ўзбек олими Э. Фозилов ва унинг шогирдлари томонидан амалга оширилган ишлар алоҳида аҳамият касб этади. Улар Навоий асарлари бўйича кўп жилдли луғатлар яратиш устида самарали меҳнат қилдилар. Бу луғатлар эски ўзбек тилининг лингвистик бойлигини, тилнинг ички жозиба дунёсини тшунишда муҳим қимматга эга.

Академик Алибек Рустамовнинг «Алишер Навоий тилининг морфологик хусусиятлари» мавзудидаги докторлик диссертацияси эса Навоий меросининг тил нуқтаи назаридан тадқиқотчилигида фундаментал ишлардан бири ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган илмий тадқиқотлар яқин бир-икки аср ичида амалга оширилган. Аммо Алишер Навоий асарларини эски ўзбек тилини ўрганиш ва тадқиқ қилишда бош манба деб билиш ва ёндашиш анча қадимий анъанага эга. Бу анъана Алишер Навоий асарлари Марказий Осиё ва унинг чегаралари оша Эрон, Туркия ва Кавказ этагидаги халқлар орасига кенг ёйилган даврларда вужудга келган. Масалан, ҳозирги кунда ҳам туркшуносликда ва навоийшуносликда аҳамияти катта ва қўлёзма ҳолида бизгача етиб келган тўртта луғат мавжуд. Куйида шулар тўғрисида алоҳида тўхталаш ўринли бўлади.

Биринчиси — «Бадойи ал-луғат». Луғат муаллифи Толи Имоний ал-Харовий тўғрисида маълумотлар йўқ. Лекин луғат муқаддимасида ёзилишича, уни 1506 йилдан илгари, яъни, Ҳусайн Бойқаро вафотидан олдин тузилган, дейиш тўғри бўлади. Луғатнинг бизгача етиб келган биргина қўлёзмаси 1705/1706 йили кўчирилган. Қўлёзма Петербургдаги Салтиков-Щедрин кутубхонасида сақланмоқда. А. К. Боровков «Бадойи ал-луғат» факсимилиесини кириш сўзи билан 1961 йилда чоп эттирган.

Иккинчиси — «Абушқа». Тузувчиси номаълум. «Санглоҳ»нинг муаллифи бу ва яна бошқа бир луғат муаллифини «Муаллифайн Румийайн», яъни, Рум (Туркия)лик муаллиф, деб атайди. Шунга кўра, у Румий нисбаси билан аталиши мумкин. «Абушқа»нинг тузилган йили ҳам аниқ эмас, лекин унинг 1560 йилда кўчирилган энг қадимий нусхаси мавжуд. «Абушқа»ни В. Вельяминов-Зернов «Ал-луғат ан-Навоиййа ва-л-истишходат ал-чиғатойийа» номи билан 1869 йилда Петербургда нашр қилган.

Учинчиси — «Санглоҳ». Бу луғат муқаддимасида эски ўзбек тили грамматикасига бағишланган «Мабони ал-луғат» рисоласи бор. Луғат муаллифи Муҳаммад Маҳдихоннинг ҳаёт йўли ҳақида маълумотлар жуда оз. У давлат хизматида бўлиб, Нодиршоҳ (1688—1747)нинг шахсий котиби ва сарой тарихчиси вазифаларида ишлаган. Унинг Нодиршоҳга бағишланган «Тарихи Нодирий» ва «Дуррайи Нодирий» асарлари ҳам мавжуд. Бу тарихий асарларнинг биринчиси Нодиршоҳ қатл этилгандан бир йил кейин, яъни, 1161 ҳижрийда ёзиб тугатилган. «Санглоҳ» эса, 11 йилдан сўнг, 1172 ҳижрийда поёнига етказилган. Уни Британия музейи, Бодлеан кутубхонасидаги уч қўлёзма асосида Ж. Клошон нашр қилган.

Нихоят, тўртинчиси — «Луғати атрокийя». Бугунги кунда Санкт-Петербургдаги Салтиков-Щедрин кутубхонасида сақланаётган «Луғати атрокийя»нинг қўлёзма нусхасини шарқшунос А. А. Ромаскевич

1944 йили Эрондан сотиб олган. Кейинчалик бу лугат хусусида А. К. Боровков ва Б. Ҳасанов баъзи маълумотларни келтирганлар. Лугатнинг яна бошқа бир қўлёмаси венгер туркшуноси И. Туриннинг қўлида мавжуд бўлгани маълум. Аммо у ҳақда шу пайтгача бирор нарса эълон қилинган эмас.

Лугат муаллифи Фатҳали ибн Калбали ибн Муршидкули ибн Фатҳала Қажар Қазвинийдир. У Қажар қабиласининг Қорақўйин тоифасидан бўлиб, туғилиб, муқим турган ери Қазвин шаҳридир. Шоҳ ҳукмронлиги вақтида (1796—1834) Фатҳали Қажар Қазвиний Озарбайжонга хизматга юборилади. Кейин Эронда 17 йил давомида хизмат қилиб, Эроннинг Туркияга ва Русияга қарши урушларида қатнашади. Фатҳали Қажар Хуросондаги икки йиллик хизмати давомида Алишер Навоий асарларининг чуқур билимдони, чигатой тилини мукаммал билувчи шахс Ялангтўшхон билан танишади ва ундан таълим олади. Бу киши Жалойир ва Килот қабилаларининг оқсоқоли бўлган. Фатҳали Қажар Эрон вилоятларининг қайси бирида бўлмасин, хизматдан бўш вақтларида чигатой тилида ёзилган асарларни мутлоа қилади. Чигатой тилини бошқалардан ўрганиш билан бир қаторда, ўзи ҳам бошқаларга уни ўргатади. Эроннинг атоқли шоири Мирзо Ҳабибуллоҳ Қоонийга чигатой тилидан дарс беради.

Лугат ҳақида гапирадиган бўлсак, «Лугати атрокийя»нинг муқаддимасидаги қайдларга кўра, у лугат ҳолига келишига қадар қуйидаги босқичлардан ўтганлигини кўриш мумкин:

Биринчи босқич Фатҳали Қажарнинг Эрондаги 17 йил давом этган ҳарбий хизмати даврига тўғри келади. У мана шу йиллар давомида чигатой, яъни, эски ўзбек тилини ўрганади ва Навоий асарларини муттасил мутлоа этиб боради. Ўз лугатида Фатҳали Қажар 24 номдаги Навоий асарларидан кўчирмалар келтирган.

Иккинчи босқич биринчи босқичда мутлоа қилинган асарлардан фақат туркий ва ўзлашиб бўлган, мўғулча, форсча, арабча, қалмиқча ва шунга ўхшаш қатор шева тилларга оид сўзларни ажратиб, яъни, лугатнинг сўзлигини тайёрлаб олиш жараёнидан иборат.

Учинчи босқичда лугат учун муаллиф йиғилган ҳамма сўзларни тартибга солган ва сўзларнинг биринчи ҳарфларига кўра, уларни 26 бобга ажратган.

Фатҳали Қажарнинг «Лугати атрокийя»сида лугатнавислик нуктаи назаридан айрим камчиликларга йўл қўйилганлигига қарамадан, Навоий асарлари устида катта иш олиб бориб, келгуси авлод учун бебаҳо хазина қолдириб кетганини тан олмоқ лозим. Бу лугат юқорида саналган бошқа лугатлардан энг мукаммал ва энг бойдир. Уни ҳозирги китобхонлар ҳам катта қизиқиш билан мутлоа қилишлари мумкин. Зеро, имкон туғилиб, унинг наشري устида ўйланса, биз тарихимизга ва маданиятимизга оид яна бир муҳим манбага эга бўлар эдик.

Шукур ЖОНБОВ,
филология фанлари номзоди

«ИЛМ АНДОҒ ГАНЖИ НОФИЪДУР...»

Муборак ҳадиси шарифлардан бирида шундай марҳамат қилинади: «Кимки бу дунё роҳатини кўзласа, тижорат қилсин. Мақсади охират саодати бўлса, ибодатга зўр берсин. Мабодо икки дунё саодатини орзу этса, илм ўргансин». Мутафаккир аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти мазкур ҳақиқатни тўла тасдиқлайди. Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг

*Илм андоғ ганжи нофиъдур бани Одамгаким,
Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анго, —*

байти замирида ҳам худди шу мазмун-моҳият мужассам.

Энг муҳими, улуғ алломанинг ўзи ушбу ҳақиқатга бутун умр амал қилди. Шу боис ҳам, Огаҳий газалиёти қарийб икки асрдирки, ўзининг теран маъно-моҳияти ва гўзал бадиияти билан шеърят муҳибларини хайратга солиб келмоқда. Жаҳон адабиётининг сара намуналаридан қилган бадиий таржималари бугунги кунда ҳам авлодлар маънавий-руҳий камолотида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, Огаҳий номи XIX аср Хоразм кечмишига доир нодир манбалар ҳисобланмиш тарихий асарлар муаллифи — муарриф сифатида ҳам маълум ва машҳурдир. У XIX асрда ҳукмфармолик қилган хоразмшоҳлар салтанати даври воқеаларига бағишланган бешта тарихий асар ёзди. Оллоҳқулихон ҳукмронлик қилган давр (1825—1843) тўғрисидаги «Риёз уд-давла», Раҳимқулихон салтанати даврига бағишланган «Зубдат ут-таворих», Муҳаммадаминхон ҳукмфармолиги воқеалари ҳақида баҳс юритилган «Жоми ул-воқеоти султоний», Саййид Муҳаммадхон ҳукмронлик даври (1856—1865) тўғрисидаги «Гулшани давлат», Муҳаммад Раҳимхони соний — Феруз салтанати (1865—1910) тавсифига бағишланган «Шоҳид ул-иқбол» каби асарлар шулар жумласидандир.

Шермуҳаммад Мунис ёза бошлаган «Фирдавс ул-иқбол» асарини давом эттириб, уни мукаммал тарихий асар сифатида яқунлагани ҳам Огаҳийнинг тарихнавислик борасидаги улкан хизматиدير.

Мазкур тарихий асарлар туркий халқлар кечмишига доир мўтабар манбалар сифатида беҳад қадрлидир. Огаҳийнинг «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи») асари Абулғози Раҳимқули Муҳаммад Баҳодирхон салтанати даврига бағишланган. Қисқача асарнинг ўрганилиш тарихи ҳақида. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида, устоз олимлар Фулом Каримов ва Субутой Долимовларнинг саъй-ҳаракатлари билан шоир асарларининг олти жилдлиги нашр этилди. Тарихий асарлари жамланган бешинчи жилдда «Зубдат ут-таворих»дан сарлавҳаси остида асардан кичик бир парча эълон қилинди. Табиийки, ўша даврда асарнинг тўла наشريни амалга ошириш тўғрисида орзу ҳам қилиб бўлмас эди. Чунки, асарнинг мазмун-моҳияти ўша даврдаги ҳукмрон мафкура сиёсати, тутган йўлига тамомила эди. Унда ҳукмдор аждодларимизнинг «босқинчилиги» эмас, фазилатлари хусусида баҳс юритилган эди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур нашрдан сўнг ҳам қарийб чорақ асрдан зиёдроқ муддат давомида «Зубдат ут-таворих» тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келди. Ўтмиш тарихимизни ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайган бугунги кунда, замондошларимизни мазкур асарнинг асл моҳиятидан хабардор қилиш, бунинг учун эса асарнинг илмий изоҳлар билан таъминланган мукаммал наشريни

амалга ошириш ҳаётий заруриятдир. Бинобарин, асарнинг эълон қилинган нусхаси, таъкидланганидек, ниҳоятда қисқа ва ўқувчига асар тўғрисида тўлақонли тасаввур бера олмайди. Масаланинг шу жиҳатларини эътиборга олиб, «Зубдат ут-таворих»нинг мўътабар кўлэзма манбалар асосидаги тўлиқ табдилини амалга оширдик. Ундаги Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар, арабча жумлалар ва форсий шеърларга изоҳ берилди.

Асарнинг бешта кўлэзма нусхаси маълум бўлиб, улардан бири Россия Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимида (Инв. Е6) у (590 ов), яна бири Санкт-Петербургдаги С. Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида (ТНС-22), учтаси Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида (821/111, 5364/111, Х. Сулаймонов номидаги фонд, 275/11) сақланади.

«Зубдат ут-таворих»нинг ушбу нашрини тайёрлашда мазкур кўлэзмаларнинг энг мукаммали — Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган 821 рақамли кўлэзма манбаа асос қилиб олинди.

«Зубдат ут-таворих» муқаддимасида таъкидланишича, асарнинг яратилиш тарихи қуйидагича бўлган: ҳазрат Огаҳий Оллоҳқўлиҳон ҳукмфармолиги даврига бағишланган «Риёз уд-давла» асарини яқунлагач, бу пайтда Хоразм ҳукмдори бўлган Раҳимқулиҳоннинг «мажлиси ишратпарвар ва суҳбати кимё асарига элиб, тўхфа чекади»лар. Муаррих кейинги воқеалар тўғрисида шундай ёзади: «... ул ҳазрат (Раҳимқулиҳон — Н. А. Х.) ҳаддин афзун истихзон кўргузуб, анвоъ лутфу эҳсон била ашбоҳ ва ажносим аросида қуёш янглиғ сарафроз ва мумтозлик еткурди. Ва яна ҳаддан афзун илтифот кўргузуб, гуҳарбор тилин мундоқ жавҳарафшонлиқга эврудиким, жаҳони бебунёднинг айвони харобободида иқомат маснадин салмоқ, хусусан, салтанат амри хатирин зиммаи ҳимматга олмоқдин ғараз улдурурким, кишидин зикри жамил ёдгор қолса. Бу муддао иморат ва бақиёт бино қилмоқ била даст бермас ва авлод таносули ва таволудига ҳам шомил эрмас. Магар, сўз авроқида боқий қолгайким, анго ҳодисоти жаҳон тўфонхезлиги ва тасрифоти замон фитнаангезлигидин осибни ва тафриқа етушмас.

Назм:

*Киши неча иморат қилса бунёд
Ва ёки ҳаддин афзун кўйса авлод,
Тутуб бўлмас бирисидин бақо кўз,
Қолур боқий жаҳон ичра магар сўз.*

Бас, эмди санго лозим ва таҳаттумдурурким, бизнинг исми ҳумоюн ва алқоби маймун ва вақойиъи касирул-бадойиъимизга муштамил бир китоби балоғатинтисоб мураттаб қилайлик. Тоқим, зикри жамил ва васфи жалилимиз замон авроқида боқий қолгай ва жаҳон аҳлин ҳайрат баҳрига солгай. Чун бу илтифоти касирул-баракот қуёши аҳволи саодатмаолийимга бир тавофкан бўлди. Кўнглумга ўзга янглиғ қувват ва табъимга ҳаддин афзун сафват ҳосил бўлуб, «Ал-маъмуру маъзур» фатвоси била мундоқ амри азимдин обод имтиноъ кўргуза олмадим. Ложарам, фармони лозимул-имтисол ижросига далир иштиғол кўргуздим».

Маълум бўладики, Огаҳий «Зубдат ут-таворих»ни Раҳимқулиҳон фармониға биноан ёзишга киришган. Шарқда, жумладан, Туронзаминда ҳукмдорларнинг сўзга илоҳий неъмат деб қарашлари одатий ҳол. Яхши ном қолдириш улар ҳаётида асосий дастур ҳисобланган. Хоразм хони Раҳимқулиҳоннинг «зикри жамил» ва «васфи жалил»ини «замон авроқида боқий қолдириш» ва «жаҳон аҳлин ҳайрат баҳриға солиш»дек хайрли нияти «Зубдат ут-таворих» асарининг яратилишиға сабаб бўлди.

«Зубдат ут-таворих» икки қисмдан иборат. Муаррих қайд этганидек, асарнинг биринчи қисмида Раҳимқулиҳоннинг туғилиши, илм ўрганиш ва ҳарбий маҳоратни эгаллаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек, бўлғуси хоннинг Ҳазорасп ҳокими сифатида олиб борган фаолияти муфассал баён қилинади. Асарнинг иккинчи қисми Раҳимқулиҳоннинг салтанат тахтиға ўтирган қунидан то вафотиға қадар содир бўлган воқеалар шарҳиға бағишланган.

Огаҳий Раҳимқулиҳоннинг таваллуд санаси тўғрисида қуйидагича маълумот беради: «...ул ҳазратнинг валодати лозим уш-шарофати ҳадди бузургвори султони фирдавсмакон Мухаммад Раҳим Баҳодирхоннинг айёми хўжастафаржомида санаи ҳижрия минг икки юз йигирма тўққузда (милодий 1814 — Н.А.Х.), мувофиқи ит йили, афзали авқотда, камоли соатда вуқў топиб, инъоти субҳоний раҳбарлиги била адам масканидин вужуд гулшаниға қадамовар бўлди. Қадами юмнидин жаҳон мамолики анвори саодатда навоий масаррат била тўлди».

Ҳазрат Огаҳийнинг фикрларича, ҳукмдор уч фазилат — олий насаб, илму маърифат ва ҳарбий маҳорат соҳиби бўлмоғи зарур. Раҳимқулиҳонда ушбу учала фазилат ҳам мужассам. Муаррих хоннинг насаби ҳақида шундай ёзади:

*Келиб зоти сарироройи ижлол,
Шараф топиб бошидин тожи иқбол.
Мусалламдур анго мулки маоний,
Бўлуб давлат эшиги посбони.
Салотин илтифотидин баруманд,
Хавоқин лутфи бирла коми пайванд.
Насабда ўйла олийдур анго зот,
Ки айлаб фаҳр ондин оли кўнғирот.
Онга чун умбой халқи топди нисбат,
Топиб анвоъ кўнғирот ичра рифъат.
Жанобидур салотин бўсагоҳи,
Фалак кўзига сурма хоки роҳи.*

Раҳимқулиҳон илму маърифатда ҳам камолға етган ҳукмдор. Бунини муаррихнинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқ этади: «Чун ул ҳазрат туфулият айёми шабистонидин хуруж қилиб, шабоҳ хангоми гулистонига уруж этди, илму камол иртиқоби ва фазлу афзол иқтисобига саъийи тамом била иштиғол кўргузуб, оз муддатда улуми шаръия вақтида мушор илайҳ ва масоили диния муҳофазатида мўътамад алайҳ бўлди... Хусусан, таворих ва қасоид ва маснавийот ва ғазалиёт ва жамий шеър улумининг қавоидига маҳорати тамом ҳосил қилиб, дақиқфаҳмлик ва назокатшунослиғ ва латифағўйлик фунунида ул миқдор

авжи эътиборга чиқтиким, жаҳон фозиллари ва замон комиллари ўз ажзига қойил бўлуб, ул ҳазрат суҳбатига гўёлиғ тилин хомушлиғ тамоқиға тикдилар».

Ҳазрат Огаҳий Раҳимқулихоннинг ҳарбий маҳорат бобида эришган ютуқларини ҳам шоирона фаҳохат билан баён этади:

*Кўргузса масоф аро шижоат,
Рустамни сув этгуси хижолат.
Гар олса қилич, бўлуб газабнок,
Баҳромға захра бўлгуси чок.*

Ҳазрат Огаҳий Раҳимқулихонни яна шундай таърифлайди:

*Зиҳи шаҳаншоҳи фархундахислат,
Хумоюн эътиқоду пок ният.
Ҳамиша коми — мулк обод қилмак,
Адолатдин улусни шод қилмак.*

Муаррихнинг қайд этишича, ҳижрий 1257 (милодий 1843) йилда Раҳимқулихон отаси Оллоҳқулихоннинг фармойиши билан Эрон юришига отланади. Ушбу сафар асносида Раҳимқулихоннинг адолатли ҳукмдор сифатида, ҳазрат Огаҳий таъбири билан айтганда, «хумоюн эътиқоду пок ният»ли шоҳ сифатида камолга эришганлигини кўрсатувчи бир воқеа рўй беради. У шундан иборатки, Хуросоннинг Боди анис музофотиға қарашли Кўшк ва Қоратепа мавзеларида яшовчи жамшидия деган тоифа аҳолиси Раҳимқулихонга Ҳирот ҳокими Шоҳ Комрондан шикоят қиладилар. Улар Шоҳ Комрон зулми ҳаддан ошганлиги, жамшидия тоифасининг молларини талон-тарож этиб, аёллари ва болаларини қул қилиб сотаётганлигини билдириб, Раҳимқулихондан мадад тилайдилар. Раҳимқулихон Эрон сафарини қолдириб, жамшидия тоифасини Хоразмга кўчиришга қарор беради.

Муаррихнинг таъкидлашича, Раҳимқулихон жамшидия тоифасидан ўн беш минг уйликдан зиёдароқ элатни Хуросондан Хоразм диёрига кўчириб, «келтурулгондин сўнг Қилич Ниёзбой наҳрининг бир шуъбаси канорида Куба тоғининг жанубий остида ул тавойифға маскан ва мазорие тайин қилинди. Ҳоло улуг эл ва ободон юрт бўлуб ўлтурубдурлар».

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, эзилган, жабрдийда, мазлум халойиқ мадад сўраган пайтда Раҳимқулихон улардан ўз ёрдамини аямади. Уларни зolimнинг зулмидан озод этди. Ушбу ҳодисанинг ўзиёқ ҳазрат Огаҳий тарафидан унинг шаънида айтилган таърифу тавсифлар нечоғлик асосли эканлигиға ёрқин далил бўла олади.

Мулла Олим Маҳдум Ҳожининг «Тарихи Туркистон» асарида Раҳимқулихон ҳақида «...уч йил ҳукмронлик қилиб, 1261 санаи ҳижрий (милодий 1845)да вафот қилди. Отасининг асрида Бобожон тўра демак ила номзод бўлуб, халқ орасида жавру зулм қилмак ила машхур эди» деб маълумот берилади. (Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. «Насаф» нашриёти, Қарши, 1992, 128-бет.)

Таъкидлаш жоизки, «Тарихи Туркистон» муаллифи томонидан келтирилган фикрларнинг деярли барчаси нотўғри. Ҳазрат Огаҳий Раҳимқулихоннинг вафот йилини «тарихи ҳижрий минг икки юз олти-миш иккида йилон йили муҳаррам ул-ҳаром ойининг ўн бирида жума куни» деб аниқ кўрсатади. Зеро, у ушбу воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган. Шунинг учун Огаҳий келтирган фикр бу борадаги ҳар қандай бошқа мулоҳазани рад этишга асос бўла олади.

Бундан ташқари, «Зубдат ут-таворих»да баён қилинишича, Раҳимқулихон эмас, балки унинг укаси Мухаммад Аминхон Бобожон тўра номи билан машхур бўлган.

Мулла Олим Маҳдум Ҳожининг Раҳимқулихон тўғрисида «халқ орасида жабру зулм қилмак ила машхур эди» деган таърифига келсак, хоннинг устози, унинг ҳар бир ишидан яхши хабардор бўлган Огаҳий «Ҳамиша коми — мулк обод қилмак, Адолатдин улусни шод қилмак» дея таърифлагандан кейин бошқа мулоҳазаға ўрин қолмайди. Агар Раҳимқулихон зolim бўлганида, Огаҳий бирон ўринда бунга ишора қилган бўлар эди.

Тарихға ибрат ва тафаккур назари билан қаралса, тож-тахт учун курашлар натижасида неча-неча обод манзилларнинг хароб бўлганлигини, эл-улус аҳолининг огирлашганлигини, тараққиёт ўз ўрнини таназзулга бўшатиб берганлигини кузатиш мумкин. Лекин, Туркистон тарихида ҳиммати шоҳликдан-да баланд ҳукмдорлар кўп бўлганлиги мўътабар манбааларда зикр этилган. «Зубдат ут-таворих»да таъкидланишича, Раҳимқулихон ҳам худди шундай ҳукмдорлар сирасига киради.

Ҳазрат Огаҳийнинг қайд этишича, Оллоҳқулихон вафот этган пайтда унинг кичик ўғли Мухаммад Аминхон Хивада эди. Отаси вафот этгач, Мухаммад Аминхон ўша пайтда Ҳазорасп ҳокими бўлган акаси Раҳимқулихонга «отаси вафотининг ахбори ва тез келмагининг асрори учун қосиди сарсарми-солни» (чопарни) жўнатади. Раҳимқулихон ўша куниёқ тезлик билан Хиваға етиб келади. Таъзия маросими адо этилгач, барча амирлар, уламолар, шарият пешволари «ҳазрат зиллуллоҳий» — Раҳимқулихон хузурига йиғиладилар. Ундан хорамзшоҳлик тахтини қабул этишини сўрайдилар. Шунда Раҳимқулихон шоҳликка рағбати йўқлиги, бу дунёнинг ўзи бевафо эканлиги, шоҳликнинг «нўши бир бўлса, ниши минг, роҳати бир бўлса, ташвиши минг» эканлиги тўғрисида сўзлайди. Айниқса, унинг қуйидаги сўзи диққатга сазовордир:

*Неча иш ҳақу неча ноҳақ бўлур,
Бори ҳазрати Ҳақға мулҳақ бўлур.
Барисини шаҳдин қилилғай савол,
Ҳамулдам не бўлғай экан шаҳға ҳол.
Агар подшоҳға будур можаро,
Ғадо подшоҳдурки, оти ғадо.
Мунингдек ул навъ ишни аҳли уқул
Не янглиғ малул ўлмайт этгай қабул.*

Раҳимқулихондан бу сўзни эшитган мажлис аҳли «Эй малойиксифат подшоҳ, сенинг шоҳликка рағбатинг йўқлигини биламиз. Сенинг ҳимматинг шоҳликдан ҳам олий эканлиги бизга маълум», деб шундай мурожаат қилишади:

*Ки, ҳар шаҳи, адл этса, лутфи илоҳ
Они қилгуси ики оламда шоҳ,
Топар рутба зухд аҳли тоат била,
Ўтар шоҳ андин адолат била.*

Шундан сўнг улар ўз сўзларига пайгамбар алайҳиссаломнинг бир соатлик адолат бир умрлик нафл ибодатдан афзал эканлиги тўғрисидаги ҳадиси шарифларини келтириб, Раҳимқулихонни шоҳлик тахтини қабул этишга ва адолатли сиёсат юритиб, Тангри таолонинг розилигини топишга даъват этадилар:

*Карам айлабон арзимиз бовар эт,
Бўлуб шоҳ, мазлум додига ет...
Йўқ эрса, Худо олдида ҳашр аро
Тазаллум қилиб, тузгамиз можаро.*

Ҳазрат Огаҳийнинг қайд этишича, «Чун аркони давлат ва умарои зийшавкатнинг илҳоқ ва муболагаси ҳадду ғоятдин ўтди, ложарам, ҳазрат зиллуллоҳий камоли карамдин ул жамоанинг роин синдурмай ва сийнаи илтмосларига дасти рад урмай, салтанат амри хатирин қабул этиб, ҳамул кеҷаким, чаҳоршанба туни эрди, намози шом хангоми инқизо топгандин сўнгким, асади соат ва ашрафи авқот эрди, салтанат аврангига қадами муборакин еткуруб, хилофат тожин гўшаи кулоҳига урди ва хоразмшоҳлик нигини ангушти иқтидорига солиб, жаҳонбонлиғ зиммомин қабзаи ихтиёрига олди».

Ҳазрат Огаҳийнинг Раҳимқулихон тўғрисидаги ушбу сўзлари кимгадир муболағали туюлиши ҳам мумкин. Лекин, «таъбиға борча биликни кашф қилган, кўнглида Ҳақ таоло ишқи жўш урган», бу дунёнинг фоний эканлигини имтиҳон дунёси эканлигини юракдан ҳис этган маърифатли ҳукмдорнинг худди шундай йўл тутиши минбаъд таажжубланарли эмас. Зеро, мазкур фикрларни Баёнийнинг «Ша-жараи Хоразмшоҳий» асаридаги ушбу сўзлар ҳам қувватлайди: «Чун Оллоҳқулихон равоҳул олами бақо бўлдилар, ул ҳазрат Ҳазораспда эрдилар. Муҳаммад Амин иноқ камоли мардоналиқдин окосига нома бирла хабар юбордиларким, тез келсунлар, отамиз вафот топдилар. Ўзи таъзия умурининг тажҳиз ва саранжомига иштиғол кўргузди. Раҳимқули тўра бу хабарни эшитиб, дарҳол отланиб, йўлга кириб, сешанба куни пешин вақтида Хивақга келдилар. Муҳаммад Амин иноқ тўра тамоми шаҳзода ва бекзодалар ва аркони давлатлар ва тамоми уламоларнинг ижтимоъи ва иттифоқлари била Раҳимқули тўрани ул мажлисга чақириб, хонлик таътига миндурдилар. Ҳамма муборақбодлик алолосин фалак авжига еткурдилар» (ЎзФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма № 9596, 312 а-саҳифа).

Шундан сўнг Баёний Огаҳийнинг ушбу воқеага бағишланган таъриҳини келтиради. Таъриҳ:

*Гуфтам зи сари адаб гузашта
Маҳ рафтау офтоб омад, —*

байти билан тугайди. Яъни, ҳазрат Огаҳий Оллоҳқулихон вафотини ойнинг ботишига, Раҳимқулихоннинг давлат тепасига келишини куёш чиқишига қиёслайди.

Тарихни ўрганмоқдан мурод — сабоқ. Ҳазрат Навоий таъбирлари билан айтганда, «Не ишдин мамлакат обод, қаю ишдин улус барбод бўлган»лигини тафаккур кўзгусида кўриб, ибрат олингандагина бу мурод ҳосил бўлади. «Зубдат ут-таворих»нинг аҳамияти бу жиҳатдан ҳам катта. Асарда Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги ўзаро низолар, қонли урушлар, уларнинг оқибатлари ҳақида ҳам муфассал ва ҳаққоний маълумотлар берилган.

Ҳазрат Огаҳий ҳар бир фикрларини Қуръони карим оятлари ва пайгамбар алайҳиссалом ҳадислари билан далиллайдилар. Имонсизлик, фосиқлик, эътиқодсизликнинг оқибати хорлик эканлигини ҳужжатлар воситасида тақрор ва тақрор таъкидлайдилар.

«Зубдат ут-таворих» тарихий асар бўлса-да, юксак бадий маҳорат билан ёзилган. Асардаги воқеа-ҳодисалар хоҳ насрда, хоҳ назмда ифодаланган бўлсин, муаллифнинг нуктадонлиги, юксак фасоҳат соҳиби эканлиги яққол сезилади. Бир мисол. Эрон юришига отланган Раҳимқулихон ҳақида сўзлар экан, муаррих унинг «лашқари маҳшарни зом»и туғегидин чиққан губорни «фалаки даввор дийдаи интизорига сурма қилган»лиги тасвирини ўқувчи кўз ўнгида шундоққина гавдалантиради. Бунда муаррих Раҳимқулихон юришининг аҳамиятини таъкидлаш баробарида бадий сўзнинг қудратини ҳам кўз-кўз қилади назаримизда.

Ёки, Огаҳий куёш чиқиш ҳолатини асарнинг турли ўринларида турлича, бир-биридан фарқли тасвир билан ифода этади. Масалан, бир ўринда куёш чиқиш ҳолатини «... офтоби жаҳонтонинг шахсувори тезрафтори машриқ марҳаласидан чиқиб, фалак майдонининг қатъига жавлон кўргузди» тарзида тасвирласа, бошқа бир ўринда «куёш хоқони машриқ шабистонидин чиқиб, фалак майдонига нур якронин сурди» шаклида, яна бир жойда эса, «хуршиди жаҳонтоб жамшиди машриқ ишратхонасидин чиқиб, фалак сайдғоҳи сори равона бўлди» тарзида, ҳар бир ўринда ҳақоқ қилинмоқчи бўлган воқеага мос, тамоман янгича ифодалайди. Бинобарин, биринчи тасвирда Раҳимқулихоннинг ҳарбий юришга отлангани тўғрисида сўзланиб, куёшнинг чиқиш ҳолати ҳам «фалак майдонининг қатъига жавлон кўргузди» тарзида шунга уйғунлик касб этади. Иккинчи тасвир хон лашқарининг фасод аҳли устига юриш қилиши ҳолатига тегишли бўлса, учинчи тасвир хоннинг ўз аъёнлари билан овга жўнаётган ҳолатига мос.

Шу биргина мисолнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, асарда табиат тасвири билан воқеалар моҳияти ажиб бир уйғунлик касб этган ва бу мутаносиблик асарнинг жозибадорлигини таъминлаган.

«Зубдат ут-таворих» насри мусажжа (ички қофияга асосланган наср)да битилган. Бу билан муаррих матннинг сержозиба, шеър каби равон ўқишли бўлишига эришган. Масалан: «Зиёрат лавозимининг интиҳоси ва ақлу шурб маросимининг инқизосидин сўнг ҳазрат хон мағфур ва ҳазрат зиллуллоҳий савлати тамом ва умарои соҳиб эҳтиром била отланиб, отчопар тамошосяга қиқтилар ва кир устида девнаҳод ва сарсарниҳод отларни ёриштуруб, растумқувват ва филҳайбат паҳлавонларни кураш тутдуруб, оти ўтган сайисларни ва ҳарифин йиқитган паҳлавонларни байроқ ва жалду учун ҳазинаи эҳсондин нуқди фаровон инъом қилуб, дунёдин мустағний этдилар».

Сажининг юксак намунаси! Матндаги сўзлар қофиянинг бениҳоя уйғунлиги (лавозими-маросими, интиҳоси-инқизоси, савлати тамом-соҳиб эҳтиром, девнаҳод — сарсарниҳод, рустамқувват — филҳай-

бат, ёриштурубкуруш тутдуруб) асар муаллифи маҳоратига далилдир. «Зубдат ут-таворих»да келтирилган шеърлар — байтлар, маснавийлар, рубоий ва қасидалар, қитъалар ва таърихлар, аввало, асарнинг бадиий баркамоллигини таъминлаган бўлса, иккинчидан, унинг таъсир кучини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Ҳазрат Огаҳий шарқ тиллари, жумладан, араб ва форс тилларининг беназир билимдони бўлганлар. Буни асарда мазкур тиллар имкониятидан нечоғлик маҳорат билан фойдаланилгани ҳам тасдиқлайди.

Сўз — абадиёт элчиси. У мозийдан келажакка мужда элтгучи тенгсиз восита. Навқирон ўттиз икки ёшида оламдан кўз юмган, жуда қисқа муддат — уч йилу уч ой хонлик қилган бўлса-да, ўзидан эзгу ном қолдиришга улгурган маърифатли ҳукмдор Абулғози Раҳимкули Муҳаммад Баҳодирхоннинг «зикри жамили ва васфи жалили» бир ярим асрдан зиёдроқ вақтдики, авлодлар хотирасида яшаб келмоқда. Не ажабки, бу ҳазрат Огаҳий сўзи шарофатидандир.

**Нурбой Абдул Ҳаким,
филология фанлари номзоди**

ГАВҲАРШОД БЕГИМНИНГ НУРЛИ СИЙМОСИ

Таниқли ёзувчи Пиримкул Қодиров «Она лочин видоси» романида Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийдек буюк сиймоларга меҳрини берган фидоий она — Гавҳаршод бегимнинг фожеавий тақдирини тасвирлайди. Романда маърифатли она умрининг охиригача адолат учун жасорат билан курашади. Унинг Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро каби истеъдодли ёшларни тарих саҳнасига чиқишлариغا кўмаклашгани ўйчан оҳангларда, ҳазинликка йўғрилган ҳолда ифодаланади: «Ё Оллоҳи таоло! Муқаддас рамазон кунида рўза тутиб қилган илтижоларимизни инобат айлагайсен! Илоё Шохруҳ Мирзо билан Улуғбек давридаги тинчлик, бунёдкорлик, фаровонлик яна қайтиб келсин, адолатни тиклаб, илму маърифатни юксалтириш Алишербек билан унинг дўсти Ҳусайн Бойқарога насиб этсин! Ушал масъуд кунларга мен етиб боролмасам, илоҳим мана шу мушфиқ оналар етиб борсинлар! Омин!» (Пиримкул Қодиров. «Она лочин видоси». «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2001 йил, 169-бет).

Ёзувчининг бу романи замонамизга ҳамоҳанг, мустақиллик даврида ёзилган асар. Асар мазмунига диққат билан назар солсак, Гавҳаршод бегимдай сиймонинг ўз фарзандлари учун қанчалик жон фидо қилганини кўрамиз. Собиқ иттифоқ даврида ёзилган асарларда Гавҳаршод бегим тимсоли ўта қора бўёқларда тасвирланган эди. Буни Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожеаси мисолида кўришимиз мумкин. Унда драматург Гавҳаршод бегимни хотин-қизлар тоифасидан бўлса ҳам, ўзини ҳаммадан устун кўядиган, манман, фақат ўзим бўлсам дейдиган, ҳеч бир аёл зотини ўзига тенг тутмайдиган, фарзандларига меҳрсиз она сифатида тасвирлаган эди.

*Аммо, билинг, Темурбекнинг салтанатида
Фақат битта малика бор —
Гавҳаршод бегим.
Соҳибқирон ўзин барча келинларидан
Мени, тожим гавҳари, деб сийларди мудом,
Бу мақомга Фирюзага ҳали йўл бўлсин.*

(Мақсуд Шайхзода. Мирзо Улуғбек. Фожеа, «Ўқитувчи» нашриёти. 1994. 93-бет).

Драматург Гавҳаршод бегимнинг бошқа хотин-қизларни пастга уришини, ҳокимиятни ўз қўли остида тутишини, унинг тарбиясини кўрган набиралари бир-бирига душман эканлигини бўрттириб, салбий бўёқларда кўрсатади. Бунга иқрор бўлмоқ учун пьесада Мирзо Улуғбекнинг онасига қарата айтган сўзларини эслаш кифоя.

*УЛУҒБЕК: Таажжубки, сизда шунча заковат бору
Бошқа ҳамма хотинларни пастга урасиз.
Ахир, сиз ҳам аёлларнинг вакиласи-ку
Жаннатмакон отамизнинг сизга ихлосманд
Бўлганидан фойдаланиб, ҳаммиша ҳар он
Сиз Ҳиротда эрк ва онгни сиқдингиз ёмон,
Тарбиянгиз кўриб олган набиралар-чи,
Қаранг, улар бир-бирига қандай ғарзкор.*

(Мақсуд Шайхзода. Мирзо Улуғбек. Фожеа. 99-бет)

Биз Пиримкул Қодировнинг «Она лочин видоси» номли асари билан Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожеасини таққослаганимизда, романда кўрсатилган Гавҳаршод бегим тимсоли ўзига хос тасвир этилганлигини ҳис этдик. Чунки ҳеч бир она ўз фарзандига, набираларига ёмонликини раво кўрмайди. Лекин тарихий ҳақиқатга мурожаат этадиган бўлсак, Гавҳаршод бегимни ҳар томонлама, ёрқин ижобий тимсол сифатида тасаввур қилиш қийин. У ўз фарзандлари учун жон фидо қилишга тайёр она бўлиши билан бирга, ожизликларга ҳам эга. Масалан, Гавҳаршод бегим аёл бўлишига қарамай, Шохруҳ Мирзо подшолиги даврида ҳокимият ишларига жуда кўп аралашган, подшо томонидан чиқарилган ҳар бир фармон, қонун Гавҳаршод бегим иштирокисиз амалга ошмаган. Умуман унинг ҳукумат ишларига аралашмаган вақти бўлмаган. Худди шу ўринда, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» номли тарихий романида Гавҳаршод бегим тимсоли Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожеасига яқин тарзда тасвирланганини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Ушбу романда Гавҳаршод бегим бевосита иштирок этмай, балки Мирзо Улуғбек ҳаёлида қуйидагича жонлантирилади:

«Мирзо Улуғбек кўзини юмиб бошини секин чайқади. У волидаи меҳрибонига нисбатан кўнглида илиқ бир туйғу уйғотишга ҳаракат қилди. Лекин кўз олдида узун бўйли, кўк ипақдан кенг кўйлак кийиб,

бошига кўк рўмол ўраган, қўлидан тасбеҳ тушмайдиған калондимог бир хотин келди. У қош кўзлари қоп-қора, кийгир бурун, хушсурат хотин бўлса-да, фариштаси йўк, чехраси совуқ аёл эди. Хайхот Амир Темур Оллоҳ раҳматига йўл тутиб, Хуросон тахтига Шохруҳ Мирзо ўтирибди ҳамки, Гавҳаршод бегим тожу тахтни ўз қўлига олган. Саройни жоҳил гумроҳлар ила Хокони Саидни кўролмайдиган бадҳоҳларга тўлдириб юборди. Шохруҳ Мирзони чапгиб, сайдларни қатл килдиртирган, шаҳзодалар орасига низо туширган, суюкли набираси Алоуддавла билан Абдулатифни бир-бирига қайраб, қатлу қирғин чиқарган ҳам, эвоҳ, шу волидаи меҳрибони Гавҳаршод бегим бўлди!.. Бу фитна-ю хунхўрликлардан иш қикмагач, ўз ўғли Мирзо Улуғбекка «Шоҳи Шарир» (бузуқ шоҳ) деган ном тақиб, шахзода Абдулатифни қайраб солди». (Одил Ёқубов. Улуғбек хазинаси. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти, 1980. 26-бет.) Мазкур парчадан шу нарса кўриниб турибдики, Гавҳаршод бегим тожу тахт ишларига жуда кўп аралашган, ўз фарзандларига бешафқат бўлган. Аслида, ҳеч бир она, ҳеч бир замонда ўз жигаргўшасига, ўз фарзандига ёмонлиқни раво кўрмайди. Шу маънода Пиримкул Қодиров романидаги Гавҳаршод бегим тасвири ҳаёт ҳақиқатига мантиқан кўпроқ яқиндек туюлади. Гавҳаршод бегим роман-да, даставвал, ўғли Улуғбекни илм-маърифатни эъзозлашидан, фалакиёт илмини ўрганиб, буюк каш-фиётлар қилганидан фахрланувчи она сифатида намоён бўлади.

«Улуғ кашфиётлар қилибсиз, болам, худойим сизни ёмон кўздан асрасин». (Пиримкул Қодиров. Она лочин видоси. 35-бет.)

Шайхзоданинғ асарига Гавҳаршод бегим фарзандлар ўртасида низо келиб чиқшига сабаб бўла-ди. Пиримкул Қодиров романида Гавҳаршод бегим фарзандлар ўртасида низо қикмаслигига ҳаракат қилганини, унинг Абдулатифни тўғри йўлга солишга уринганини ёрқин бўёқларда тасвирлайди: «Ҳибс-да эзилган, захда бел оғриғидан букчайган Гавҳаршод бегимни икки ёнидан суяб дарвозахона олдига олиб келдилар. Бегим фонус ёруғида қўли боғланган шоҳона кийимлари лойга беланиб, аянчли аҳволга тушган невараси Абдулатифни кўрди-ю, йиғлаб юборди.

— Ноинсоф неварамга яхшилик қилсаму шундай ёмонлик кўрсам-а! Мана қасос қайтибди! Лекин, бу қасосдан менинғ дилим вайрон! Боламининг боласини шу аҳволда кўриш менга азоб!» (Пиримкул Қодиров. Она лочин видоси. 58-бет.)

Гавҳаршод бегимнинг фарзандларига, хусусан, Мирзо Улуғбекка меҳрибон она сифатида кўрсати-лиши соф, мантиқий мушоҳадага мослиғидан ташқари, унинг замондоши бўлган олимларнинг тарихий асарларида берилган хотира ва маълумотларга ҳам мувофиқ келади. Бунга иқдор бўлмоқ учун машҳур тарихчи ва сайёҳ Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодат-ли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») номли асарига келтирилган маълумотларни эслаш қифоя. Китобда Самарқанддан Ҳиротга ташриф буюрган Мирзо Улуғбекнинг отаси ҳазрат Шох-руҳ, онаси Гавҳаршод бегим ва укалари томонидан қандай қутиб олингани қуйидагича тасвирланади: «Давлат ва диннинг таянчи Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрдан Хуросон томон отланди ва Жайхундан ўтгач, унинг келаётганлиги хабари ҳазрат хоқони сайидга етди. Маҳди уле Гавҳаршод ого, Фиёсуддин Мирзо Бойсунғур, Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир, Мирзо Муҳаммад Жўғий ва бошқа шаҳзодалар, нўёнлар ва улуғ амирлар, бир неча фарсанг ергача унга рўбарў қикиб, қутиб олдилар ҳамда иззат-иқром ва улуғлаш шартларини бажо келтирдилар. Ўн тўққизинчи рабиъ ал-аввалда (6 май, 1417) шахзода хоко-ни сайиднинг оғушига кириш шарафидан саодат топди ва онҳазрат... фарзанд дийдорини кўриб шодмон бўлди. Бир неча кун подшоҳона тўйлар ва хусравона бозмлар тўздилар.» (Абдураззоқ Самарқ-андий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Фан, 1969, 241-бет). Парчадан англашиладики, Мирзо Улуғбекнинг Ҳиротга келиши шарофатига бир неча кун тўй берилиб шоду хуррамликка тўла зиёфатлар ўтказилади. Агар Гавҳаршод бегим Мирзо Улуғбекка меҳрибон она бўлмаганида, бундай байрамга ва хушмуомалаларга йўл қўймас эди.

П. Қодиров романида Гавҳаршод бегим руҳияти чуқур очилган. Теран руҳий таҳлилга эришиш мақсадида, асарда ёзувчи халқ ривоятларидан кенг фойдаланади. Масалан, Гавҳаршод бегим Улуғбек-ка ёзган мактубида ўз невараси Абдулатифдан қанчалик жабр-зулм кўрганлигини, ўз аҳволига йиғлаб, қайғули бир ривоятни эслайди.

«Тоғда мен каби бир она лочин ўтган экан. Унинг уяси яқинида заҳарли илонлар яшар экан. Улар хавф солганда лочин илонларни думидан чангаллаб осмонга олиб чиқар экану қоташлар устига ташлаб юборар экан. Қолган илонлар тоғ камарларига бекиниб, лочиндан қасд олишининг йўлини ййлашибди. Она лочин ҳар ййли пана бир жойдаги усига тухум қўйиб, жўжа очар экан. Илонлар ҳам тухумдан бола очади-ку. Лочин узокқа ов қилгани кетганда илонлар секин ўрмалаб келиб, унинг тухум-ларини ейишибди-ю, ўрнига илоншоҳона тухумидан қўйиб кетишибди. Бундан беҳабар она лочин қўйган тухумларига вужудининг ҳароратини бериб, уларни бир неча кун босиб ётибди. Вақти соати етиб, тухумлар тешилибди, ичидан нимадир чиқа бошлабдилар. Она лочин қараса, тухумлардан жўжа-лар ўрнида илонбаччалар ўрмалаб қикибди. Бундан даҳшатга тушган она лочин чинқириб уясидан қўкка учибди. Илонларга ем бўлган авлоди билан видолашиб, фарёд чекканда тоғлар ларзага келибди. Мен ҳам меҳримни бериб ўстирган невараларимнинг ёмонликларини кўриб ўша лочиндек фарёд чек-ким, бу фоний дунё билан видолашгим келур. Лекин... ноумид шайтон. Парвардигор бирер жойдан нажот келтирур деган илинжим бор» (Пиримкул Қодиров. Она лочин видоси. 69–70-бетлар).

Кўриниб турибдики, асарда халқ ривоятлари жуда маъноли, изтиробли бўёқларда тасвирланган.

Асарнинг номи ҳам «Она лочин видоси», асосан, шу ривоят асосида номланган, асардаги ўз фарзандларига меҳрибон она тимсоли — Гавҳаршод бегим худди фарёд чеккан она лочинга ўхшатил-ган.

Асар охирида давон Абдулатифдай ёвуздан қутилганидан ва ҳаёт тинч-осуда бўлиб, карнай-сурнайлар янги бир замон бошланганидан, тинчликсевар, бунёдкор кучлар Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро атрофига жипслашиб, ташқи тажовузлар ва ички урушлар касофатини бартараф қилганидан, мамлакат ободлиги ва эл-юрт фаровонлиги асосий мақсадга айланганидан дарак бераётгандай бўлган-лиги афсонавий қуш Қақнус тимсолида юзага чиқарилади:

«Қадимги шарқ афсоналарида айтилишича, Қақнус деган улуғвор қуш уруш оловларини ўчириш учун аланга ичига отилиб қираар экан. Олов ўчгандан сўнғ кул ичидан қанотини ростлаб чиқар ва шундай ажойиб товуш билан сайрар эканки, унинг куйлари ўлим уйқуси ичида ётган мавжудотни қайта тирилтириб, уйғотиб юборар экан.

Мумтоз китобларнинг гувоҳлик беришича, Қақнуснинг овоз пардаларидан уч юз олтимиш хил энг

гўзал ва сеҳрли оҳанглар таралар экану бутун борлиққа, санъат ва нафосат оламига, илму фанга ҳаётбахш таъсир кўрсатар экан.

Алишер Навоий ҳам дўсти Ҳусайн Бойқаро билан бирга ёниб турган уруш олови ичига фидойиларча отилиб кириб, уни ўчирдилар. Шундан кейинги ўн йилликларда Алишер Навоий даҳоси худди Қакнуснинг борлиқни уйғотувчи афсонавий қудрати сингари адабиёт ва санъатни, илму фанни, бунёдкорлик ишларини қайта жонлантириб, янги чўққиларга кўтарди.

Алишер Навоий Улуғбек Мирзони ҳаётда кўрмаган бўлса ҳам, ана шу юксалиқда улар маънан учрашгандай бўлдилар.

Гавҳаршод бегимнинг меҳридан баҳраманд бўлган лочинлар янги уйғониш ва юксалиш даврларига гўё Қакнус бўлиб қайтиб келдилар. Ўлмас она орзу қилган иккинчи умр осмонда Улуғбек Мирзо даҳоси Алишер Навоий даҳоси билан бирга парвоз этдилар ва бизнинг бугунги кунларимизда энг юксак қадр-қиммат топдилар.» (Ўша асар. 237—238-бетлар.)

Асардан кўриниб турибдики, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро тимсоллари жуда юқори даражада ёрқин бўёқларда тасвирланган.

Хуллас, ёзувчи Пиримқул Қодиров «Она лочин видоси» асари билан тарихий романчилигимизда ўзига хос янги саҳифа очди, чунки у теурийлар хонадонининг Гавҳаршод бегимдек машҳур маликасининг янгича ва ҳаёт ҳақиқатига яқинроқ бўлган нузли сиймосини гавдалантириб берди.

**Гулбахор Юсупова,
ЎЗМУ аспиранти**

НУҚТАИ НАЗАР ИМКОНИЯТЛАРИ

Субъектив (билвосита) муаллиф нутқининг асосий белгиларидан бири унинг таркибига асарда қатнашаётган бошқа қаҳрамонларга дахлдор сўзларнинг мўл-кўл кириб келишидир. Тилимизда шундай сўз ва иборалар мавжудки, улар шубҳасиз, қаҳрамон нутқига оид элемент сифатида тан олинади, чунки улар муаллиф томонидан ўз нутқи доирасида қаламга олиниши мумкин эмас. Кўпинча бундай сўзлар муаллиф нутқининг стилистик бўёғини «бузади». Шундай бўлса-да, ўша сўз ва элементлар баённинг ранг-баранглигига, қарашларнинг аниқлигига, тасвирнинг ишонарли чиқишига, фикрнинг қизиқарли бўлишига, қаҳрамоннинг фаоллигини исботлашга ёрдам беради. Баёнда сўзларнинг субъектив мансублигига кўра қуйидаги икки имкониятни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир:

1. Муаллиф нутқидаги сўз ўз мазмуни, моҳияти билан бевосита ёзувчининг нуқтаи назарини акс эттиради ва нарса ҳамда воқелик ўрни, вазияти ҳақида ахборот беришга йўналтирилган бўлади.

2. Нарса, буюм ва воқелик тўғрисида гарчи муаллиф хабар бераётгандек бўлса-да, уни асарда иштирок этувчи қаҳрамонлардан бири қандай атаган бўлса, шундай атаб, ўша қаҳрамоннинг нуқтаи назарини акс эттиради. Яъни, нарса ҳақидаги ахборот билвосита ўзганинг нуқтаи назари ва ўзганинг атамаси билан берилади.

Биринчи кўринишда ўзганинг нутқидан холи бўлган муаллиф нутқи, иккинчисида эса муаллиф ва қаҳрамон нутқларининг ўзаро чапишувидан иборат стилистик усул намоён бўлади.

Муаллиф нутқи мазмунига кўра ўзида ё объектив баённи ёки қаҳрамон нуқтаи назарини ифодаловчи субъектив баённи намоён қилади. Билвосита нутқ эса, муаллиф ва қаҳрамоннинг субъектив ниятини бирлаштиради. Шундай қилиб, бу нутқ шакли муаллиф ва қаҳрамон нутқлари қаторида мустақил йўналиш ҳисобланади. Ана шундай мустақил йўналишга эга бўлган жиҳат муаллиф ва қаҳрамон нутқларининг ўзаро чапишуви даражасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Биринчи тур. Муаллиф гўё қаҳрамонига маълум муддат ўрнини бўшаптиб, ўзини четга олади, лекин улар ўртасидаги чегара аниқ кўзга ташланиб туради. Муаллиф нутқи таркибига кирган қаҳрамон гаплари ҳажмига кўра қисқа ёки чўзиқ бўлиши мумкин. Масалан: «Ошнинг яна бир яхши одати бор эдики, бир маҳалла наридаги новвойхонага бормоқчи бўлса ҳам, албатта, Яхшибоевга маслаҳат соларди; мен бир нонга бориб келсам, жўра. Яхшибоевга унинг рухсат сўрагани ёқарди, айтардики, майли, ошна, лекин ўзингни эхтиёт қил, яхши-ёмонга аралашма» (Мурод Муҳаммад Дўст. «Лолазор». Роман, 105-бет).

Кўринадикки, бу турда муаллиф қаҳрамонининг ўй-фикрларига туртки бериб, ўзини четга олади. Натижада нутқнинг синтактик, лексик ва услубий тузилиши ҳамда оҳанги ўзгаради, бу ўзгариш қаҳрамонга тегишли нутқ элементлари орқали рўёбга чиқади.

Иккинчи тур. Муаллиф қаҳрамоннинг нутқда намоён бўлган ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги билан ажралиб туради. Улар бирон-бир воқеани ҳикоя қилишда тенг ҳуқуққа эга бўладилар, тез-тез ўрин алмашиб турадилар. Ҳажми ҳам нисбатан каттароқ бўлади: «Чошгоҳда Кўзибой сим қоқиб, Назар Яхшибоевич, малол келмаса Қурбонийнинг палатасига бир кирсангиз, деб илтимос қилди. Яхшибоевга малол келди: тобим йўқ, ука, ўзингиз чиқа қолинг. Кўзибой сал довдиради, сўнг алами келди чоғи, таъна билан гапирди: келиб бир бечоранинг ҳолидан хабар олсангиз тахтдан тушиб қолмассиз, ака?..

Яхшибоев тайинли гап айтмади. Трубкани шак этказиб жойига ташлади.» («Лолазор». Роман. 285-бет). Остига тўғри чизиқ тортилгани муаллифга, тўлқинли чизиқлар билан белгиланган иборалар қаҳрамонга тегишлидир.

Учинчи тур. Асарда олиб борилаётган асосий баён калавасининг учини муаллиф ушлаб туради. Лекин вақти-вақти билан нутқ таркибига қаҳрамонига тегишли сўзларни қўшишга имконият яратади. Бу ердаги қаҳрамон нутқи алоҳида сўз, сўз бирикмаси ёки ибора шаклида намоён бўлиб, уни муаллиф нутқидан ажратиб олиш анча қийин. Мабодо ажратиб олинмаган бўлса, нутқ алоқадорлиги ҳамда

гап қурилишига путур етади. Бу сўз, сўз бирикмаси ёки ибора алоҳида олинганда эса, нутқни ташкил қилмайди, балки ганнинг алоҳида қисми бўлиб қолаверади. Масалан: «У (Мулла Тошпўлат — Й. С.) энди Ҳайдар Махсум тўғрисида «телбами-девонами!» деб ўйламас эди. Афсуслар! Вассалом!» (Омон Мухтор. «Ффу». Роман. 37-бет.) ана шу хусусиятлари билан бу услуб биринчи турдан фарқланади.

Муаллиф ва қаҳрамон нутқларининг ўзаро чапишуви насрий асарлар поэтикасининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Муаллиф баёни таркибига қаҳрамон нутқига хос сўз ва ибораларнинг киритилиши кўпроқ Омон Мухтор, Мурод Мухаммад Дўст каби ёзувчилар ижодида учрайди. Хусусан, Омон Мухторнинг «Ффу», «Аёллар мамлакати ва салтанати», «Тепалиқдаги хароба» романларида бу нутқ шаклининг турли қурилишлари мавжуд. Бу асарларда соф муаллиф нутқи билан қаҳрамонлар нутқининг хилма-хил шакллари орасида доимий ҳаракатчанлик мавжуд. Адиб асарларидаги муаллиф нутқи ўзининг яхлитлиги, ушганлиги, айни чоғда, одатдаги грамматик қурилишлар қолипига тушавермаслиги билан ҳам эътиборни тортади.

Омон Мухтор романлари учун характерли бадиий қолип воқеликни тасвирлашнинг икки хил йўналишидан ташкил топган а р а л а ш б а ё н услубидан иборатдир. Бундай услубни биз шартли равишда **кинематографик эпик баён** деб аташни лозим топдик. Ёзувчининг «Ффу» ҳамда «Аёллар мамлакати ва салтанати» романларида бу усулдан унумли фойдаланилган. Кинематографик баён ёзувчиликни тасвирлаш эмас, балки бевосита кўрсатиш муҳимдир. Унда қаҳрамонлар ҳаракати ифодаланмайди, балки аниқ, кўримли тарзда намоёиш қилинади. Бундай усулда ўқувчи, ҳатто, энг оддий воқеа ва ҳодисаларнинг сабаби ҳамда оқибатларини ҳам, бундан кейинги воқеаларда нималар бўлишини ҳам олдиндан билолмайди. Чунки вазият, ҳолат тез-тез ўзгариб туради. Сиртдан қараганда бир-бири билан боғлиқ бўлмаган бу эпизодлар асарнинг финал қисмида бир ерга жамланади, уларнинг ҳар бири йирик планда намоёиш этилади.

Фикримизни исботлаш учун ёзувчининг «Аёллар мамлакати ва салтанати» романига назар ташлайлик. Экранда биринчи бўлиб, барча воқеа ва эпизодларда иштирок этувчи бош қаҳрамон Олим пайдо бўлади: «...сахари мардонда уйдан сирғалиб чиқиб, тўғри келган машинада боғ ҳовли томон кетаётган Олим»нинг кулоғи остида хотинининг дийдиёси янграб туради. Ўқувчи Олимнинг ҳам, хотини Ҳурриятнинг ҳам, бошқа иштирокчиларнинг ҳам портрети чизилганини учратмайди, балки уларни яхлит кўради. Чунки кинематографик баёнда киши образи тасвир орқали яратилмайди, балки имо-ишора, ҳаракати ва муомаласи орқали кўрсатилади.

Романга асос қилиб олинган кинематографик баёнда кинокадрлар тез-тез ўрин алмашиб туради. Олим гоҳ сўқмоқда, гоҳ «ўт говлаб ўсган, ташландиқ сайхон»да, гоҳ жарлиқда, гоҳ унинг устига қурилган кўприқда, гоҳ почта биноси олдида кўзга ташланади. Боғ ҳовлидаги хонасига етиб боргандан сўнг эса, бу ерга бирин-кетин Зебо, Бахтигул, Ҳамида, Эргаш, Тожи ака ва ҳатто охирида хотини Ҳуррият ҳам кириб келадилар. Худди кино асаридагидек тугалланмада барча қаҳрамонлар жамулжам бўладилар ва ечим ҳам шу ерда рўй беради.

Ёзувчи Мурод Мухаммад Дўст ҳам ўзининг «Лозазор» романида бу усулдан унумли фойдаланган. Адиб романида қаҳрамонлар нуктаи назари доираси ҳамда имкониятларини жиддий равишда янгилади ва камровини бир қадар кенгайтирди. Маълумки, бу романда уч ҳикоячи иштирок этади. Улардан бири романнинг бош қаҳрамони Назар Яхшибоев бўлиб, у ҳикоячи сифатида бевосита иштирок этмайди, балки ёзувчи айтаётган қўшиққа жўровоз бўлади. Ҳатто айрим ўринларда ашуланинг кўп қисмини Яхшибоев яқка овозда, баланд пардада қўйлаётгандек туюлади. Шунда унинг ёнидаги жўровози — муаллиф жим туради, унинг бемалол «қўйлаб» олишига шароит яратади. Шу билан бирга муаллиф рўй бераётган ёки бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларга қаҳрамони Назар Яхшибоев нигоҳи билан қарайди ва таҳлил қилади.

Ўтган асрнинг 80—90-йилларига келиб ўзбек адабиётида баён марказига қаҳрамон нуктаи назари илгари сурилган асарлар хийла кўпайди. Бунда ўз-ўзидан ёзувчи позицияси ифодаланишининг шакллари тубдан ўзгаришга учради. Муаллиф нутқи йўналишига қаҳрамон нуктаи назарининг қўшилиши XX аср ўзбек адабиётининг бошловчилари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор кабилар ижодида кўртак ота бошлаган эди. Нуктаи назар иборасининг маъносини уч хил тушуниш мумкин: 1. Воқеаларни ҳикоя қилишда, муносабат билдиришда асар қаҳрамонларидан бирининг фикридан фойдаланиш, шартли равишда ҳикоя қилишни топшириб, уни йўналтириб, назорат қилиб туриш. 2. Асар қаҳрамонларини ўзганинг ёки бир-бирининг нигоҳи билан кўриш ва тасвирлаш. 3. Муаллиф нутқи таркибига қаҳрамон нутқига хос сўз ва ибораларнинг кириб келиши ва муаллиф фикри, қарашлари, муносабати билан ассоциацияга киришиб, ғоявий-эстетик вазифани адо этиши.

Шуниси муҳимки, қаҳрамон нуктаи назари асарнинг барча конструктив элементларини қамраб олади ва бирлаштириб туради. Бу хусусият сўнгги йиллар ўзбек адабиётида дунёга келган йирик эпик жанрнинг асосий фазилатига айланиб бораётганлиги қувончлидир. Зеро, бу шакл кичик жанрлардан кўра йирик жанрларда кўпроқ самара бермоқда. Масалан, Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романида энг кўп нуктаи назар комиссар Соат Фаниевга тегишлидир. У ўзи учратган ҳар бир одамга биринчи галда жиноятчи сифатида қарайди ва бу унинг суҳбатдошига қарашида, сўзларида, ички нутқида аён бўлади. Унинг нуктаи назаридан ҳеч ким ва ҳеч нарса қочиб қутула олмайдди. Ҳатто ўзи юзма-юз бўлмаган кимсага нисбатан ҳам комиссарнинг баҳоси тайин бўлади. Мурод Мухаммад Дўстнинг «Лозазор» романининг бош қаҳрамони Назар Яхшибоевнинг нуктаи назаридан ҳам холи бирон нарса йўқ. Ҳатто қиссанавис Саидкул Мардон ҳикоясида ҳам унинг нуктаи назари сезилиб туради.

Кейинги йилларда самарали ижод қилаётган Омон Мухтор романларида муаллиф аралашувининг ўзига хос шакллари кўзга ташланмоқда ва улар адабиётшунослик фани олдида жиддий тадқиқ этиш вазифасини қўймоқда. Бундай ўзига хос шакллардан бири баёнчининг шартли равишда икки қиёфага бўлинишидир. Асар воқеаларини ҳикоя қилиш муаллиф томонидан олиб борилганими ёки қаҳрамон ҳикояси асосига қуриладими, бундан қатъи назар ёзувчи ўз «мени»ни яширмайди. У ё қаҳрамоннинг энг яқин кишини ёки тасавуридаги ўқувчининг суҳбатдоши сифатида намоён бўлади. Шунингдек, муаллиф асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг бевосита иштирокчиси бўлиб қўриниши ҳам мумкин. «Кўзгу олдидаги одам» романидаги воқелик бир йигитнинг ўз тилидан ҳикоя қилинди». Шунга қарамай, асардаги «Кириш» ва «Биринчи саҳифа»нинг икки қисмида муаллиф ҳикоячи ўрнида бевосита ўзини намоён қилади. Ёзувчи тўғридан-тўғри ўқувчига мурожаат қилиб, «Эшитганмисиз, йўқми... Ширинкўл деган жой бор!» дейди-да, «Мана шу Ширинкўлда жуда антиқа воқеа рўй берган»лигини

ҳикоя қилмоқчи бўлади. Ҳикоячи Валижон «мен»и эса, «Биринчи саҳифа»нинг 3-қисмида кириб келади.

«Ффу» романида ҳам муаллиф тасаввурдаги ўқувчиси билан мулоқотга киришиб, унга «Бу ёзганим барчаси эски гап. Биронта янги гап йўқ! Тополмайсиз. Лекин Сизни эски гаплар... қизиқтирмайдими?!» дея мурожаат қилади. Сўнгра уни ҳикоясини диққат билан тинглашга таклиф қилади: «Остонада овора қилмай, ичкарига бошлайвер — гапингни гапиравер чўзмасдан, дейсизми?! Ҳа, албатта. Демак... Марҳамат!»

Шубҳасиз, муаллифнинг баёнда ўзини бундай аниқ шахс сифатида намоён қилиши воқеаларни тасвирлашда имкониятларининг бир қадар чекланишига ҳам олиб келади. Чунки муаллиф ўзини биринчи шахс ва, айниқса, воқеалар иштирокчиси сифатида тақдим этганда фақат ўзи кўрган, гувоҳи бўлган ёки бевосита қатнашган ва эшитган воқеа-ҳодисаларнигина ҳикоя қилиб беришга мажбур бўлади. Ваҳоланки, бадий асарда адиб тасаввури кўламининг кенглиги муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан Омон Мухтор гарчи киришда муаллиф ўзлигини аниқ тақдим этса-да, асосий воқеаларни ҳикоя қилишда ўзини бирмунча четга олади, учинчи шахс ролини бажара бошлайди, баёни қаҳрамонлардан бирига топширади ёки нутқи таркибига биронта қаҳрамон нуктаи назарини сингдириб юборди. Шунга қарамай ёзувчи муаллиф сифатидаги вазифасини аниқ бажаради, қандай бўлмасин, ҳикоя йўналишини ўзи бошқариб туради.

Ҳозирги насрий асарларда тасвирланаётган ҳар бир нарсага қаҳрамон нуктаи назарини сингдиришга, демак, унинг хизмат доирасини кенгайтиришга интилиш гоят кучаймоқда. Қаҳрамон нигоҳи ниманики қамраб олса ва уларнинг ҳар бирини ўзи қандай идрок қилса, шундай тасвирлашга ҳаракат қилинапти. Қаҳрамон эса илоҳи борича ўзганинг ҳаёт тарзига чуқур кириб боришга, атрофидагиларнинг ниятларини яхшироқ тушуниб олишга интилади. Ҳеч шубҳасиз, қаҳрамоннинг ташқи борлиққа қарши ўзига хос муносабат билдириш шаклидир. Чунки ташқи олам тасвири ички дунё таҳлили билан узвий бирлашиб кетади.

Бинабарин, баёнда қаҳрамон нуктаи назарига ҳаддан зиёд кўп ўрин бериш ҳам баённинг аънавий турлари тузилишига салбий таъсир қилиши, унинг функциясини ўзгартириб юбориши мумкин. Аслида усиз ҳам муаллифнинг билвосита нутқи ўзи пайдо бўлган пайтдан бошлаб вазифаси ва кўламини тобора кенгайтириб бораётганлиги сир эмас. Бу фазилат, айниқса, ҳозирги насримиз учун жуда муҳимдир. Чунки ёзувчиларимизнинг маҳорати эвазига қаҳрамон нуктаи назари асар баёни қурилмасига сиғишиб, унинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Ички нутқни беришнинг аънавий воситаси ҳисобланган қаҳрамон нутқи айни чоғда нуктаи назар шаклини касб этиб, ҳозирги пайтда воқеликни баён қилиш билан бирга тасвирлаш вазифасини ҳам ўз зиммасига олгани учун тобора мураккаблашиб борапти. Натижада ҳозирги замон насрида муаллифга дахлдор билвосита нутқнинг ранг-баранг шакллари кўзга ташланмоқдаки, уларнинг энг муҳимлари куйидагилардир:

1. Ҳикоя характеридаги билвосита нутқ бўлиб, бу шакл Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар», Мурод Мухаммад Дўстнинг «Лолазор», Муроджон Мансуровнинг «Мангу жанг» романларида муваффақиятли қўлланилган. Чунончи, «Икки эшик ораси» романида Ўткир Ҳошимов воқеаларни ҳикоя қилишни тўласича қаҳрамонларга топширади. Бу вазифадан фақат Ориф оқсоқол, Ҳусан дума, Башорат хола билан Парча опалар озод қилинган, холос. Энг кўп ҳикоя қилиш вазифаси Музаффар билан Робия зиммасига юклатилган. Ҳикоячи-қаҳрамонлар ранг-баранг мавқега, дунёқарашга, турлича ёшга эга бўлганлигидан уларнинг ҳикоясини муаллифнинг ўзи бошқариб, бир-бирига бирлаштириб, бадий жиҳатдан безаб туради. Пейзаж тасвирлари, қаҳрамонлар ҳолати ва бир-бирларига муносабатини ифодалашда уларнинг орқасида сўзсиз ёзувчи пайдо бўлади. Сиртдан «мен» ҳикоячи қаҳрамон сўзлаётгандек туйилса-да, аслида, кўп тасвирлар айнан ёзувчи — муаллифга тегишли эканлигини сезиб турамыз. Бобларга қўйилган кичик сарлавҳаларнинг кўпи ҳам бевосита муаллиф мақсадини ифодалаш учун унинг томонидан қўйилган. Бу ҳақда адабиётшунос олим Умарали Норматов романнинг илк нашрига ёзган сўнги сўз ўрнидаги «Тақдирлар романи» мақолисида гоят тағзаминли фикр билдиради: «Шуниси характерлики, муаллиф воқеаларга бевосита аралашмайди (демак, билвосита аралашади — И. С.) мухтасаргина сўзбошидан сўнг асарда у бевосита кўринмайди (демак, билвосита кўринади — И. С.) сўз, ихтиёр бутунича қаҳрамонларнинг ўзига берилади. Қаҳрамонлар эса, ўз бошидан ўтганларни ўзлари сўзлашга киришадилар». Хуллас, романдаги ҳикоялаш усулини шартли деб қабул қилиш ўринлидир.

2. Муаллифнинг билвосита нутқи диалог репликасига яширин жавоб тарзида пайдо бўлади. Бу хусусиет кўпроқ Омон Мухтор романларида кўзга ташланмоқда. Масалан:

«— Гап йўқ. Жоним билан! — деди Олим Ҳамидани кузатаётиб... бир жиҳатдан яши бўлди (Ҳамида учун! Кўнгли тинч кетади!)»

3. Субъектив муаллиф нутқида суҳбатдошига ҳаёлан мурожаат қилиш шакли ҳам кўпроқ «Лолазор», «Ффу» романларида учрайди.

4. Қаҳрамонларнинг ўз-ўзига мурожаати ҳам муаллифнинг билвосита ўз қаҳрамонига берган баҳоси, муносабати тарзида намоён бўлади. Гарчи қаҳрамон ўз-ўзини баҳолаётган, муҳокама қилаётган бўлса-да, унинг оҳангда муаллиф овози баралла эшитилиб туради.

Демак, XX аср охиридаги ўзбек насри намуналарида муаллиф нутқининг ранг-баранг шакллари кўп учратиш мумкин. Ўқорида қайд этилган ижодкорлар, хусусан Омон Мухтор, Мурод Мухаммад Дўст каби ёзувчилар асарларида келтирилган мисоллар бу фикрларимизни тўла исботлайди. Чунки, улар ўз ижодида биринчилардан бўлиб, воқеликни тасвирлашнинг кинематографик баён услубини кашф этдилар. Унинг афзаллиги шундаки, ёзувчи ўз эътиборини муҳимроқ нуктага қаратиш ва уни йирик планда кўрсатиш имконига эга бўлади. Бу роман воқеалари ва ғоясини ўқувчига изчил, тўлақонли етказишга кўмаклашди ҳамда кўповозиликни вужудга келтиради.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари номзоди

МУНДАРИЖА

БУ СЕНИНГ ХАЁТИНГ	
Омон Мухтор. Гўзаллик ҳақида кўшиқ	5
ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР	
Нигора Усмонова. Бағримда гуллади афсонавий ишқ	10
ШАХС ОЛАМИ	
Омон Матжон. Халоскор руҳ. <i>Бадиҳа қисса</i>	13
ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ	
Рауф Парфи. Сўнмас руҳимизда матонат асло	36
Самандар Воҳидов. Ишқ аро дил булбули	39
Зикрилла Неъмат. Юрагим бир ширин умиддан эриб	69
Маҳмуд Йўлдош. Дилимдаги интиқ оху	72
АСРЛАР, АСАРЛАР	
Хуршид Дўстмуҳаммад. Жим ўтирган одам. <i>Ҳикоя</i>	42
Аъзам Қозихўжа. Ўлимдан қутулиш. <i>Ҳикоя</i>	58
Абдуқаюм Йўлдош. Отчопар. <i>Қисса</i>	74
ҚУТЛОВ	
Олимжон Холдор. Майсалар силкиниб ростлар қаддини	116
Абдулҳамид Нурмонов, Абдумутал Абдуллаев, Ҳалим Карим. Имконият ва маҳорат	117
САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА	
Чўлпон Эргаш. Аросат (Раҳмон восвос) <i>Хаёлий-кечмиш дostonдан манзара</i>	122
БОЛАЛАР ДУНЁСИ	
Муҳайё Тўлаганова. <i>Ҳикоялар</i>	131
УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ	
Тилак Жўра. Йўлларингга йўлим туташсин	135
ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ	
Маҳмед Ниёзий. Ҳайитлик	138
Жуброн Халил. Бўронда қолган қуш	144
АДАБИЙ ДАВРА	
Шукур Жонбоев. Навоий — тилшуносликда	150
Нурбой Абдул Ҳаким. «Илм андоғ ганжи нофиъдур...»	151
Гулбахор Юсупова. Гавҳаршод бегимнинг нурли сиймоси	155
Йўлдош Солижонов. Нуқтаи назар имкониятлари	157

Безовчи рассом Абдухалил Турсунов.

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. * Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. * Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. * Обунага монельлик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темура тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 9.09.2002 й. Босишга рухсат этилди 15.10.2002 й. Қоғоз формати 70x108 1/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1800 нусха. Буюртма № 3996.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.